Kokand University

Ш.МУСТАФАКУЛОВ, А.ИСЛАМОВ
Қ.ИСАЕВ, О.РАХИМБЕРДИЕВ

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

ДАЙЖЕСТ

QO‘QON UNIVERSITETI

Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг
30 йиллигига бағишланади!

Ш.МУСТАФАКУЛОВ, А.ИСЛАМОВ
Қ.ИСАЕВ, О.РАХИМБЕРДИЕВ

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

(Дайжест)

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 339(075)
КБК 65.5(9).
М 56

Ш.И.Мустафакулов, А.А.Исламов, Қ.А.Исаев, О. А. Рахимбердиев. Халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар. – [Матн] / – Т.: «Илм-фан ва инновация», 2022, 332 бет.

ISBN: 978-9943-7965-8-4

Мазкур дайжест халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар тарихи, уларнинг бугунги кундаги фаолият кўлами, устувор йўналиш ва вазифалари тўғрисида қисқача ахборот беради. Дайжестнинг афзаллиги шундаки, унда ривожланган давлатларни глобал муаммоларни ҳал этиш йўлида бирлаштираётган, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашаётган ва иқтисодий ҳамкорликни кўп томонлама тартибга солиб келаётган 100 дан ортиқ ҳукуматлараро даражадаги ташкилотлар ҳамда нодавлат ташкилот ва бирлашмалар профили, уларнинг фаолият мақсадлари, ҳаракат траекторияси аниқ таснифланган.

Шунингдек, интеграциялашувни мақсад қилган миллий ташкилотларнинг давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдаги аҳамияти аниқ рақамлар ва далиллар асосида ёритилган. Дайжест иқтисодиёт, молия таълим йўналишлари талабалари, илмий тадқиқотчилар ва ёш изланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, жами 22 боб ҳажмида ўрин олган мавзулар хронологик нуқтаи назардан очиб берилган.

УЎК: 339(075)
КБК 65.5(9)

Масъул муҳаррир:

Адхам Бекмуродов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Бахтиёр Исламов – Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали профессори, иқтисодиёт фанлари доктори;

Низомиддин Урмонов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Корпоратив бошқарув" кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди.

Ўқув қўлланма Кўқон университети Кенгашининг 2022 йил 15 мартдаги 7-сон қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-7965-8-4

© «Илм-фан ва инновация», 2022.

МУНДАРИЖА

I БЎЛИМ.
ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

1-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Жаҳон хўжалик алоқалари ва унинг ривожланишидаги замонавий тенденциялар 10
1.2. Жаҳон хўжалиги тизимида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши 13
1.3. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ривожланиш босқичлари 17

2-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

2.1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг замонавий классификацияси 21
2.2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солиш тизимида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ўрни 26
2.3. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолияти ривожланишининг замонавий тенденциялари 29

II БЎЛИМ
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

3-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

3.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг ривожланиш эволюцияси 32
3.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибий тузилиши ва бошқарув жараёни 36
3.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги халқаро конвенцияларда тинчлик ва иқтисодий хавфсизлик масалалари 39

4-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ

4.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиялари 43
4.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиясининг ташкилий тузилмаси, тараққиёт дастурлари ва минтақавий комиссиялари 44
4.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиялари ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий шартлари ва ривожланиш тенденциялари 47

5-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРЛАРИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

5.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг халқаро иқтисодиётдаги роли 53
5.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда Инсон тараққиёт индексининг тутган ўрни 57

III БЎЛИМ
ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

6-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ

6.1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг мақсади ва вазифалари 60
6.2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ташкилий тузилмаси ва молиялаштириш йўналишлари 62
6.3. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ҳамкорлик шартлари ва лойиҳаларининг асосий хусусиятлари 64

7-БОБ. ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ

7.1. Жаҳон савдо ташкилотининг ривожланиш босқичлари 66
7.2. Жаҳон савдо ташкилотининг ташкилий тузилмаси, ҳамкорлик шартлари ва аъзо мамлакатларнинг умумий имтиёзлари 68
7.3. Жаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон 71

8-БОБ. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ

8.1. Халқаро меҳнат ташкилотининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни 78
8.2. Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари 83
8.3. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари 89

9-БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ

9.1. Жаҳон хўжалигида Халқаро туризм ташкилотининг ўрни 92
9.2. Халқаро туризм ташкилоти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари 94
9.3. Ўзбекистон ва Халқаро туризм ташкилоти ҳамкорлигининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти 102

10-БОБ. ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ

10.1. Интеллектуал салоҳият ва унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни 106
10.2. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг таркибий тузилиши ва асосий тамойиллари 109
10.3. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлик истиқболлари 112

11-БОБ. НОРАСМИЙ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, КЛУБЛАР ВА КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

11.1. Жаҳон иқтисодий форуми 115
11.2. Молиявий-иқтисодий аҳамиятга молик клублар фаолияти 117
11.3. Иқтисодий етакчиликка даъвогар гуруҳлар фаолияти 121
11.4. Жаҳон хўжалиги алоқаларида халқаро институционал жамиятлар фаолиятининг тутган ўрни 123

IV БЎЛИМ
ХАЛҚАРО БАНК ВА МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

12-БОБ. ЖАҲОН БАНКИ ГУРУҲИ

12.1. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки 136
12.2. Халқаро тараққиёт ассоциацияси 140
12.3. Халқаро молия корпорацияси 143
12.4. Инвестицион кафолат масалалари бўйича агентлик 144
12.5. Инвестицион муаммоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ 145
12.6. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Жаҳон банки лойиҳаларидан фойдаланишнинг самарали йўналишлари 147

13-БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ ЖАҲОН ВАЛЮТА-МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЎРНИ

13.1. Жаҳон молия-валюта тизимида Халқаро валюта фондининг ўрни 151
13.2. Халқаро валюта фонди ривожланишининг замонавий тенденциялари 153
13.3. Ўзбекистон ва Халқаро валюта фонди ҳамкорлигининг истиқболли жиҳатлари 156

14-БОБ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР БАНКИ

14.1. Халқаро ҳисоб-китоблар банки ривожланиш тарихи ва бошқарув тузилмаси 163
14.2. Халқаро ҳисоб-китоблар банки фаолиятининг асосий йўналишлари ва молиялаштириш манбалари 170

15-БОБ. ИСЛОМ МОЛИЯСИ ВА ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

15.1. Ислом молиясининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни 177
15.2 Ислом молиясига асосланган халқаро ташкилотлар тавсифи 186
15.3. Ислом Тараққиёт банкининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари 188

V БЎЛИМ
МИНТАҚАЛАР ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

16-БОБ. ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИОН ГУРУҲЛАРИ

16.1. Жаҳон хўжалигининг ҳудудий тартибга солиниши 191
16.2. Европа Иттифоқи 196
16.3. Европа валюта иттифоқи 207
16.4. Европа инвестиция ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банклари фаолияти 209
16.5. Европа эркин савдо ассоциацияси 213
16.6. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти 215

17-БОБ. АМЕРИКА ҚИТЪАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

17.1. Америка штатлари ташкилоти (ОАС) ва Шимолий Америка эркин савдо шартномаси (НАФТА) 218
17.2. Америка мамлакатлараро инвестиция корпорацияси 223
17.3. Лотин Америкаси Кариб денгизи ҳавзасидаги халқаро ташкилотлар 223
17.4. Америка марказий иқтисодий интеграция банки 227

18-БОБ. ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИНИНГ ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

18.1.Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 229
18.2. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлар ассоциацияси 232
18.3. Жанубий Тинч океани форуми 234
18.4. Ишлаб чиқариш масалалари бўйича Осиё ташкилоти 236
18.5. Осиё Тараққиёт банки 237
18.6. Осиё Тараққиёт банкининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик йўналишлари 242

19-БОБ. АРАБ ВА АФРИКА МИНТАҚАСИДАГИ МАМЛАКАТЛАР РИВОЖЛАНИШИДА ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИ

19.1. Араб мамлакатларининг интеграцион бирлашмалари 246
19.2. Араб иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жамғармаси 248
19.3. Араб валюта фонди 251
19.4. Форс кўрфази давлатлари ҳамкорлик кенгаши 252
19.5. Африка бирлиги ташкилоти 255
19.6. Марказий Африка божхона ва иқтисодий иттифоқи 257
19.7. Африка мамлакатларидаги молиявий ташкилотлар 259
19.8. Ғарбий Африка давлатларининг иқтисодий ҳамжамияти 261
19.9. Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти ҳамда Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори 263

20-БОБ. КЎП МИНТАҚАВИЙ ҲАРАКТЕРГА ЭГА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

20.1. БРИКС фаолиятининг умумий тавсифи ва аъзо мамлакатлар иқтисодиётига таъсири ... 264
20.2. Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги халқаро молиявий ташкилотлар ... 269
20.3. Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ... 274
20.4. Евроосиё иқтисодий иттифоқи ... 277
20.5. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва унда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ... 282
20.6. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ... 298

VI БЎЛИМ
АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАР ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО ТАШКИЛОТЛАР

21-БОБ. ЖАҲОН ТОВАРЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

21. 1. Нефть маҳсулотлари бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар ... 302
21.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича халқаро ташкилотлар ... 306
21. 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибга солувчи ташкилотлар ... 308

22-БОБ. БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

22. 1. Товарларни сертификатлаш ва стандартлаштириш тизимида халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти ... 310
22.2. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) ... 315
22. 3. Патентлар бўйича Европа ташкилоти (ЕПО) ... 317
22.4. Фуқаролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти ... 319

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ... 322
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚАРОРГОҲЛАРИ РЎЙХАТИ ... 324

"Мен илм марказиман, марҳамат, келинг. Ким бўлишни истасангиз, шунга эришасиз. Обрў-эътибор қозонасиз, олим бўласиз. Билимларни тартибга солинг, уларни бошқалар билан баҳам кўринг, уларни авайлаб сақланг. Илмда саботли ва ҳалим бўлинг".

Абу Инония мадрасаси пештоқида
ёзилган битик.

МУҚАДДИМА

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги беш йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий-иқтисодий институтлар билан ҳамкорлик алоқалари янги тарихий босқичга кўтарилди.

Ўз навбатида, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларни бу борадаги энг янги маълумотлар ва билимлар билан "қуроллантириш", ўқув адабиётларининг замонавий авлодини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Қўқон университети олимлари, педагог-ўқитувчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ана шундай янги замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашга алоҳида урғу бериляпти.

Эътиборингизга тақдим этилган ушбу дайжестни яратишда муаллифлар Ўзбекистонда қулай, шаффоф ва конструктив ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшувчи замонавий мутахассис-кадрларни тайёрлашни бош мақсад қилиб олишган. Дайжестда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиш тенденциялари, генезиси босқичлари, замонавий классификацияси ва жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланишидаги аҳамияти ёритилган.

Дайжестни ўқир экансиз, жаҳон хўжалиги алоқаларида халқаро институционал жамиятларнинг тутган ўрни ҳақида билимлар олиш билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро туризм ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқа юзлаб давлат ва нодавлат ташкилотлар, клублар ва кенгашлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлик истиқболлари хусусида маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, Ғарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё ва Тинч океани, Араб ва Африка минтақаларидаги мамлакатларда ташкил этилган бизнес фаолиятини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларнинг барча хусусиятлари ҳақида маълумотлар жамланган ва таҳлил этилган, ушбу дайжест иқтисодиёт, молия таълим йўналишларида таълим олаётган талаба-ёшлар ҳамда мустақил изланувчилар учун муҳим манба вазифасини ўташи, шубҳасиз.

1-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Жаҳон хўжалик алоқалари ва унинг ривожланишидаги замонавий тенденциялар

XX асрнинг иккинчи ярмидан жаҳон хўжалиги фаолиятида янгиланиш, халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши кузатила бошлади. Ушбу жараёнлар натижасида жаҳон иқтисодиётида бир-бирига боғлиқ бўлмаган хўжаликлар ёки ўзаро иқтисодий муносабатларга киришмаган мамлакатлар жадаллик билан қисқара бошлади. Бугунги кунда жаҳон хўжалигининг ривожланиши инсонларнинг ўзаро иқтисодий фаолияти натижаси сифатида ўзининг юқори поғонасига кўтарилди.

Иқтисодиётга оид бир қатор адабиётлар, шунингдек кундалик ҳаётимизда "Жаҳон хўжалиги", "Жаҳон иқтисодиёти" тушунчалари кўп ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам жаҳон хўжалиги ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга бойлиги ва иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви билан бутун бир тизимни ҳосил қилади. Бироқ, шундай бўлса-да, иқтисодий адабиётларда "Жаҳон хўжалиги", "Жаҳон иқтисодиёти" ибораларига аниқ тавсиф берилмаган. Аммо бу ибораларнинг иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва унга бўлган концептуал ёндашувлар қуйидагилар орқали ифода этилади:

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ўзаро меҳнат тақсимотига асосланган иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатган миллий хўжаликлар йиғиндиси;	**ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ** халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига эга бўлиб, савдо-сотиқ, молиявий муносабатларни ўз ичига олган капитал ресурслар ва ишчи кучидан турлича фойдаланувчи жамият;	**ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ** глобал иқтисодий тизим – бу тизим ишлаб чиқаришни ўзида ташкил этиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий ва сиёсий чегараларини ўрнатувчи хўжаликдир

Жаҳон хўжалиги бир бутун, яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Ушбу бутунлик орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон хўжалигининг ташқи ва ички бозорларига чиқарилади ва товар-пул муносабатлари шаклида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиёти жуда мураккаб, иерархияси кўп поғонали, айни пайтда тузилиши ниҳоятда нотекис тизимдир. Масалан, АҚШ, Германия ва Япония давлатлари бутун ер шари аҳолисининг 8 фоизини ташкил этиб, жаҳонда сотиб олинаётган маҳсулотларнинг 1/3 қисми ушбу давлатлар улушига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида тизим тушунчаси – кенг маъноли ва ҳаракатланувчи куч бўлиб, у умумий мақсадлар сари интилади. Бу тизимга кирувчи ички тизимлар эса махсус характерга эга бўлган секторлардир. Сектор кичик тизим сифатида аниқ мақсадга йўналтирилган, бироқ бу тизимлар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда иш юритиб, ўзаро таъсир кўрсатиш характерига эга бўлади. Акс ҳолда тизим тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти тизими юридик ва ноюридик шахслар томонидан давлатлараро иқтисодий алоқаларни йўлга қўювчи, халқаро нормаларда иш юритувчи, якка тартибда фаолият кўрсатишга асосланган.

Жаҳон хўжалиги – тарихий ва сиёсий категория. Ушбу категория ижтимоий-иқтисодий структура бўлиб, ҳар бир даврда ўзининг ишлаб чиқариш тарихига ва сиёсатига эгадир.

Жаҳон хўжалиги тизими алоҳида элемент ва субъектлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлари поғонали ривожланиб боради. Давлатлараро муносабатларда халқаро поғонани ташкил этиб, халқаро меъёр ва қоидаларни бошқаради. Миллий чегарадан ташқарида фаолият юритувчи муносабатлар – трансмиллий поғонани ташкил этади. Бунга ўзининг ахборотига ва тизимига эга бўлган ташкилотлар киради. Ушбу поғона алоҳида бир автоном тизимга эга бўлиб, бошқарув назоратидан четда фаолият кўрсатади.

Жаҳон хўжалиги тизими ижтимоий-иқтисодий соҳада турлича ривожланиб бормоқда. Ушбу соҳада юқори поғонани ривожланган мамлакатлар эгаллаган ва шу боис, унда ижтимоий-иқтисодий соҳада рўй бераётган жуда кучли рақобат ва қарама-қаршиликларни кўриш мумкин.

Жаҳон хўжалигида фаолият маълум бир мақсадлар сари интилувчи хўжалик субъектлари орқали амалга оширилади. Субъектлар ишлаб чиқариш омилларини, ривожланиш жараёнларини йўлга қўяди. Жаҳон хўжалик тизимининг субъектлари керакли капиталга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил эта оладиган, халқаро хўжалик муҳитида фаолият юрита оладиган, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган гуруҳлардир. Унга трансмиллий корпорациялар, миллий давлатларнинг хўжалик тизимлари, ҳудудий интеграция бирлашмалари, халқаро иқтисодий ташкилотлар киради.

Давлат – жаҳон хўжалик тизимининг асосий субъекти ҳисобланади. Давлат сиёсий ва иқтисодий жамиятнинг органи (синф ва гуруҳларнинг) бўлиб,

аҳоли эҳтиёжларини қондирадиган субъектдир. Кишилик жамиятида синф ва гуруҳлардан иборат субъектлар ўз қизиқишларини давлат миқёсидаги қизиқишларга айлантиради. Ўз навбатида давлат маълум манфаат йўлида улар билан бирлашади ва ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўяди.

Жаҳон иқтисодиётида давлатнинг ривожланиши миллий хўжаликларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётда эса аниқ хўжалик комплекслари фаолиятига асосланганлиги боис давлат ушбу комплексларни четдаги салбий аралашувлардан ҳимоя қилади. Иқтисодиётда давлат миллий чегарадан бозорга чиқишда, капитал жамғаришда, умуммиллий алоқаларни тиклаш мақсадида ички ва ташқи алоқаларни назорат қилади, ички маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради. У асосан, миллий даромаднинг давлат томонидан тақсимланиши орқали амалга оширилади.

Давлат хўжалик фаолиятида фаол қатнашиб товар, маҳсулот, хизмат кўрсатиш соҳалари орқали капитал жамғариб боради ҳамда ички маҳсулотлардан олинадиган улуш ҳисобига хусусий даромад ортиб боради.

Умумдавлат сарф-харажатларига ҳокимият органларининг сарф-харажатлари ҳам киради. Давлат капитал-маблағ кўпайтириш ҳажмига ички ва ташқи таъсирини ҳам кўрсата олади. Ички ишлаб чиқариш маҳсулотдан олинадиган капитал-даромад 0,7-14% ни ташкил этади. Саноат тармоқларининг ривожланиши давлатнинг капитал жамғармалари ва субсидияларига боғлиқдир. Бунга мисол қилиб ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва илмий-тадқиқот соҳаларини кўрсатиш мумкин.

Давлат иш билан таъминловчи йирик орган сифатида тўғридан-тўғри тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ушбу ишбилармонлик фаолияти иқтисодий тангликнинг олдини олади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда ёрдам беради. Масалан, ўтган асрнинг охирги чорагида давлат ички ишлаб чиқариш маҳсулотларини 20 % гача ошириш, миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали ишлаб чиқаришни бошқарган.

Давлат ўз ҳокимият монополияси ёрдамида миллий стратегияни амалга оширади. Жамиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, пул-кредит муносабатларини бошқаради, инфратузилмани ривожлантириб, ижтимоий соҳани ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон хўжалиги йирик тизим бўлиб, у турли тизимлардан таркиб топган. Тизимлар ўзининг ривожланиш жиҳатлари билан биргина ўзига хос вазифаларни эмас, балки умумий глобал тизимнинг муаммоларини ҳам ҳал этишга қодир.

Жаҳон хўжалиги тизимида тизимости соҳаларининг ажралиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради:

- ижтимоий хўжалик структурасининг характери;
- иқтисодий ривожланиш режаси;
- иқтисодий ўсишнинг тури;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси ва характери.

Жаҳон хўжалиги тизимидан тизимости соҳалари ажралиб чиқишининг асосий сабабларидан бири – хўжалик ижтимоий-иқтисодий тузилмасини хусусийлаштириш ҳисобланади. Хусусийлаштиришни амалга оширилиши жаҳон ҳамжамияти ривожланишига, шунингдек жамият муносабатлари ўзаро ўрнатилишига таъсир кўрсатади.

1.2. Жаҳон хўжалиги тизимида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши

Жаҳон хўжалиги тизимида амалга ошаётган товар айирбошлаш жараёни халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада ўзаро ҳамкорлик қарорларини ишлаб чиқиш, ижросини назорат қилиш, келишув қарорларини бирхиллаштириш (унификациялаш) заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солишнинг объектив зарурияти халқаро иқтисодий ташкилотлар шаклланишига замин ҳозирлади.

Халқаро ташкилотлар пайдо бўлишининг дастлабки манбалари Қадимги Юнонистонда қабилалар иттифоқлари даврига (давлатгача бўлган давр) тўғри келади. Ўрта асрларда Гансесат лигаси ва Германия Божхона иттифоқи замонавий халқаро ташкилотларнинг прототипини намойиш этган. Бироқ, том маънодаги замонавий халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишига Вестфаль конгресси томонидан давлатларни миллийлаштириш концепциясига асос солинган.

Халқаро муносабатлар ривожланишида давлатчилик мақомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни жадал саноатлаштиришга асос солган Франция, илк бор жамиятни демократлаштиришга таъмал тошини қўйган АҚШ муҳим роль ўйнади. Бу давлатлараро муносабатларни муқаррар кучайишига олиб келган иқтисодиёт, фан ва технологияларни ривожлантириш иттифоқи эди ва бунинг учун қонун билан мустаҳкамланган янги стратегия ва ҳаракатларга эҳтиёж туғилди. Давлатлар томонидан ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларни яратишга қаратилган ҳаракатлар натижасида дунё сиёсатининг, иштирокчилари сифатида бир-бири билан ўзаро алоқа қилиш имконияти яратилди.

Замонавий биринчи халқаро ташкилотлар XIX асрда жаҳон саҳнасида пайдо бўлган. Халқаро савдонинг кенгайиши ва жаҳон бозорининг шаклланиши Рейннинг Навигация бўйича Марказий Комиссияси (1815 й.), Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси (1893 й.), Халқаро оғирлик ва ўлчовлар бюроси (1875 й.) кабиларга асос солди.

Ушбу давр учун халқаро конференциялар ривожланишининг қуйидаги белгилари характерли бўлган:

а) мақомига кўра ташкилотлар ҳукуматлараро даражада эканлиги;

б) замонавий халқаро ташкилотлар прототипларининг шаклланиши;

в) конференция чақирилишининг вақтинчалик хусусиятга эга эканлиги;

г) ташкилотлар фаолиятининг тор доирада бўлиши;

д) халқаро шартноманинг йўқлиги;

е) муаммоли масалалар фақат унинг ичида, ёпиқ тизимда ҳал қилинганлиги ва бошқалар.

Бундай ташкилотлар учун давлатлараро конференцияларнинг ўтказилиши ташкилотларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва мавжуд бозор позицияларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилган. Биринчи халқаро ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти денгиз ва дипломатия ҳуқуқи нормаларининг кодификацияси, глобал характердаги муаммолар билан боғлиқ.

Тарихан биринчи халқаро ташкилотларни ташкил қилишнинг бир неча йўли мавжуд. Биринчи усул – жаҳон конференциясининг резолюцияси асосида халқаро ташкилотлар органини ёки давлатлар ўртасидаги келишувни яратиш. Бу халқаро шартномадан фойдаланган ҳолда комиссиялар ва қўмиталарни шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчи усул, бир томондан, ташкилотлар комиссиялари ва қўмиталарининг ажралиб турадиган белгиси, бошқа томондан – яратилишнинг устун услубидир. Бундай комиссиялар ўзига хос бошқарув механизми ва ўзига хос хусусиятга эга, бироқ, ҳуқуқий субъектлик барча органларга тааллуқли бўлмайди.

Бу даврда халқаро конференциялар, халқаро комиссиялар ва қўмиталар, алоҳида халқаро органларнинг вакиллари, халқаро ташкилотларнинг ташаббускорлари сифатида тарихга кирди. Бироқ, улар ҳали халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш даражасида шаклланмаган.

Халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солиш – бу турли мамлакатлар томонидан жаҳон хўжалик алоқалари соҳасида ихтиёрий равишда қабул қилинадиган умумий мажбуриятлар ва қоидалар йиғиндисидан иборат.

Бу заруриятнинг шакллантириш шарт-шароитлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- божхона таъриф ставкаларини пасайтириш орқали халқаро савдони эркинлаштириш;
- жаҳон мустамлака тизимининг парчаланишини ва мустақил бўлган мамлакатларнинг ривожланишини таъминлаш;
- XX асрнинг 70-80-йилларидаги нефть экспорт қилувчи мамлакатлар сиёсати туфайли содир бўлган хомашё ва энергетик инқирозлар таъсирини юмшатиш;
- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларнинг чуқурлашуви, миллий иқтисодий тизимларни жаҳон хўжалигида рўй бераётган ўзгаришларга мослашувини таъминлаш;
- халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини интенсив ривожланишига замин яратиш;
- формацион ўзгаришларни мувофиқлаштириш;

▶ глобал муаммоларни юмшатиш ва бошқалар.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг асосини аъзо бўлган мамлакатларнинг фикр-мулоҳазалари, ўзаро келиштириш, манфаатларни бир мақсадга айлантириш, шунингдек, вазифаларидан келиб чиққан ҳамда уларни ҳал этиш, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ташкил қилади.

1.2.1- расм. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари

Ташкилотларнинг асосий фаолияти муҳокама, қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ижросини назорат қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Тартибга солишнинг асосий вазифаси қарор қабул қилиш, аъзо мамлакатлар фаолиятини, мақсадини аниқлашдан иборат. Халқаро ташкилотлар резолюцияси бевосита халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид келмайди, лекин ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларида ўз таъсирини ўтказади. Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина қоида ва меъёрлари дастлаб резолюцияларда ифодаланган ўз ифодасини топган.

Назорат қилиш вазифаси мамлакатларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, резолюцияларга бўлган муносабатини назорат қилишдан иборат. Шу мақсадда ташкилотлар тегишли ахборотномаларни йиғиш, текшириш, муҳокама қилиш ва резолюцияларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар. Кўп ҳолатларда мамлакатлар маълум бир миқёсга доир бажарилаётган вазифалари ҳақида доимий равишда маърузалар топшириш шарт.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тезкор вазифалари ташкилотларнинг ўз мақсадларига хусусий маблағлари ҳисобига эришишдан иборат. Кўпгина ҳолатларда ташкилотларнинг аниқ бир мақсадга етишишида мустақил аъзо мамлакатлардан фойдаланилади.

Ташкилотлар иқтисодий, илмий-техник ва консультацион ёрдам кўрсатадилар. Халқаро иқтисодий ташкилотларни турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин.

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолият йўналишлари бўйича универсал ва ихтисослашган ташкилотларга бўлинади.

Универсал халқаро иқтисодий ташкилотлар барча мамлакатларнинг иштирок этиши учун мўжалланган бўлиб уларга БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЕКОSOS), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЕS), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (ASEAN), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро савдо палатаси ва бошқалар киради.

Ихтисослашган халқаро ташкилотларга эса, фаолият соҳаси тор иқтисодий муносабатларни тартибга солишга ихтисослашган қуйидаги ташкилотлар киради: ЮНИДО (БМТ-СТТ- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саноат тараққиёт ташкилоти/UNIDO-United Nations Industrial Development Organization), ФАО (ОҚҲТ – Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти/FAO-Food and Agriculture Organization), ВОИС (Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти/WIPO-World Intellectual Property Organisation), МАГАТЭ (Халқаро Атом Энергияси Агентлиги/ IAEA-Internetional Atomic Energy Agency), ИЛО (ХМТ – Халқаро меҳнат ташкилоти/ILO – International Labour Organization),

Халқаро ташкилотлар ташкилий белгиларига қараб бўлинади:

- БМТ тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- БМТ тизимига кирмайдиган халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Минтақавий иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро ташкилотлар халқаро тартибга солиш доирасига қараб қуйидаги тартибда таснифланади:



Халқаро ташкилотлар аъзолигига фақат мустақил давлатлар аъзо бўла олади, шу билан бирга мамлакатларнинг бир қисми халқаро ташкилот аъзоси бўла олмайди. Ташкилотнинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқли ва унинг фаолияти учун жавобгардирлар. Улар ташкилот бюджетига аъзолик тўловлари ўтказишади ва ушбу тўловлар миқдори ҳар хил тақсимланиши мумкин.

Халқаро ташкилотларда кузатувчи мавқеи мавжуд бўлиб, у ташкилот органига кирмаган мамлакатлар учун берилади. БМТ Бош Ассамблеясининг кўпгина сессияларида Швейцария кузатувчи сифатида иштирок этган. БМТ нинг кўпгина аъзолари Хавфсизлик Иттифоқи мажлисларига ўз кузатувчиларини йўллайдилар.

1.3. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ривожланиш босқичлари

Замонавий дунёда ёпиқ тизим мавжуд бўлмаганидек, давлатнинг халқаро алоқаларда иштирокисиз этмай ривожланиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиши ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда унинг даражаси билан белгиланади. Бу жараён халқаро

ҳамкорлик натижаси бўлиб, ривожланишнинг бир неча босқичларидан ўтган глобал иқтисодиёт орқали бошқарилади.

Жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши буюк географик кашфиётлар даврида, минтақавий иқтисодий муносабатлардан дунё миқёсидаги муносабатларга ўтиш учун маълум шарт-шароитлар яратилган даврда бошланди. XV-XVII асрлардан бошлаб географик кашфиётлар натижасида халқаро савдо ривожланиши жадаллашди, денгиз транспортининг роли ортиб бориб, жаҳон иқтисодиёти янги шаклларга ўтишни бошлади.

XVII асрда мустамлака давлатлар ўртасида юк ташиш ҳажмининг ортиши Ўрта ер денгизи, Ҳиндистон ва Атлантика океанларининг ролини кучайишига олиб келди. Денгиз транспортининг ривожланиши нафақат халқаро алоқаларнинг ривожланишига, балки халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланишига замин ҳозирлади. Мавжуд вазият айни кунда ҳам халқаро иқтисодиётда ўз мавқеини сақлаб келмоқда, Бинобарин, бугунги кунда ҳам халқаро юк ташишнинг ўртача 80 фоизи денгиз транспорти ҳиссасига тўғри келади. Маълумки, XIX аср охири чораги транспорт саноати, хусусан қитъалараро темир йўллар ва денгиз транспортининг жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш алоқалари ва капиталнинг концентрациясига таъсир кўрсатиб, етакчи мамлакатлар капитал экспортини кенгайишига замин яратади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб оладиган халқаро ташкилотсиз қатнашиши мумкин эмас. Аммо, энг муҳими, халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар – иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда бирлашиш жараёни, бу халқаро муносабатларнинг институционализация жараёнига асос солади.

Халқаро савдо ва унинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришлар халқаро ташкилотларнинг ривожланиши ўзига хос таъсир кўрсатди. Шу боис, Халқаро ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг генезиси тўрт босқичга ажратилади.

Биринчи босқичда, фан ва технологиянинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошириб, XIX асрнинг ўрталаридан Биринчи Жаҳон уруши бошланишигача бўлган вақтни қамраб олади. Бу даврда халқаро маъмурий бирлашмалар транспорт, алоқа сингари халқаро муносабатларнинг тор тармоқларини тартибга солиш орқали халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг шаклланишига замин яратилди. Глобал иқтисодий бозорнинг пайдо бўлиши, халқаро транспорт, халқаро алоқа воситаларини ривожлантириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайиши, халқаро ҳуқуқнинг ролини ошиши халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг пайдо бўлишидаги асосий шарт-шароит сифатида намоён бўлади.

Халқаро ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи қуйидаги ташкилотлар билан характерланади:

1. Ерни ўлчаш бўйича халқаро иттифоқ (1864 й.).
2. Саноат мулкини ҳимоя қилиш халқаро иттифоқи (1883 й.).;

3. Оғирлик ва ўлчовлар бўйича халқаро қўмита (1875 й.).

4. Америка штатлари ташкилоти (1890 й.).

5. Халқаро Қизил Хоч қўмитаси (1863 й.).

Биринчи Жаҳон уруши бошланиши арафасида 212 та, шу жумладан, 20 таси ҳукуматлараро ташкилотлар фаолият юритган. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тавсифланмаган, балки халқаро муносабатларнинг иштирокчиси сифатида маълум бўлган.

1919 йилда умумий ваколатларга эга бўлган биринчи халқаро универсал ташкилот – Миллатлар Лигасининг ташкил этилиши халқаро муносабатларда тенглик принципини ҳаётга татбиқ этилиши билан халқаро иқтисодий ташкилотлар ривожланишининг иккинчи босқичига асос солди.

Бу даврнинг ўзига хос хусусияти низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш амалиётининг қўлланилиши, халқаро муносабатларда куч ишлатишни чеклаш ва тақиқлаш амалиётига ўтилиши, умумий юрисдикциянинг биринчи халқаро суд органини (Халқаро суднинг доимий суди) яратилиши, махсус ваколатларга эга универсал ташкилотлар, бирлашмаларининг шаклланиши билан характерланади. Иккинчи Жаҳон уруши бошланишидан олдин 618 та халқаро ташкилот, шу жумладан 48 та ҳукуматлараро ташкилотлар мавжуд бўлган, бироқ, ушбу босқичда ташкил этилган барча ташкилотлар юридик шахс мақомига эга бўлмаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши халқаро ташкилотлар ривожланишининг Учинчи босқичини бошлаб берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг амалдаги тизими 46 та универсал халқаро ташкилотларни ўз таркибига олганлиги билан тавсифланади.

Учинчи босқичнинг характерли жиҳати БМТ тизимига кирмайдиган ихтисослашган универсал ташкилотларнинг шаклланишидир. Улар жумласига дунёнинг йирик минтақаларида фаолият юритишга ихтисослашган Америка давлатлари ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотиларини киритиш мумкин.

Бу босқич халқаро ҳуқуқ талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва бунинг учун нодавлат халқаро ташкилотларни шакллантиришга эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу босқич халқаро ҳукуматлараро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги турларини (IMO-International Maritime Organization/ХДТ-Халқаро денгиз ташкилоти) – Европа Кенгаши, ГАТТ (Таърифлар ва савдо бўйича бош келишув/GATT-General Agreement on Tariffs and Trade)ЖСТни шаклланиши билан ҳам ажралиб туради.

Социалистик тузумнинг емирилиши, халқаро муносабатлардаги икки қутблиликнинг оммавий барҳам топиши Халқаро ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги тўртинчи босқичга асос солди.

Социалистик халқаро ташкилотлар тармоғи, шу жумладан, собиқ СССРнинг парчаланиши халқаро муносабатларнинг ўзгариши ва ЖСТ, ЕИ (Европа Иттифоқи) фаолият доираларини кенгайишига олиб келди. Ушбу босқичнинг муҳим хусусияти – кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар сингари Европа тикланиш ва тараққиёт банки фаолиятининг кенгайиши (ЕТТБ-Европа тикланиш ва тараққиёт банки/EBRD-European Bank for Reconstruction and Development) замин ҳозирлади. Ташкилотнинг мақсади янги ташкил этилган ва мустақилликка эришган мамлакатлар мақсадига ҳамоҳанг бўлиб, у бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусий ва тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришга қаратилгандир. Европа тикланиш ва тараққиёт банки уставига биноан, Марказий Осиё ва Шарқий Европада банк ресурсларининг 60 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Бошқа ҳар қандай банк сингари, ЕТТБ ўзининг тарихий фаолиятида демократия, плюрализм принципларига асосланади, ўз фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ядровий хавфсизликни таъминлаш каби глобал муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк тасарруфидаги 11 та махсус жамғармалар уни йирик инвестор сифатида фаолият олиб боришига имкон беради. Унинг фаолияти инвестиция мақсадлари учун самарадорликнинг ўзига хос барометри ҳисобланади. Тарихан ушбу ташкилот минтақавий характерга эга бўлса-да, ўз фаолиятини халқаро даражада амалга оширади ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсир қилади, лекин бошқа томондан, бу АҚШ ва Европа ҳамжамияти ўртасидаги тафовутларни кучайтиради.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар жаҳон саҳнасида давлатларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Халқаро ташкилотларнинг ташкил этилиши халқаро бозор муносабатларининг ривожланиши ва жаҳон бозорининг шаклланиши билан белгиланади.

Халқаро ташкилотлар инқироз, уруш ва урушдан кейинги жаҳон иқтисодиёти мувозанатсиз бўлган даврда давлатларга ёрдам кўрсатдилар. Тасдиқланган бошқариш механизми, мунозарали масалаларни мувофиқлаштириш ва инқирозни ҳал қилиш усуллари туфайли халқаро ташкилотлар иштирокчи давлатларнинг молиявий тикланишига ҳисса қўшди. Ушбу ташкилотлар ҳамкорлик, очиқ иқтисодиёт, эркин савдо ва бошқа ўрнатилган тамойиллар асосида иш олиб борди.

Халқаро ташкилотлар ўзига хос хусусиятларга ташкилот, жамғарма, банк, бирлашма, агентлик каби турли номларга эга бўлса-да, бу уларнинг мақомига таъсир қилмайди, чунки уларни мақсади глобал аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этиш ва глобал иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажаришдир. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичи глобаллашув ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг умумий интеграцияси билан тавсифланганлиги сабабли, халқаро иқтисодий ташкилотларга алоҳида ўрин ва аҳамият берилмоқда.

2-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

2.1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг замонавий классификацияси

Жаҳон иқтисодиётини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотларни иккита асосий тамойил-ташкилий ва кўп томонлама тартибга солиш бўйича таснифлаш кенг тарқалган.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни ташкилий тамойили бўйича таснифланиши уларнинг БМТ тизимида иштирок этиши ёки этмаслигини назарда тутади, шунингдек ташкилотларнинг профилини ва уларнинг фаолият мақсадларини ҳисобга олади. Ушбу ёндашувга кўра, халқаро иқтисодий ташкилотлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- БМТ тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- БМТ тизимига кирмайдиган халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Минтақавий иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг кўп қиррали тартибга солиш соҳасидаги таснифи уларни қуйидаги гуруҳларга ажратишга асос бўлади:

- Жаҳон иқтисодиётини тартибга солиш тизимидаги минтақавий иқтисодий ташкилотлар;
- Иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини ҳамда жаҳон иқтисодиёти тармоқларини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Халқаро савдони тартибга солиш тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Бизнес фаолиятини тартибга солувчи халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар;
- Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берадиган халқаро нодавлат ташкилотлар ва бирлашмалари.

Юқорида санаб ўтилган биринчи тўрт тоифага киритилган барча халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар ҳукуматлараро даражасидаги ташкилотлар бўлиб, улар кўп томонлама ҳаракат траекториясига эга. Таснифга кўра ҳукуматлараро ташкилотлар билан бир қаторда жаҳон иқтисодий муносабатларининг ривожланишига ёрдам берувчи халқаро нодавлат иқтисодий ташкилотлар ва уюшмалар киритилади.

Замонавий шароитда иқтисодий ҳамкорликни кўп томонлама тартибга солиш зарурияти мавжуд бўлиб, унинг асосий йўналишлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

• Манфаатдор давлатлар томонидан энг муҳим тамойиллар ва нормаларни ўз ичига олган савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

• Жаҳон миқёсидаги иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи савдо-иқтисодий ва сиёсий воситалар мажмуини миллий даражада қўллаш, иқтисодий сиёсатнинг индивидуал воситаларини қўллаш асослари ва имкониятларини белгилаш бўйича келишувларни ишлаб чиқиш;

• Иштирокчи давлатлар, уларнинг бирлашмалари ва гуруҳлари ўртасида юзага келадиган баҳсли муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган халқаро институтларни шакллантириш ва ривожлантириш;

• Савдо-иқтисодий алоқаларни ташкил этиш бўйича маълумот ва тажриба алмашиш.

Дунёда мавжуд бўлган 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш ва тартибга солишдаги ўрни ҳамда иштироки уларнинг мавқеи, функциялари, жаҳон иқтисодий жараёнлари таъсирига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлади. Қолаверса, халқаро ташкилотларни таснифлаш турли мезонларга кўра амалга оширилади.

Аксарият манбаларда замонавий халқаро ташкилотлар иккита асосий таркибга – ҳукуматлараро ва нодавлат турларга ажратилади. Бироқ, ҳар иккаласининг ҳам аҳамияти катта, уларнинг барчаси ҳаётнинг турли соҳаларида давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, интеграция ва ҳамкорлик қилишда ёрдам беради.

Ҳукуматлараро ташкилот халқаро характерга мувофиқ тузилиши ҳамда алоҳида давлат ва умуман халқаро ҳамжамият манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Унинг яратилишида халқаро шартнома (конвенция, битим, протокол ва бошқалар) асосий ўрин тутади. Бундай шартноманинг иштирокчилари суверен давлатлардир.

Ҳар қандай халқаро ташкилотни тузишдан мақсад муайян соҳадаги давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Баъзида давлатлар халқаро муносабатларнинг энг мураккаб масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун шундай ташкилотларга мурожаат қиладилар. Ҳар бир халқаро ташкилот тегишли ташкилий тузилмага эга бўлиб, у ташкилотнинг доимий хусусиятини тасдиқлайди ва шу билан уни халқаро ҳамкорликнинг бошқа шаклларидан ажратиб туради. Халқаро ташкилотнинг муҳим хусусияти унинг таъсис актида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлигидир. Халқаро ташкилот ўз ваколатлари доираси фаолият олиб боришга ҳақли.

Халқаро ташкилотларнинг яна бир тури ҳукуматлараро битимлар билан белгиланмаган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланади. Бундай ташкилотлар таъсис ҳужжати асосида ташкил этилади ва камида битта давлат томонидан тан олиниши ҳамда фаолиятини камида иккита давлатда амалга ошириши керак. Ҳозирги кунда замонавий халқаро муносабатларнинг барча

жабҳаларида фаол роль ўйнаётган 8000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд.

Ҳар йили иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал этиш мақсадида 1000 дан ортиқ халқаро конференциялар ўтказилади ва уларнинг натижасида халқаро шартномалар ишлаб чиқилади, актлар тузилади ҳамда халқаро муносабатларнинг муайян соҳасидаги ҳамкорлик тамойиллари ўрнатилади.

Йил сайин ташкил этилган халқаро ташкилотлар ўз ваколатининг даражаси ва тузилманинг мураккаблиги билан бир-биридан ажралиб туради. Бугунги кунда 4000 дан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг 300 дан ортиғи ҳукуматлараро ташкилот сифатида фаолият юритмоқда.

Аъзолик хусусияти бўйича халқаро ташкилотлар давлатлар ва нодавлат турларга бўлинади. Иштирокчилар доирасига кўра эса халқаро ташкилотлар универсал (БМТ, унинг ихтисослашган муассасалари) ва минтақавий (Африка бирлиги ташкилоти, Америка штатлари ташкилоти)га бўлинади. Халқаро ташкилотлар, шунингдек, умумий ваколатларга эга бўлган ташкилотларга (БМТ, АШТ-Америка штатлари ташкилоти/OAS- Organization of American States, Умумжаҳон почта иттифоқи, Халқаро меҳнат ташкилоти) бўлинади. Ҳокимият табиати бўйича таснифлаш давлатлараро ва миллатлараро ташкилотларни фарқлашга имкон беради.

Биринчи гуруҳга халқаро ташкилотларнинг аксарияти киради. Миллий ташкилотларнинг мақсади – интеграциялашувга қаратилганлиги билан фарқланади. Масалан, Европа Иттифоқи бунга типик мисол бўлади.

Аъзолик ва қўшилиш тартиби нуқтаи назаридан ташкилотлар очиқ (ҳар қандай давлат ўз хоҳишига кўра аъзо бўлиши мумкин) ва ёпиқ (муассисларнинг розилиги билан қабул қилинади) турга бўлинади. Шунингдек, халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳукуматлараро ва нодавлат бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан нодавлат ташкилотлар сони ҳукуматлараро ташкилотларга нисбатан қарийб икки баравар кўп. Бироқ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон савдо ташкилоти сингари ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида устувор аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, ҳукуматлараро халқаро ташкилотларга Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, АСЕАН (ЖШОДУ-Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси/ASAN-Association of Southeast Asian Nations) сингари йирик минтақавий иқтисодий ташкилотлар ҳам киритилади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш ҳамда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун яратилган универсал халқаро ташкилотдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми 1945 йил 26 июнда имзоланди. Сан-Францискода бўлиб ўтган конференцияда 1945 йил 24 октябрда кучга кирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми барча давлатлар учун мажбурий бўлган ягона халқаро ҳужжатдир.

Жаҳон банки халқаро иқтисодий муносабатларда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик ташкилот ҳисобланади. У Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА), Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги (MIGA) ва Инвестициялар бўйича низоларни ҳал этиш халқаро маркази (ISSID) сингари 5 та йирик ташкилотдан иборат.

Ушбу тузилманинг асосий институти Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобланади. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ихтисослашган ҳукуматлараро агентлик мақомига эга бўлса-да, ўзининг филиаллари билан биргаликда (Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш бўйича молиявий агентлик ва Халқаро молия корпорацияси) Жаҳон банки сифатида танилган.

Жаҳон банки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган молиявий институтидир. ХТТБ расман 1945 йилда урушдан кейинги тикланишни молиялаштириш ва ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражасини яхшилашга ёрдам бериш учун ташкил этилган бўлса ҳам мустақил равишда ишлайди.

Банк ҳукуматларга кредитлар ёки бошқа манбалардан олинган кредитлар учун кафолатлар беради. Кредитлар кенг тижорат асосида махсус лойиҳалар учун ёки ижтимоий ривожланишнинг умумий мақсадлари учун тақдим этилади. Аксарият кредитлар тахминан 20 йил муддатга 10 фоиз ставка билан берилади. Кредит маблағлари халқаро пул бозорларида жалб қилинади. Банк 160 мамлакатга тегишли. Ушбу давлатлар бир вақтнинг ўзида Халқаро валюта жамғармасининг аъзоси бўлиши шарт. Банкнинг бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган. Анъанага кўра, АҚШ вакили, шунингдек ХТТБ президенти этиб сайланади, чунки бу мамлакат банкда энг кўп овозга эга. Банкнинг Парижда Европа бўлими ва Токиода филиали бор.

Халқаро валюта жамғармаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган органи сифатида 1944 йилда Бреттон-Вудсда бўлиб ўтган халқаро пул-молиявий конференцияда ташкил этилган. Ўз фаолиятини 1947 йилда бошлаган, бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган.

Халқаро валюта жамғармасининг фаолияти халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган. Жамғарма жаҳон иқтисодиётида халқаро пул ташкилоти сифатида муҳим роль ўйнайди. У валюта курсларини тартибга солиш нормаларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, кўп томонлама тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлайди ва валюта чекловларини бекор қилади.

ХВФ ўз аъзоларига тўлов баланси ва у билан боғлиқ валюта қийинчиликлари бўлган тақдирда қарз беради.

Жамғарма капитали ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий потенциали, жаҳон иқтисодиётидаги ва халқаро савдодаги ўрни билан белгиланадиган квотага мувофиқ белгиланган бадаллар ҳисобидан шакллантирилади. Халқаро валюта жамғармасига аъзо давлатлар сони 179 тани ташкил этади. Энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда берилган овозларнинг камида 85 фоизи талаб қилинади[1]. Халқаро валюта жамғармасига тўловлар миллий валютада амалга оширилади ва квотанинг 25 фоизи СДР ёки жамғарма томонидан белгиланган айрим аъзо давлатлар валюталарида амалга оширилади.

Кредит операциялари фақат аъзо давлатларнинг расмий органлари-ғазналар, марказий банклар, валютани барқарорлаштириш фондлари билан амалга оширилади. Кредитлар қарз олувчи мамлакатнинг миллий валютасига чет эл валютасини сотиш ва миллий валютани сотиб олиш йўли билан тўланади. Кредитлар ташқи тўловлардаги номутаносиблик сабабига қараб бир неча турларга бўлинади. Тақдим этилган маблағларнинг максимал миқдори қарз олаётган мамлакат квотаси миқдорига боғлиқ. Аъзолар IMF маблағларини бошқа манбалардан олишлари мумкин. Булар фонд билан келишилган мақсадлар учун захира кредитлари ҳисобланади.

Товарлар балансининг пасайиши билан боғлиқ тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун компенсацион молиялаштириш амалга оширилмоқда. Кенгайтирилган кредитлаш тизими иқтисодиётнинг тўлов балансини жиддий ва узоқ вақт давомида бузган мамлакатлар учун амал қилади. Қарз бериш, одатда, қарз олувчи мамлакат фондининг муайян молиявий-иқтисодий фаолиятини амалга ошириши шарти билан боғлиқ. Агар мамлакат ўз мажбуриятларини бажармаса (одатда миллий валютанинг девальвацияси, ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмаларнинг камайиши ва бошқалар), IMF мамлакатни ўз ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаши ёки маҳрум қилиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, унинг фаолият соҳаси ишчиларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ҳисобланади. У 1919 йилда Версал шартномасига мувофиқ ташкил этилган.

[1] Аъзолик бадалидан келиб чиқиб АҚШ (19,4 фоиз) ва ЕИ (28,62 фоиз) энг овозга эга. Шунинг учун улар қабул қилинган қарорларнинг кўпига вето қўйишга ҳақлидирлар.

Халқаро меҳнат ташкилоти:

◊ иш вақтини тартибга солиш;

◊ ишчиларни ёллашни тартибга солиш; ишсизликка қарши курашиш;

◊ нормал яшаш шароитини таъминлайдиган иш ҳақи кафолати; ишчиларни касбий касалликлар ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш;

◊ болалар, ўсмирлар ва аёлларни ҳимоя қилиш;

◊ ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот масалаларини тартибга солиш;

◊ касбий тайёргарликни ташкил этиш вазифаларини амалга оширади.

ХМТ фаолияти хилма-хил. У меҳнат шароитлари ва ҳаёти масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни (конвенциялар ва тавсиялар) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишда иштирок этади. Ташкилот ижтимоий ва меҳнат муаммоларини (бандлик, меҳнат шароитлари ва бошқалар) ҳал этишга қаратилган халқаро мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

ХМТнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу унинг органларида уч томонлама вакиллик принципларининг мавжудлигидир. ХМТ Конституциясига мувофиқ, томонларнинг ҳар бири қолган иккисидан мустақил.

ХМТни бош директор бошқаради ва унинг асосий органлари – ҳар йили бўлиб ўтадиган Бош конференция, Бошқарув Кенгаши, уч йилга сайланадиган, Халқаро меҳнат бюроси (ХМТ котибияти), ҳисобланади. ХМТнинг бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

ХМТ фаолиятида саноатнинг айрим тармоқларида, қурилишда, транспортда ва ҳоказоларда меҳнат шароити билан боғлиқ масалаларни ҳал қиладиган саноат қўмиталари ва техник йиғилишлар муҳим ўрин тутади. ХМТ шафелигида Ижтимоий ва меҳнат муаммоларини ўрганиш халқаро институти (Женева) ва Халқаро марказ фаолият юритади.

ХМТ тегишли масалалар бўйича ЮНЕСКО, FAO ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида яқиндан ҳамкорлик қилади.

2.2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солиш тизимида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ўрни

Глобаллашув даврида халқаро иқтисодий ташкилотлар глобал муаммоларни ҳал қилиш йўлида давлатларни бирлаштирмоқда. Ушбу ҳолат мамлакат ёки мамлакатлар бирлашмалари учун мавжуд муаммолага ечим топиш ва кенг қамровли фаолият юритишда қуйидаги имкониятлар яратади.

Биринчидан, маълум бир мамлакатнинг ресурс салоҳияти ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига замин ҳозирдайди. Савдо ва технология соҳасида ҳамкорликнинг ўзига хос шаклини топиш орқали муаммо ечимини топишга кўмаклашади

Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларда атроф-муҳитга зарар келтирадиган чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари қуриш, трансмиллий

корпорациялар учун бизнес юритиш қоидаларини кучайтириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишади;

Учинчидан, мамлакатларнинг табақаланишида («камбағал» ва «бой»га бўлиниши) барҳам беради, иқтисодиётининг ижтимоий таркиби, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди;

Тўртинчидан, ижтимоий кафолатлар (меҳнат қилиш, таълим олиш ҳуқуқи ва бошқалар), меҳнат муҳожирлари ва аҳолини қўллаб-қувватлаш (мослашув чоралари) механизми шаклланади;

Бешинчидан, мамлакатларнинг энергия ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорликнинг янги шаклларини йўлга қўяди.

Ҳамкорлик йўлларини излаш ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни такомиллаштириш мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган минтақалараро ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этади. Гарчи муаммоларни ҳал этиш қийинчиликларни биргаликда енгиш мақсадида давлатлар бирлаштирилса-да, бу жараён ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни намоён қилади. Халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этган долзарб масалаларни, қўшма глобал ҳамкорлик шаклларини ҳал этишда янги йўналишларни излашни ташкил этиш юқоридаги жараённинг ижобий жиҳати ҳисобланади.

Мамлакатлар иқтисодий тизимини йўқ қилиш ёки уларнинг маълум бир ташкилотга аъзо сифатида барча давлатлар учун белгиланган иқтисодий ривожланиш даражасини ушлаб тура олмасликлари салбий ҳолат сифатида талқин қилинади.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибий бўлинмалари – биринчи навбатда ГАТТ, ЖСТ ва унинг ўрнини босувчи ташкилотлар улкан аҳамиятга эга. Жаҳон савдо ташкилоти халқаро савдони тартибга солишда ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган халқаро иқтисодий ташкилот сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибига кириши алоҳида эътиборга лойиқдир.

ЖСТ ташкил этилишининг асосий сабаби, бу халқаро алмашинув асосида халқаро ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар (жаҳон нархлари тўғрисидаги келишув, жаҳон антитрест қонунларини яратиш, меҳнат шароитлари стандартлари ва бошқалар) яратишдан иборат.

ГАТТ халқаро жараёнлар – савдо ва иқтисодий ривожланишни кузатиб бориш учун ташкил этилган. ГАТТ 1930 йилларда импортни тартибга солиш (чекловларни енгиллаштириш) ва импорт таърифларини пасайтиришда энг катта аҳамиятга эга. Бу давр адабиётда «глобаллашувнинг олтин даври» деб номланади.1948-1990 йилларда дунё савдосининг йилига 7 фоизга ўсишини мисол қилиш мумкин, ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ўсиши ва унинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилди[2].

[2] Дралин, А. И. Международные экономические отношения: учебное пособие / А. И. Дралин, С. Г. Михнева. – Изд. 2-е, перераб. и доп. – Пенза: Информационно-издательский центр ПГУ, 2006. – 162. с.46

<table>
<tr><td rowspan="2">Халқаро тартибга солиш ва назорат</td><td colspan="5">Иқтисодий</td><td colspan="5">Молиявий</td></tr>
<tr><td colspan="10">Халқаро ташкилотлар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Халқаро иқтисодий муносабатлар шакллари</td><td>Товарлар</td><td>Хизматлар</td><td>Пойтахт</td><td>Иш кучи</td><td>Технология</td><td>Пул бирлиги</td><td>Қимматли қоғозлар</td><td>Деривативлар</td><td>Кредитлар</td><td>Ҳисоб-китоблар</td></tr>
<tr><td colspan="2">Халқаро савдо</td><td colspan="3">Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати</td><td colspan="5">Молиявий воситаларнинг халқаро савдоси</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Давлат томонидан тартибга солиш</td><td colspan="2">Ташқи савдони тартибга солиш</td><td colspan="3">Ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатини тартибга солиш</td><td colspan="5">Валюта ва банкни тартибга солиш</td></tr>
<tr><td colspan="5">Микроиқтисодий сиёсат</td><td colspan="5">Макроиқтисодий сиёсат</td></tr>
<tr><td rowspan="3">Асосий тушунчалар</td><td></td><td></td><td></td><td colspan="3">Жаҳон иқтисодиёти</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td colspan="3">Жаҳон бозори</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td colspan="5">Халқаро меҳнат тақсимоти</td><td></td><td></td></tr>
</table>

2.2.1-расм. Халқаро иқтисодиётнинг таркиби ва ундаги халқаро ташкилотларнинг роли

ГАТТ ўз фаолиятининг дастлабки йилларида саноат товарларининг халқаро савдосида савдо соҳаларининг (масалан, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, кредит ҳамда қурилиш соҳалари ва бошқалар) транзакцион харажатларини эркинлаштиришда бир қатор ўзгаришларни амалга оширади.

ЖСТ ваколатлари кенгайтириш зарурияти келтириб чиқарди. Унга кўра ЖСТ янги ваколатларга кўра савдо-сотиқни либераллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий характердаги муаммоларни халқаро ҳамкорлик доирасида мустақил равишда ҳал қилиш ваколатига эга бўлади. Шундай қилиб, халқаро даражада низоларни ҳал этишнинг янги тартиби вужудга келди.

Мамлакатларга ўз қонунларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга мажбур қиладиган янги патент талаблари жорий этилмоқда. Бу тиббиёт, таълим, меҳнатни муҳофаза қилиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларга ҳам тегишли. Импортни эркинлаштириш ва таърифларни тартибга солиш қуйидагиларга имкон беради:

- таърифларни тартибга солиш иқтисодий восита сифатида самарали натижа беради;
- таърифлар деярли барча мамлакатлар томонидан қўлланиши, халқаро товар оқимларига ва иқтисодиётнинг тузилишига таъсир кўрсатади;
- миллий таърифларни тартибга солиниши, назоратга олинадиган импортга нисбатан сиёсатнинг барча турларини қамраб олади[3].

Ҳозирги даврда мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати нафақат ички жараёнларга, балки халқаро ташкилотларнинг ҳаракатларига ҳам боғлиқ ҳолда шаклланмоқда. Шу боис халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ташқи сиёсатда тутган ўрни қуйидагича:

- Халқаро иқтисодий ташкилотлар кўп томонлама ҳамкорлик натижасида глобал иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишини, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини ривожлантирадилар;
- Халқаро ташкилотлар аъзо мамлакатларни глобал муаммолар ва таҳдидлардан тенг даражада ҳимоя қилади;
- Халқаро ташкилотлар ўзларининг аъзо мамлакатлари учун халқаро ҳамкорликни баҳолашда ўлчовлар ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқадилар ва қўллайдилар.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар доимий равишда ўзларининг ишлаш қоидалари ва тамойилларини такомиллаштирмоқдалар, бу жаҳон иқтисодий жараёнларини тартибга солишни кучайтириш ва савдони кескинлаштиришда намоён бўлади. Нуфузли (йирик) иқтисодиётларнинг халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳал қилувчи роли сақланиб қолмоқда.

2.3. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолияти ривожланишининг замонавий тенденциялари

Глобаллашув жараёнларининг ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётига, минтақавий интеграция ҳамжамиятларининг иқтисодий ривожланишига таъсир қилади. Охирги ўн йилликда дунё иқтисодиёти ва сиёсатида туб ўзгаришлар рўй берди. Олимлар ва сиёсатчилар томонидан дунё тараққиёти, шунингдек, сиёсий, ижтимоий, институционал тизимнинг иқтисодий асосларини ўзгартиришга олиб келадиган ривожланишнинг янги босқичи тўғрисида ижобий фикр билдирилмоқда.

[3] Пискулов Ю.В. Международная торговля товарами и услугами. Россия в ВТО. М.: ГОУВПО ВАВТ Минэкономразвития России, – 2013, 104 с.

Ушбу ўзгаришларнинг ривожланган (АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари) ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига таъсир кўрсатиб, туб ислоҳотларни амалга ошириш, миллий иқтисодиётнинг замонавий талабларга мувофиқ рақобатдошлигини оширишга интилиши орқали намоён бўлмоқда. Шунингдек «неопротекционизм» ёки «очиқ» иқтисодиёт, яъни миллий йўналтирилган иқтисодиётни қуриш тарафдорлари ва глобаллашув тарафдорлари ўртасидаги мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу мунозараларнинг назарий асоси «давлат қурилиши» тушунчасига асосланади. Унинг негизида миллий ватанпарварликни, миллатлараро бирликни шакллантиришни талаб қилиш ғояси ётади, бу ташқи хавф ва таҳдидлар таъсирига, глобаллашувни келтириб чиқарадиган атроф-муҳит таъсирига жавобдир.

Жаҳон иқтисодиётининг трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банкларнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг тармоғини қамраб олишига асосланиб глобал ишлаб чиқариш шаклланди. Бу давлатлараро узоқ муддатли ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш, стратегик, ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, кластерларни шакллантиришни ўз ичига олади.

Глобаллашув таъсири остида жаҳон иқтисодий алоқалари ва жараёнларининг таркибини ўзгариши қуйидагилар орқали намоён бўлмоқда:

1. халқаро савдонинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан юқори, хизматлар ҳажми ЯИМдан ошиб кетмоқда;

2. XXI асрда халқаро савдонинг йўналиши ва тузилиши ўзгармоқда, дунё миқёсида илмий интенсив ва юқори технологияли маҳсулотларни, муаллифлик ҳуқуқларини, «ноу-хау» лицензияларини ва бошқаларни савдоси жадаллашмоқда;

3. халқаро савдо таркибида молиявий, суғурта, интеллектуал, ахборот, ижодий хизматларнинг ўзига хослиги тобора ўсиб бормоқда.

Молиявий соҳадаги тезкор ўзгаришлар йўналиш сифатида молиявий глобаллашувга асос солди. Бу эса ўз навбатида пул маблағлари, кредит бозорлари ва уларнинг операцияларини, шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг ҳаётий фаолиятини изчил ўсишига олиб келди.

Глобаллашув, дунё давлатларининг қарз муносабатларида, қарздор мамлакат учун ҳам, бутун молия тизими учун ҳам кутилмаган ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарз мажбуриятлари муаммосини янада кучайтиради. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига асосан, 2016 йил октябрь ҳолатига кўра, дунё иқтисодиётида ҳукуматлар, уй хўжаликлари ва молиявий бўлмаган корпорацияларнинг қўшма қарзи даражаси 152 трлн. АҚШ долларига етди, бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 225 фоизини ташкил этади. Қарзларни тўлаш учун дунё мамлакатлари икки йил дам олишсиз ишлашлари керак бўлади.

Давлат қарзининг агар мавжудлиги, ҳеч қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келмайди, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш воситаси сифатида

хизмат қилади. Шу билан бирга, қарз пулининг анъанавий равишда озиқ-овқат ёки ижтимоий соҳа учун ишлатилиши кенг тарқалган.

Жаҳон молиявий инқирози ва ташқи қарзлар муаммоси анъанавий шакли иқтисодий инқирозларнинг ўзгариш циклига таъсир қилади. XXI асрда кўп қиррали инқирозларнинг янги турларини (молиявий, таркибий, энергетик, миграцион, сиёсий ва ҳ.к).

Юзага келиши кузатилиб, у бир вақтнинг ўзида миллий ва халқаро миқёсда инқирозга қарши ягона чораларни кўришни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, инқироздан чиқиш глобаллашган миқёсда ўнлаб йилларни талаб этади. Масалан, Жаҳон молиявий инқирози 2008 йилда содир бўлган, аммо ҳозирги кунга қадар (миллий ва жаҳон иқтисодиётининг айрим соҳаларида) инқирозга қарши тизимли чоралар кўрилмоқда. Хусусан кейинги 2016-2017 йиллар давомида кўплаб дунё мамлакатлари пенсия тизимини ислоҳ қилишни, пенсия ёшини ошириш, пенсия таъминоти хизматларини кўпайтириш ёки анъанавий талаблар тизимини бекор қилиш ва нафақага чиққанларга давлат томонидан минимал ёрдам кўрсатиш тизимини тўлашни қонунийлаштириш йўли билан амалга оширмоқдалар. Бундай ҳолат демографик инқироз, иш ўринларининг қисқариши, барча даражадаги пенсия жамғармаларига расмий солиқ тўловларини камайтириш орқали изоҳланди. XXI аср халқаро миграция масаласини кескинлаштирди.

3-БОБ.
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

3.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг ривожланиш эволюцияси

БМТнинг ташкил этилишида "Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқлари, келгуси авлодларни ҳаётимизда икки маротаба одамзодга азоб-уқубатлар келтирган уруш азобидан халос этишга қарор қилдик" шиори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу сўзлар билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устави бошланади: – "ташкилотнинг ташкил этилиши Иккинчи жаҳон урушининг асосий натижаларидан биридир. Дастлаб глобал халқаро можароларнинг олдини олиш БМТнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

1942 йил 1 январда Гитлер коалицияси мамлакатларига қарши курашган 26 иттифоқчи давлатларнинг вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Декларациясини имзолаш орқали Атлантика Хартиясини қўллаб-қувватлашларини эълон қилдилар. Президент Рузвелт таклиф қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номи ушбу ҳужжатда биринчи марта расмий равишда ишлатилган. Ҳар бир инсон янги ташкилот тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади, аммо унинг тузилиши, вазифалари ва ваколатлари бўйича келишмовчиликлар мавжуд эди. Натижада, 1943 йил октябрь ойининг охирида собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британия ташқи ишлар вазирларининг Москва конференциясида (Вячеслав Молотов, Корделл Хулл ва Энтони Эден) халқаро ташкилотни имкон қадар тезроқ ташкил этиш тўғрисида биринчи ҳужжат имзоланди. Учрашувда, шунингдек, Хитойнинг Москвадаги элчиси Фу Бинг-Чан ҳам иштирок этди. Анжуманда қатнашиш учун АҚШ Давлат котиби Кордел Хулл ҳаётининг биринчи парвозини амалга оширди ва Москвадан тўғридан-тўғри аэропортда қайтганида уни Президент Рузвелт шахсан кутиб олди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ташкил этиш бўйича якуний келишувга 1945 йил Ялтада Гитлерга қарши коалициянинг уч мамлакат раҳбарлари – Иосиф Сталин, Франклин Рузвелт ва Уинстон Черчилл учрашувида эришилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти катта кучларнинг – Хавфсизлик Кенгашининг вето ҳуқуқига эга доимий аъзоларининг бир овоздан қабул қилиш принципига асосланиши тўғрисида келишиб олинди. Бироқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаси кучлар бўйича муаммо ва келишмовчиликлар ташкилот Уставини қабул қилишдан олдин бошланган эди. Президент Рузвелт вафотидан кейин АҚШнинг позициясида катта ўзгаришлар рўй берди. Унинг ўрнини эгаллаган Гарри Труман СССР билан зиддиятларни кучайишига сабаб бўлди.

Труманга Ялтада Хавфсизлик Кенгашидаги катта кучларнинг бир овоздан келишуви принципи бўйича эришилган келишувлар, шунингдек ветодан фойдаланиш имконияти ёқмади. Келгуси халқаро ташкилотда ўша пайтда бирлашган кучларнинг мувофиқлигига кўра, АҚШ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяда мутлақ устуворликка эга эди. Труман Сан-Францискода бўлиб ўтадиган конференцияда ўзгаришларга умид билдирди, унда БМТ низоми муҳокама қилинди. Американинг Москвадаги элчиси Аверелл Харриманнинг маълумотлари коммунистик тузумга душманлик муносабатларини кескинлаштирди.

1945 йил 26 июнда Сан-Францискода 50 та давлат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига имзо чекдилар. Конференцияда қатнашмаган Польша кейинчалик Низомга имзо қўйди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсисчи давлатларидан бирига айланди. 1945 йил 24 октябрда собиқ Совет Иттифоқи ратификация ёрлиғини топширган 29 – давлат бўлди. Айнан ўша куни БМТ низоми кучга кириши учун зарур миқдордаги ратификациялар таъминланди.

БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессияси 1946 йил 10 январда Лондонда Вестминстер саройининг залида очилди. Унинг биринчи резолюцияси атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ҳамда атом ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишга бағишланди. Бир ҳафта ўтгач, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб, у 11 мамлакатдан, шу жумладан бешта доимий аъзодан: (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой Республикаси) иборат бўлган. Хавфсизлик Кенгашининг Лондонда қабул қилинган биринчи резолюцияси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ва уларнинг вакилларини ўз ичига олган ҳарбий штаб қўмитасини ташкил этиш, унинг вазифаси эса Хавфсизлик Кенгаши томонидан бошланган ҳарбий операцияларни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш ва ҳарбий дастурларда иштирок этишга бағишланди. Бироқ, Совуқ Уруш туфайли ушбу тузилма деярли ишламади.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги умумий сиёсий мунозараларда чиқишларнинг тартиби ҳам белгиланди. Бош Ассамблеянинг Лондондаги биринчи сессиясида, шунингдек, БМТнинг штаб-квартирасини Нью-Йоркда жойлаштириш тўғрисида келишувга эришилди. Сталин бу қарорни қўллаб-қувватлаган деган версия мавжуд. У шу йўл билан Американи БМТга боғлаб, шу орқали Вашингтоннинг халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларига таъсир қилишига ишонган. 1946 йил 16 августдан бошлаб БМТнинг бош қароргоҳи Лонг-Айленддаги Сакс кўлида вақтинча жойлашган. 1946 йил 14 декабрда Бош Ассамблея Жон Д. Рокфеллернинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий штаб-квартирасини қуриш учун мавжуд участкани сотиб олиш юзасидан 8,5 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди. 1947 йил ноябрь ойида бўлажак штаб-квартиранинг меъморий режаси тасдиқланди. Пойдевор қўйиш маросими 1949 йил 24 октябрда бўлиб ўтди ва бош офиснинг расмий очилиши 1951 йил 10 январда ўтказилди.

1945 йил октябрдан 1946 йил февралгача (ташкилотнинг ташкил этилиши даврида) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг вазифасини Буюк Британиянинг вакили Гладвин Жебб бажарган. 1946 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотига етти киши раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг 193 мамлакати БМТга аъзо. Ташкилот тузилган пайтда аъзо мамлакатлар сони 51 тани ташкил этган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1945 йилдан буён, олдин мустамлака ҳукмронлиги остида бўлган ўнлаб давлатлар суверен мустақил давлатлар сифатида аъзо бўлишди.

1960 йилда «Африка йили» деб номланган бурилиш даври бўлди. Ушбу йил дунёнинг сиёсий харитасида 17 янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан эсда қолди. Улар Буюк Британия, Франция, Италия ва Бельгиянинг собиқ мустамлакалари эдилар. 1965 йилда дунё харитасида янги давлатлар пайдо бўлиши муносабати билан Хавфсизлик Кенгаши аъзолар сони 15 нафаргача кенгайса-да, доимий аъзолари сони ўзгармади.

АҚШ ва СССР ўртасидаги рақобат дунёда жуда кўп қизиқарли вазиятларни келтириб чиқарди. Баъзи ривожланаётган давлатлар ушбу икки буюк давлатнинг қарама-қарши томонларида моҳирлик билан дипломатик муносабатларни олиб боришди. Аъзоларни қабул қилишнинг янги тўлқини СССР ва Шарқий Европадаги социалистик блок қулаганидан кейин юзага келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига охирги бўлиб Шарқий Тимор, Швейцария (2002 йилда), Черногория (2006) ва Жанубий Судан (2011) кирган. БМТда кузатувчи мақоми 1946 йилда, Швейцария Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий кузатувчиси бўлганида жорий этилган. 1965 йилда Индонезия БМТни ихтиёрий равишда тарк этган ва 1966 йилда аъзолигини янгилаган ягона мамлакатдир. БМТ тарихида икки марта давлатлар Бош Ассамблеянинг ишида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди: булар 1974-1994 йилларда – Жанубий Африка (апартеид сиёсати муносабати билан) ва 1992-2000 йилларда – ўзини Югославия Социалистик Федерал Республикасининг

вориси деб ҳисоблаган Югославия Федератив Республикасидир. 1946 йилдан 2015 йилгача Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари очиқ йиғилишларда 237 марта вето ҳуқуқидан фойдаланган, аксарият ҳолларда Яқин Шарқ ва Жанубий Африкадаги вазиятлар кўриб чиқилган.

Баъзи ҳолларда Хавфсизлик Кенгашининг бир неча доимий аъзолари дарҳол резолюция лойиҳасига вето қўйишди. СССР 1970 йилларнинг бошларига қадар вето ҳуқуқидан фаол фойдаланган. Шундай қилиб, 1946-1970 йилларда СССР 80 та резолюцияни, бошқа давлатлар эса фақат учтасини блоклади. СССР вориси сифатида Россия 1991 йилдан буён 13 марта вето ҳуқуқидан фойдаланган. Шулардан 10 таси Россия Федерациясининг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркинга тегишли. Сўнгги икки марта Россия Федерацияси 2015 йил июль ойида ветога мурожаат қилиши керак эди. 1995 йилда Босния ва Герцоговинадаги воқеаларни геноцид сифатида тўсиб қўйганлигини тавсифловчи резолюция, шунингдек, Малайзия авиакомпаниясининг Боеинг-777 самолётини ҳалокати учун жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан суд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1991 йилдан буён АҚШ 14 та резолюция лойиҳасига қарши овоз берди. 77 йиллик фаолияти давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 23 та мамлакатга қарши санкциялар режимини жорий қилди, шунинг иккитаси 1990 йилгача, (1966 йилда Жанубий Родезияга (ҳозирги Зимбабве), 1977 йилда Жанубий Африкага) жорий қилган бўлса, 1991-2021 йиллар давомида 21 та давлат санкция рўйхатига тушди.



3.1.1-расм. 1991 йилдан буён Хавфсизлик Кенгаши томонидан санкция қилинган давлатлар

Ҳозирда 14 та мамлакатга, хусусан Эрон, Яман, Сомали, Шимолий Корея, шунингдек, Ал-Қоида ва Толибон террор ташкилотига қарши санкциялар қўлланилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарварлиги 1948 йилда Яқин Шарқда сулҳни назорат қилувчи орган ташкил этилиши билан бошланган. Биринчи халқаро фавқулодда кучлар 1956 йилда Сувайш каналидан (Миср) чет эл қўшинларининг олиб чиқилишини кузатиб бориш учун тузилган. Кейин, биринчи марта тинчликпарварларнинг тимсолига айланган кўк беретлар ва дубулғалар ишлатилган. 1948 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 71 та тинчликни сақлаш операциясини ўтказди. Бир миллиондан ортиқ ҳарбий, полиция ва фуқаро ходимлар БМТнинг тинчликпарвар кучларида хизмат қилишган.

3.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибий тузилиши ва бошқарув жараёни

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида олтита бош орган мавжуд. Улардан бештаси – Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши ва Котибият – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий қароргоҳида, олтинчи орган – Халқаро Суд эса Нидерландиянинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатади[4].

Бош Ассамблея – ўзига хос бутунжаҳон парламентининг инсониятнинг энг долзарб муаммолари кўриб чиқилаётган мажлисларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган барча мамлакатлар вакиллари қатнашади. Ҳар бир аъзо мамлакат бир овозга эга. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни муайян даражада сақлаб қолиш тавсиялари янги аъзоларни қабул қилиш ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюджетини тасдиқлаш, шу жумладан, тинчликни сақлаш операцияларига маблағ ажратиш сингари муҳим масалалар кўпчилик, аниқроғи, учдан икки қисм овоз билан қабул қилинади. Кейинги йилларда Ассамблея қарорлари расмий овоз бериш йўли билан эмас, балки консенсус асосида қабул қилиниши учун махсус саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

1999-2000 йилги сессияларда ядровий қуролсизланиш, тараққиёт, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва янгича демократияни мустаҳкамлаш сингари кун тартибидаги турли-туман 173 масала кўриб чиқилиши керак эди. Ўз қарорлари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, улар жаҳон жамоатчилиги фикрларини ифодаласа ва халқаро жамоатчиликнинг ахлоқий талаби ҳисобланса ҳам Ассамблея ўз

[4] https://uz.wikipedia.org/wiki/Birlashgan_millatlar_tashkiloti

қарорларини мажбуран қабул қилдирмайди. Ассамблеянинг ҳар йилги навбатдаги сессияси сентябрдан декабрга қадар бўлган муддат давомида ўтказилади. Ассамблея зарурат туғилганда ўз ишини қайта чақирилган сессияда давом эттириши ёки жиддий ташвиш туғдирган масалалар бўйича махсус ёки фавқулодда сессиялар ўтказиши мумкин. Ассамблеялар орасидаги муддат давомида унинг ишлари БМТнинг олтита бош қўмиталарида, бошқа органларида ва Котибиятда давом этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ халқаро тинчлик ва хавфсизликни барқарорлаштириш борасида Хавфсизлик Кенгаши бош жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Кенгаш 15 та аъзодан ташкил топган. Уларнинг бештаси – Хитой, Россия Федерацияси, Бирлашган Қироллик, Америка Қўшма Штатлари ва Франция – доимий аъзолар ҳисобланади.

Кенгашнинг қолган ўн аъзоси Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланадилар. Кейинги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Кенгашнинг аъзолар таркибини ўзгартириш, замонавий ва иқтисодий воқеликни янада ёрқинроқ акс эттириш масаласи муҳокама қилинаяпти. Кенгашнинг қарорлари унинг тўққиз аъзоси овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади. Кун тартибидаги масалага Кенгашнинг доимий аъзоларидан бирортаси қарши овоз берса, шунингдек, вето ҳуқуқидан фойдаланса қарор қабул қилинмайди. Балки, Кенгаш бартараф этиш тамойилларини ишлаб чиқади ёки ҳакам вазифасини ўтайди. Шунингдек, у томонларни яраштириш ёки низоларни бартараф этишда ёрдам берадиган, тинчликни барқарорлаштирувчи миссия юбориши мумкин. Кенгаш ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирлар қабул қилиши мумкин. У иқтисодий жазо чоралари қўллаши ёки қуролларни етказиб беришга эмбарго қўйиши мумкин.

Жуда камдан-кам ҳолларда Кенгаш ўзи қабул қилган қарорни бажариш учун аъзо-мамлакатга биргаликдаги ҳарбий ҳаракатларга қадар бўлган «барча зарур воситаларни» қўллашга ваколат беради. Шунингдек, Кенгаш Бош котиб лавозимига муайян номзодни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзоларни тавсия этади.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бош Ассамблеянинг умумий раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги муассасалар фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий соҳада мувофиқлаштириб туради. Халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама этиш ва шу соҳадаги сиёсат борасида тавсиялар ишлаб чиқиш учун, тараққиёт мақсадларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда кенгаш муҳим аҳамиятга эга. Кенгаш таркибига Бош Ассамблея томонидан уч йилга сайланадиган 54 нафар аъзо киради. Кенгаш ҳар йили – Нью-Йорк ва Женевада, галма-галдан – ўзининг бир ой муддатга чўзиладиган сессиясини ўтказади. Сессия давомида муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалалар вазирлар даражасида чиқилади.

Кенгашнинг ишлари йил мобайнида ўз йиғилишларини мунтазам ўтказиб турадиган ва Кенгашга ҳисобот берадиган ёрдамчи ташкилотлар томонидан олиб борилади. Масалан, инсон ҳуқуқлари комиссияси дунёнинг барча мамлакатларида инсон ҳуқуқларига қандай риоя этилаётганлигини назорат қилади. Бошқа ташкилотлар ижтимоий тараққиёт, хотин-қизларнинг аҳволи, жиноятчиликдан огоҳ этиш, гиёҳвандликка қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадилар. Бешта ҳудудий комиссия иқтисодий тараққиёт ва ўз ҳудудларида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Васийлик Кенгаши 7 та аъзо мамлакат қўл остидаги 11 васийлик ҳудудида халқаро назоратни таъминлаш, шунингдек, уларнинг ҳукуматлари бу ҳудудларда ўз-ўзини бошқариш ёки мустақилликнинг зарур чора-тадбирларини кўришлари учун халқаро назоратни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. 1994 йилга келиб, васийлик ҳудудларининг барчаси ўзларини бошқара бошладилар ёки алоҳида давлатга айланиб мустақилликка эришдилар, ёхуд мустақил қўшни давлатлар билан қўшилишди. Энг охири бўлиб, бундай тадбирни Қўшма Штатлар қўл остида бўлган Тинч океан ороллари (Палау) васийлик ҳудуди амалга оширди ва 185-аъзо давлат бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда, таркибига Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси киргани сабабли Васийлик Кенгаши ишлари, унинг иш тартиби қоидаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, яъни у ўзининг йиғилишларини фақат шарт-шароит тақозо этган ҳолларгагина ўтказадиган бўлди.

Халқаро Суд – Бутунжаҳон суди сифатида ҳаммага маълум бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органидир. Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан сайланган 15 судядан ташкил топган Халқаро Суд давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш билан шуғулланади.

Давлатларнинг суд муҳокамасида қатнашишлари ихтиёрий, бироқ қатнашчи давлатлар Суд қарорига бўйсунишлари шарт. Шунингдек, Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши илтимослари билан Суд консултатив хулосалар чиқариш ишлари билан ҳам шуғулланади.

Котибият Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа ташкилотлар кўрсатмаларига мувофиқ тезкор тадбирлар ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уни умумий маъмурий раҳбарликни олиб борадиган Бош котиб бошқаради. Котибият дунёнинг қарийб 160 мамлакатидан бўлган 8900 киши ишлайдиган еттита департамент ва турли бошқармалардан ташкил топган. Бундан ташқари, Нью-Йорк, Женева, Вена ва Найробида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлимлари мавжуд.

3.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги халқаро конвенцияларда тинчлик ва иқтисодий хавфсизлик масалалари

Қурол-яроғлар тарқалишига чек қўйиш, шунингдек, ялпи қирғин қуролларининг қисқартириш, пировардида, уларнинг барча захираларини йўқотилишига эришиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш бўйича музокаралар ўтказиш, шу соҳада тавсиялар ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар ташаббускори бўлиш учун доимий форум вазифасини ўтайди. У қуролсизланиш бўйича Конференция ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида олиб бориладиган кўп қиррали музокараларни қўллаб-қувватлайди. Бу музокаралар натижасида Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги кенг қамровли шартнома (1996 йил) ва ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома каби халқаро келишувлар рўёбга чиқди.

Шунингдек, кимёвий (1992 йил ва бактериологик 1972 й.) қуролларнинг захираларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва тўплашни тақиқловчи, денгиз ва океанлар тубига (1971 й.) ва космик фазога (1967 й.) ядро қуролини жойлаштиришни тақиқловчи шартномалар, шу сингари яна бошқа турдаги қуролларни тақиқловчи ёки чегараловчи шартномалар имзоланди.

1977 йилда ер усти миналаридан фойдаланишни тақиқловчи конвенцияга 100 дан ортиқ давлат имзо чекди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мана шу конвенцияга ва вайрон қилувчи турдаги қуроллардан фойдаланишни тақиқловчи бошқа халқаро шартномаларга барча давлатларни қўшилишга чақирди. БМТ шунингдек, ўқ отар ва енгил қуроллар устидан назоратни кучайтиришнинг ҳам тарафдоридир. Бош Ассамблея қарорига биноан 2001 йилда ўқ отиш қуроллари билан ноқонуний савдо қилиш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.

Венада жойлашган атом энергияси бўйича халқаро агентлик, кафолатлар борасидаги битимлар тизими асосида фаолият кўрсатиб, тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган атом ашёлари ва жиҳозларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланилмаслигини таъминлашга жавоб беради.

Гаагада жойлашган кимёвий қурольларни тақиқлаш бўйича ташкилот жаҳоннинг барча мамлакатлари кимёвий объектлари ҳақида маълумот йиғиш билан шуғулланади ва кимёвий қуроллар бўйича Конвенцияга амал қилиш учун назоратни таъминлаш мақсадида доимий кузатув олиб боради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг тинчликни таъминлаш фаолияти доирасида дипломатик механизмлардан фойдаланган ҳолда қарама-қарши бўлиб қолган томонларнинг ярашишларига ёрдам беради. Тинчликни таъминлаш ишида Бош котиб муҳим роль ўйнайди. У Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ўз фикри бўйича халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган ҳар қандай муаммони ҳавола этиши мумкин. Бош котиб «беминнат хизмат»дан, воситачилик функциясидан фойдаланиши ёки саҳна ортида бевосита ўзи ёки махсус вакил орқали «тинч дипломатия» билан иш олиб бориши керак. Бош котиб, шунингдек, ҳолат кескинлашгунига қадар жанжалнинг олдини олиш учун «огоҳлантирувчи дипломатия» механизмидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, фактларни аниқлаш, ҳудудий доирада шуғулланаётган тинчлик ўрнатувчиларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатларда – томонларга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сиёсий бўлимларини очиш учун миссия жўнатиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти – жабр-зулмнинг туб сабабларини имкон қадар кўпроқ бартараф этишга қаратилган. Шунинг учун ҳам тинч қурилишнинг энг муҳим унсурларидан бири – тараққиёт учун ёрдамни аямаслик унинг асосий вазифаси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорликда ва донор мамлакатлар ҳамда ноҳукумат ташкилотлар иштирокида бутун жамиятнинг бахт-саодати учун, қонун-қоидалар устуворлигини барқарор этиш учун можаролар оқибатларини бошдан кечираётган мамлакатларда сайловлар ўтказиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, бошқаришни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлашга ёрдам кўрсатади. Айни пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу мамлакатларга можаролар оқибатида издан чиққан маъмурий тизимни, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа унсурларини тиклашга ёрдам беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни ўрнатиш бўйича операциялари доирасида 1989 йилда Намибияда сайловларнинг ўтказилишини, Мозамбикда миналардан тозалаш дастурини ва Гаитида фуқаро полицияси ходимларини тайёрлашни кузатиш каби тадбирлар амалга оширилди. Ушбу фаолиятнинг баъзи жиҳатлари тинчликни ўрнатиш операциясидан кейин ҳам давом этиши мумкин. Фаолиятнинг бошқа, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Либуёняда тинч қурилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича ўз бўлимини очиши, Камбоджада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича бўлимининг фаолият кўрсатиб туриши ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гватемалада мамлакат ҳаётининг қарийб барча жабҳаларига таъсир кўрсатиб, тинчлик битимлари тузилишига ёрдам бераётгани ҳукуматларнинг илтимосига биноан амалга оширилди. Хавфсизлик Кенгаши ўзининг тинчликни сақлаш ва халқаро хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича операцияларининг ваколат ва мандат доираларини тасдиқлаб

беради. Музокаралар даврасида узоқ муддатга мўлжалланган қарорлар устида изланишлар олиб борилаётган пайтда, бундай операцияларнинг кўпчилигида ўт очишни тўхтатиш режимини кузатаётган ёки оралиқ зона ташкил этган ҳарбий хизматчилар иштироки кўзда тутилади. Бошқа операцияларда сайловларни ташкил этишга ёрдамлашадиган ёки инсон ҳуқуқлари ҳимоя этилишини назорат қиладиган фуқаро полициячилар ва мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Собиқ Югославия Республикасининг Македониясида амалга оширилган операциялар эҳтиёт чораси амалга оширилиб ҳарбий ҳаракатларни кенгайиб кетишининг олдини олди. Кўпгина ҳолларда операциялар тинч музокараларга амал қилинишини назорат этишга йўналтирилди ва ҳудудий ташкилотнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тинчлик ўрнатиш операциялари бир неча йилга қадар жалб этилиши мумкин.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳиндистон ва Покистоннинг Жамму ва Кашмир штатлари ўртасидаги ўт очиш тўхтатилиши лозим бўлган линия бўйлаб фаолият кўрсатаётган операцияси 1949 йилдан буён давом этади, Кипрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этувчилари 1964 йилдан буён посбонлик қилмоқдалар. Бошқа бир томондан, 1994 йил Ливия ва Чад ўртасидаги Аозу минтақасида операция ўтказиш учун бир ойдан ортиқроқ муддат зарур бўлди.

1948 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ўрнатувчи энг биринчи миссияси шаклланган сониялардаоқ Ташкилотга 118 та мамлакат ихтиёрий равишда 750000 нафар ҳарбий хизматчи ва фуқаро полициячиларини ажратдилар. Улар минглаб фуқаро мутахассислар билан биргаликда тинчлик ўрнатиш борасида амалга оширилган 53 та операцияда иштирок этдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Камбоджа мамлакатида 1992-1993 йиллардаги кенг кўламли операцияси тугалланганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими муассаса ва ташкилотлари фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари ва демократияни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Афғонистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус миссияси 1993 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бош котиб ва унинг махсус вакилларининг қатъий дипломатик саъй-ҳаракатларига қарамасдан мамлакатда жуда катта инсонпарварлик харажатларини талаб қилаётган ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда, бу – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг афғон халқига ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарийб 4 миллион кишига фавқулодда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб собиқ Югославиядаги можароларни бартараф этишга астойдил ҳаракат қилган.

1991 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол-яроғ етказиб бершга чек қўйди, айни пайтда Бош котиб ва унинг вакили қон тўкишни тўхтатиш учун йўналтирилган дипломатик саъй-ҳаракатлар билан ёрдам қила бошлади.

1992-1995 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этувчи кучлари Хорватияда тинчлик ва хавфсизликни тиклашга ҳаракат қилдилар, Босния ва Герцоговиня аҳолисининг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бердилар, шунингдек, собиқ Югославиянинг Македония Республикаси уруш гирдобига тортиб кетилмаслигига кўмаклашдилар.

1995 йилдаги Дейтон (Париж) тинчлик битими тузилганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўртта миссияси бу ҳудудда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг нисбатан йириги ҳисобланган – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Шарқий Словения учун муваққат маъмурияти Хорватия таркибидаги бу ҳудуднинг реинтеграция жараёнини кузатиб турди. Косовода (Югославия Федератив Республикаси) НАТОнинг қуролли ҳаракатлари тўхтатилганидан ва Югославия армияси кучлари чиқарилганидан сўнг, 1999 йил бу ерда БМТ муваққат халқаро маъмурияти ташкил этди.

Ушбу маъмуриятга Косово ҳудуди ва халқига нисбатан барча қонуний, ижроий ва ҳуқуқий жиҳатдан фавқулодда ваколатлар яратиб берилди. Европа Иттифоқи, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилоти, БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари ва Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти демократик жамият ҳамда барқарор автономия ташкил этишда Косово халқи билан иш олиб борди.

4-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ

4.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиялари

Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича мувофиқлаштириш, сиёсатни қайта кўриб чиқиш, сиёсий мулоқотлар ва тавсияларни амалга ошириш, шунингдек халқаро миқёсда келишилган мақсадларни амалга ошириш зарурияти-нинг келиб чиқиши махсус орган ЭКОСОС ни ташкил этилишига замин ҳозирлади[5]. ЭКОСОС Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига (1945 й) мувофиқ тузилган. 1965 ва 1974 йилларда низом юритилган ишларга кўра, аъзолар сонини 18 тадан 54 тагача кўпайтирди ва ҳар йили аъзоларининг учдан бир қисмини янгилаш тартиби белгиланди.

Аъзолар Бош Ассамблея томонидан уч йиллик муддатга сайланади. Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан тўрттаси доимий равишда қайта сайланадилар, чунки улар БМТнинг ёрдамчи органларининг энг каттаси бўлган ЭКОСОС бюджетининг катта қисмини молиялаштирадилар.

Қарорлар оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. ЭКОСОС раислиги ҳар йили ўзгариб туради. ЭКОСОС Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими ва унинг ихтисослашган муассасалари фаолиятининг марказий механизми бўлиб хизмат қилади ва иқтисодий, ижтимоий, экологик соҳаларда ёрдамчи ҳамда эксперт идораларни назорат қилади. Ривожланиш сегменти бўйича йиллик операцион тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маблағлари ва дастурларини тизим асосида умумий мувофиқлаштириш ва йўналтиришни таъминлайди. ЭКОСОСнинг асосий вазифалари Бош Ассамблеянинг раҳбарлиги остида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги аниқ функцияларини бажаришдир. Шу мақсадда ЭКОСОС тадқиқот ўтказиш, Ҳисоботлар тайёрлаш ва Бош Ассамблеяга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари, БМТнинг ихтисослашган муассасаларига тавсиялар бериш, халқаро конференциялар чақириш ва Бош Ассамблеяга ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича конвенциялар лойиҳаларини тузиш ваколатига эга. ЭКОСОСнинг асосий вазифаларидан бири – БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига киритилган аниқ масалаларга қаратилган икки йиллик юқори даражадаги ҳамкорлик бўйича форумни ўтказишдан иборат. ЭКОСОС етакчи олимлар, ишбилармонлик дунёси вакиллари ва 3200 дан ортиқ рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилотлар аъзолари билан маслаҳатлашувлар ўтказади.

[5] ЭКОСОС – Research Centre on Economics and Sustainability – ECO-SOS

Кенгаш гуманитар фавқулодда вазиятлар бўйича махсус йиғилишларни чақириш ҳуқуқига эга. ЭКОСОС ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини мувофиқлаштириш учун жавобгардир. ЭКОСОС 15 та ихтисослашган муассасалар, саккизта функционал комиссия ва ўз ваколати остидаги бешта минтақавий комиссиялардан иборат ҳисобланади. Кенгашга аъзо 54 та мамлакат ҳукуматлари Бош Ассамблея томонидан уч йиллик муддатга сайланади. Кенгашдаги жойлар географик вакиллик асосида тақсимланади: ўн тўртта Африка давлатларига, ўнтаси Осиё давлатларига, олтита Шарқий Европа давлатларига, ўнтаси Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига, ўн учтаси Ғарбий Европа ва бошқа давлатларга ажратилади.

4.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиясининг ташкилий тузилмаси, тараққиёт дастурлари ва минтақавий комиссиялари

ЭКОСОСнинг минтақавий ташкилотлари 5 тани ташкил қилади. Булар:

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси / UNECE-United Nations Economic Commission for Europe)

• Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Осиё ва Тинч океанининг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси/ESCAP- Economic and Social Commission for Asia and the Pacific)

• Лотин Америкаси ва Кариб денгизи бўйича иқтисодий комиссияси (ЛАКҲБИК-Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси бўйича иқтисодий комиссия / ECLAC-Economic Commission for Latin Americaand the Caribbean)

• Ғарбий Осиё учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Ғарбий Осиё учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия/ ESCWA – Economic and Social Commission for Western Asia)

• Африка учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси (УНЕСЕ) 1947 йилда ушбу комиссияга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ташкил этилган. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Тараққиёт Ташкилотининг (ЭКОСОС) бешта минтақавий комиссияларидан биридир. Ташкилотга аъзо давлатлар 56 та. Ушбу ташкилотга Европа мамлакатлари билан бир қаторда Америка Қўшма Штатлари, Канада, Туркия, Исроил ва Марказий Осиёнинг собиқ Совет республикалари киради. Қароргоҳи Женева шаҳрида. Ташкилотнинг йиллик бюджети қарийб 50 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси 1947 йилда иштирокчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини рағбатлантириш учун ташкил этилган. Ташкилот 53 та аъзо давлат ва 9 та ассоциацияга эга бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига

(ЭКОСОС) ҳисобот беради. Штаб квартираси Бангкокда жойлашган бўлса-да, минтақа мамлакатларидан ташқари Франция, Голландия, Буюк Британия ва АҚШ унинг аъзолари ҳисобланади. 2014 йилдан буён ташкилотни покистонлик Шамшад Ахтар бошқариб келмоқда. У ЭССАПни бошқарган иккинчи аёл бўлиб, бу лавозимда ўз ўрнини сингапурлик Ноелин Ҳеизердан кейин эгаллади. ЭССАП БМТнинг ҳудудлар бўйича ва минтақа аҳолисининг бешта минтақавий комиссиялари ичида энг каттаси.

Африка Иқтисодий Комиссияси (ECA) 1958 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) томонидан бешта минтақавий комиссиялардан бири сифатида ташкил этилган. Аъзолари 54 та. Штаб-квартираси Аддис Абабада жойлашган ЭСАнинг фаолияти аъзо давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашиш, минтақалараро интеграцияни кучайтириш ва Африка тараққиёти учун халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган[6].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лотин Америкаси ва Кариб денгизи бўйича иқтисодий комиссияси (Economic Commission for Latin Amerika and the Carribean – ECLAC) 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) томонидан ташкил этилган минтақавий органи. 1984 йилгача у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лотин Америкаси Иқтисодий Комиссияси (ECLAC) деб номланган. ЭСЛАСга Лотин Америкаси ва Кариб денгизидаги 33 мамлакат, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Голландия ва Канада сингари Европа, Осиё ва Шимолий Америкадаги 11 та мамлакат аъзо. 2008 йил 1 июлдан бошлаб инглиз ва испан тилларида иш олиб бормоқда. Минтақавий орган сифатида ECLAC Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг иқтисодий ривожланишига ёрдам берадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни, шунингдек, бошқа қитъалар давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ғарбий Осиё учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (United Nations Economic and Social Commission for Western Asia – ESCWA) 1973 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг (ЭКОСОС) қарори асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Байрутдаги иқтисодий ва ижтимоий бюросининг (УНЕСОБ) вориси сифатида ташкил этилган. 1985 йилда Комиссия Ғарбий Осиё учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия деб номланди. ESCWA фаолияти минтақавий характерга эга бўлиб, унга 17 та Араб давлатлари (Баҳрайн, Миср, Ироқ, Иордания, Яман, Қатар, Қувайт, Ливан, Ливия, Марокаш, БАА, Уммон, Фаластин, Саудия Арабистони, Сурия, Судан, Тунис) киради. ESCWA фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюджети ва аъзо давлатлар ҳиссаси ҳисобидан молиялаштирилади. Расмий тили араб ва инглиз.

ЕКОСОС тузилмасининг асосини кенгаш деб аталадиган ёрдамчи органлар ташкил этади. Кенгаш ўз ваколатларини функционал комиссиялар орқали

[6] https://en.wikipedia.org/wiki/United_Nations_Economic_and_Social_Council

амалга оширади. 1946 йилдан бошлаб ЭКОСОС қошида уруш қурбонлари бўлган болаларга ёрдам бериш ва болаларнинг соғлиғини сақлаш бўйича чоралар кўриш, ривожланмаган мамлакатлар учун техник ёрдам фондлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш кенгаши ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Эксперт идоралари давлат экспертларидан иборат:

◊ Хавфли юкларни ташиш ва кимёвий моддаларни таснифлаш ва этикеткалаш бўйича глобал уйғунлаштирилган тизим бўйича экспертлар қўмитаси;

◊ Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро стандартлари бўйича экспертлараро ҳукуматлараро ишчи гуруҳи;

◊ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг географик номлар бўйича экспертлар гуруҳи;

◊ Шахсий таркибда ишлайдиган аъзолардан иборат эксперт идоралари:

◊ Тараққиёт сиёсати қўмитаси;

◊ Давлат бошқаруви бўйича экспертлар қўмитаси;

◊ Халқаро солиқ ҳамкорлиги бўйича экспертлар қўмитаси;

◊ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита;

◊ Маҳаллий муаммолар бўйича доимий форум.

ЭКОСОС БМТ тизимининг барқарор ривожланишдаги ҳар уч устун – иқтисодий, ижтимоий ва экологик соҳаларда ишлайди. Бу интеграция, барқарор ривожланиш бўйича ҳаракатлар ва кузатув ҳамда кўриб чиқишни бирлаштирадиган майдончадир. БМТ ЭКОСОС орқали бутун жаҳон ва унинг минтақалари доирасидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазият ҳақида маълумотларга эга бўлади, салбий ҳолатларни бартараф этиш борасида изланишлар олиб боради, тегишли ҳудудлар учун ёрдам дастурлари ташкил этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг функционал ва минтақавий комиссиялари тезкор ва ихтисослашган муассасалари учун глобал нормаларнинг ўрнатилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлайди. Турли хил форумларда барқарор ривожланишга жалб қилинган барча одамларни ва шерикларни бирлаштиради, ўзларининг кенг билимлари ва тажрибаларини баҳам кўриш орқали кенг кўламли ҳаракатларга ёрдам беради.

ЭКОСОС барқарор ривожланишнинг учта устуни билан боғлиқ бўлган барча халқаро конференцияларни ўтказиш учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий комиссиялари ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий шартлари ва ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил янги суверен, мустақил давлат сифатида аъзо бўлди. Бир йилдан сўнг Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастури (БМТ ТД/ UNDP-United Nations Development Programme), Аҳолишунослик жамғармаси (БМТАЖ-UNPFA-United Nations Population Fund), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастури (ЮНЕЙДС/ UNAEC- United Nations Atomic Energy Commission), Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси (БМТ – аёллар), Марказий Осиёда Превентив дипломатия минтақавий маркази, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда БМТ Тараққиёт дастури раҳбарлиги остида БМТ кўнгиллилар дастури ваколатхоналаридан ташкил топган.

Ташкилот фаолиятига, шунингдек, мамлакатда ваколатхоналари бўлмаган агентликлар, жумладан БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури ва БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси кўмак бермоқда. Жаҳон банки ҳам мустақил ихтисослашган муассаса сифатида БМТнинг Ўзбекистондаги фаолиятига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва БМТ тизимининг бошқа агентликлари Ўзбекистон Ҳукуматига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кўмак бериш учун ишлайди. Ўзбекистонда жамоаси (ҳозирги вақтда 11 та агентликни ўз ичига олган БМТ мамлакат жамоаси) ривожланишга кўмак дастури доирасида фаолиятини олиб боради.

ЮНДАФ дастури миллий ҳамкорлар ва БМТ ўртасидаги 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига камраб олувчи стратегик ҳужжат ҳисобланади. Ушбу дастур БМТ агентликларининг билим ва техник ёрдам маблағларини тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида сарфлашга қуйидаги тематик йўналишларда амалга оширилган:

◊ иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлаш;

◊ соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини сифатли хизматлар билан янада кенгроқ таъминлаш орқали инсон салоҳиятини ошириш;

◊ барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

◊ ижтимоий хизматларни яхшилаш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган самарали бошқарув;

◊ БМТ Тараққиёт дастури БМТнинг мамлакат жамоасининг мақсадларига эришишида ўз ҳиссасини қўшди, шунингдек, ЮНДАФни амалга оширишда ишчи гуруҳлари (шу жумладан, самарали бошқарув, қонуннинг устуворлиги ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалалари бўйича гуруҳлар)нинг бир қатор учрашувларида ташкилотчи-агентлик вазифасида қатнашди. БМТ Тараққиёт дастури шунингдек, тезкор ишлаб чиқариш гуруҳи аъзоси ҳисобланиб, у БМТ агентликларига тезкор ишлаб чиқариш ва Ўзбекистонда ишлаётган барча норезидент агентликлар учун маъмурий хизматлар мазмунидаги хизматларни кўрсатади[7].

БМТ Ўзбекистоннинг миллий устувор вазифаларини самарали қўллаб-қувватлаш ва талабларини қаноатлантиришига яқиндан кўмак бериб келмоқда. Ташкилотнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги БМТнинг маълум даврлар учун умумий стратегик режаси, Мингйиллик декларацияси, аҳоли фаровонлигини ошириш Миллий стратегияси ва бошқа ҳужжатларга асосланади.

ЮНДАФда БМТнинг Ўзбекистондаги стратегияси баён этилади, ривожланиш соҳасида миллий устувор вазифаларни амалга оширишда кўмак бериш мақсадида БМТнинг турли агентликлари билан ҳамкорлик қилиш механизми батафсил баён этилади. Шунингдек, ЮНДАФда ҳар бир агентликнинг ваколати батафсил ифодалаб берилган. ЮНДАФнинг деярли ҳар бир кутилган натижаси/индикатори БМТнинг икки ёки ундан кўп агентликлари учун умумий ҳисобланиб, улар ўртасида яқиндан ҳамкорликни таъминлайди ва агентликлар ҳаракатларида бир-бирини такрорлаш эҳтимолини кескин камайтиради.

БМТнинг Доимий мувофиқлаштирувчиси Бошқаруви инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик муаммоларини бирлаштиради ҳамда ЮНДАФнинг тўртта устувор йўналишлари бўйича БМТ дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида унинг устуворлигини таъминлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими, шунингдек, миллий ҳамкорларга Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) га эришишга қаратилган жараёнда мамлакатда эришилган МРМ ютуқларини мониторинг қилишда ёрдам беради[8].

Ўзбекистонда ЮНЕЙДС(Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ОИВ / ОИТС бўйича дастур/UNAIDS- United Nations Program on HIV / AIDS) БМТнинг 11 та агентлиги билан ҳамкорликдаги дастур ҳисобланиб, ОИВ/ОИТСга қарши кураш соҳасида БМТ агентликларининг ишини мувофиқлаштиради. ЮНЕЙДС фаолияти ОИВ инфекциялари тарқалишини концентрацияланган босқичида ушлаб туришда миллий мақсадларга эришиш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бунга барчанинг профилактика, ОИВни даволаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлардан фойдаланишга эга бўлиш ҳисобига эришилади. Миллий ҳамкорлар билан тузилган шартномага кўра, "уч қисмли тамойиллар"га, яъни ягона идоралараро ҳаракатлар асоси, ягона мувофиқлаштирувчи орган ҳамда мониторинг ва баҳолашнинг ягона

[7] http://www.un.uz/ozb/pages/display/un-in-uzbekistan

[8] Қўшимча маълумотларни доимий мувофиқлаштирувчининг йиллик ҳисоботида, бошқа стратегик ҳужжатларда ва БМТТД Ўзбекистондаги веб-сайтида топиш мумкин.

механизми тамойилларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча йўналишлар бўйича ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, салоҳиятни ошириш, фуқаролик жамиятлари ва ҳамжамиятларда, ОИВ билан касалланган инсонларни қўшган ҳолда, иштирок этиш йўли орқали, шунингдек, ички ва ташқи ресурсларни сафарбар этиш ҳисобига эришиш мумкин.

ЮНФПА (Аҳолишунослик жамғармаси) Ўзбекистонда 1993 йилдан буён миллий ҳамкорлар билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. ЮНФПАнинг кўмаги барчанинг жинсий ва репродуктив саломатлик (шу жумладан, оилани режалаштириш) соҳасидаги хизматларга эга бўлиши, репродуктив ҳуқуқларни амалга ошириш ва оналар ўлимининг қисқаришини таъминлашга қаратилган. ЮНФПА, шунингдек, гендер тенглик учун курашиб, ёшлар ва аёлларнинг турмуш даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматига болалар ва аёлларнинг уларга ғамхўрлик кўрсатиладиган дўстона ва ҳимоя қилинган муҳитда яшаш, ўсиш ва ривожланиш ҳуқуқлари бўйича ўзининг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. ЮНИСЕФнинг мамлакат бўйича дастури, шунингдек, овқатланиш, таълим, гендер тенгликни таъминлаш ва оналар саломатлигининг муҳофазаси ҳамда болалар ўлимининг камайиши, ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига қарши кураш ва болалар қашшоқлиги билан боғлиқ мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга йўналтирилган.

БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Марказий Осиёдаги бешта давлатга гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уларни қисқартириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, терроризмни олдини олиш ва террорчиларни таъқиб қилиш соҳасида ёрдам кўрсатади. 1993 йилдан буён БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистонга хавфсизлик, мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларнинг саломатлигига оид муаммоларни ҳал этиш йўли билан ривожланишда кўмак бериб келмоқда. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва уларни суиистеъмол қилиш, уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризмга қарши кураш муаммоларини ҳал этмай туриб барқарор ривожланишни таъминлаб бўлмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги агентлиги томонидан ёш кўнгиллилар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар зиммасига ижимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли соҳа ва йўналишларида амалга ошириладиган тадбирларни мувофиқлаштириш вазифаси юкланган. Агентлик ёш кўнгиллилар билан ҳамкорликда бир қатор миллий ташаббуслар, шу жумладан, Орол денгизи оқибатларини камайтириш бўйича ташаббусларда муҳим роль ўйнамоқда.

ЮНЕСКО таълим, фан, маданият ҳамда халқаро алмашув ва мулоқот масалаларини амалга ошириш ва бу жараёнда Ўзбекистондаги фаолиятни БМТ билан мувофиқлаштириш вазифасини бажаради, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ишлари Миллий комиссияси билан ҳамкорликда ўзининг

дастурий тадбирларини амалга ошириш ва уларни молиялаштириш билан шуғулланади.

БМТ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг мамлакат қишлоқ аёлларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган икки асосий йўналишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Биринчи йўналиш – қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, Инсон ҳуқуқларига риоя этиш тамойилларига асосланган ва гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ривожланишни таъминлаш учун уринишларини сафарбар этиш ҳамда қишлоқ аёлларининг турмуш даражасини оширишдан иборат. Иккинчи йўналиш эса қишлоқ аёллари учун маслаҳат ва улар учун ёрдам кўрсатишда ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва молиявий ресурсларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида "Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш"га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Гендер тенглигига мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ҳамда самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад турли даражаларда Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича бир неча йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан:



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази каби янги тузилмалар ташкил топди. Мазкур янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томонидир. Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади, шу билан бирга, уларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Гендер сиёсатининг мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш соҳасида www.gender.stat.uz сайтида қўшимча 54 та гендер кўрсаткичлари киритилди. Шу билан бирга, ушбу йўналишда давомий изчил ишларни амалга ошириш талаб этилади. Бу ерда нафақат қабул қилинган кўрсатмалар, балки уларнинг халқаро мажбурият ва стандартларга мувофиқлиги, жойларда ўз вақтида ва аниқ бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур. БМТ агентликлари гендер тенглик ва камситмаслик

масалаларида, шу жумладан махсус ҳужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги кодексларнинг махсус қоидаларини – жиноий, процессуал ва ижро этувчи босқичларни ишлаб чиқишда яқиндан кўмак бериб келмоқда.

2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш кун тартибидаги тамойилларни, айниқса, "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" тамойилини ҳисобга олган ҳолда, ҳар хил камситиш шаклларига мойил бўлган хотин-қизларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида гендер масалалари бўйича махсус гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг таркибига БМТнинг деярли барча агентликлари вакиллари киритилган. Ўзбекистондаги БМТнинг жамоаси айни пайтда барча миллий ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг кенг маслаҳатлашувлари билан ишлаб чиқилаётган "2021-2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш ҳамкорлик дастури" доирасида гендер тенгликни таъминлаш учун мамлакатга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда.

БМТнинг Марказий Осиё учун огоҳлантирувчи дипломатия бўйича Минтақавий 22 марказининг мақсади Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматларига Марказий Осиё минтақасида таҳдидлар ва янги хатарларнинг келиб чиқишига адекват жавоб чоралари қўллаш мақсадида, музокараларни яхшилаш йўли орқали можароларнинг олдини олиш, ўзаро ишончга ҳамда соф, очиқ ҳамкорлик муносабатларига эришиш чораларини амалга ошириш соҳасида ушбу мамлакатларнинг салоҳиятини оширишда кўмак беришдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ахборот Маркази миллий ҳамкорларнинг вакиллари, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳам Ўзбекистондаги, ҳам дунё бўйлаб фаолиятини ёритади. БМТ Ахборот маркази Ўзбекистондаги матбуот ва ОАВдаги боғланиш учун шахсларнинг рўйхатини юритади.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) – миллий тизимни такомиллаштириш, инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва техник ёрдам дастурлари доирасида турли даражаларда тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Бутунжаҳон банки – Жаҳон банкининг республика фуқаролари турмуш даражасини ошириш бўйича Ўзбекистондаги миссиясидир. Банк ижтимоий хизматлар сифатини ошириш ва мамлакат инфратузилмасини модернизациялаш соҳасида маслаҳат ва молиявий томондан қўллаб-қувватлайди. Бутунжаҳон банки Ўзбекистон ҳукумати ва фуқаролари билан ҳамкорлик қилади, улар билан бутун дунё бўйлаб орттирилган билим ва тажрибасини алмашади.

5-БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРЛАРИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

5.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг халқаро иқтисодиётдаги роли

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ривожланиш бўйича аъзо давлатларга беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича глобал тармоғи ҳисобланади. Ушбу дастур жаҳоннинг 177 та мамлакат ва ҳудудларда ўз фаолиятини қуйидаги учта асосий соҳада амалга оширади:

- барқарор ривожланиш;
- демократик бошқарув ва тинчлик;
- иқлим ва табиий офатларга қаршилик.

Дастур шунингдек, ривожланишни самарали ташкил этиш, бунинг учун моддий маблағларни жалб қилиш ва улардан фойдаланишга ёрдам беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) БМТнинг кўнгиллилар дастурини бошқаради, ҳар йили 130 та мамлакатда кўнгиллилар орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш мақсадида фаолият олиб боради. БМТ кўнгиллилар дастури 1970 йил 7 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг A/PE/2659 (XXB) қарори билан ташкил этилган ва тегишли қарорга мувофиқ икки томонлама мандатни амалга оширади:



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти лойиҳалари ва операцияларини молиялаштиришда БМТга аъзо давлатлар, кузатувчилар, кўп томонлама институтлар, хусусий сектор ва бошқа манбалардан ихтиёрий равишда муайян минтақа, лойиҳа ёки ривожланиш соҳаларига мўлжалланган мунтазам бадаллар ёки хайр-эҳсонлардан фойдаланилади. Охирги йилларда БМТТД бюджетининг 66 фоиз аъзо давлатлар бадаллари, 33 фоизи кўп томонлама ва халқаро институтлар маблағлари, 1фоизи хусусий сектор маблағлари ҳисобидан шаклланмоқда.

Ҳар йили БМТТДга бадаллар ва хайр-эҳсонлар ҳисобидан 5 миллиард доллар шаклланади ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги барча бадаллар ва хайр-эҳсонларнинг 1/5 қисмига тенгдир. Мунтазам бадаллар БМТТД бюджетининг асосини ташкил этади ва дастур самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Улар БМТТДга аҳолининг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга, инқирозларга тез ва самарали мослашувчан жавоб беришга имкон беради.

5.1.1-жадвал

БМТ тараққиёт дастурининг асосий донорлари[9]

№	Донор мамлакатлар	Доллар
1	АҚШ	79 804 287
2	Бирлашган Қироллик	72 559 367
3	Швеция	70 525 392
4	Япония	66 301 590
5	Норвегия	64 241 114

БМТ тараққиёт дастурининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган стратегик режаси доирасида БМТТД Ижроия Кенгаши, шунингдек, ресурсларни тақсимлашни ва БМТТДнинг эришган натижаларини очиқдан-очиқ намойиш этадиган ресурслар ва натижаларни баҳолаш учун янги дастурини тасдиқлади. Бу манфаатдор томонларга дастурнинг самарадорлигини назорат қилиш, йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш ва ташкилотга берилган маблағларни нотўғри сарфлаган тақдирда жавобгарликка тортиш имконини беради.

2011 йилда БМТТД очиқ маълумотлар платформасини яратди, унинг доирасида 155 та мамлакат ҳудудларида 4743 та лойиҳа ва операцияларни қамраб олган бюджет ва дастур натижалари тўғрисидаги маълумотлар ҳар куни эълон қилинади ва янгиланади. БМТТД ижроия Кенгаши 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг A/PEC/48/162 қарори билан ташкил этилган ва қарорга мувофиқ дастур ва унинг администратори фаолиятини назорат қилиб, аъзо давлатларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб беришни

[9] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоботи

таъминлайди. Ижроия кенгаши аъзолари ҳар йили БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланади, Ғарбий Европа давлатлари гуруҳи бундан мустасно.

A/PEC/48/162 қарорга асосан Ижроия кенгаши аъзоларининг географик тақсимоти қуйидаги тартибда амага оширилади: Африка давлатларидан 8 та аъзо, Осиё-Тинч океани минтақасидан 7 та аъзо, Шарқий Европа давлатларидан 4 та аъзо, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи давлатларидан 5 та аъзо ва Ғарбий Европа давлатларидан 12 та аъзо. Ижроия Кенгашнинг ҳужжатлари, одатда, аниқ ҳаракатларга қаратилган, қисқа шаклга эга ва преамбулани ўз ичига олмайди. 1994 йилдан буён БМТТД Ижроия Кенгашининг барча қарорлари консенсус билан қабул қилиниб келмоқда.

5.1.2-жадвал

Ижроия Кенгаши раислигига раҳбарлик қилган географик минтақалар

№	Йил	Минтақа
1	2001	Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси
2	2002	Ғарбий Европа
3	2003	Африка
4	2004	Осиё-Тинч океани
5	2005	Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси
6	2006	Шарқий Европа
7	2007	Ғарбий Европа
8	2008	Африка
9	2009	Осиё-Тинч океани
10	2010	Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси
11	2011	Шарқий Европа
12	2012	Ғарбий Европа
13	2013	Африка
14	2014	Осиё-Тинч океани
15	2015	Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси
16	2016	Шарқий Европа
17	2017	Ғарбий Европа
18	2018	Африка

2018 йилда Ижроия Кенгаши раиси Жагдиш Кунжул (Маврикий), раис ўринбосарлари: Чул-Джо Парк (Корея Республикаси), Бесяна Кадаре (Албания), Тумаси Блаир (Антигуа ва Барбуда) ва Доминик Фавре (Швейцария). Кенгаш

Президентининг асосий вазифалари Ижроия Кенгаш мажлисларини тайёрлаш ва ташкил этиш, қарорларни қабул қилишда шаффофликни таъминлаш ва қарорларни қабул қилиш жараёнида мулоқотни ривожлантиришдан иборат.

Ижроия Кенгаш Котибияти Кенгаш ишининг барча жиҳатларини, шу жумладан унинг аъзоларига ўз вақтида маълумот ва бошқа ёрдам хизматларини тақдим этиш, учта расмий сессияларни ташкил этиш, норасмий маслаҳатлашувлар ва брифинглар, Кенгаш Бюроси учрашувларини режалаштириш ва ташкил этиш, ташрифларни мувофиқлаштириш ва БМТТДнинг тегишли тузилмалари билан самарали алоқаларни таъминлаш вазифаларини бажаради. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик фонди (УНФПА) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Назорат бюроси (УНОПС), Ижроия Кенгаш Котибияти Кенгаш мажлислари билан боғлиқ барча ҳужжатлар учун таҳририят хизматларини тақдим этади ва веб-сайтини юритади. Халқаро миқёсда БМТТД ривожланаётган мамлакатларга турли грантлар ва кредитлар билан молиявий ёрдам кўрсатиш ва унинг молиявий манбаларини тўлдириш, иқтисодиётни рағбатлантиришга ёрдам берадиган ривожланиш инвестициялари учун БМТ жамғармаси томонидан маблағ ажратиш вазифалари билан шуғулланади. БМТ тараққиёт дастурининг ижроия Кенгаши бир вақтнинг ўзида БМТ жамғармасининг ривожланиш инвестициялари бўйича Ижроия Кенгаши ҳисобланади.

Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури 1963 йилда БМТ тизимида озиқ-овқат ёрдами органи сифатида ташкил этилиб, унга ривожланаётган мамлакатлардаги очлик ва қашшоқликка қарши курашда ёрдам бериш масъулияти юкланган. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни рағбатлантириш учун озиқ-овқат ёрдамидан фойдаланади. Ташкилот томонидан мактабларни озиқ-овқат ва таълим билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳар йили бутун дунё бўйлаб 300 миллион болани қамраб олади. Шунингдек, ташкилот фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, ҳарбий ҳаракатлар, табиий ва техноген фалокатлар қурбонлари ҳаётини сақлаб қолиш учун шошилинч ёрдам кўрсатади.

БМТ агентликлари ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тезкор ва тарғибот тадбирларида (World Food Program – WFP) қочқинлар ва озиқ-овқатга муҳтож бошқа кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш, фавқулодда ёрдам кўрсатиш, овқатланишни яхшилаш, ОИВ/ОИТС даволашга қаратилган.

WFP 36 аъзолари таркибида ижроия кенгаши томонидан бошқарилади, улар ЭКОСОС ва FAO томонидан танланади. У йилига тўрт марта йиғилади, инсонпарварлик ва озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича WFP фаолиятини назорат қилади. Ташкилотни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ва FAO бош директори томонидан беш йил муддатга тайинланган ижрочи директор бошқаради ва у WFP Котибиятига раҳбарлик қилади. Европа Иттифоқи WFP да доимий кузатувчи бўлиб, унинг ижроия кенгаши ишида катта донор сифатида иштирок этади.

WFP 2013 йилда 75 мамлакатдан 80,9 миллион кишини қамраб олган бўлса, охирги йилларда мамлакатлар сони 76 та, қамраб олинган аҳоли сони 81 миллиондан ортиб кетди. Фавқулодда вазиятларда озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш учун 50 миллиондан ортиқ киши, мактабларда болаларнинг сақланиши ва таълимда узлуксизликни таъминлаш мақсадида 17,4 миллион болага мактаб овқатлари берилди. WFP озиқ-овқат ёрдами воситаси сифатида нақд пул ва ваучерлардан фойдаланиш кўламини кенгайтирди. 2017 йилда WFP Иордания суриялик қочқинларга озиқ-овқат ёрдамига пул тақсимлашни мақсад қилган дастурини ишга туширди. Лойиҳа идентификаторларни рақамлаштириш учун блокни қабул қилади ва қочқинларга кўзни сканерлаш орқали озиқ-овқат олиш имконини беради. WFP Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг 20 дан ортиқ давлатларини қамраб олган "Тараққиёт учун харидлар" беш йиллик экспериментал лойиҳасига старт берди ва ушбу давлатлар фаолиятини мувофиқлаштирди.

5.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда Инсон тараққиёт индексининг тутган ўрни

Инсон тараққиёти ўз моҳиятига кўра инсон эркинликлари қаторига одамларнинг узоқ, соғлом ва ижодкор ҳаётга бўлган ҳуқуқларини ҳамда уларнинг фикри бўйича қадрлашга арзигулик мақсадларга эришиш, дунёда адолат ва ривожланишни барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этишдан иборат.

Инсон тараққиёти индекси ҳудудлар инсон потенциалининг асосий белгиси сифатида аҳолининг турмуш даражаси, саводхонлиги, ўқиши ва умр давомийлигини таққослаш ва ўлчаш учун ҳисобланадиган интеграл кўрсаткич бўлиб, турли мамлакатлар ва минтақаларнинг турмуш даражасини умумий таққослаш учун стандарт восита сифатида қабул қилинган.

Индекс ҳинд иқтисодчиси, 1998 йилги Нобель мукофоти лауреати Амартья Кумар Сен ва покистонлик машҳур иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ томонидан ишлаб чиқилган. Бир неча ўн йил давомида Инсон тараққиёти концепцияси нафақат назария, балки жамият ривожланишининг комплекс моделига айланди. Инсон тараққиёт концепциясига кўра, жамият ривожланиши марказида фақатгина оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки аввало инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарадорлигида бош мезон – одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг, жамиятда умум эътироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатлироқ қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиши ҳисобланади.

У саломатлик ва узоқ умр кўриш, моддий фаровонлик, таълим даражаси, меҳнатдан маънавий қониқиш, хавфсизлик, маданий ҳордиқ каби тушунчаларни қамраб олади. Инсон тараққиёти концепциясини дунё миқёсида қўллашнинг

бутун даври давомида муайян мамлакатдаги инсон тараққиёти даражасини ифодаловчи ва уларни бошқа давлатлардаги ҳолат билан таққослашга имкон берувчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Асосий кўрсаткич сифатида "Инсон тараққиёти индекси" (Human Development Index – HDI) қабул қилинган. У йиғма индекс бўлиб, мамлакат ютуқларининг ўртача даражасини уч йўналиш: саломатлик ва узоқ умр кўриш (умр давомийлиги), таълим сифати ва даражаси (таълим олиш давомийлиги) ҳамда муносиб ва фаровон ҳаёт кечириш даражаси (аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад) бўйича баҳоланади. Бундан ташқари, муайян мамлакатда инсон тараққиёти даражасини ўлчашда ва давлатлараро таққослашда "Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда инсон тараққиёти индекси" (Inequality-adjusted Human Development Index – IHDI), "Гендер ривожланиши индекси" (Gender Development Index – GDI) ҳамда "Гендер тенгсизлиги индекси" (Gender Inequality Index – GII) каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Индекс БМТ Тараққиёт Дастури доирасида 1990 йилдан буён инсон ривожланиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботларда эълон қилинади. Инсон тараққиёти индексини ҳисоблашда кўрсаткичларнинг 3 тури ҳисобга олинади:

- Кутилаётган умр – узоқ умр кўриш;
- Мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси (ўқишга сарфланган ўртача йил миқдори) ва кутилаётган таълим давомийлиги;
- АҚШ долларида харид қобилияти паритети (ППП) бўйича аҳоли жон бошига Ялпи миллий даромад орқали ҳисобланган турмуш даражаси.

Бугунги кунда ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашда ижтимоий-иқтисодий табақаланишининг миқдорий ва сифат хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг умумлаштирилган тизими ишлаб чиқилган.

Унга кўра қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

- таҳлил қилинадиган мамлакатлар, мамлакат ичидаги ҳудудлар, ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовут даражасини тавсифловчи инсон тараққиёти индексининг фарқланиш коэффициенти;
- соғлиқни сақлаш индексининг табақаланиш коэффициенти (узоқ умр кўриш);
- таълим индексини фарқлаш коэффициенти;
- таҳлил қилинаётган мамлакатлар ёки минтақаларнинг иқтисодий фарқланиш даражасини белгилайдиган даромадлар индексини фарқлаш коэффициенти;
- таққосланган мамлакатлар ёки минтақаларнинг соғлиқ ҳолатидаги тафовутлар кўрсаткичи сифатида ўлим кўрсаткичини фарқлаш коэффициенти;
- ўрганилаётган мамлакатлар ёки минтақалардаги иккинчи ва учинчи даражадаги таълимга кириш даражасидаги тафовутларни акс эттирувчи касб-ҳунар таълими даражасининг тафовут коэффициенти.

Инсон тараққиёти индекси одамлар ва уларнинг имкониятлари фақат иқтисодий ўсишни эмас, балки мамлакат ривожланишини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиши кераклигини таъкидлаш учун яратилган. Инсон

имкониятларини ривожлантириш индексидан миллий сиёсатни танлашда ҳам фойдаланиш мумкин, бунда аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад даражаси бир хил бўлган икки мамлакат инсон ривожланишининг турли хил натижаларига қандай эришиш мумкинлиги ҳақида савол ўрганилади. Ушбу қарама-қаршиликлар давлат сиёсатининг устуворликлари тўғрисида мунозараларни кучайтириши мумкин.

Инсон тараққиёти индекси инсон ривожланишининг муҳим йўналишларида ўртача ютуқларнинг йиғиндиси: – билимдон ва муносиб турмуш даражасига эга бўлган узоқ ва соғлом ҳаётни ифодалайди. Инсон тараққиёти индекси уч ўлчовнинг ҳар бири учун нормализация қилинган индексларнинг геометрик ўртача кўрсаткичидир. Саломатлик ўлчови туғилишда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, 25 ёш ва ундан катта ёшдаги катталар учун ўқиш йиллари ва мактаб ёшига кирган болалар учун кутилаётган ўқув йиллари билан баҳоланади.

Турмуш даражаси аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад билан ўлчанади. Инсон тараққиёти индекси даромаднинг логарифмидан фойдаланиб, даромаднинг камайиб бораётган аҳамиятини Ялпи миллий даромадни ошириш билан акс эттиради. Инсон тараққиёти индекси инсон ривожланиши билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг фақат бир қисмини соддалаштиради ва қамраб олади. У тенгсизлик, қашшоқлик, инсон хавфсизлиги, имкониятларнинг кенгайиши ва ҳоказоларни акс эттирмайди. Мамлакатнинг инсон ривожланиши даражаси тўғрисида тўлиқроқ тасаввур ҳисоботнинг статистик иловасида келтирилган бошқа кўрсаткичлар ва маълумотларни таҳлил қилишни талаб қилади.

6-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ

6.1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг мақсади ва вазифалари

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти 1961 йилда Европа Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг вориси сифатида ташкил этилган. Ташкилот олдига Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Маршалл режасини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) бозор иқтисодиётига эга бўлган 36 та аъзо давлатдан иборат халқаро ташкилотдир. Биргаликдаги мақсадлар "барқарор иқтисодий ўсишга эришиш" бандлик даражаси ва аъзо мамлакатларда турмуш даражасини ошириш, аъзо бўлмаганлар билан жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшишдан иборат. Бош қароргоҳи Парижда (Франция) жойлашган.

Бугунги кунда ташкилот ҳукуматларга сиёсий тажрибаларни таққослаш, умумий муаммоларга жавоб излаш, яхши амалиётни аниқлаш ички ва халқаро сиёсатни мувофиқлаштириш учун шароит яратади. ИҲТТнинг ишлаш усули маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан бошланиб, сиёсатни жамоавий муҳокама қилиш, қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишгача бўлган самарали жараёнлардан иборат.

ИҲТТга аъзо давлатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 63 фоизини, дунё савдосининг тўртдан уч қисмини, ривожланиш бўйича расмий ёрдамнинг 95 фоизини, дунёдаги энергия истеъмолининг ярмидан кўпини ва дунё аҳолисининг 18 фоизини ташкил қилади. Ўзининг асосий агентликлари, Халқаро энергия Агентлиги (ХЭА-Халқаро энергия Агентлиги/IEA-International

Energy Agency) билан биргаликда ташкилотга аъзо ва аъзо бўлмаган мамлакатларга фойда келтириш, глобал иқтисодиётнинг қийинчиликларига қарши туриш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, энергия хавфсизлиги ва атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, ресурслардан хавфсиз, тоза ва самарали фойдаланиш ҳамда фан-техника янгиликларини ривожлантиришга ёрдам беради.

ИҲТТ мамлакатлар ўртасида солиққа оид ҳуқуқларни тақсимлаш учун андоза бўлиб хизмат қиладиган намунавий солиқ конвенциясини нашр этади ва янгилайди. Ушбу моделга ИҲТТ даражасида намунавий конвенция қоидаларининг талқинини акс эттирадиган бир қатор шарҳлар эълон қилинади. Бундан ташқари, ИҲТТ 1995 йилдан буён Трансферлар учун нархларни аниқлаш бўйича йўриқномани нашр этиб келмоқда. Трансферни нархлаш бўйича кўрсатмалар давлатлараро операцияларда фойдани тақсимлашда шаблон бўлиб хизмат қилади.

ИҲТТ китоблар, ҳисоботлар, статистика, иш ҳужжатлари ва маълумотномаларни нашр этади. 1998 йилдан буён нашр қилинган барча сарлавҳалар ва маълумотлар базасига эга.

ИҲТТ ҳар йили 300 дан 500 тагача китоб чиқаради. Нашрлар тегишли равишда ИҲТТ томонидан янгиланади. Кўпгина китоблар инглиз ва француз тилларида нашр этилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Economic Outlook нашри бир йилда икки марта чиқарилади. Унда ИҲТТга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ва таҳлили келтирилади.

ИҲТТ Фактномаси ҳар йили нашр этилади, фактлар китобида 100 дан ортиқ иқтисодий, экологик ва ижтимоий кўрсаткичлар мавжуд, уларнинг ҳар бири аниқ таърифлар ва жадваллар билан таъминланган. Факт дафтари асосан унинг аъзо мамлакатлари ва баъзан бошқа йирик давлатлар статистикаларига бағишланган. У онлайн тарзда барча маълумотларни Stat Links орқали Excel форматида етказиб беради.

ИҲТТ статистика агентлиги сифатида танилган, чунки у кўплаб субъектлар бўйича таққосланадиган статистикани эълон қилади. ИҲТТ ўзининг асосий статистик маълумотлар базалари ИҲТТ маълумотлар портали орқали, оммавий ташриф буюрувчиларга ИҲТТнинг расмий кўрсаткичлари асосида махсус жадвалларни яратишга имкон берадиган очиқ платформада эълон қилади.

ИҲТТ статистикаси бир неча шаклларда тақдим этилади:

- ИҲТТ маълумотлар порталидаги интерфаол жадваллар сифатида;
- iLibrary нинг интерактив маълумотлар базаси ва асосий таққослаш ҳамда мамлакат жадваллари билан;
- статик файллар ёки ИҲТТ Статистика порталидаги маълумотлар базасининг динамик кўриниши сифатида;
- Stat Links сифатида.

6.2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ташкилий тузилмаси ва молиялаштириш йўналишлари

ИҲТТ ташкилий тузилмаси учта асосий қисмдан иборат:

ИҲТТга аъзо давлатларнинг ҳар бирида элчи бошчилигидаги делегация иштирокида ИҲТТ Кенгаши тузилади. Аъзо давлатлар Кенгаш (ва унинг доимий комиссиялари) орқали ташкилот ишига раҳбарлик қилишади.

ИҲТТнинг асосий ишчи қўмиталари, ИҲТТнинг ҳар бир иш соҳасига биттадан ишчи қўмиталари мавжуд. Қўмита аъзолари одатда аъзолар ва аъзо бўлмаган ҳукуматларнинг мутахассислари ҳисобланади. Қўмиталар барча ишларни (нашрлар, топшириқ гуруҳлари, конференциялар ва бошқалар) назорат қилади.

Бош котиб бошчилигидаги ИҲТТ Котибияти доимий ва муҳим қўмиталарга ёрдам беради. Бу дирекцияларда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига 2500 ходим фаолият олиб боради.

ИҲТТ турли муҳим учрашувлар ўтказиб туради улар жумласига:

Ҳар йили аъзо мамлакатларнинг иқтисодиёт вазирлари ва мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш учун номзодлар билан бўлиб ўтадиган вазирлар кенгашининг йиллик йиғилиши;

Ҳар йили бўлиб ўтаган ИҲТТ форуми, унда бизнес, ҳукумат, меҳнат, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилот етакчилари иштирок этади. 2000 йил июндан буён ҳар йили ўтказиладиган ИҲТТ Форуми конференциялар ва мунозаралар кўринишида, жамоатчилик иштирокида очиқ тарзда ташкил этилади.

Муайян соҳа меҳнат, атроф-муҳит вазирлари ва бошқалар вазирлар ўртасида бўлиб ўтадиган тематик вазирлар учрашувлари;

Икки йиллик Умумжаҳон статистика, билимлар ва сиёсат форуми, у жамиятда тараққиётни ўлчаш ва рағбатлантириш мақсадларида амалга оширилади;

ИҲТТ Евросиё Ҳафталиги, Евросиёда умумий ривожланиш ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда илғор тажрибаларни алмашиш учун бир нечта юқори даражадаги сиёсий муҳокамаларини ўз ичига олади.

ИҲТТ котибияти маълумот йиғади тенденцияларни кузатиб боради ва иқтисодий ривожланишни таҳлил ва прогноз қилади. Аъзо мамлакатлар раҳбарлиги остида, савдо, атроф-муҳит, таълим, қишлоқ хўжалиги, технология, солиққа тортиш ва бошқа соҳалардаги ижтимоий ўзгаришларни ёки ривожланаётган ўзгаришларни тадқиқ қилади.

- Котибият Дирекцияларда ташкил этилган:
- Тадбиркорлик маркази;
- Солиқ сиёсати ва маъмурияти маркази;
- Тараққиёт бўйича ҳамкорлик бошқармаси;
- Таълим ва малака бошқармаси;
- Бандлик, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича директорлик;

- Молия ва тадбиркорлик масалалари бўйича директорлик;
- Фан, технологиялар ва инновациялар бўйича директорлик;
- Иқтисодиёт бўлими;
- Атроф-муҳит дирекцияси;
- Давлат бошқаруви;
- Статистика бошқармаси;
- Савдо ва қишлоқ хўжалиги дирекцияси;
- Бош котибият;
- Ижро дирекцияси;
- Жамоатчилик ва алоқа бошқармаси.

6.2.1-расм. Аъзо давлатлар номлари.

ИҲТТга аъзо ва кузатувчи давлатлар вакиллари иқтисодиёт, савдо, фан, бандлик, таълим ёки молия бозорлари каби махсус соҳалар бўйича ихтисослашган қўмиталарда йиғилишади. 200 га яқин қўмиталар, ишчи ва эксперт гуруҳлари мавжуд. Қўмиталар сиёсатни муҳокама қиладилар ва ушбу соҳада эришилган ютуқларни кўриб чиқадилар.

Ташкилотга Шимолий ва Жанубий Америкадан Европа ва Осиё-Тинч океанигача бўлган ҳудудда жойлашган 35 та мамлакат аъзо. ИҲТТ унга аъзо давлатлар томонидан молиялаштирилади. Миллий бадаллар ҳар бир аъзонинг иқтисодиёти ҳажмини ҳисобга оладиган формулага асосланади. Шунингдек, давлатлар ИҲТТ иш дастуридаги маҳсулотларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ихтиёрий бадаллар киритиши мумкин.

ИҲТТ бюджети ва унинг иш дастури икки йиллик асосда аъзо давлатлар томонидан белгиланади. Ташкилотни режалаштириш, бюджетини шакллантириш ва бошқарган ҳолда буларнинг барчаси натижаларга асосланган тизимда ташкил этилган. Ташкилотнинг ҳисобварақлари ва молиявий менежментининг мустақил ташқи аудити Кенгаш томонидан тайинланган, ИҲТТ аъзоси бўлган мамлакатнинг Олий Тафтиш институти томонидан амалга оширилади.

Жаҳон банки ёки Халқаро валюта жамғармасидан фарқли ўлароқ, ИҲТТ грант бермайди ва қарз бермайди.

Барча аъзоларнинг бадаллари ИҲТТ биринчи қисм харажатларининг учдан икки қисмини ташкил этади. Ҳисоб-китоблар аъзо давлатлар ўртасида тенг тақсимланган улушига ва уларнинг иқтисодиётни нисбий миқдорига нисбатан белгиланади.

I қисмнинг охирги йиллардаги бюджети 200,1 миллион еврони ташкил этган. Шу билан бирга, II қисм бюджетлари чекланган миқдордаги аъзолар учун қизиқиш уйғотадиган ва иштирокчи давлатлар ўртасидаги бадаллар ёки бошқа келишувлар асосида молиялаштириладиган дастурларни ўз ичига

олади. II қисмнинг консолидацияланган бюджетлари 97,7 миллион, жамланма бюджети эса 374 миллион еврони ташкил этади.

6.3. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ҳамкорлик шартлари ва лойиҳаларининг асосий хусусиятлари

ИҲТТ аъзоси бўлиш мураккаб процедура бўлиб, унинг таъсис этувчи конвенциясини имзолаш билан чекланиб қолмайди. ИҲТТ аъзоси бўлишни истаган давлатлар иккита асосий талабга риоя қилишга тайёрлигини ва қуйидаги мажбуриятларини зиммасига олишлари керак:

- қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ бўлган демократик жамият;
- очиқ, шаффоф ва эркин бозор иқтисодиёти.

ИҲТТ аъзолик мезонлари бир қатор ИҲТТ вазирлар кенгашининг йиғилишларида кўриб чиқилган. Шу жумладан 2017 йилда ИҲТТ бўлажак аъзоларни кўриб чиқиш учун МСМ дастурини қабул қилинди. Дастур қатъийлик, «тараққиётга эришиш» ва ИҲТТнинг ўнлаб бозор механизмларига аъзоликни талаб қилади (солиқлардан қочиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш, корпоратив бошқарув, чет эллик инвесторларни ҳимоя қилиш ва бошқалар). Бундан ташқари, мамлакат қонун устуворлиги, жамоат яхлитлиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича ИҲТТ қадриятларига содиқлигини аниқлаш учун маълум бир кўрсаткичлар рўйхатини тақдим этади. Ушбу ҳужжатда талабларнинг аниқ рўйхати, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ иккита қўшимча кўрсаткичлар ИҲТТнинг ҳозирги аъзоларига ва келажакда ИҲТТга аъзо бўлиш жараёнида қатнашадиган ёки қатнашиши мумкин бўлган мамлакатларга нисбатан қўлланилади.

ИҲТТ лойиҳалари бир қанча йўналишларда ўз таҳлилларини ишлаб чиқади ва турли йўналиш амалга оширади.Улар жумласидан:

- Қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик;
- Порахўрлик ва коррупция;
- Кимёвий ва биологик хавфсизлик;
- Корпоратив бошқарув ва ривожланиш;
- Рақамли иқтисодиёт;
- Таълим;
- Иш билан таъминлаш;
- Атроф-муҳит;
- Молия, Солиқ, Суғурта ва пенсиялар;
- Яшил ўсиш ва барқарор ривожланиш;
- Соғлиқни сақлаш;
- Саноат ва тадбиркорлик;
- Янгилик;
- Сармоя;

- Миграция;
- Давлат бошқаруви;
- Минтақавий, (қишлоқ ва шаҳар) ривожланиши;
- Меъёрий ислоҳот;
- Фан ва технологиялар;
- Ижтимоий ва фаровонлик масалалари;
- Савдо ва бошқаларни келтириш мумкин.

ИҲТТ Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун коррупцияга қарши тармоғи, АҚШ Давлат ИҲТТнинг Департаментининг Халқаро наркотиклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалалари бюроси билан биргаликда мураккаб коррупцияни самарали тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ва институционал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга оширмоқда. Истанбулдаги коррупцияга қарши курашиш режаси тавсияларини кўриб чиқиш ва амалга оширишни кучайтириш ушбу лойиҳанинг мақсадини белгилаб беради.

Хусусан, лойиҳага қуйидагилар қаратилган:

1. Бош прокуратура Академиясини қўллаб-қувватлаш:

- Мураккаб коррупция ишларини самарали тергов қилиш ва судга тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг салоҳиятини ошириш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳалоллик, ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа тегишли яхлит қоидаларга риоя қилишни тарғиб қилиш.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг танланган чора-тадбирлари ва идоралараро комиссиянинг бажарилишини қўллаб-қувватлаш:

- Танланган коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшиш;
- Комиссия Котибиятининг мувофиқлаштириш ва мониторинг имкониятларини кучайтириш.

3. Ўзбекистонни коррупцияга қарши халқаро стандартларга яқинлаштириш:

- Халқаро стандартлар ва ИАП тавсиялари ҳақида хабардорликни ошириш;
- ИҲТТнинг Марказий Осиё ва Шарқий Европа учун коррупцияга қарши тармоғининг мониторингини қўллаб-қувватлаш;
- Коррупция ҳолатларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш.

ИҲТТнинг ушбу лойиҳадаги асосий ҳамкори – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг Академияси ҳисобланади.

WORLD TRADE ORGANIZATION

7-БОБ. ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ

7.1. Жаҳон савдо ташкилотининг ривожланиш босқичлари

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилнинг 1 январида мустақил халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади. ЖСТ кўп томонлама савдо тизимларининг ҳуқуқий ва институционал асосидир. У муҳим шартномавий мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари ҳукуматларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташқи савдони бошқаришни аниқлаб беради. ЖСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган бўлиб. Таърифлар ва савдо бўйича бош келишувлари (ГАТТ) давомчиси ҳисобланади.

ЖСТ келишуви халқаро савдонинг янги қонуниятларини, Уругвайдаги кўп томонлама музокаралар жараёнида эришилган битимларни умумий идорага жамлашни қамраб олади. Бу қоидалар ГАТТ доирасида 125 та мамлакат иштирокида етти йил давом этган ва 1993 йилнинг 15 декабрда Уругвайда тугаган кўп томонлама музокаралар натижасидир.

1994 йилнинг 15 апрелида Марокашда (Марокко) 125 та аъзо-мамлакатларнинг вазирлари иштирокига Уругвай раунди бўлиб ўтади ва у тарихга «Марокко декларацияси» номи билан кирган. Уругвай раундида битимлар қуйидаги тизимлардан ташкил топганлигини тасдиқловчи битими имзоланди.

Умумжаҳон Савдо Ташкилоти тўғрисида Марокаш битими.

- Товарлар савдоси;
- Хизматлар савдоси;
- Таърифлар ва савдо бўйича бош битим;
- Ўзаро юк ташиш инспекцияси бўйича битим;
- Техник бартерлар ва савдо бўйича битим;
- Санитар ва фитосанитар ҳолат бўйича битим;
- Инвестиция савдо аспектлари ҳолати бўйича битим;
- Тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича битим;
- Қишлоқ хўжалиги бўйича битим;
- Қоидаларнинг келиб чиқиши бўйича битим;
- Хизматлар савдоси. Хизматлар савдоси бўйича бош битим;
- Интеллектуал ресурслар ҳуқуқи.

Интеллектуал ресурслар савдоси бўйича битим ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- Чегараланган иштирокчилар сонига эга секториал савдо битими;

- Фуқаро авиатехникаси бўйича битим;
- Давлат харидорлари тўғрисидаги битим.

ГАТТ-ЖСТнинг бир қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Таърифлар орқали миллий иқтисодиётни ҳимоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам ЖСТга аъзо мамлакатлар ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан таърифлар орқали ҳимоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2. «Таърифларни алоқалаш». Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-қувватлашни камайтириши, иложи бўлса, таърифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Таърифлар маълум даражада камайиб «алоқа»га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги таъриф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз таърифни ошира олмайди.

3. «Энг қулай режим». ГАТТнинг ушбу қонунни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортчи ва импортчи давлатларга ўзгартирилган таъриф ва бошқа меъёрлар ЖСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Ҳеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. «Миллий режим». Агар афзал кўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, «Миллий режим» қоидасида бозорга чиқарилган товарлар давлат ичида ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилишини назарда тутади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёни қийин ва узоқ вақтни талаб қилади. Биринчи босқичда ЖСТга қўшилишни хоҳловчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари ЖСТда кузатувчи мақомига эга бўлиш учун ариза беради. Бунда ҳукумат ЖСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган аспектларни тақдим этади. Бу меморандум қўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг ЖСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишларида ариза берган ҳукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мақсадида қизиқувчи аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида ЖСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ бир таърифлар беради. Ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гуруҳ асосий қўшилиш шартларини ишлаб

чиқади ва йиғилиш натижасига кўра ЖСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди ҳамда ҳужжатларни бош кенгаш ёки вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этади. Қўшилиш тўғрисидаги қарор ЖСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади.

7.2. Жаҳон савдо ташкилотининг ташкилий тузилмаси, ҳамкорлик шартлари ва аъзо мамлакатларнинг умумий имтиёзлари

ЖСТ XXI асрни «Доҳа тараққиёт тартиби» билан бошлади. 2001 йил Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган ЖСТ 4-вазирлар конференцияси савдо музокараларининг янги раунди босқичи тўғрисида қарор қабул қилинди.

Конференцияда дунё савдо тизимининг либерализацияси бўйича хизматлар, саноат моллари савдоси таърифлари, интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо томонлари, қишлоқ хўжалигида ички қўллаб-қувватлаш ва экспортга субсидиялар бериш, «Сингапур муаммолари», савдо ва инвестиция, рақобат борасида сиёсат, давлат харидларида транспарентлик, савдо ҳамкорлиги, савдо ва атроф-муҳит муаммолари каби мавзулар кўриб чиқилди. Бироқ, савдо тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ масалалардаги турли қарашлар сақланиб қолди. Ушбу масала 2003 йилнинг 10-14 сентябрида Мексиканинг Канкун шаҳрида жаҳоннинг 148 мамлакати савдо вазирлари иштирокида бўлиб ўтган ЖСТнинг 5-вазирлар конференцияси ҳам ўз ечимини топмади.

Жаҳон амалиётида ташқи савдо операцияларини тартибга солишни таъриф ва нотаъриф услублари мавжуд бўлиб, уларни қай меъёрда ва қай кўламда қўлланилиши ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятидаги асосий йўналишлари билан белгиланади. ЖСТ талабларига кўра барча ташқи савдо операцияларини имкон қадар таърифлар ёрдамида, яъни божхона божлари асосида тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

ЖСТ ташкил этилгунга қадар ГАТТ нотаъриф услубларни ташқи савдо операцияларини тартибга солишда қўлланилиши халқаро савдони эркин оқимига тўсқинлик қилувчи, таърифдан ўзга барча чоралар деб эътироф этган бўлса-да, ҳозиргача Уларни туркумлаш ва тегишли гуруҳларга ажратиш бўйича халқаро миқёсда келишилган ва тасдиқланган умумий қоида йўқ. Шу туфайли, ташқи савдони давлат томонидан нотаъриф услублар асосида тартибга солишда халқаро (универсал) меъёрий хужжат мавжуд эмас.

ЖСТ, Халқаро савдо палатаси, БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси, Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банки, АҚШ таъриф комиссияси ҳамда турли олимларнинг нотаъриф услубларини туркумлашга ёндашувлари турлича. БМТни савдо ва ривожланиш конференцияси ташқи савдодаги нотаъриф услубларни (нотаъриф чекловларни) ЖСТ талабларига мос ҳолда қуйидаги туркумларга бўлади:

а) паратаъриф услублар;
б) нархларни назорат этиш чоралари;
в) молиявий чоралар;
г) миқдорий назорат чоралари (квоталаш);
в) автоматик лицензиялаш чоралари;
е) монополистик чоралар;
ё) техник чоралар.

Паратаъриф услублар ўз мазмунига кўра тегишли давлат ҳудудида хорижий товарларни киритиш чоғидан божхона божларидан ташқари мавжуд бўлган барча тўловлар, солиқлар, акцизлардан таркиб топган бўлиб, божхона ёки бошқа савдони назорат этувчи органлар томонидан ундирилади. Бир кўришдан улар божхона божлари сингари қўлланилсада, иқтисодий мазмунига кўра нотаъриф услублар саналади. Шунингдек, айрим давлатларда улар ўзгача тарздаги тўловлар, солиқлар тарзида белгиланади. Масалан, Австрияда «Экспортни ривожлантириш фондига йиғим», Данияда «Атроф-муҳит ҳимояси учун йиғим», Швецияда «Ўсимликларни ҳимоялаш учун солиқ», Финляндияда «Чиқиндиларга кураш учун йиғим» ва бошқа йиғим ҳамда солиқлар шулар жумласидандир. Умуман олганда, паратаъриф услублар тегишли мамлакатнинг ялпи божхона режимига билвосита таъсир ўтказади. Нархни назорат этиш чоралари-импорт қилинаётган товарлар нархини сунъий камайтиришига ёки экспортчи давлатдаги экспорт субсидияларига қарши белгиланган барча турдаги чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу ҳолат кўпгина импортчи давлатларга жаҳон экспорт нархларидан паст нархларда товарлар киритилишида учрайди ва антидемпинг тўловлари қўлланилишини келтириб чиқаради.

ГАТТнинг 1994 йилда қабул қилинган VI-моддасига (одатда у «Антидемпинг Кодекси» деб аталади) кўра, дастлаб демпинг ҳолатини (фактини) аниқлаш услуби орқали антидемпинг тўловлари қўллаш юридик жиҳатдан асосланиши лозим. Шундан сўнг, антидемпинг тўловларни (пошлиналарни) қўллаш учун тегишли текширувлар ўтказилади ва унда ҳақиқатда импортчи давлатнинг тегишли тармоғи учун моддий зарар етказганлигини аниқланади. Бундан ташқари, кўп давлатлар экспортга кўмак бериш мақсадида дотациялар, солиқ имтиёзлари, имтиёзли таърифлар ва бошқа турдаги молиявий воситалар билан протекционистик сиёсат тадбирларини амалга оширадилар. «Янги протекционизм» деб ном олган ушбу чораларни қўллаш тартиби ЖСТ доирасида қабул қилинган «Субсидиялар ва компенсацион пошлиналар тўғрисидаги Битим»да ўз аксини топган.

Молиявий чоралар валюта операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос қоидалари тарзида ташқи савдо алоқаларида қўлланилади. (Масалан, ташқи савдо операцияларидан олинган валюта тушумининг бир қисмини албатта сотиш тартиби). Миқдорий назорат чоралари (квоталаш) тегишли мамлакатга муайян товарларни киритиш ва чиқаришдаги миқдорий чегараларни қўлланилишида ўз ифодасини топади.

ГАТТнинг 1994 йилда қабул қилинган ҳужжатларида миқдорий чораларни амалиётда қўлланилишидан воз кечиш жаҳондаги тегишли иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш омили сифатида белгиланган бўлса-да, у ёки бу товар бўйича миқдорий чекловларни қўллашга рухсат этилган. Шу туфайли, кўпгина давлатлар, мамлакатнинг тўлов балансида мувозанатни сақлаш, ички бозордаги рақобатни таъминлаш мақсадида миқдорий чеклов (квоталаш) чораларини қўллайдилар. Кўп ҳолларда у импорт қилинаётган товарнинг физик миқдори бўйича чеклов (хусусан тонна, дона, метр ва ҳ.к.) ёки товарлар гуруҳи бўйича пул миқдоридаги чеклов (масалан, 5 млн. АҚШ доллари ҳажмида) белгиланди.

Автоматик лицензиялаш чоралари тегишли товарни мамлакатга киритиш ва чиқаришда муайян ҳужжат-лицензиянинг мавжуд бўлишини талаб этади. Лицензиялаш киритилиши билан товарлар савдосини мониторинг қилиш, кузатиш имкони вужудга келади. Одатда, лицензиялашнинг автоматик тарзда амалга оширилиши кўпгина давлатлар тажрибасида кенг қўлланилади. ЖСТ доирасида «Импортни лицензиялаш тадбирлари тўғрисидаги Битим» (Импортни лицензиялаш Кодекси) мавжуд бўлиб, у импорт лицензияларини беришдаги расмиятчиликларни соддалаштириш ва унификациялаштиришга қаратилган.

Монополистик чоралар таркибига давлатнинг ривожланиш босқичида ички ва ташқи савдо тизимини давлат қўлида сақланишига оид бўлган ташкилий жараёнлар киради. Ташқи савдога давлат монополияси у ёки бу товар гуруҳига ёки барча тизимга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Бунда ушбу тадбирлар маънавий асослар, сиҳат-саломатликни сақлаш (масалан, алкогол ва тамаки маҳсулотларига нисбатан), аҳолини узлуксиз дори-дармон билан таъминлаш, озиқ-овқат бўйича хавфсизлик (масалан, дон маҳсулотларига нисбатан), санитария-ветеринария назоратини кучайтириш (масалан, озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотларига нисбатан) мақсадларида қўлланилиши мумкин.

ГАТТ Бош Битимининг XVII моддаси ташқи савдода монополистик чоралар қўлланилишини назарда тутади ва давлат савдо корхоналарининг унда фаолият юритишини ман этмайди. Лекин, улар ўз фаолиятида дискриминацияга йўл қўймасликлари ва тижорат принциплари асосида сифат ва нарх бўйича мутаносибликни таъминлашлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Импорт қилаётган мамлакатлар ўз миллий стандартлари асосида хавфсизлик ва товарлар сифатини назорат этиш техник чоралар ёки техник тўсиқ (барер) лар услубидан фойдаланадилар. Чекловлар муайян бир стандартлар тарзида бўлиб, экспорт қилинаётган товарлар сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, инсонлар ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит ҳимояси, миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан асосланган бўлиши лозим.

ЖСТ доирасидаги савдода техник тўсиқ (барер)лар тўғрисидаги битимга асосан ҳар қандай давлат мажбурий техник стандартларини белгилаши

мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Хусусан, у товарларни қадоқланиши, маркировкасига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Амалда қўлланилаётган техник тўсиқ (барьер)лар техник стандартлар тарзида маҳсулот сифатининг техник меъёрларини (масалан, электр токи қуввати, кучланиши, маҳсулотнинг миллий ўлчов бирликлар тизимига мослиги, экологик зарарсизлиги ва ҳ.к. талаблар) ифодалайди. Ташқи савдода техник тўсиқ (барер)ларни қўллаётган давлатлар халқаро стандартлар асосида уни белгилашлари ёки нима асосида киритилаётганликлари ҳақида ЖСТ секретариатига хабар беришлари лозим.

Ташқи савдо операцияларини тартибга солишда асосий ўринни таъриф услублари хусусан, импорт божхона таърифи эгаллайди. Импорт божхона таърифлари мамлакатга киритиладиган товарлар туркумининг (номенклатураси) тизимга солинган таркиби ҳамда божхона қийматини аниқлаш услублари ва божлар ундириш тартиби орқали амалга оширилади.

Мамлакатга киритиладиган товарлар туркумининг (номенклатураси) тизимга солинган таркиби одатда, божхона ҳамкорлиги Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва ЖСТ/ГАТТ тизимида тан олинган «Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг комил тизими»га асосланади ва у содда тарзда «Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси» деб юритилади

Шундай қилиб, ташқи савдони тартибга солиш услублари ўта мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлган қоида ва тартиблар билан бир қаторда, турли йўналишдаги чораларни ўз ичига олади. Ташқи савдода таъриф ва нотаъриф услубларни қай меъёрда қўлланилиши тегишли мамлакатнинг ташқи савдо сиёсатига боғлиқ.

7.3. Жаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон

Бугун Ўзбекистон иқтисодиётининг олдида турган муҳим масалалардан бири Жаҳон савдо ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишдир. Аммо олимлар ва халқаро савдо соҳаси мутахассислар орасида мунозарага сабаб бўлаётган муаммо Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга тайёрми ва Жаҳон савдо ташкилоти Ўзбекистон иқтисодиётига нима беради деган масаладир. Шу боис, Хитойнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни, аъзоликнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳамда Хитой тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишидан кейинги иқтисодий ҳолат билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари олиб бориладиган ва бу борадаги низоларни ҳал этиш имкониятини берувчи глобал майдон ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикаси (кейинги ўринларда Хитой) 2001 йилда ЖСТга аъзо бўлган ва бу жараён кўпгина иқтисодий муаммоларга сабаб бўлган. Бу ўринда муаммо унинг ташкилотга кириш имконияти эмас, балки иқтисодий режимнинг шаффофлиги, ҳуқуқий, маъмурий ва институционал тизимни шакллантириш мажбуриятларини бажариш механизми билан боғлиқ. Хусусан,

мамлакатни ЖСТга қабул қилиниши жараёнидаги музокараларнинг якуний босқичида ХХР олдига қуйидаги масалалар қўйилади:

▶ экспортни режалаштириш ва экспорт-импорт режаларини амалга ошириш сиёсатини бекор қилиш;

▶ бозор баҳоси тизимига ўтиш;

▶ ташқи савдо режимининг шаффофлиги, лицензиялаш ва квота тизими, давлат харидлари бозорини тан олиш;

▶ хорижий ишбилармонларга ички бозор хизматларидан фойдаланишни эркинлаштириш;

▶ экспорт субсидияларини олиб ташлаш, давлат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашдан воз кечиш ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилиш.

Хитой Жаҳон Савдо Ташкилотида иштирок этишдан жиддий фойда олишга тайёргарлик кўраётгани билан бир қаторда, Жаҳон савдо ташкилоти ўз аъзоларига муайян ҳуқуқларни бермаслигини эмас, балки уларга аниқ мажбуриятларни ҳам киритишни унутмаслиги керак эди. Хитой 15 йиллик мураккаб музокаралар олиб боргандан сўнг, қуйидаги келишувлар асосида ташкилотга аъзо бўлади:

1. Таърифни пасайтириш:

▶ АҚШ компаниялари учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари учун таърифлар 25 фоиздан 7 фоизгача пасайтириш;

▶ Америка фермерлари учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи 31 фоиздан 14 фоизгача камайтириш;

2. Хизматлар билан боғлиқ мажбуриятлар:

▶ банк секторида, суғурта, телекоммуникация ва касбий хизматлар каби муҳим соҳаларда хизмат кўрсатиш соҳасидаги қатор тармоқларни кенг миқёсда очиш.

3. Тизимли ислоҳотлар:

▶ ошкоралик масалалари бўйича кенг миқёсли ислоҳотлар;

▶ келгусидаги қонунчилик чоралари тўғрисида огоҳлантиришлар ва уларнинг тушунтиришлари;

▶ қонунлар ва суд назорати ягона қўлланилиши;

▶ Хитойда фаолият юритаётган хорижий компаниялар учун қўйилган тўсиқларни бартараф этиш.

4. ЖСТ битимларига амал қилиш:

▶ Хитой савдо-сотиқнинг барча жиҳатларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги, импортни лицензиялаш, интеллектуал мулк ҳуқуқларига оид савдо масалалари;

▶ савдо учун техник тўсиқларни ва савдо-сотиқ сармояси чораларини қамраб олиш.

5. Фақатгина Хитой учун савдоларни эркинлаштириш қоидалари:

▶ Хитойга уч йил давомида бевосита импорт қилиш ва экспорт қилиш ҳуқуқи;

- инвестициялар ва импорт рухсатномалари, технология узатиш, валютани либераллаштириш, экспорт валюта тушумлари билан импорт қилишни ва маҳаллий ресурслардан мажбурий фойдаланишни тақиқловчи талабларни бекор қилиш;
- ЖСТ қоидаларига риоя қилмайдиган квоталар ва лицензиялар каби таърифсиз чора-тадбирларни бекор қилиш;
- маҳсулотлар учун квоталар ва лицензиялар каби таърифсиз чора-тадбирларни босқичма-босқич олиб ташлаш;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича давлат монополиясини бекор қилиш;
- давлат корхоналарининг фақат тижорат мақсадларида сотиб олиш ва сотиш талаби;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун субсидияларни бекор қилиш ва импорт ўрнини босиш ҳамда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилиш учун субсидияларни олиб ташлаш.

Иқтисодчилар томонидан Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши ва импортнинг ўрнини босувчи сиёсат олиб бориш натижасида маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ҳамда иш билан бандликда муаммолар юзага келиши мумкинлиги башорат қилинган. Шунга қарамай, Хитой ҳукумати ЖСТга аъзо бўлишнинг қийинчиликларидан кўра, имкониятлари кўпроқ бўлишига ишонган. ЖСТга аъзо бўлиш билан Хитойнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги энг фойдали жиҳати арзон ишчи кучини экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

7.3.1-жадвал

Аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори (АҚШ доллари)

Йиллар	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Хитой	1453	1660	1861	2062	2267	2448	2652	2918	3210

Хитойнинг 1991-2001 йиллардаги ЯИМнинг аҳоли жон бошига миқдорини кузатадиган бўлсак, 10 йил ичида ЯИМ аҳоли жон бошига қиймати деярли 3 баробарга ошганига гувоҳ бўламиз.

Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши натижасида:биринчидан, трансмиллий корпорацияларни жалб этадиган ва жаҳон бозорида ўзини тиклаш учун жиддий имкониятларга эга бўлган юқори технологияли саноат бизнесининг маҳсулотлари экспортини янада кўпайтирди. Сўнгги 10 йил ичида Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётининг юқори технологияли сектори ўзининг ривожланиш босқичидан ўтди, рақобатбардошликни ривожлантириш билан бир қаторда халқаро бозор муаммоларига жавоб бера олди.

Иккинчидан, Хитой экспортида анъанавий маҳсулотларининг ҳажми (кийим-кечак, пойабзал, мебель, ўйинчоқ ва ўйинлар, бошқа истеъмол товарлари) ўсди.

Учинчидан, савдо хизматлари сектори эса сайёҳлик, транспорт, алоқа, компьютер ҳамда ахборот хизматлари ва бошқа хизматлар жадал ўсди. Хитой Осиёда тижорат хизматларининг учинчи йирик экспортчиси, Япония ва Гонконгдан кейин дунёда 8-ўринга кўтарилди.

7.3.2-жадвал

Мамлакатларнинг жаҳон савдо айланмаси ҳажмидаги улуши[10]
(2011, 2030 йиллар)

Мамлакатлар	Савдо айланмаси ҳажми, трлн.доллар		Ўсиш, %
	2011	2030	2011-2030
Хитой	2,972	11,972	7,2
АҚШ	3,224	5,827	3,0
Япония	1,460	2,586	2,9
Ҳиндистон	539	3,907	10,4
Корея	892	2,617	5,5
Бразилия	892	2,617	4,9

2030 йилга бориб, Хитой товар айланмаси жаҳон савдо айланмасидаги энг катта улушга эга бўлган мамлакатга айланади ва у бу кўрсаткичда АҚШни ҳам ортда қолдиради

Шу билан бирга, ЖСТнинг кўп томонлама келишувларини амалга ошириш доирасида мамлакатнинг молиявий тизими ва иқтисодиёти учун қийинчиликлар юзага келди. Жумладан, макро даражада улар нисбатан арзон импорт қилинадиган товарлар бўйича дефляцион босим остида қолиши, рақобатдош бўлмаган давлат корхоналарида иш билан бандликнинг қисқариши, жорий тўловлар балансининг ортиқча қисқариши ва молиявий бошқарув таваккалчиликларини кучайтирадиган капитал ҳисоб-китобларининг кўпайиши юз берди.

Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши арафасида АСЕАН экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган махсус маърузада мамлакатдаги турли хил аҳоли гуруҳларининг даромадлар даражасида сезиларли бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, эркинлаштириш ва рақобатни жадаллаштириш ижтимоий муаммоларни янада кучайтириши мумкинлиги айтилган эди. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Хитойда 16 миллиондан 18 миллионгача бўлган фуқаролар ишламайди ва қишлоқ жойларида ишсизларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг умумий сони 140 миллионга етади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида 100 миллион киши мавсумий асосда ишлайди. Мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлишидан энг кўп зарар кўрган деҳқонлардир. Тахминан 10 миллион киши қишлоқни тарк этишга мажбур бўлган.

[10] http: //svspb.net/ danmark /ввп-стран-на-душу-население

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар Стратегияси"нинг 3-устувор йўналиши борасида мамлакатимизда валютани тартибга солиш, ташқи савдо, божхона ва солиқ қонунчилигини либераллаштиришда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бу ўз ўрнида Ўзбекистоннинг ЖСТга киришида қулай шароит яратиб беради.

2018 йилнинг 13 март куни Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга киришини янгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига БМТнинг ривожланиш дастури кўмагида техник ёрдам кўрсатишга жалб қилиш масаласида Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги (УСАИД), Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида ишчи гуруҳ йиғилиши ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш жараёнини доимий мониторинг қилиб боришда тизимли ишларни ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Йўл харитаси» тасдиқланди, ушбу йўл харитасига 34 та тадбир киритилган бўлиб, улар ташкилотга киришни янгилаш борасида ҳужжатларни тайёрлаш ва мамлакат қонунчилигини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ташкилотга қўшилишга бир неча йиллар керак бўлади ва бу жараённи тайёргарлик даври дейиш мумкин. Ўзбекистон тайёргарлик даврида максимал равишда ташкилотга аъзо бўлишнинг натижаларини баҳолайди ва таҳлил қилади, ташкилотга аъзо бўлишнинг ижобий томонлари ва бўлиши мумкин бўлган хавф ҳамда уларни олдини олишда хавфсизлик чораларини кўриш масалаларини ўрганади. Бу даврда маҳаллий корхоналарнинг техник ва технологик потенциалини янгилаш, ишлаб чиқаришда илмий-техник ишланмаларни жорий қилишда давлат кўмагини фаоллаштириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ушбу жараёнга тайёр эканлигини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосага келамиз:

Биринчидан, 2009-2017 йилларда ЯИМнинг аҳоли жон бошига динамикаси бир текис ривожланмаганлиги, 2017 йилда бу кўрсаткич 1491 АҚШ долларини ташкил этганлигидир. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши натижасида Хитой тажрибасида бўлгани сингари ишсизлар сонининг кўпайиб кетишига ҳамда субсидиялар асосида молиялаштириладиган машинасозлик, деҳқончилик сингари тармоқлар аҳволининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Бу, энг аввало, ЯИМнинг аҳоли жон бошидаги улушида намоён бўлади.

7.3.3-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори[11] (АҚШ доллари)

Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ўзбекистон	1 231	1 393	1 631	1 741	1 908	2 052	2 124	2 094	1 491

Иккинчидан, мамлакат йирик тармоқларининг бу жараёнга тайёр эмаслиги. Йирик тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички бозор нархлари ташқи бозор нархларидан юқори эканлиги. Бу ҳол йирик тармоқлар рақобатбардошлигининг тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Аммо кейинги томондан ўйлаганда, иқтисодиётни тараққий эттириш учун бозор механизмларини ривожлантириш, хусусий секторга имконият яратиш, қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилиш керак бўлади. Бундай мақсадга эришишда эса мамлакатда тизимли ислоҳотларни ўтказиш заруриятини вужудга келтиради.

7.3.4-жадвал

Хитой ҳамда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишидаги имкониятлари

Хитойнинг ЖСТдаги имкониятлари	Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишдаги имкониятлари
Сайёҳлик, туризмнинг ривожланиши	Сайёҳлик, туризмнинг ривожланиши
Интеграциялашув имкониятларининг ортиши	Интеграциялашув имкониятларининг ортиши
Секин-аста нотаъриф чекловларнинг камайиши	Секин-аста нотаъриф чекловларнинг камайиши
Иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг ошиши	Иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг ошиши
Иқтисодиётда давлат монополиясининг қисқариши	Иқтисодиётда давлат монополиясининг қисқариши

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, экспортни ўстириш ва кенгайтиришда, бозор ислоҳотларини давом эттириш барқарорлигини таъминлашда ёрдам бериши мумкин. Техник тартибга солиш, божхона маъмурчилиги, хизмат соҳасидаги қонунчилик бўйича институционал ислоҳотлар ишлаб чиқариш, илмий-техник ривожланишнинг дунё миқёсидаги жараёнига интеграциялашув

[11] http: //svspb.net/ danmark/ввп-стран-на-душу-население

имкониятини тезлаштиради ва осонлаштиради. ЖСТга аъзо бўлиш алоҳида корхоналарга берилган ҳаммага бир хил бўлмаган имтиёз ва тартибларни бекор қилишни англатади. Хусусий сектор ҳаққоний қоидалар бўйича ривожланади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши протекционистик тўсиқлар натижасидаги юқори нархларнинг тушишига ҳамда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, мамлакатда рақобат муҳитининг кучайиши, коррупциянинг пасайиши ҳамда импорт контрабанда товарларининг қонуний йўл билан мамлакатга кириб келишида аҳамият касб этади.

8-БОБ. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ

8.1. Халқаро меҳнат ташкилотининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни

Халқаро меҳнат ташкилоти ХМТ 1919 йилда Версал келишувига мувофиқ Миллатлар лигаси билан бир вақтда ташкил этилиб, унинг Низоми шу йил 1январда кучга кирган (Хартияга сўнгги ўзгартириш 1972 йилда киритилган).

Халқаро меҳнат ташкилотининг миссияси ижтимоий адолат ва халқаро миқёсда тан олинган инсон ва меҳнат ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашга, ижтимоий адолат умумбашарий ва доимий тинчлик учун муҳим эканлигини асослашдан иборат[12].

Халқаро меҳнат ташкилоти, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилот, ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади.

Меҳнат стандартларини белгилаш, барча аёллар ва эркаклар учун муносиб меҳнатни тарғиб қилувчи дастурларни ишлаб чиқиш учун АҚШ агентлиги, ХМТ га аъзо 187 та давлатларнинг ҳукуматлари, иш берувчилари ва ишчиларини бирлаштиради. Шу мақсадда халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 396 та ҳужжат, шу жумладан 189 та конвенция, 202 та тавсиялар, 5 та протокол қабул қилинган.

Бугунги кунда ХМТ муносиб меҳнат дастури орқали барча ишчилар, иш берувчилар ва ҳукуматларга доимий тинчлик, фаровонлик ва тараққиётда иштирок этиш имконини берадиган иқтисодий ва меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам беради.

1944 йилда Халқаро Меҳнат Конференцияси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек иш дунёсидаги қуйидаги асосий принципларни ифодаловчи Филаделфия декларациясини қабул қилди:

- меҳнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва уюшиш эркинлиги доимий ривожланиш учун зарур шартдир;
- ҳамма жойда қашшоқлик умумий фаровонликка таҳдид солади;
- ирқи, эътиқоди ва жинсидан қатъи назар, барча одамлар эркинлик ва қадр-қиммат, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шароитида ўзларининг моддий аҳволи ва маънавий ривожланишини таъминлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу принципларни аниқ, тушунарли ва амалий равишда таржима қилишнинг соддалигига қарамай, бугунги кунда уларнинг аксарияти реал ҳолатлардан ташқари кўпгина давлатлар фаолиятининг декларатив мақсади бўлиб қолмоқда.

[12] https://www.ilo.org/global/lang--en/index.htm

Собиқ СССР ХМТга 1934 йилда аъзо бўлган бўлса-да, 1940 йилда аъзолигини тўхтатади ва 1954 йил қайта аъзо бўлади.

1946 йилда ХМТ ташкил этилганидан кўп ўтмай (Миллатлар Лигаси ўрнига) биринчи ихтисослашган муассасасига айланди.

1998 йилда ХМТнинг Асосий принциплар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди, бу ХМТнинг саккизта асосий конвенцияларига асосланган бўлиб, унда уюшиш эркинлиги, мажбурий меҳнатни бекор қилиш, жамоавий битим тузиш ҳуқуқи, болалар меҳнати самарали тақиқланиши, меҳнат ва касб соҳасидаги камситишларга барҳам берилади.

Ҳозирги кунда ХМТ таркибига қуйидаги органлар киради:

- Халқаро меҳнат конференцияси (ХМК) ХМТнинг халқаро меҳнат стандартларини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган энг юқори органидир. Ҳар бир аъзо давлат АКМга тўртта вакилни юбориш ҳуқуқига эга: иккитаси ҳукумат, биттаси ишчилар ва биттаси иш берувчилар вакилларидан. Делегатлар бир-биридан мустақил равишда гаплашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Икки йилда бир марта, ХМТнинг икки йиллик иш дастури ва бюджети қабул қилинади ва у аъзо давлатлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантиради. Шу билан бирга, АКМ меҳнат ва ижтимоий муаммолар ва халқаро меҳнат стандартларини муҳокама қилиш учун глобал форумдир;
- Бошқарув органи ХМТнинг ХМК фаолиятини сессиялар ўртасида йўналтирадиган ва унинг қарорларини амалга ошириш тартибини белгилайдиган ижро этувчи органдир. Кенгаш ҳар йили уч маротаба – март, июнь ва ноябрь ойларида йиғилади. Етакчи кенгаш 56 аъзодан иборат ва уларнинг ўринбосарлари 66 нафар. Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Япония ҳукуматлари вакиллари ҳукуматларнинг вакили бўлган Етакчи кенгаш аъзоларига ўн ўринни эгаллаб турибди. Бошқа давлатларнинг ҳукуматларини ифодаловчи Кенгашнинг қолган аъзолари Конференция томонидан ротацион равишда ҳар уч йилда қайта сайланадилар;
- Халқаро Меҳнат Бюроси (ХМБ) – ХМТнинг доимий котибияти, ўзига хос операцион штаб ҳисобланади. Бюро ХМТ конференциялари ва мажлисларида ишлатиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботларни тайёрлайди. Бюро халқаро меҳнат стандартларига тегишли барча масалалар, иш берувчилар ва ишчилар фаолияти учун жавоб берадиган бўлимларни ўз ичига олади. Котибиятни Бош директор бошқаради, у беш йиллик муддатга қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади, шунингдек Бюро ходимларини ташкил қилади.

▸ бошқарув масалалари марказлаштирилмаган, минтақавий, субминтақавий даражада ва алоҳида мамлакатлардаги ваколатхоналарга топширилган. Хусусан, Бош офис Москвада жойлашган Россия муносиб меҳнат бўйича техник кўмак гуруҳи ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюросига тегишли (2010 йил апрелга қадар ушбу гуруҳ ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий идораси деб номланган) 10 та давлат – Озарбайжон, Арманистон, Белорусия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини мувофиқлаштиради. Унинг фаолияти муносиб меҳнатни техник қўллаб-қувватлаш гуруҳи ва ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, қароргоҳи Женевада жойлашган Европа ва Марказий Осиё минтақавий офиси томонидан бошқарилади.

ХМТнинг ўзига хос хусусияти бу тринатризмдир, бу унинг фаолиятини ишчилар, иш берувчилар ва ҳукуматларнинг уч томонлама вакиллиги асосида ташкил қилишни англатади.

Халқаро меҳнат ташкилоти ижтимоий адолатни таъминлаш ва халқаро миқёсда тан олинган инсон ва меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш учун ташкил этилган. Бу ишчилар ва ишбилармонларга тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни сақлаш учун замин яратадиган муносиб меҳнат учун шарт-шароитлар, иқтисодий ва ташкилий меҳнат шароитларини яратишга ёрдам беради. Унинг уч томонлама таркиби барча аёллар ва эркаклар учун муносиб ишлаш учун ноёб платформани тақдим этади. ХМТнинг асосий вазифалари меҳнат ҳуқуқларини ривожлантириш, муносиб бандлик имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш ва меҳнат масалалари бўйича мулоқотни кучайтиришдан иборат[13].

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун деярли 100 йил давомида одамларнинг муносиб меҳнат, турмуш тарзи ва қадр-қимматига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун орттирилган тажриба ва меҳнат дунёси тўғрисидаги билимларни таклиф этади. У ўзининг уч томонлама таркибий қисмларига ва умуман жамиятга турли йўллар билан хизмат қилади, шу жумладан:

▸ Инсоннинг асосий ҳуқуқларини рағбатлантириш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш бўйича халқаро сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш;

▸ Халқаро меҳнат стандартларини яратиш ва уларнинг қўлланилишини назорат қилишнинг ўзига хос тизими билан таъминлаш;

▸ Меҳнат соҳасидаги сиёсатларни самарали равишда ҳаётга татбиқ этишда ёрдам берадиган халқаро техник ҳамкорликнинг кенг қамровли дастурини ишлаб чиқувчилар билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш ва бошқалар.

ХМТ Конституцияси 1919 йил бошида АҚШдаги Америка Меҳнат Федерацияси раҳбари Самуел Гомперс бошчилигидаги Меҳнат Комиссияси томонидан Бельгия, Куба, Чехословакия, Франция, Италия, Япония, Польша, Буюк Британия мамлакатларнинг вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган.

[13] https://www.ilo.org/global/lang--en/index.htm

Ушбу жараён натижасида ҳукуматлар, иш берувчилар ва ижро этувчи органларда ишчиларни бирлаштирган ягона бўлган уч томонлама ташкилот пайдо бўлди.

ХМТни яратишда ҳаракатлантирувчи кучлар хавфсизлик, гуманитар, сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан келиб чиққан. ХМТ таъсисчилари ўша даврнинг саноати ривожланган мамлакатларида ишчилар эксплуатацияси фонида тинчликни таъминлашда ижтимоий адолатнинг муҳимлигини тан олишди. Шунингдек, дунёнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлиги ва бозорлар учун рақобатбардош мамлакатларда меҳнат шароитларининг ўхшашлигини таъминлаш учун ҳамкорлик зарурлиги эътибор этилди.

ХМТ Конституциясининг кириш қисмида – «умумжаҳон ва узоқ муддатли ижтимоий адолатга асосланган тинчлик ўрнатилади, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликка путур етказадиган жуда кўп тартибсизликларни келтириб чиқарадиган одамлар учун адолатсизлик, машаққатлар ва ажралишлар билан боғлиқ меҳнат шароитлари мавжуд бўлса, ушбу шароитларни яхшилаш зудлик билан талаб қилинади" дейилади, ҳолбуки, бирон бир давлатнинг инсоний меҳнат шароитларини қабул қила олмаслиги, ўз мамлакатларида шароитларни яхшилашни истаган бошқа давлатлар учун тўсиқдир.

Преамбулада келтирилган ободонлаштириш соҳалари бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда, жумладан иш вақти ва иш билан таъминлашни тартибга солиш, ишсизликнинг олдини олиш ва муносиб яшаш маошини таъминлаш, ишчилар, болалар, ёшлар ва аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида ҳамон муаммолар кўзга ташланмоқда. Преамбулада шунингдек бир қатор асосий принципларни, масалан, тенг қийматдаги иш учун ҳақ тўлаш ва уюшиш эркинлиги, шунингдек, касб ва техник таълимнинг муҳимлигини таъкидланади.

ХМТ иш берувчилар, ишчилар ва аъзо давлатлар ичидаги уч томонлама муносабатни касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммолар бўйича миллий сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишда ижтимоий мулоқотни қўллаб-қувватлайди[14].

ХМТ ўз ишини ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар вакилларидан иборат учта асосий орган орқали амалга оширади:

Халқаро меҳнат конференцияси Халқаро меҳнат меъёрлари ва ХМТнинг кенг қамровли сиёсатини белгилайди. У ҳар йили Женевада йиғилади. Халқаро меҳнат парламенти деб номланадиган ушбу конференция асосий ижтимоий ва меҳнат масалаларини муҳокама қилиш учун форумдир.

Бошқарувчи орган – ХМТнинг ижроия кенгаши. У йилига уч марта Женевада йиғилади ва ХМТ сиёсати бўйича қарорлар қабул қилади, дастур ва бюджетни белгилайди ҳамда қабул қилиш учун Конференцияга тақдим этади.

Халқаро меҳнат идораси Халқаро меҳнат ташкилотининг доимий котибиятидир. У Халқаро Меҳнат Ташкилотининг умумий фаолияти учун

[14] https://www.ilo.org/global/lang--en/index.htm

марказ бўлиб, у Маъмурият назорати ва Бош директорнинг раҳбарлиги остида тайёрланади.

Етакчи кенгаш ва идоранинг ишига саноатнинг асосий тармоқларини қамраб оладиган уч томонлама қўмиталар ёрдам беради. Шунингдек, касбий тайёргарлик, менежментни ривожлантириш, меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ишчилар таълими, шунингдек, аёллар ва ёш ишчиларнинг алоҳида муаммолари каби экспертлар қўмиталари томонидан қўллаб-қувватланади.

ХМТга аъзо давлатларнинг минтақавий учрашувлари вақти-вақти билан тегишли минтақаларни қизиқтирган масалаларни ўрганиш учун ўтказилади.

Халқаро меҳнат стандартлари халқаро миқёсда ноёб бўлган ва мамлакатлар томонидан ратификация қилинган конвенцияларни бажарилишини таъминлайдиган назорат тизими томонидан қўллаб-қувватланади. ХМТ мунтазам равишда аъзо мамлакатларда стандартларнинг қўлланилишини ўрганиб чиқади ва уларни қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатиб беради. Агар стандартларни қўллашда муаммолар мавжуд бўлса, ХМТ мамлакатларга ижтимоий мулоқот ва техник жиҳатдан ёрдам беришга интилади.

ХМТ Халқаро меҳнат конференциясида қабул қилинган ва давлатлар томонидан ратификация қилинганидан кейин конвенциялар ва тавсияларнинг қонун ва амалиётда қўлланилишини назорат қилишнинг турли усулларини ишлаб чиққан.

ХМТ 1950 йилдан бошлаб Ривожланиш учун шериклик лойиҳаси доирасида барча қитъалардаги ва иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларидаги мамлакатлар билан техник ҳамкорлик қилиб келади. Лойиҳалар донор мамлакатлар ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ЖМТ) яқин ҳамкорлиги ҳисобига амалга оширилади, у бутун дунё бўйлаб ваколатхоналар тармоғига эга.

Ривожланиш бўйича ҳамкорлик Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меъёрларини белгилаш, ҳамма жойда аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун хизмат қилади. Содда қилиб айтганда, ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик ХМТ ташкилотларининг таркибий ва институционал имкониятларини қўллаб-қувватлайди, уларнинг мазмунли ва изчил ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва барқарор ривожланишини таъминлайди.

Барча қитъалар ва ривожланишнинг турли босқичларида 50 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган ХМТ бугунги кунда 100 та мамлакатда 120 та шериклар кўмаги билан 600 дан ортиқ дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда.

8.2. Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган ҳар қандай давлат, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлмаган давлат, ХМТга аъзо бўлиши мумкин.

ХМТ фаолияти умумийлик принципига асосланганлиги сабабли, Ташкилот мавжуд ва пайдо бўлаётган ижтимоий ва меҳнат муаммоларини ҳал қилиш, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, барча мамлакатларда ишчилар ҳаёти ва иш шароитларини яхшилашга ёрдам беради.

ХМТнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, агар қабул қилинган конвенция ёки тавсиянома (қонун, суд қарори, одат, келишув) ишчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратса, миллий амалиётга татбиқ этилмаслиги шарти тўғрисидаги асосий қоида билан белгиланади.

Бу ХМТ аъзоларининг мажбуриятларида кўзда тутилган ва ижтимоий-иқтисодий фаровонликнинг юқори даражасига етган мамлакатларга ўз тараққиётини чекламасликларига имкон беради.

ХМТнинг роли бошқа халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлардан фарқ қилади. БМТ тизимининг аксарият ташкилотларида давлат-халқаро нодавлат ташкилотлари-бирлашмалар аъзолиги таъминланса, ХМТда ҳар бир мамлакатдан тўртта вакиллар қатнашади. Шу сабабли, ХМТ жаҳон ҳамжамиятида алоҳида роль ўйнайди, у ўз минбарини турли партиялар вакилларига тенг шартларда тақдим этади, баъзан муҳокама қилинаётган масала бўйича қарашларга қарши фикр билдиради. Бу мумкин бўлган ва тез-тез юзага келадиган ижтимоий, меҳнат, иқтисодий низолар шароитида муҳим хусусиятдир.

1944 йил 10 майда Филаделфияда ХМТ Конституциясига қўшимчага айланган Филаделфия декларацияси қабул қилинган. Халқаро меҳнат ташкилотининг глобал ҳамжамият ва глобал иқтисодиётдаги роли замонавий дунё учун энг муҳим муаммолар – бандлик, ишсизлик, ёшлар ишсизлиги, болалар меҳнати, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва адолати, меҳнат миграцияси масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ХМТ томонидан 1998 йилда қабул қилинган ва ХМТга аъзо барча давлатлар учун мажбурий бўлган "Меҳнатдаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар тўғрисида"ги декларация меҳнат ва бандлик соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни ҳурмат қилган ҳолда иқтисодий тараққиёт албатта ижтимоий тараққиёт билан бирга келадиган шароитларни яратишга қаратилган бандлар киритилган. Шу сабабли, энг муҳим мақсадларга эришиш йўлидаги ютуқларни

доимий равишда кузатиб бориш учун Декларацияга мувофиқ глобал муаммолар бўйича глобал маърузалар тайёрлана бошлади. Улар жумласига: "Болалар меҳнати учун жой йўқ, бу болалар меҳнати муаммоси" (дунёда 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 180 миллион бола ишлайди), "Мажбурий меҳнатга қарши глобал алянс" (дунёда 12,3 миллиондан ортиқ мажбурий меҳнат қурбонлари мавжуд, улардан 2,4 миллиони одам савдоси натижасида бундай меҳнат билан шуғулланади ва 2,5 миллион одам давлат ёки исёнчи қуролланган гуруҳлар томонидан ишлатилмоқда), "Болалар меҳнатидан воз кечиш мақсади" ва бошқаларни келтириш мумкин.

Болалар меҳнати бўйича глобал маърузалар ҳар тўрт йилда бир марта тайёрланади, 2010 йилги глобал ҳисоботда болалар меҳнати пасайиши секинлашгани таъкидланган. 2004-2008 йилларда бутун дунёда ишлайдиган болалар сони 222 миллиондан 215 миллионгача камайди, яъни атиги 3%.

Истиқболдаги вазифа болалар меҳнатларининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш ҳисобланади. 2014-2015 йилларда Болалар меҳнатига қарши курашиш учун ХМТ бюджетидан 12,5 миллион доллар, техник ҳамкорлик учун бюджетдан ташқари манбалардан 53,3 миллион доллар ажратилди.

ХМТ Халқаро Ижтимоий ва Меҳнат Тадқиқотлари институти (Женева, Швейцария) 1960 йилда ташкил этилган. Ижтимоий ва меҳнат сиёсати соҳасида тадқиқотлар олиб боради ва таълим даражасини кўтаради. 1965 йилда ХМТ Халқаро Касбий ва Техник Малакалар Халқаро Маркази (Турин) очилди, унинг дастурлари асосан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг турли ходимларини тайёрлаш билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 90-йилларида Марказ ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар вакилларини, масалан, кичик бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича жалб қилишда янада фаоллашди, 2000 йилларнинг ўрталарига қадар марказ мавжуд бўлган даврда унда 172 та мамлакатдан 55 мингдан ортиқ киши ўқитилди.

Халқаро меҳнат идораси (ХМТ) Туриндаги Халқаро ўқув марказида (ХМТ) маъмурий органи томонидан янги меҳнат статистикаси ва меҳнат бозори муаммоларини таҳлил қилиш академиясини ташкил этиб, унда сиёсатчилар ва юқори менежерларни малакаларини оширади.

ХМТга аъзо давлатлар ҳукуматлари, ишчилар ва ишбилармонларнинг касаба уюшмалари унинг мақсадларига эришиш, тегишли миллий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат, шунингдек, халқаро савдо, иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва инвестициялар соҳасидаги сиёсатни олиб бориш учун жавобгардирлар. ХМТнинг Жаҳон Бандлик дастурига Осиёда ишчи кучини режалаштириш, Лотин Америкаси ва Кариб денгизида бандлик дастури ва Африкада иш ва ҳунармандчилик дастури минтақавий лойиҳалари киради: 1976 йилдан буён меҳнат шароитлари ва иш шароитларини яхшилаш бўйича халқаро дастур амалга оширилмоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти муаммоларини ҳал қилишнинг энг муҳим ва қийин жиҳатларидан бири бу ёшлар орасида ишсизликнинг юқори доирасидир. ХМТ ривожланиш даражасидан қатъи назар, барча мамлакатлар ёшларининг муаммоларига катта эътибор беради.

ХМТнинг ижро этувчи органи Халқаро меҳнат ташкилотининг бошқарув органи ҳисобланади. У Бош конференция сессиялари ўртасида Ташкилот ишига раҳбарлик қилади ва унинг қарорларини бажариш тартибини белгилайди. Етакчи кенгашнинг ҳар йили – март, июнь ва ноябрь ойларида учта мажлиси ўтказилади.

Халқаро меҳнат идораси Женевадаги Халқаро Меҳнат Бюроси ХМТнинг доимий котибияти, операция бошлиғи, илмий ва нашриёт маркази ҳисобланади. Бюро ташкилотнинг конференциялари ва йиғилишларида ишлатиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботларни тайёрлайди (масалан, Стандартларни қўллаш бўйича экспертлар қўмитасининг Умумий ҳисоботи, Маъмурий кенгаш ва унинг қўмиталарининг ҳисоботлари). Бюро, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти учун меъёрий ишларни таъминлайдиган техник ҳамкорлик дастурларини бошқаради.

Бюро таркибига халқаро меҳнат стандартлари билан боғлиқ барча масалалар учун жавоб берадиган бўлим, шунингдек, иш берувчилар ва ишчилар фаолияти учун жавобгар бўлимлар киради.

Маъмурият ва бошқарув масалалари марказлаштирилмаган минтақавий ва субминтақавий даражада ҳамда алоҳида мамлакатлардаги ваколатхоналарга берилган.

Беш йиллик муддатга қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланадиган Бош директор бошчилигидаги Бюро дунёнинг 40 дан ортиқ ваколатхоналарида ишлайдиган 2500 га яқин ходимлар мутахассисларни қамраб олади.

ХМТга аъзо давлатларнинг минтақавий учрашувлари мунтазам равишда минтақада алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказилади. Бошқарув кенгаши ва Халқаро бюрога уларнинг ишларида асосий тармоқларни қамраб оладиган уч томонлама қўмиталар, шунингдек касб таълими, меҳнатни муҳофаза қилиш, менежментни ривожлантириш, меҳнат муносабатлари, касбий тайёргарлик, шунингдек айрим тоифадаги ишчиларнинг махсус муаммолари бўйича эксперт қўмиталари ногиронларга ёрдам беради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ижтимоий ва меҳнат муаммоларини ҳал қилишга қаратилган изчил сиёсат ва ишчилар дастурларини ишлаб чиқиш;
- Халқаро меҳнат стандартларини конвенциялар ва тавсиялар шаклида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Иштирок этиш мамлакатларига иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш ва миграцияни тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш;
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Қашшоқликка қарши курашиш, ишчилар турмуш даражасини ошириш, ижтимоий таъминотни ривожлантириш;
- Ишчилар ва ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ривожлантириш;
- Меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат хавфсизлиги ва саломатлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш соҳаларида дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича ҳукуматлар билан биргаликда ишчилар ва иш берувчилар ташкилотларига ёрдам бериш;
- Ишчиларнинг энг заиф ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Халқаро меҳнат ташкилоти ўз ишида тўртта асосий усулдан фойдаланади;

- Ҳукуматлар, ишчилар ташкилотлари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш;
- Халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; конвенциялар ва тавсиялардан фойдаланишни назорат қилиш;
- Ижтимоий ва меҳнат муаммоларини ҳал қилишда давлатларга ёрдам бериш;
- Ижтимоий ва меҳнат масалалари бўйича тадқиқотлар ва нашрлар ўтказиш.

Трипартизм – Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий иш услуби ва унинг барча халқаро ташкилотлардан ажралиб турадиган хусусияти. Барча ижтимоий ва меҳнат муаммоларини ҳукумат, ишчилар ва иш берувчиларнинг келишилган ҳаракатлари натижасида муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштирувчи механизмларида қатнашади ва БМТ аъзолари билан барча даражадаги мамлакатларга кўмаклашиш ва барқарор ривожланишга эришиш учун хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти аъзо давлатларга СДГ 8 га эришиш учун ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, бандлик ва муносиб иш олиб боришга кўмаклашиш, шунингдек, ХМТ ваколатига кирадиган барча СДГ ва мақсадларга ҳисса қўшишда алоҳида масъулият олади.

Замонавий қулликнинг 2017 йилги глобал баҳолари Барқарор Ривожланиш Мақсадларига, мажбурий меҳнат, замонавий қуллик ва одам савдосига,

шунингдек, болалар меҳнатига ва унинг барча шаклларига чек қўйишга қаратилган самарали чораларни кўришни талаб қилади. У СДИ 8.7 ва тегишли СДГ мақсадларига эришиш учун сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни хабардор қилиш учун мўлжалланган.

Бунга жамоат ва хусусий соҳалардаги барча аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг барча турлари, шу жумладан, одам савдоси, жинсий ва бошқа эксплуатация турлари (СДГ 5.2), болалар, эрта ва мажбурий никоҳлар ва аёлларнинг номусига тегиш каби зарарли ҳаракатларнинг барчаси киради. Бу ердаги ҳисоб-китоблар Халқаро меҳнат ташкилоти ва Walk Free фондининг Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари натижасидир. Улар БМТнинг бошқа агентликлари, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар идораси томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланади.

Ушбу ҳисобот контекстидаги замонавий қуллик мажбурий қонунчилик, қарз мажбурияти, мажбурий никоҳ, бошқа қуллик амалиёти ва одам савдоси каби ўзига хос ҳуқуқий тушунчаларни ўз ичига олади. Гарчи замонавий қуллик қонунларда аниқланмаган бўлса-да, у ушбу ҳуқуқий тушунчаларнинг умумий жиҳатларига эътибор қаратадиган соябон атамаси сифатида ишлатилади. Аслида, бу таҳдид, зўравонлик, мажбурлаш, алдаш ёки ҳокимиятни суиистеъмол қилиш сабабли одам рад этолмайдиган ёки тарк этмайдиган эксплуатация ҳолатларига тегишли.

Замонавий қулликнинг глобал ҳисоб-китоблари иккита асосий масала – мажбурий меҳнат ва мажбурий никоҳга эътиборни қаратади. Мажбурий меҳнатни баҳолаш хусусий иқтисодиётдаги мажбурий меҳнатни, катталарни мажбурий жинсий эксплуатация қилиш ва болаларни тижоратдан жинсий эксплуатация қилишни ўз ичига олади.

Одамларни замонавий қулликка ундайдиган заифликларни бартараф этиш учун кучли ижтимоий ҳимоя зарур. Ишчиларни эксплуатациядан ҳимоя қилиш учун норасмий иқтисодиётда, замонавий қуллик пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда меҳнат ҳуқуқларини кенгайтириш зарур.

Замонавий қулликнинг катта қисми миграцияга тўғри келишини ҳисобга олиб, миграцияни бошқаришни такомиллаштириш мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва жабрланганларни ҳимоя қилиш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, замонавий қулликнинг хатар ва типологияси жинсга кучли таъсир қилади ва бу сиёсат чораларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак.

Қарз мажбуриятининг асосий сабабларини ҳал қилиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олишнинг зарурий элементи ҳисобланади, айни пайтда қурбонларнинг шахсини аниқлаш ҳозирги вақтда номаълум ёки қаровсиз қолган қуллик қурбонларининг аксарият қисми ҳимоясини кенгайтириш учун жуда муҳимдир. Замонавий қулликнинг кўп қисми бугунги кунда гуманитар ҳаракатларнинг бир қисми сифатида замонавий қуллик хавфини бартараф этиш зарурлигини кўрсатиб, давлатнинг мўртлиги, можаролар ва инқироз шароитларида рўй бермоқда.



8.2.1-расм. Замонавий қуллик қурбонлари сони ва фоиз даражаси, тоифалар бўйича

Ушбу соҳалар бўйича сиёсат чоралари тўғрисида хабардор қилиш ва йўналтириш учун замонавий қулликнинг далил базасини яхшилаш бўйича қўшимча ҳаракатлар талаб этилади. Глобал баҳолашни тайёрлаш орқали аниқланган асосий устуворликлар орасида болаларга таъсир этувчи замонавий қулликни, хусусан, болалар ва болалар никоҳи билан тижорий жинсий эксплуатация қилиш ҳолатлари яхшиланади. Шунингдек, мажбурий жинсий эксплуатациянинг вояга етган қурбонлари ва можаролар шароитида жабрланганлар каби маълум популяцияларни янада самарали жалб қилиш зарурати мавжуд. Вақт ўтиши билан замонавий қулликнинг ўзгаришини кузатиб бориш 2030 йилгача бўлган даврда ривожланишни кузатиш учун жуда муҳимдир. Аммо миллий сиёсат чораларини бошқариш учун замонавий қулдорлик бўйича миллий тадқиқотлар ва маълумотларни йиғиш ҳаракатларини кучайтириш ва кенгайтириш муҳим вазифадир. Бинобарин, замонавий дунёда 24,9 миллион киши уй ишчилари сифатида, қурилиш майдончаларида, фабрикаларда, фермаларда ва балиқ овлаш кемаларида, бошқа соҳаларда таҳдид ёки мажбурлаш остида ишлашга мажбур бўлмоқда. Улар жисмоний шахслар, уюшган гуруҳлар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлашга мажбур бўлганлар. Шунингдек, 15,4 миллион киши ўзлари рози бўлмаган мажбурий никоҳда яшашган. Яъни улар жинсий мустақиллигини йўқотган ва кўпинча "никоҳ" ниқоби остида иш билан таъминланган вазиятга тушиб қолишган.

Ҳисоб-китобларга кўра замонавий қуллик эркакларникига қараганда кўпроқ аёлларга таъсир қилади (71/29 фоиз). Бу ҳар хил шаклларда фарқ қилади. Аёллар ва қизлар номутаносиб равишда аввало хусусий иқтисодиётдаги мажбурий меҳнат (уй шароитида ва жинсий алоқа соҳасида) ва мажбурий никоҳ қурбонлари бўлишади. Мажбурий жинсий эксплуатация қурбонларининг 99 фоизи ва мажбурий никоҳ қурбонларининг 84 фоизи аёллар ва қизлардир.

Замонавий қуллик ҳисоб-китобларининг энг ҳаяжонли топилмаларидан бири бу болаларнинг қурбон бўлиш даражаси. Барча замонавий қуллик қурбонларининг тўртдан бир қисми – (10 миллион киши) болалар ҳиссасига тўғри келади. Турмуш қуришга мажбур бўлганларнинг 37 фоизи ёки 5,7 миллиони болалардир.

Замонавий қулликни ташкил этиш шакллари бўйича тарқалиш суръатларини ўрганиш болаларнинг ҳар учала мажбурий меҳнат қурбони бўлиш эҳтимоли кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда. Ҳар 1000 нафар болалар учун мажбурий никоҳ қурбонлари 2,5 тани ташкил этган бўлса, ҳар 1000 та катта ёшли одам учун 1,9 та мажбурий никоҳ қурбонлари кузатилади.

8.3. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари

ХМТ меҳнаткаш одамлар ва ишбилармонларга доимий тинчлик, фаровонлик ва тараққиётга ҳисса қўшадиган муносиб меҳнат, иқтисодий ва меҳнат шароитларини яратишда ёрдам беради. Унинг асосий мақсади меҳнат ҳуқуқларини илгари суриш, муносиб ишга жойлашиш имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва иш билан боғлиқ масалалар бўйича мулоқотни кучайтиришдан иборат.

ХМТ Ўзбекистон билан субминтақавий лойиҳалар орқали фаол иш олиб бормоқда. Фаолиятнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- болалар меҳнати масалалари бўйича миллий ҳукумат ва нодавлат субъектларнинг хабардорлигини ва салоҳиятини ошириш;
- болалар меҳнати, таълим ва ёшларни иш билан таъминлаш ўртасидаги боғлиқлик;
- салоҳиятни янада ошириш, аралашувларнинг такрорланадиган моделларини ишлаб чиқиш ва минтақавий тажрибалар.

Ўзбекистонда ХМТ техник кўмаги билан миллий ва корхона даражасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлашни бошқариш тизими ижтимоий мулоқот асосида ривожлантирилди.

2014 йилда Ҳукумат, ижтимоий шериклар ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 2014-2016 йилларда Ўзбекистон учун муносиб меҳнат тўғрисидаги биринчи дастур имзоланди.

Меҳнатда асосий принциплар ва ҳуқуқларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш «Муваффақиятли иш бўйича мамлакат» дастурининг ушбу компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- халқаро ва миллий меҳнат стандартларини қўллаш бўйича миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг 138 ва 182-сонли болалар меҳнати тўғрисидаги конвенцияларини қўллаш бўйича Миллий ҳаракат режасини амалга оширишда манфаатдор томонларнинг имкониятларини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида, шу жумладан пахтачилик саноатида меҳнат ва бандлик шароитларини асосий стандартларга мувофиқлаштириш;

▸ касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ишдаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни амалга оширишга ҳисса қўшиши, шу билан бирга миллий уч томонлама ижтимоий мулоқот институтларининг самарадорлигини ошириш.

Ишга муносиб имкониятларни яратиш. ХМТ Ўзбекистондаги меҳнат бозори сиёсати ва институтларини қўллаб-қувватлайди. Аралашмалар асосан меҳнат бозори, шу жумладан ёш иш қидирувчилар учун сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга; меҳнат бозори институтларини, шу жумладан меҳнат бозори маълумот тизимини ва Бандликка кўмаклашиш давлат хизматларини кучайтиришга қаратилган.

Меҳнат шароитларини ва ижтимоий ҳимояни яхшилаш «Меҳнатга лаёқатли меҳнат дастури»нинг ушбу компоненти уч қисмдан иборат бўлиб, ХМТнинг учта техник соҳасини акс эттиради:

▸ меҳнат хавфсизлиги ва саломатлик;
▸ ижтимоий ҳимоя қатламлари;
▸ иш ҳақи.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида ХМТ ҳукуматга ва ижтимоий шерикларга тегишли қонунчилик ва сиёсат асосларини баҳолаш ва ислоҳотлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди. Ижтимоий ҳимояни кенгайтириш ва такомиллаштириш масаласида, ХМТ ҳукуматга ва ижтимоий шерикларга ХМТнинг «Ижтимоий ҳимоя қатламлари» глобал тавсиясига мувофиқ ижтимоий ҳимоя қатламларини илгари суришда «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда ёрдам бермоқда. Шунингдек, иш ҳақи даражасини коллектив битимлар ва уч томонлама маслаҳатлашув орқали оширишни ҳисобга олган ҳолда, муносиб иш бўйича мамлакат дастури иш ҳақи бўйича маслаҳат беришнинг мавжуд механизмларини кўриб чиқади ва миллий даражадаги энг кам иш ҳақи билан боғлиқ суҳбатлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилиш ва ижросини амалга ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар жумласига, меҳнат ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги миллий қонунларни такомиллаштириш, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш; ратификация қилинган конвенциялар нормаларини ижро этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ХМТ баённомалари, тавсиялари, декларацияларини, шунингдек, бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва уларни миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш; меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш мавзулари бўйича йиллик шарҳлар, ахборотлар ва материаллар тайёрланишини ташкил этиш ҳамда ХМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли тузилмалари эътиборига етказиш, жамоатчиликни ва фуқароларни уларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларидан хабардор қилиш тизимини ривожлантириш

ХМТ, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ХМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан меҳнат ва бандлик масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш ва бошқаларни келтириш мумкин.

9-БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ

9.1. Жаҳон хўжалигида Халқаро туризм ташкилотининг ўрни

Туристик бозор миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро туризмда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ иқтисодий тизимлар фаолияти кузатилади.

Халқаро туризм – бу мураккаб, кўп мақсадли ва баъзи ҳолларда кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у жаҳон иқтисодиётига хос бўлган механизмлар ва оқибатларни тўлиқ акс эттиради. Халқаро туризм жаҳон ва минтақавий товарлар ва хизматларнинг экспорт-импорт операцияларида, халқаро иқтисодий муносабатлар, глобал иқтисодиётдаги интеграция жараёнларининг ҳосиласи ва шартидир.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи ва энг динамик соҳаларидан биридир. Юқори ўсиш суръатлари учун у асрнинг иқтисодий ҳодисаси сифатида тан олинган. Туризм дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

Дунёда туризмнинг аҳамияти доимий равишда ўсиб бормоқда, бу туризмнинг маълум бир мамлакат иқтисодиётига таъсири ошиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиётида халқаро туризм қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ишлаб чиқариш функцияси – туризм соҳасида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини таъминлайдиган фойдали хизматлар яратилади.

2. Рентабеллик функцияси – туризм давлат бюджетига даромад олиб келади, туристик марказлар ва туристик корхоналар даромадларини, туризмда ишлайдиган ишчиларнинг шахсий даромадларини таъминлайди.

3. Тенглаштирувчи функция – заиф ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади, иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланмаган минтақалар атроф-муҳит ва бошқа омиллар туфайли туризмни ўзига жалб қилади.

4. Иш ўринлари яратиш функцияси – дунёдаги ҳар 15-иш туристик соҳада бўлиб, 130 миллион киши туризм билан бевосита шуғулланади.

5. Халқаро фаолият алмашинуви функцияси – туризм иқтисодиётнинг транспорт ва алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида савдо ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатади.

Халқаро туризм халқаро иқтисодий муносабатлар шаклларидан бири сифатида замонавий шароитда жуда катта улушга эга бўлиб давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга сезиларли таъсир кўрсатилмоқда. Халқаро алоқаларда туризм муҳим ўрин тутади. Ҳар йили

600 миллиондан ортиқ киши сайёҳлик мақсадида хорижий давлатларга ташриф буюради. Хизматларнинг катта қисми минимал харажатлар билан таъминланадиган халқаро туризм тобора кўпроқ эътибор қозонмоқда.

Дунё бўйлаб саёҳатчиларнинг кўп қисми мамлакатларнинг аҳолиси, шунингдек, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган давлатлардир. Аксарият сайёҳлар ҳали ҳам Европага саёҳат қилишни афзал кўришади, халқаро саёҳатлар жозибадорлиги бўйича Америка қитъаси мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Келажакда, кутилганидек, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари биринчи ўринга чиқади.

Ресурс базаси чекланган шароитда ривожланган давлатлар ривожланаётган мамлакатларнинг минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан биргаликда аста-секин ўзларининг туризм ресурсларидан фойдаланишга ўтмоқдалар.

Халқаро туризм иқтисодиёти ушбу фаолият турига тобора кўпроқ боғлиқ бўлган кўплаб мамлакатлар ривожланишининг катализаторига айланиб бормоқда. Халқаро туризм минтақавий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб, чўл ҳудудлари, ташландиқ ерлар, тараққиётдан орқада қолган ва экстремал ҳудудларни ривожлантиришни рағбатлантиради.

Халқаро туризм уруш, минтақавий можароларни камайтирадиган, мамлакатлар ва халқларни маданий ва техник жиҳатдан бойитишга ҳисса қўшадиган фазовий алоқаларнинг янги турини шакллантиришга ёрдам беради.

ХТТ туризм ва биологик хилма-хиллик ўртасидаги боғлиқликни тушунишга ва туризм биологик хилма-хилликни ҳимоя қилишга қандай ёрдам беришини ва унинг туристик йўналишлар учун асосий манба сифатида ролини оширишга ҳисса қўшишни хоҳлайди.

ХТТнинг маслаҳат гуруҳи, шунингдек, энергия самарадорлиги, туризм хавфсизлиги ва иқлим ўзгариши каби муҳим масалаларга ўз ҳиссасини қўшди. Ушбу тармоқлар туризмга бевосита таъсир қилади.

2009 йилда Таиландда консалтинг фирмаси иқлим ўзгаришини юмшатиш учун Но Khao энергия самарадорлиги дастурини бошлади. Бундан ташқари, гуруҳ Марказий Европада ва ЮНЕП билан биргаликда Карпат конвенцияси бўйича лойиҳаларни амалга оширди.

Нейтраллик. Умумжаҳон ишончни сақлаш учун Ҳаракат қуролли можароларда томонлар иштирок этмайди ва сиёсий, ирқий, диний ёки мафкуравий тусдаги низоларда қатнамайди.

Мустақиллик. Ўз ҳукуматларига инсонпарварлик фаолиятида ёрдам берадиган ва ўз мамлакатлари қонунларига бўйсунадиган миллий жамиятлар, Қизил Хоч принципларига мувофиқ ҳаракат қилишлари учун ҳар доим ўзаро ҳамкорликни сақлайди.

Кўнгиллилик. Ўзининг ихтиёрий ёрдам бериш фаолиятида ҳаракат ҳеч қандай фойда олишга интилмайди, балки ижтимоий ёрдамга эътибор қаратади.

Бирлик. Мамлакатда фақат битта Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамияти бўлиши мумкин. У ҳамма учун очиқ бўлиши ва бутун мамлакат бўйлаб инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириши лозим бўлади.

Хилма-хиллик. Ҳаракат бутун дунё бўйлаб амалга оширилади. Барча миллий жамиятлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва бир-бирларига ёрдам беришлари кўзда тутилади.

Ташкилотнинг янги стратегияси 2030 ўзидан олдинги стратегиялардаги мақсадларни жамлаган ҳолда, янги мақсадларни илгари суради. Унинг асосий мақсадлари иккала стратегияда ҳам кўзда тутилади. Янги стратегияда юқори даражадаги мақсадлар сифатида табиий офатлар ва инқирозлар, соғлиқни сақлаш, қадриятлар, қўшилиш ва тинч жамоаларга эътибор қаратилган. Бироқ, Стратегия 2030 бу ўзгариш платформаси бўлиб, у тармоқни ишлаш усулини ўзгартириш бўйича кучли чақириқларга жавобан ишлаб чиқилган.

12-БОБ. ЖАҲОН БАНКИ ГУРУҲИ

12.1. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки



Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки ХТТБ, (IBRD- International Bank for Reconstruction and Development) Жаҳон банкининг асосий кредит ташкилотидир. Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки БМТнинг ихтисослашган муассасаси бўлиб, 1944 йилда Бреттон-Вудсда Халқаро Валюта ва Молия Конференциясининг қарорларига биноан ХВФ билан бир вақтнинг ўзида ташкил этилган давлатлараро инвестиция институтидир. Унинг низоми сифатида ХТТБ шартномаси расмий равишда кучга кирди. Аммо банк 1946 йилдан ишлай бошлади. ХТТБнинг штаб квартираси Вашингтонда жойлашган.

ХТТБ мақсадлари:

- Аъзо давлатлар иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;
- Хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш;
- Халқаро савдода мувозанатли ўсишни таъминлаш ва тўловлар балансини таъминлаш;
- Статистик маълумотларни тўплаш ва нашр этиш.

Микрокредит ташкилотлари ва камбағал мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш орқали, ХТТБ инновацион молиявий ечимларни, шу жумладан молиявий маҳсулотлар (заёмлар, кафолатлар ва хавфларни бошқариш бўйича маҳсулотлар) ва билимлар ҳамда маслаҳат хизматларини (қайтариш асосда) ҳукуматларга миллий ва халқаро даражада тақдим этади.

ХТТБ барча секторлардаги инвестицияларни молиялаштиради ва лойиҳанинг ҳар бир босқичида техник кўмак ва тажриба билан таъминлайди. ХТТБ ресурслари нафақат қарз олувчи давлатларни зарурий молиялаштириш билан таъминлайди, балки глобал билимларни узатиш ва техник ёрдам воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат қарзи ва активларни бошқариш бўйича маслаҳат хизматлари ҳукуматларга, расмий сектор институтларига ва ривожланиш ташкилотларига

молиявий ресурсларни ҳимоя қилиш ва кенгайтириш учун институционал салоҳиятни оширишга ёрдам беради.

ХТТБ давлатнинг молиявий бошқарувини кучайтириш, шунингдек, инвестиция муҳитини яхшилаш, хизматларни тақдим этишдаги муаммоларни ҳал қилиш, сиёсат ва турли институтларни кучайтириш бўйича ҳукумат ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

ХТТБ Жаҳон банкининг Бошқарувчилар кенгаши томонидан бошқарилади, у ҳар йили йиғилади ва аъзо мамлакатларга битта ҳокимдан иборат бўлади (кўпинча мамлакат молия вазири ёки ғазначилик котиби). Бошқарувчилар кенгаши ўз ваколатларининг катта қисмини қарз бериш ва операциялар каби кунлик масалалар бўйича Директорлар кенгашига беради.

Директорлар кенгаши 25 нафар ижрочи директордан иборат бўлиб, уни Жаҳон банки гуруҳи президенти бошқаради. Ижрочи директорлар Бутунжаҳон банкига аъзо бўлган барча 189 та давлатни бирлаштирадилар. Президент ХТТБнинг умумий йўналишини ва кундалик операцияларини назорат қилади. Банк ва Халқаро Тараққиёт Жамғармаси 10000 ходимдан иборат. ХТТБнинг соф фойдаси 2018 йил 30 июнда якунланган молиявий йил учун 505 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил 30 июнда якунланган молиявий йил учун 698 миллион долларни ташкил этди. Иккала молиявий йилда ҳам натижаларга реализация қилинмаган маркировка бўйича таъсир кўрсатилди. ХТТБ ўзининг савдо портфелидаги позицияларини сақлаб қолиш ниятини ҳисобга олган ҳолда, бозорда сотилмаган зарарлар ва тушумлар ХТТБнинг тақсимланадиган даромадларига киритилмайди.



12.1.1-расм. Кредит шартлари бўйича ажратилган кредитлар.[31]

Кредит бериш – 2019 молиявий йилда, ривожланаётган мамлакатларга глобал ва маҳаллий ривожланиш муаммоларига ечим топишда ёрдам бериш учун 100 та операциялар орқали ХТТБ 23,2 миллиард доллар ажратди. 2019 молия йилидаги қарз мажбуриятлари (шу жумладан 1,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги кафолатлар) бир йил олдинги даврга тўғри келди. 2019 йил 30 июнь ҳолатига

[31] http://pubdocs.worldbank.org/en/767901569597693292/IBRD-Information-Statement-2019.pdf

кўра ХТТБнинг соф заёмлари 193 миллиард долларни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 5 фоизга кўпдир.

ХТТБ инвестиция портфели асосан ликвид активлар портфелидан иборат. 2019 йил 30 июнь ҳолатига соф инвестиция портфели 81 миллиард долларни ташкил этди, унинг 79 миллиард доллари ликвид активлар портфелини ташкил этади. Бу бир йил аввал 74 миллиард доллар билан таққосланади, шундан 72 миллиард доллари ликвид активлар портфелини англатади. Ликвид активлар портфелининг ўсиши келгуси молия йили учун қарзлар ва кредитлар бўйича тўланадиган хизматларнинг юқори даражада бўлишини акс эттиради.

12.1.1-жадвал

ХТТБ томонидан Ўзбекисонда соҳалар бўйича ажратилган маблағлар (млн. $)[32]

№	Соҳа	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1	Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, ўрмон хўжалиги	829	843	561	754
2	Таълим	1192	1496	1788	1074
3	Энергетика ва қазилма	2359	3361	4599	4434
4	Молия тизими	1360	3433	2657	1879
5	Соғлиқни сақлаш	793	893	1181	1189
6	Информатика ва алоқалаштириш технологиялари	262	90	194	503
7	Давлат бошқаруви сектори	4162	3175	5111	4754
8	Ижтимоий ҳимоя	1006	2687	1393	778
9	Транспорт	4089	3202	4569	2551
10	Сув таъминоти, қувурларни тиклаш ва тошқиндан ҳимоялаш	1147	2664	4192	2000
11	Саноат, савдо ва хизматлар	1106	1684	3483	2694
	Жами	18604	23528	29729	22612

ХТТБ томонидан қарз бериш фаолияти билан жалб қилинган, аммо кредитлаш учун ҳали фойдаланилмаган маблағлар шу ерда сақланади.

Банк операциялари учун ликвидликни таъминлаш учун ликвид активлар портфели, портфел мақсади билан бошқарилади.

ХТТБ ликвидли активларини инвестиция мақсадларига мувофиқ юқори сифатли инвестициялар билан чеклайди, даромаддан асосий ҳимоя устуворлигини таъминлаш, ликвид активлар консерватив тарзда бошқарилади.

[32] http://pubdocs.worldbank.org/en/767901569597693292/IBRD-Information-Statement-2019.pdf



12.1.2-расм. Жаҳон банкининг 2014-2018 йилларда ажратган маблағлари (млн. $).[33]

Хусусан банк Жаҳон банкининг Ўзбекистонга ажратган маблағлари мунтазам ортиб бормоқда. 2016 йилда 63 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган бўлса, 2017 йилда деярли 6 баробарга ортган, 2018 йилда эса 940 млн АҚШ доллари миқдорида режалаштирилган.

Жаҳон банки томонидан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ХТТБ ва Халқаро Тараққиёт банки тахминан 100 та мамлакатда трансформацион салоҳиятга эга бўлган 351 та муҳим лойиҳани амалга ошириш учун жами 45,1 миллиард доллар маблағ ажратди. Унинг фаолияти банкнинг ривожланиш муаммолари билан шуғулланадиган ва мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш соҳасидаги энг яхши амалий тажриба алмашиш учун марказ ролини ўйнашга қодир бўлган глобал институт сифатида таъкидланади.



12.1.3-расм. Йиллар бўйича Жаҳон банки томонидан амалга оширилган лойиҳалар умумий миқдори (млн. АҚШ доллари) ва сони динамикаси.[34]

[33] http://pubdocs.worldbank.org/en/767901569597693292/IBRD-Information-Statement-2019.pdf
[34] http://pubdocs.worldbank.org/en/767901569597693292/IBRD-Information-Statement-2019.pdf

Коронавирус пандемияси даврида мамлакатимиз Жаҳон банкининг энг йирик молиявий ҳамкорларидан бирига айланди. Хусусан 2020 йил 11 июль куни Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун умумий қиймати 500 млн. долларлик битимни имзолади. Бугунги кунда ташкилотнинг умумий қиймати 4,4 млд. АҚШ долларига тенг 23 та лойиҳадан иборат Ўзбекистон бўйича дастури Туркиядан кейин Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик дастури ҳисобланади.

12.2. Халқаро тараққиёт ассоциацияси

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) 1944 йилда Европага Иккинчи Жаҳон урушининг вайронагарчиликларидан тикланишига ёрдам бериш учун ташкил этилган. 1950 йилларга келиб, энг қашшоқ ривожланаётган давлатларга улар ўсиши учун зарур бўлган капитални қарзга олишлари учун банк таклиф қиладиган шартларга қараганда юмшоқроқ шартлар кераклиги аниқ бўлди. Натижада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва АҚШ ҳукумати томонидан, камбағал мамлакатларга кўп томонлама донорлар кўмаги билан имтиёзли шартларда қарз бериш дастурлари яратилиши қўллаб-қувватланди. Дастлабки муҳокамалардан сўнг, Президент Евгений Блек бошқаруви остида ривожланаётган мамлакатларга "имтиёзли кредитлар" берадиган агентлик – Халқаро Тараққиёт Уюшмасини (IDA-International Development Association) ташкил этиш ғояси илгари сурилди.

Халқаро Тараққиёт Дастурини очиш ташаббуси Оклахома штатидан демократ сенатор Майк Монрони томонидан қўллаб-қувватланди, у ривожланаётган давлатлар учун Жаҳон банки томонидан ёрдам тарқатувчиси сифатида имтиёзли кредитлар беришда манфаатдор эди. Сенатнинг Халқаро молия бўйича қуйи қўмитаси раиси этиб тайинланганда у Монроней резолюциясини таклиф қилди.

1958 йилда Жаҳон банкига аъзо ҳукуматлар маслаҳатлашувлардан сўнг, банк Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишида Халқаро Тараққиёт банки билан келишув моддаларини ишлаб чиқиш бўйича резолюцияни қабул қилди.

1960 йил январь ойининг охирида банк келишув моддаларини барча аъзоларга ратификация қилиш учун тарқатилди ва аъзо мамлакатлар розилиги олдинди.

1960 йил 24 сентябрда дастлабки 912,7 миллион долларга тенг бўлган Халқаро Тараққиёт дастури 15 мамлакат – Австралия, Канада, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Италия, Малайзия, Норвегия, Покистон, Судан, Швеция, Таиланд, Буюк Британия, АҚШ ва Ветьнам томонидан имзоланган.

ИТА (Халқаро Тараққиёт Уюшмаси) ўз фаолиятининг дастлабки саккиз ойи давомида 51 та аъзога эга бўлиб, тўрт мамлакатга 101 миллион доллар миқдорида кредитлар ажратди.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси 173 та аъзо давлатни қамраб олди ва дунёнинг энг камбағал 76 та мамлакатига имтиёзли кредит беринг етакчи манбасига айланди.

Халқаро Ривожланиш Уюшмаси (ХРУ) бошланғич таълим, соғлиқни сақлаш, тоза сув ва санитария, қишлоқ хўжалиги, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инфратузилма ва институционал ислоҳотлар сингари ривожланиш соҳасидаги қатор тадбирларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилот. Ушбу тадбирлар тенглик, иқтисодий ўсиш, иш ўринлари ташкил этиш, юқори даромадлар ва яшаш шароитларини яхшилашга йўл очади. Ривожланаётган мамлакатлар дуч келадиган кўплаб муаммолар чегара билмайди уларни ҳал қилишда, хавфсизлик, атроф-муҳит ва соғлиқ муаммоларини юмшатишга ва ушбу таҳдидларнинг глобал муаммоларга айланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, ХТТБ инқирозга қарши чоралар ойнаси каби воситалар орқали инқирозлар ва фавқулодда вазиятлар пайтида асосий ҳамкор ҳисобланади. У 2010 йилдаги Гаити зилзиласи Гаитида, эбола тарқалишидан азият чеккан Ғарбий Африка давлатларида ва 2015 йилги Непал зилзиласи натижасида жиддий инқирозларни бошдан кечираётган давлатларни қўллаб-қувватлади. Банк лойиҳалари ҳисобидан, Фуқаролик ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш Фонди беш минтақанинг 18 та мамлакатида инқироз ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун 1,8 миллиард доллар ажратди. Халқаро ривожланиш уюшмасининг операцион фаолияти қашшоқликни камайтириш сиёсатини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлайдиган таҳлилий тадқиқотлар билан тўлдирилади. Банк лойиҳалари ҳукуматларга иқтисодий ўсиш базасини кенгайтириш ва камбағалларни иқтисодий зарбалардан ҳимоя қилиш усуллари тўғрисида маслаҳат беради. ХТТБ қарзларни тўлаш билан боғлиқ вазифаларни бажара олмайдиган камбағал мамлакатларга ёрдам бериш учун донорларнинг ёрдамини мувофиқлаштиради. Шунингдек, мамлакатларнинг қарз барқарорлигини таъминлашга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган қарзларни тўлаш хавфи асосида грантлар ажратиш тизимига эга. Юқори ўсиш суръатлари таъсирида дунё сўнгги чорак аср давомида турмуш даражасини оширишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Бу даврда олти йилдан ортиқча умр кўриш давомийлиги ошди, мактабдан ташқаридаги болаларнинг улуши 50 фоизга, оналар ўлими эса 44 фоизга камайди. Ушбу таъсирчан тараққиёт Жаҳон банкининг 2030 йилга қадар дунё аҳолисининг уч фоизидан камроғини қашшоқликни камайтириш мақсадига яқинлаштирди.

Халқаро ривожланиш уюшмаси мамлакатларида қашшоқликни камайтириш борасида эришган даражаси кучли эмас эди. Қашшоқликни камайтириш бўйича муваффақиятга эришиш дунёнинг энг зич жойлашган минтақаларида (Жанубий ва Шарқий Осиё) жадал суръатлар билан ривожланди.

Қашшоқлик ҳозирги кунда ўсиш суръати паст бўлган ва чўзилган можаролар ва мўртлик, аҳолининг кўпайиши ва ҳукуматнинг муваффақиятсизлиги билан ажралиб турадиган қийин шароитларда тобора кучайиб бормоқда. Қаттиқ

қашшоқликдан қутулган кўплаб мамлакатлар бу касалликка қарши курашишда ожиз бўлиб қолмоқда.



12.2.1-расм. Глобал қашшоқлик даражаси прогнозлари[35]

Юқори ўсиш бўлмаганида, 2030 йилга қадар ўта қашшоқликни уч фоиздан пастга тушириш қийинроқ бўлади, бу эса ҳозирда ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлайди. Сўнгги уч ўн йилликда эришилган ютуқларга қарамай, 2013 йилдан буён қашшоқликни камайтириш даражаси пасайиб бораётгани кузатилмоқда. 2030 йилга қадар ўта қашшоқлик ривожланаётган мамлакатлар кесимида икки баравар кўпаяди. Халқаро ҳамжамият ўта қашшоқлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда қолиши керак.

Figure 5. Scaling up resources to accelerate progress



12.2.2-расм. 2030 йилгача тараққиётни тезлаштириш учун ресурсларни кенгайтириш[36]

[35] http://documents.worldbank.org/curated/en/898721564074799426/pdf/IDA19-An-Overview-Ten-Years-to-2030-Growth-People-Resilience.pdf

[36] http://documents.worldbank.org/curated/en/898721564074799426/pdf/IDA19-An-Overview-Ten-Years-to-2030-Growth-People-Resilience.pdf

Муваффақиятли бошқарилган ички ресурсларни жалб қилиш стратегияси кўплаб халқаро ривожланиш уюшмаларини молиялаштиришга ва эришиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Халқаро ривожланиш уюшмаси мамлакатларида давлатнинг умумий даромадлари (грантлар бундан мустасно) 2010 йилдаги ЯИМнинг 15 фоизидан 2017 йилдаги ЯИМнинг 18 фоизигача ўсди. Ушбу яхшиланишга қарамай, барқарор ривожланиш дастурларини молиялаштириш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлган қўшимча даромадларни кўпайтиришда қўшимча имкониятлар мавжуд. ХВФ томонидан ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, солиқни ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиз ставкалари бўйича беш фоиз даражага кўтариш ҳам ХТТБга барқарор ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

12.3. Халқаро молия корпорацияси

Халқаро молия корпорацияси – Жаҳон банки гуруҳининг аъзоси Гаитида ривожланаётган мамлакатларда хусусий секторга йўналтирилган энг йирик глобал ривожланиш институтидир. Банк гуруҳи ўзидаги 2030 йилга қадар ўта қашшоқликка барҳам бериш ва ҳар бир мамлакатда умумий фаровонликни таъминлаш.

Халқаро молия корпорацияси шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишда учинчи томон ресурсларини жалб қилиш бўйича етакчи ҳисобланади. Ҳисобдорлик Мувофиқлик бўйича маслаҳатчининг мустақил идораси томонидан таъминланади.

Халқаро молия корпорациясининг конденсацияланган консолидацияланган балансида Халқаро молия корпорацияси кредит портфелининг баланс қиймати 2019 йил 30 сентябрда 24,081 миллион долларни ташкил қилди.



12.3.1-расм. Халқаро молия корпорациясининг кредит портфели қиймати

Кредит портфелининг баланс қиймати 98 млн. долларга ошди, тўловларнинг ошиб кетиши, қайта тикланишни олиб ташлаш ҳисобидан қисман қопланди. Халқаро молия корпорациясининг ҳисобот валютаси – АҚШ доллари, 1-молиявий чоракдаги инвестиция валюталарига нисбатан, хусусан евро, ҳинд руписи, Хитой юани ва Бразилия реалига нисбатан юқори баҳоланди. Ўзгаришларнинг қолган қисми биринчи навбатда ссуда айирбошлаш, капиталлаштирилган фоизлар ва тўловлар эвазига амалга оширилади.

2019 йил 30 сентябрдаги ссудалар бўйича ўртача тортилган шартномавий фоиз ставкаси 6,0 фоизни ташкил этди, бу 2018 йил 30 сентябрдаги 6,1% дан, Халқаро молия корпорациясининг қўплаб кредитлари вақти-вақти билан босилиб чиққани каби ЛИБОР ўртача даражасининг пасайишини англатади.

Халқаро молия корпорациясининг капитал қўйилмалар портфелининг баланс қиймати 2019 йил 30 сентябрда 298 миллион долларга камайди.

Ишламай қолган ссудалар 2019 йил 30 июнда берилган кредит портфелининг 1,331 миллион долларидан 62 миллион долларга кўпайди.

12.4. Инвестицион кафолат масалалари бўйича агентлик

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги иқтисодий-сиёсий вазият хатарларни суғурталаш бўйича хизматларга эҳтиёжини вужудга келтирди ва унинг ғояларини шаклланиншига замин ҳозирлади. 1985 йил сентябргача Жаҳон банкининг Бошқарувчилар кенгаши МИГА (Invesment Guaranteye Agency) конвенциясини тасдиқлаш билан янги инвестиция суғуртаси филиалига асослайди. Агентлик ўзининг асосий вазифасини белгилашда: «ривожланаётган мамлакатларга капитал ва технологияларни ишлаб чиқариш мақсадларига мос келадиган шароитларда уларнинг оқимини кучайтиришдан иборатлигига эътибор қаратди .

1988 йил 12 апрелда халқаро конвенция МИГАни Жаҳон банки гуруҳининг энг янги аъзоси сифатида таъсис этди. Агентлик бизнес учун юридик жиҳатдан алоҳида ва молиявий жиҳатдан мустақил ташкилот сифатида ташкил этилган ХТТБнинг барча аъзолари учун очиқ бўлган ва агентлик капитали 1 миллиард долларга тенг бўлган. Унинг вазифаси иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланганликни камайтириш ва одамлар ҳаётини яхшилаш учун ривожланаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдан иборат.

МИГАнинг дастлабки аъзолари – Баҳрайн, Бангладеш, Барбадос, Канада, Чили, Кипр, Дания, Эквадор, Миср, Германия, Гренада, Индонезия, Ямайка, Япония, Иордания, Корея, Қувайт, Лесото, Малави, Голландия, Нигерия, Покистон, Самоа, Саудия Арабистони, Сенегал, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ ҳисобланади.

МИГА ривожланаётган мамлакатларда нотижорат таваккалчиликлардан давлат ва хусусий инвестицияларни суғурталаш манбаларини тўлдириш учун

яратилган. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан МИГАнинг кўп томонлама хусусияти ва қўшма ҳомийлиги трансчегаравий сармоядорлар орасида ишончни сезиларли равишда оширди.

Агентлик кафолатлари сармояларни нотижорат хавф-хатарлардан ҳимоя қилади ва инвесторларга молиявий шароитларни яхшилаш билан молиялаштириш манбаларига киришда ёрдам беради. У ўзининг ноёб кучини Жаҳон банки гуруҳидан ва унинг акциядорлари таркибига дунёнинг аксарият мамлакатларидан олади. Бу лойиҳаларни бузиши мумкин бўлган ҳукумат ҳаракатларидан сақланиш имконини тақдим этади ҳамда сармоядорлар ва ҳукуматлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда ёрдам беради.

12.5. Инвестицион муаммоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ

Инвестицион муаммоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ – бу 140 тадан ортиқ аъзо давлатлар билан бошқа давлатлар фуқаролари ўртасида инвестиция бўйича низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги конвенция (ИССИД ёки Вашингтон конвенцияси) асосида ташкил этилган автоном халқаро институтидир. Конвенция ИССИДнинг ваколатлари, ташкилий ва асосий функцияларини белгилайди. ИССИДнинг асосий мақсади халқаро инвестицион низоларни ҳал қилиш ва ҳакамлик қилиш учун воситаларни тақдим этишдан иборат.

ИССИД конвенцияси Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг ижрочи директорлари томонидан тузилган кўп томонлама шартномадир. У 1965 йил 18 мартда имзоланган ва 1966 йил 14 октябрда кучга кирган.

Конвенция тижорат бўлмаган таваккалчиликлар ва инвестиция низоларини ҳал қилиш учун ихтисослашган халқаро усулларнинг йўқлиги туфайли келиб чиқадиган хусусий инвестицияларнинг эркин халқаро оқимига тўсқинлик қиладиган омилларни бартараф этишга интилди. ИССИД Конвенция томонидан холис халқаро форум сифатида яроқли томонлар ўртасидаги ҳуқуқий низоларни яраштириш ёки арбитраж процедуралари орқали ҳал қилиш учун имкониятлар яратди. ИССИД воситаларига мурожаат қилиш ҳар доим томонларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Бугунги кунда, ИССИД инвестор-давлат низоларини ҳал қилишга бағишланган етакчи халқаро арбитраж институти ҳисобланади.

ИССИД халқаро инвестицион низоларни ҳал қилишга бағишланган дунёдаги етакчи институтдир. Ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлиб, барча халқаро сармоявий масалаларни кўриб чиққан. Давлатлар халқаро инвестиция шартномаларида ва кўплаб инвестиция қонунлари ва шартномаларида инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш учун форум сифатида ИССИД тўғрисида келишиб оладилар.

ИССИД 1966 йилда Давлатлар ва Фуқаролар ўртасида инвестиция бўйича низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги Конвенция томонидан ташкил этилган.

ИССИД конвенцияси Жаҳон банкининг Ижрочи директорлари томонидан ишлаб чиқилган ва банкнинг халқаро инвестицияларни илгари суриш мақсадига эришиш учун тузилган кўп томонлама шартномадир. ИССИД мустақил, деполитизация қилинган ва самарали низоларни ҳал қилиш институтидир. Унинг сармоядорлар ва давлатлар учун мавжудлиги низоларни ҳал қилиш жараёнига ишончни таъминлаш орқали халқаро сармояларни жалб қилишга ёрдам беради.

ИССИД низоларни келишув, арбитраж ёки далилларни топиш орқали ҳал қилишни таъминлайди. ИССИД жараёни халқаро инвестиция низолари ва жалб қилинган томонларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, инвесторлар ва қабул қилувчи давлатларнинг манфаатлари ўртасида пухта мувозанатни сақлаш учун ишлаб чиқилган. Ҳар бир ишни мустақил келишув комиссияси ёки арбитраж суди томонларнинг далиллари ва ҳуқуқий далилларини эшитгандан сўнг кўриб чиқади. Махсус ИССИД иши гуруҳи ҳар бир ҳолатга тайинланади ва жараён давомида эксперт ёрдамини кўрсатади. Бугунги кунда 600 дан ортиқ бундай ҳолатлар ИССИД томонидан бошқарилган.

ИССИД шунингдек, хорижий инвестициялар тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ ва ИССИД жараёни ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради. У нашрлар дастурлари, шу жумладан ИССИДнинг Инвестициялар тўғрисидаги журналига эга ва доимий равишда ўз фаолияти тўғрисида маълумотларни эълон қилиб боради. ИССИД ходимлари тадбирларни ташкиллаштирадилар, кўплаб тақдимотлар ўтказадилар ва халқаро миқёсда инвестицион низоларни ҳал қилиш бўйича конференцияларда иштирок этадилар.

Маъмурий кенгаш алоҳида ишларни кўриб чиқишда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Унинг асосий функциялари:

- Марказ учун маъмурий ва молиявий регламентларни қабул қилиш;
- ИССИД ҳолатлари бўйича процедура қоидаларини қабул қилиш;
- Жаҳон банкининг имкониятлари ва хизматларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;
- ИССИД Бош котиби ва Бош котиб ўринбосарларини сайлаш;
- Марказнинг йиллик ҳисоботлари ва бюджетини тасдиқлашдан иборат.

Маъмурий кенгаш раиси ўз ваколатларига кўра:

- ИССИДнинг ҳар бир ҳакамлик суди ва яраштирувчилар таркибига ўн кишини тайинлаш (ИССИД Конвенциясининг 14-моддаси);
- муайян ҳолатларда ярашув комиссиялари ва ҳакамлик судларини ташкил қилиш (ИССИД Конвенциясининг 30-моддаси ва 38-моддаси, Арбитраж (қўшимча имкониятлар) қоидаларининг 6-моддаси ва ярашиш (қўшимча имкониятлар) қоидаларининг 10-моддаси);
- бекор қилиш ишлари бўйича махсус комиссияларни тайинлаш (ИССИД Конвенциясининг 52-моддаси);
- Ягона ҳакамни, суднинг кўп қисмини ёки суднинг /комиссиянинг/ бошқа аъзоларини тенг тақсимланган аъзолардан маҳрум қилиш тўғрисидаги

таклифларни ҳал қилиш (ИССИД Конвенциясининг 58-моддаси, Арбитраж (қўшимча имконият) қоидаларининг 15-моддаси) ҳуқуқларига эга.

12.6. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Жаҳон банки лойиҳаларидан фойдаланишнинг самарали йўналишлари

Хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг соҳа ва тамоқларидаги инвестиция лойиҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ривожланган давлатлар амалиёти, мамлакат иқтисодиётини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг энг мақбул усули бу бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш эканлигини кўрсатади. Бугунги кунда республикамизга бундай инвестицияларни жалб этиш борасида бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, улар ўрнига ҳукумат кафолати остидаги чет эл қарзлари ва хорижий банкларнинг кредитларини жалб этишни тақозо этмоқда.

Ҳар бир давлатнинг инвестиция шароити унинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигидан келиб чиқади ва бу инвестиция муҳитини вужудга келтиради. Хорижий банклар билан ҳамкорликнинг ривожланиши мамлакат инвестиция муҳитининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки хорижий банклар билан ҳамкорликнинг кучайиши мамлакатга бўлган ишонч ва қизиқишни орттиради. Инвестиция муҳитини яхши инвестициялардан фойдаланишда солиқ, божхона имтиёзларини кенгайтириш, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириш, миллий валютанинг эркин алмашинувини таъминлаш, чет эл инвесторларининг ўз даромадларини олиб чиқиб кетишини тўла кафолатлаш, ахборот алмашинуви даражасини ошириш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш, инфратузилма институтлари фаолиятини такомиллаштириш, инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. Мамлакатга хорижий инвестициялар ва хорижий банклар кредит линияларининг кириб келиши шу ҳудуддаги инвестиция сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиради. Чунки бундай муносабатларда томонларнинг ўзаро манфаатлари тўқнашади ва бу уларнинг ўзаро муросага келишига олиб келади ҳамда бундай муросалар халқаро даражадаги ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланади ва тартибга солинади. Бундай муносабатларнинг давомийлиги тез фурсатлар ичида мамлакатда инвестиция фаолиятининг самарали ҳуқуқий ва иқтисодий асосини таъминлайди.

Инвестицион муҳит жозибадорлигининг муҳим шарти кўп жиҳатдан макроиқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳозирги кунда республикамизда хорижий инвестициялар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари асосан мамлакатга замонавий техника ва технологиялар, асбоб-ускуналарни келтиришга ва шу асосда жаҳон бозорлари стандартларига мос келадиган, ички бозор талабларини қондирадиган ва экспортга йўналтириладиган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Бундай

ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши, нафақат, маҳсулот ишлаб чиқариш орқали мамлакат ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятининг ривожланишига, балки янги иш ўринларининг ташкил этилиши орқали ишсизлик муаммосининг ҳал этилишига, корхоналарнинг ривожланишига, аҳоли даромадларининг кўтарилишига, давлат бюджети даромадларининг ошишига, мамлакат ички бозорининг турли хил товарлар билан таъминланишига, маҳсулот экспорти орқали валюта тушумларининг кўпайишига, маҳаллий хомашёнинг тўлиқ қайта ишлаб чиқаришга йўналтирилишига, иқтисодиётда рақобат, талаб ва таклиф, нарх-наво каби бозор механизмларининг амал қилишига, хуллас макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига олиб келади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари асосан иқтисодиётнинг кимё, нефть ва газ, электр-энергия, оғир ва енгил саноат, машинасозлик, хомашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш, кичик тадбиркорлик соҳаларига йўналтирилмоқда. Бу эса мамлакатнинг аграр иқтисодиётдан аста-секин индустрлашган иқтисодиёт сари ўтиб бораётганлигидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этадиган соҳа ва тармоқларнинг бир вақтнинг ўзида баравар ривожлантирилаётганлиги бу соҳада стратегик режалар ва дастурларнинг мавжудлигидан дарак беради. Шунингдек, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги, аҳолининг кўп қисми қишлоқ жойларда яшашлигини инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан саноатни қишлоққа олиб кириш, қишлоқ жойларда кичик тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларда туб ислоҳотларни амалга ошириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг бир соҳасининг ривожланиши иккинчи бир соҳанинг ҳам ривожланишини талаб қилишини инобатга олиб айтиш мумкинки, саноатнинг ривожланиши албатта қишлоқ хўжалигининг ҳам ривожланишига олиб келади.

Мамлакатда инвестиция муҳитининг такомиллашиб бориши, хорижий инвестицияларнинг ҳамда хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келиши албатта инвестицияларни бошқаришни, уларни баҳолаш усулларининг такомиллашувини, уларнинг энг самарали манбаларини излаб топишни ва жойлаштиришни, янгиликларни амалиётга татбиқ қилишни, шу билан бир қаторда ушбу соҳа ривожланишига хизмат қилувчи инфратузилма институтларнинг ўз- ўзидан ривожланишини тақозо этади. Албатта, бундай ишлар бошида давлат туради ва у бундай ўзгаришларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлайди. Бундай ўзгаришлар натижасида инвестицияларнинг муқобил усули бўлмиш лизинг муносабатлари, кредит уюшмалари, нобанк кредитлаш муассасалари, суғурта компаниялари, инвестиция компаниялари ва фондлари кабилар фаолияти ривожланиб ва такомиллашиб боради. Хорижий банклар билан ҳамкорликнинг ривожланиб боргани сари хорижий

ҳамкорларнинг мамлакатга бўлган қизиқиши ва ишончи ортиб боришини биз юқорида таъкидлаган эдик. Бу эса, ўз навбатида, хорижий банкларнинг кредит линияларини ҳукумат кафолатисиз, унчалик мураккаб бўлмаган шартлар асосида, узоқ муддатларга, кичик фоиз ставкаларида ўзлаштириш имкониятини бериш билан бир қаторда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги йирик инвестиция лойиҳаларини синдикатлашган шаклда кредитлаш имкониятини ҳам оширади. Синдикатлашган кедитлашнинг бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, улар қаторига катта-катта лойиҳаларни молиялаштиришнинг имкони пайдо бўлишини, маҳаллий банклар рискларининг камайишини, банкларнинг тўғридан-тўғри инвестициялашда бевосита қатнашишини, мамлакатга хорижий кредитлар билан бир қаторда бевосита хорижий инвестицияларнинг кириб келишини киритиш мумкин. Бундан ташқари, бундай инвестицияларнинг кириб келиши мамлакатда инновацион лойиҳаларнинг молиялаштирилишига олиб келади. Бу эса республикадаги илмий-тадқиқот институтларининг фаолиятини рағбатлантиради ва уларни ҳам ривожланишга ундайди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағларининг миллий иқтисодиётга жалб қилиниши иқтисодиётнинг янги ва ривожланмаган тармоқларининг ҳам ривожланишига олиб келади. Бугунги кунда хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағларини янада кенгроқ жалб этиш ва самаралироқ жойлаштириш учун бизнингча қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

Биринчидан, қулай инвестиция муҳитини яратишнинг асосий шартларидан бири бўлган инвестицион фаолият, инвестиция жараёнлари ва хорижий инвестициялар билан боғлиқ қонунчиликни ислоҳ қилиш лозим, яъни уларнинг амал қилиш жараёнларини ҳаётга татбиқ этиш лозим. Бундай ишлар жумласига синдикатлашган кредитлар бўйича ва лизинг муносабатлари, шунингдек, хорижий инвесторлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мавжуд қонунчиликни ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам киради.

Иккинчидан, мамлакатда пул-кредит барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш миллий валюта қадрини кўтариш, лозим. Ушбу тадбирни тезроқ ҳал этилиши давлатнинг бу борадаги ишларга ўз вақтида эътибор бериш ва имкон қадар тезроқ самарали ва оқилона сиёсат юритишига боғлиқ бўлади.

Учинчидан, хорижий банклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали республикамизга жалб қилинаётган хорижий банкларнинг кредит линияларининг кредитлаш шартларини енгиллаштиришга эришиш лозим. Яъни бу борада хорижий банкларнинг маржаларини камайтириш, имтиёзли даврни узайтириш, хорижий суғурта компаниялари суғурта кафолати остида кириб келаётган линиялар бўйича суғурта мукофоти суммасини камайтириш, бир марталик комиссия ва шунга ўхшаш шартларни қисқартиришга эришиш талаб этилади. Бунинг учун эса хорижий банкларнинг ишончини оқлаш, уларнинг

маблағларини ўз вақтида қайтаришни кафолатлаш, шунингдек, уларнинг билвосита даромадларини ошириш йўлларини таъминлаш лозим.

Тўртинчидан, хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобига молиялаштиришда гаров таъминотини таъминлаш мақсадида қарз олувчи субъектларга кафил бўладиган, кредитнинг қайтмаслигидан суғурталайдиган суғурта ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Кредитлаш шартларидаги 120-125 фоизли гаров таъминотини камайтириб бўлмаслигини ҳисобга олиб гаров таъминоти бериш мумкин бўлган суғурта компаниялари, фондлар каби янги гаров шаклларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, мамлакатда барча соҳалар бўйича энг сўнгги маълумотларни олиш имконини берувчи, маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи, ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи компаниялар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга эришиш лозим.

Олтинчидан, иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бевосита чет эл инвестицияларининг катта афзалликлари мавжудлигини ҳисобга олиб, уларнинг Ўзбекистонда янгидан амалга оширилаётган лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга кириб келишини ҳар томонлама рағбатлантириш лозим. Чет эл инвестицияларини ва хорижий банкларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича узоқ муддатли мақсадли дастурлар асосида иқтисодиётнинг сермеҳнат тармоқларига, илмталаб ва капиталталаб секторларига кенгроқ ва самарали жалб этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, давлат инвестиция дастури орқали молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқишда бевосита хорижий инвестициялар ҳамда ҳукумат кафолатисиз кириб келаётган хорижий банклар ресурслари билан боғлиқ бўлган қўшимча рискларни минималлаштириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш зарур.

13-БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ ЖАҲОН ВАЛЮТА-МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЎРНИ

13.1. Жаҳон молия-валюта тизимида Халқаро валюта фондининг ўрни

Замонавий дунёда халқаро пул-молия тизимининг доимий равишда ўзгариб, ривожланиб бормиши, унга таъсир омилларининг ҳам ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, глобал пул тизими таъсир кўрсатадиган санкцияларнинг қўлланилиши, дунёдаги сиёсий ва геосиёсий вазиятнинг ёмонлашиши, шунингдек иқтисодий инқирознинг намоён бўлиши уни тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Бинобарин, пул-молия тизими тўғри ривожланиши учун уни самарали тартибга солиш талаб этилади. Ушбу турдаги фаолият билан Халқаро валюта фонди (ХВФ) шуғулланади.

ХВФ аъзо давлатларга хорижий валютадаги кредитлар тақдим этади: Ушбу кредитлар, тўлов баланси дефицитини ёпиш, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш учун ҳукуматни кредитлаш йўли билан бюджет харажатларини амалга ошириш учун ажратилади: Кредитлаш турлари (механизмлари) мақсади ва шартлари (бериш ва тўлаш муддатлари, суммаси, қиймати, комиссия ва фоизлари қўшилган ҳолда) бўйича фарқланади.

ХВФнинг умумий ресурслар ҳисоби орқали ўз маблағлари ҳисобига кредитлашнинг асосий механизмларига резерв улуши – ХВФ 25 % квотаси (капиталдаги бадали) чегарасида аъзо-давлатлар олиши мумкин бўлган (тўлов балансидаги дефицитни ёпиш бўйича асосланган талаби асосида автоматик равишда бериладиган) кредит миқдоридир.

Халқаро валюта фонди каби глобал молиявий ташкилот бу Халқаро валюта жамғармаси бўлиб, иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир қилиши мумкин.

ХВФ фаолияти халқаро молиявий марказлар, бу молия доирасида операциялар қай даражада амалга оширилишини аниқ акс эттиради. Молиявий марказлар оффшор ва оффшорларга бўлинади. Оффшор бўлмаган давлатлар глобал, халқаро, минтақавий ва миллий қисмларга бўлинадиган молиявий марказлардир. Таъкидлаш жоизки, ХВФнинг асосий вазифаларидан бири

халқаро пул-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўлиб, бу бутун жаҳон иқтисодиётининг ҳолатини акс эттиради.

Жаҳон иқтисодиётининг мавжуд ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, Халқаро валюта жамғармаси 2016 йил октябрь ойида глобал пасайиш кутилаётганини ва иқтисодий турғунликка сабаб бўлишини башорат қилади. Хусусан, 2016 йилда иқтисодий ўсиш 2015 йилга нисбатан 3,2% дан 3,1% гача пасайди. Жаҳон иқтисодий ўсишининг пасайиши сурункали турғунлик жаҳон савдосига қарши бўлганларнинг кайфиятини кўтаришига олиб келиши мумкинлиги билан изоҳланади.

ХВФ аъзо давлатларни молиявий сиёсатнинг барча томонларини, хусусан пул, молия ва тузилмавий тежаш воситаларини қўллашга чақиради. Ушбу таркибий қисмлардан фойдаланиш алоҳида-алоҳида муҳим ижобий ўзгаришларга олиб келмайди.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун ривожланган иқтисодиётдаги марказий банклар юмшоқ пул-кредит сиёсатини юритиши керак. Бироқ, буларнинг барчаси ҳосилдорлик ўсиши камайган ва аҳоли қариган мамлакатларда фаол ўсишни тиклаш учун етарли бўлмайди. Бу давлатлар ҳукуматлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун таълим, технология ва инфратузилмани ривожлантириш керак. Бундан ташқари, ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар, ривожланаётган бозорларга эга давлатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ўсиш динамикасини ўрганиш жуда муҳимдир.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, унинг бир текис тақсимланишини таъминлаш ва унга янада барқарорликни таъминлаш мақсадида мувофиқлаштирилган сиёсат талаб этилади. Халқаро валюта жамғармасининг бош иқтисодчиси Маурис Обстфелднинг таъкидлашича, миллий даражада ва вақт ўтиши билан халқаро миқёсда тузилмавий, пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатидан келишилган ҳолда фойдаланиш лозим ва бунинг учун ХВФ бутун дунё учун яхлит молиявий тизимни шакллантиришга боғлиқ. Ушбу тизим товарлар ва хизматлар алмашинуви ва капитал ҳаракатини осонлаштирадиган пойдевор бўлиб хизмат қилади, шунингдек барқарор ўсиш жаҳон иқтисодиёти томонидан қўллаб-қувватланади.

Кейинги йилларда жамғарма молия сектори устидан назоратни кучайтирди, комплекс назорат тўғрисидаги қарор кучга кирди ва кредитлаш воситаларининг тўплами қайта кўриб чиқилди. Хавф ва заифлик муаммолари ҳам эътиборни ўзига қаратишга мажбур қилди. ХВФнинг молиявий ресурслари қарийб 1 трлн.

АҚШ долларини ташкил этади. Квоталар оширилди, янги кредит шартномалари ишлай бошлади: Жаҳон иқтисодиётида бир қатор таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда ва улар биргаликда ўсишга кескинликлар ва хавфлар олиб келади (Сидхарт Тивари).

Халқаро валюта ва молиявий муносабатдаги ўзига хослик қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, жорий ҳисоблардаги номутаносибликлар муаммоси мавжуд. Иккинчидан, битта ёки иккита асосий захира валюталарининг етакчи роли битта иқтисодиётдаги ўзгаришлар бошқаларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини англатади. Учинчидан, молия сектори, айниқса молиявий ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича кўп ишлар қилинди, аммо шу билан бирга, банкдан ташқари молиявий ташкилотлар катта аҳамиятга эга. Халқаро валюта ва молиявий тизим, ривожланган иқтисодиётларда ўсишни тезлаштириш зарурияти туғилади.

Ҳозирги вақтда энг жиддий муаммолар жаҳон иқтисодиётларининг пул шароитларидаги фарқлардир. Америка Қўшма Штатлари, Европа ва Япониянинг пул-кредит сиёсатидаги асинхрон ўзгаришлар давом этувчи ўзгарувчанликка ёрдам бериш мумкин.

13.2. Халқаро валюта фонди ривожланишининг замонавий тенденциялари

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 189 та аъзо давлатга эга бўлган халқаро ташкилот бўлиб, у глобал иқтисодиётнинг фаровонлигини таъминлаш учун ташкил этилган. Бу пул-молия соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, молиявий барқарорликни таъминлашга, халқаро савдо, юқори бандлик, барқарор иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради. Халқаро валюта тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун назоратни амалга оширадиган ХВФнинг муҳим вазифалари валюта курсларининг барқарорлигини, халқаро савдонинг кенгайиши ва мутаносиб ўсишини таъминлашни ўз ичига олади. ХВФ миссияси мамлакатларга (ва уларнинг фуқароларига) бир-бирларидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш имкониятини беради, бу барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ва турмуш даражасини ошириш учун жуда муҳимдир. Халқаро валюта жамғармасига аъзо барча давлатлар Ижроия кенгашида қатнашадилар, унда ҳар бир аъзонинг иқтисодий сиёсатининг миллий, минтақавий ва глобал оқибатлари муҳокама қилинади ва аъзо мамлакатларга ёрдам бериш учун Жамғарма кредитлари тасдиқланади.

Тўлов баланси вақтинчалик муаммоларини ҳал қилишда, шунингдек имкониятларни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Халқаро савдо ўсишнинг кучли драйверига айлансада, жаҳон савдо қоидалари тизимида бугунги кунда муайян кескинликлар кузатилмоқда ва узоқ вақт давомида ҳал қилинмаган муаммолар туфайли юзага келмоқда. Бу

молия дунёсининг ўсиб бораётган сегменти кредитлар билан боғлиқ, одатда, банклар синдикати томонидан ташкил этилади ва юқори даражадаги ёки паст рейтингли компанияларга тақдим этилади. Ушбу кредитлар «кредитлаш» деб номланади, чунки қарз олувчиларнинг активлари ва даромадларига нисбатан қарзлари нисбати саноат стандартларидан сезиларли даражада ошади. Бу сиёсатчиларни ва таҳлилчиларни қарз бериш стандартлари хавфи тўғрисида огоҳлантиришга мажбур қилади. Ушбу кредитларнинг аксарияти заиф андеррайтинг стандартлари ва инвесторларнинг ҳимояси камроқ бўлгани сабабли, улар камроқ шаффофдир. Бундан ташқари, бошқа сармоядорларга қайта сотиладиган кредитларни бирлаштирган ўзаро фондлар ва кафолатли кредит мажбуриятлари жамғармаси каби компаниялар ҳозирда ушбу кредитларнинг катта қисмини қарз билан ишлатишади.

Ҳокимият органлари учун хавфларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. World economic outlook нашрининг 2019 йил апрель сонида ХВФ молия тизимидаги заифликларни аниқлаш методологияси эълон қилинди. Ушбу метадология сиёсатчиларга уларни кузатиб бориш ва зарур бўлганда хавфларни камайтириш учун профилактика чораларини кўриш имконини берди. Ушбу тизим уй хўжаликлари, ҳукумат, банклар, суғурта компаниялари, молиявий институтлар сингари олти секторни қамраб олади ва турли хил заифликлар, шу жумладан, активлар ва пассивларнинг муддати ва ликвидлилиги, шунингдек валюта бўйича таъсирчанлиги ва номутаносиблиги каби ўзгаришларнинг даражаси ва тезлигини назорат қилади. Ушбу заифликлар минтақавий ва глобал миқёсда, тизим аҳамиятига эга 29 мамлакатда натижалар йиғилиши билан кузатилади.

Ривожланган мамлакатларда корпоратив қарзларнинг ошиши ва қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятининг пасайиши билан бир қаторда молиявий таваккалчиликнинг қабул қилиниши туфайли заифликлар кузатилса, ривожланаётган мамлакатларда йўналтирилган инвестициялар оқими мамлакатнинг капитал оқимининг кескин ўзгаришига қарши ҳимоясини таъминлай олмайди.

Имкониятларни ривожлантириш, шу қаторда институтларни ривожлантириш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, ходимларнинг малакасини ошириш соҳаси барча 189 та аъзо давлатлар қамраб олди. Имкониятларни ривожлантириш маблағлари 2019 молиявий йилда ХВФ маъмурий харажатларининг учдан бир қисмини ташкил этди. Ушбу харажатларнинг салмоқли қисми техник ёрдамга, яъни 25 фоизни, ўқишга 5 фоизни ташкил этади. ХВФнинг 2019 молиявий йил учун имкониятларини ривожлантириш

мақсадларининг жами даражалари 2018 молиявий йилига мос келади. Имкониятларни ривожлантириш бўйича ишларнинг умумий харажатлари (умумий қўллаб-қувватлаш ва бошқарув харажатлари бундан мустасно) 2019 молиявий йилда 2018 молиявий йилида 303 миллион долларга нисбатан 306 миллион долларга тенг даражада барқарорлашди.

Категориялар бўйича салоҳиятни ривожлантириш соҳасида кўрсатиладиган ёрдамнинг таркиби (молия, молия ва молия сектори, статистика, қонунчилик ва қонунчилик) ўзгаришсиз қолди, аммо категория бўйича ўсиш суръати бошқача бўлди. 2019 молия йилида статистик харажатлар (14 фоиз) ошди, қонунчилик ва пул-кредит масалалари билан боғлиқ харажатлар молиявий соҳаларда 13 ва 3 фоизга пасайди.

Тренинг Халқаро валюта фондининг салоҳиятни ошириш бўйича олиб бораётган фаолиятларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида аъзо давлатларнинг макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган инсон капиталини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланади. Халқаро валюта фонди аъзо давлатларнинг мансабдор шахслари учун асосий макроиқтисодий таҳлилдан тортиб молия соҳаларидаги сиёсат, шунингдек, макроиқтисодий статистика ва қонунчилик соҳаларида тренинглар ўтказади. Тренинг, шунингдек, инклюзив ўсиш каби ривожланаётган муаммоларни ва гендер масалаларига мос келадиган бюджетлаштириш ва молиявий технологиялар каби янги мавзуларни қамраб олади. Минтақавий марказлар ва ўқув дастурлари орқали ХВФ томонидан ўқитишнинг дунё миқёсига чиқиши муайян минтақавий масалаларни ўқув дастурларига самарали интеграциялашувини таъминлайди. 2019 молия йилида ХВФ 485 та ўқув тадбирини ўтказди, уларда 188 та аъзо мамлакатдан 17 469 мансабдор шахслар иштирок этди. Ривожланаётган бозорлар ва ўртача даромадли давлатлар Халқаро валюта жамғармасининг машғулотларининг ярмини ташкил этди.

Европа Иттифоқи ва Буюк Британия ўртасида чуқур алоқалар мавжуд. BRext иқтисодий муносабатларда катта тангликларга дучор бўлганлиги сабабли, ХВФ ходимларининг «Евро ҳудудидаги сиёсат» тадқиқотида айтилганидек, ҳар икки томон ҳам харажатларга дуч келади. Брехициз бошланғич сценарий билан таққослаганда, ЕХ-27 ЯИМ (Буюк Британиядан кетганидан кейин қолган Европа Иттифоқига аъзо давлатлар) узоқ муддатли истиқболда, агар Брехит эркин савдо тўғрисида стандарт келишувга амал қилса, 0,8 фоизгача камаяди. Агар томонлар сукут бўйича Жаҳон Савдо Ташкилотининг қоидаларига амал қилсалар, пасайиш 1,5 фоизга тенг бўлади. Таъкидлаш жоизки, таъсирнинг аниқ ўлчами олиб борилаётган музокаралар натижаларига боғлиқ ва турли мамлакатлар учун жуда фарқ қилади.

13.3. Ўзбекистон ва Халқаро валюта фонди ҳамкорлигининг истиқболли жиҳатлари

Ўзбекистон 1992 йил сентябрь ойидан бошлаб ХВФга аъзо бўлиб келмоқда. ХВФ 1995 йил январда Ўзбекистон Республикасига мамлакат бошқаруви томонидан қабул қилинган дастур асосида биринчи 72,4 млн. АҚШ доллари миқдорида транш маблағлари 217 берди. Шунингдек 1995 йил декабрда ойида миллий валютани қўллаб-қувватлаш мақсадига 2 транш берилган. Берилган маблағлар бўйича фоиз ставка сузиб юрувчи ҳисобланади.

Қарзни тўлаш муддати 5,5 йилни ташкил этади. 1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига «**Stand-by**» кредитини берди. Бу маблағлар иқтисодий ислоҳотларни давлат томонидан 1995-1996 йил қўллаб-қувватланиши учун кўзланган 2000-2001 йил давлат томонидан валюта сиёсатини тартибга солиш учун қўллаш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда 2001 йил августда Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасида Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 31 июль ва 31 декабрда оралиғидаги молиявий ва иқтисодий сиёсат тўғрисида меморандум қабул қилинган. Меморандум асосида Ўзбекистон ва ХВФ вакиллари ҳамкорлигида 2002 йил 1 январь ва 30 июнь оралиғига макроиқтисодий ва структуравий сиёсатни асослари ишлаб чиқилди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси билан ХВФ вакиллар иштирокида ХВФ низомидаги 8 модда давлат режаси асосида бир неча шартлар имзоланди. Бунга савдо соҳасидаги солиқ бюджет ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда самарали унсурлардан фойдаланилди. Шунингдек тузилмавий ислоҳотлар соҳасида бир қанча ишларни амалга оширилди. 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХВФ келишувидаги 8 модда, 3-4 модда, 2а қисмидаги шартларини қабул қилинади. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 2014 йил ХВФ техник ёрдам тақдим этиб, фонд мутахассислари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Мазкур миссия республика тижорат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлашда уларнинг фикр ва таклифлари инобатга олинган ҳолда Марказий банк ва республиканинг вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада корпоратив бошқарув қоидаларининг охирги стандартларига, масалан, корпоратив бошқарув тамойилларини такомиллаштириш бўйича Базел қўмитасига ва Молиявий Барқарорлик кенгашининг хатарларни бошқариш мавзусига бағишланган тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқилди. 2016 йил апрель ойида тижорат

банклардаги стрессни синаш методикасини такомиллаштириш бўйича техник ёрдам доирасида иш бошланган.

"Stand-by" резерв кредитлари тўғрисидаги келишувлар (1952 йил)– келишилган муддат ва суммадаги ХВФ кредитини аъзо–давлатларни миллий валюта алмаштириш орқали ҳеч қандай тўсиқларсиз олишини кафолат билан таъминлайди; кредитлашнинг кенгайтирилган механизми (1974 йил)– оддий кредит улушига нисбатан катта миқдорда ва янада узоқ муддатларга мўлжалланган (одатда йилга, зарурий ҳолатларда 4 йилгача маълум миқдорларда кредитлар, шу билан бирга ХВФ стандарт механизмлардан ташқари бир қатор вақтинчалик ва махсус усулдаги кредитлаш усулларидан фойдаланади.

13.3.1-расм. 2008–2017 молия йилларида умумий ресурслари ҳисоби доирасида келишувлар (млрд. СДР)[37]

ХВФнинг умумий ресурслар ҳисобидан имтиёзсиз кредитлашнинг асосий механизмлари (кредит траншлари ва кредитлашни кенгайтирилган механизми):

"Stand-by" кредити (1952 йил, лимитлар: йиллик–квотани 200%, кумулятив–квотани 600%, қоплаш муддати 3¼–5 йил) тўлов балансини молиялаштиришда қисқа муддатли қийинчиликларни бошидан кечираётган мамлакатларга қисқа ва ўрта муддатли ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади.

Кредитлашнинг кенгайтирилган механизми (1974 йил, лимитлар: йиллик–квотани 200%, кумулятив–квотани 600%, қоплаш муддати 4½–10 йил)

[37] Manba: www.imf.org/ Annual Report 2017

тўлов балансидаги узоқ муддатли характердаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида аъзо-мамлакатлар структуравий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун янада узоқроқ муддатга бериладиган ёрдам бўлиб, кредит бериши шарти ҳар йилги келгуси 12 ойга мўлжалланган батафсил сиёсат чоралари билан 4 йилгача бўлган структуравий ўзгартиришлар ўз ичига олган дастурни қабул қилинишидан иборат.

Эгилувчан кредит линияси (2009 йил, лимит йўқ, қоплаш муддати 3¼–5) потенциал ёки ҳақиқатдаги, тўлов балансини молиялаштириш билан боғлиқ барча талабларни қондириш учун фойдаланадиган кредит траншлари ҳисобланиб, маълум давр давомида ижобий натижаларни кўрсатадиган ва иқтисодий сиёсатга асосланган жуда мустаҳкам истиқболли макроиқтисодий детерминантлари мавжудлиги шарти билан тақдим этилади.

Превентив қўллаб-қувватлаш ва ликвидлик линияси (2011 йил, лимитлар: 6 ойлик-квотани 250%, 1–2 йилга-квотани 500%,12 ойдан кейин қониқарли тараққиёт бўлса жами 1000 % квотани, қоплаш муддати 3¼–5) иқтисодий сиёсати асосланган ва ишончли иқтисодий детерминантларга эга бўлган мамлакатлар учун инструмент бўлиб, бозор, шу жумладан молия секторини барқарорлиги, мустаҳкам асосдаги ташқи иқтисодий позиция ва иқтисодий сиёсат учун кредит бериш шартидир.

Шу билан бирга, ХВФнинг кредитлашдаги махсус механизмларга кирувчи **тезлаштирилган молиялаштириш учун инструмент** (лимитлар: йиллик-квотани 50%, кумулятив-квотани 100%, қоплаш муддати 3¼–5) тўлов балансини молиялаштиришга шошилинч эҳтиёжи бўлган барча аъзо-мамлакатларга тезликда тақдим этиладиган молиявий ёрдам бўлиб, бу кредитлаш шартида тўлов балансидаги қийинчиликларни бартараф этиш бўйича чораларни кучайтириш талаб этилади.

ХВФ имтиёзли молиялаштириш механизмларига кенгайтирилган кредит (паст даромадли фоиз ставкаси: 0 %, қоплаш муддати: 5½–10 йил) Стенд-бай кредит (фоиз ставка: 0,25%, қоплаш муддати 4–8 йил) ва тезлаштирилган кредитлаш (фоиз ставкаси: 0%, қоплаш муддати: 5½–10 йил) механизмлари киради. 2018 йил молия йилида Ижро кенгаши ХВФнинг имтиёзсиз молиялаштириш механизмлари доирасидаги умумий суммаси 98,2 млрд. СДР даги (28 апрель 2017 йилга бўлган 0,71103 СДРнинг долларга алмашинув курси бўйича 134,7 млрд. АҚШ доллари) 15 келишувларни тасдиқлаган.

13.3.1-жадвал

Умумий ресурслари ҳисоби доирасида тасдиқланган келишувлар (млн. СДР)

Аъзо-давлатлар	Келишув турлари	Сумма
Босния ва Герцеговина	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	443,0
Колумбия	эгилувчан кредит линияси 24 ойга	8180,0
Кот дивуар	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	325,2
Миср	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	8 596,6
Грузия	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	210,4
Ироқ	Stand-by 36 ойга	3831,0
Ямайка	Stand-by 36 ойга	1195,3
Иордания	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	514,7
Мексика	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	62388,9
Молдова	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	86,3
Марокаш	превентив қўллаб-қувватлаш ва ликвидлик линияси 24 ойга	2504,0
Польша	егилувчан кредит линияси 24 ойга	6500,0
Шри-Ланка	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 36 ойга	1070,8
Суринам	Stand-by 24 ойга	342,0
Тунис	кредитлашнинг кенгайтирилган механизми 48 ойга	2045,6
Жами		98233,8

Манба: www.имф.орг/.Аннуал Репорт 2017.

Бюджет-солиқ сиёсатида ХВФ томонидан даромад билан таъминлаш ва харажатларни самарали бошқариш, шу жумладан, солиқ ва божхона сиёсати, бюджетни шакллантириш, давлат молиясини бошқариш, ташқи ва ички қарзлар ҳамда ижтимоий ҳимоя тизими юзасидан ҳукуматларга маслаҳат ва тавиялар берилади. Бу ўз навбатида, ижтимоий соҳадаги давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларини сифатини ошириш имкониятларини яратиб беради.

Пул-кредит сиёсати ва молиявий сектори сиёсатида марказий банклар билан биргаликда пул-кредит ва курс бўйича сиёсатни модернизация қилиш, тартибга солиш ҳамда назорат қилиш органлари билан молиявий ташкилотларни назорат қилишни такомиллаштириш йўналишида иш олиб боради. Мазкур йўналишда олиб борилган чора-тадбирлар миллий иқтисодиёт ва халқаро савдони ўсишини рағбатлантириш орқали мамлакатнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутади.

ХВФ Ҳуқуқий масалаларда бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини халқаро стандартлар мувофиқлиги бўйича техник кўмак кўрсатиш орқали, бюджет ва молия соҳасидаги ислоҳотлар ҳамда коррупция, пул маблағларини ноқонуний ўзлаштирилиши ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФнинг аъзосига айланган бўлиб, ХВФ билан ҳамкорлик асосан молиявий секторни ривожлантириш ва макроиқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. ХВФ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Келишувнинг ИВ моддасига кўра Ҳукумат ва Марказий банк билан консультациялар ўтказиш мақсадида ХВФ вакилларининг республикамизга доимий ташрифи амалга оширилиб келинмоқда.

Мазкур миссияларнинг фаолияти иқтисодиёт соҳаси, молиявий сектор ва статистика, шунингдек иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш йўналишларини ўрганишдан иборат. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Марказий банк ва ХВФнинг ҳамкорлиги жараёнида сўмнинг айирбошлаши ва Ўзбекистон билан ХВФ ўртасидаги Келишувнинг VIII моддасида кўзда тутилган Иқтисодий ва молиявий сиёсат бўйича Меморандум ва Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани айирбошлашни таъминлаш иш режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ўзбекистон ва ХВФ ўртасидаги конструктив мулоқот Иш режасида кўзда тутилган барча чораларни бажаришга ёрдам берди, натижада 2003 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон Республикаси томонидан жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани айирбошлашини таъминлаш борасидаги VIII модданинг 2(а), 3 ва 4 бўлимлари бўйича мажбуриятни олишга эришилган.

ХВФнинг тавсияларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Тижорат банкларининг капитал адекватлилигига бўлган талаблар тўғрисида", "Тижорат банклари томонидан тузилаётган резервларни шакллантириш ва фойдаланиш, активлар сифатини классификациялаш", "Тижорат банкнинг ликвидлилик бошқарувига бўлган талаблар тўғрисида", "Банклар ва уларга тегишли шахслар ўртасидаги бўлган операциялар тўғрисида" ва "Бир қарздорнинг ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳининг максимал риск миқдори тўғрисида"ги низомларнинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу ўзгартиришлар миллий қонунчиликда банк

назоратининг халқаро талабларини (Базел III) максимал даражада ҳисобга олинишига шароит яратди.

Сўнгги йилларда ХВФ томонидан республикага турли йўналишлар бўйича техник кўмаклар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, Марказий банкка 2014 йилда банк секторида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги техник кўмакни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур техник кўмак натижасида "Корпоратив бошқарув тўғрисида"ги Низомга охирги халқаро стандартларга, жумладан корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича Базел қўмитаси тамойиллари (2010 йил октябрь) ва Молиявий барқарорлик бўйича Кенгашнинг (2013 йил февраль) "Рисклар бошқарувини тематик шарҳи" тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқилган.

2016 йил апрелдан бошлаб ХВФ томонидан республикада тижорат банкларида стресс-тест синовларини методологиясини такомиллаштириш бўйича техник кўмак доирасида иш бошланган.

Марказий банк, Молия вазирлиги ва Тикланиш ва тараққиёт фонди раҳбарларидан иборат Ўзбекистон делегациясининг ХВФнинг Вашингтондаги штаб-квартирасида мамлакат валюта сиёсатини ислоҳ қилиш имкониятлари бўйича олиб борилган музокара якуни бўйича ХВФ Ижрочи директори Кристин Лагард томонидан Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевга йўлланган хатида иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар ва техник кўмак бериш орқали ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватланишини маълум қилган.

13.3.2-жадвал

ХВФнинг Ўзбекистондаги техник кўмаклашиш миссияси

СТА	Миллий ҳисобварақлар, нархлар ва ҳисобварақлар баланси статистикаси	Май 2007
ЛЕГ	АМЛ/СФТ	Январь, Март/Апрель 2009
ФАД	Давлат бюджети бошқаруви	Февраль 2010
ФАД	Инспекция	Июнь 2007, Октябрь 2008,
		Ноябрь/Декабрда 2009,
		Июнь, Сентябрь 2011
СТА	Пул–кредит ва молия статистикаси	Февраль 2011
МСМ	Банк назорати	Май/Апрель, Октябрь 2012,
		Февраль 2013
СТА	Умумий маълумотларни оммалаштириш тизими	Март 2013
СТА	Пул–кредит ва молия статистикаси	Май 2013

ФАД	Солиқ муассасаси	Март, Октябрь 2013
СТА	Давлат молия статистикаси	Сентябрь/Октябрь 2013
МСМ	Тижорат банклардаги корпоратив бошқарув	Апрель/Май 2014

2017 йилнинг 17-24 июль кунлари ХВФнинг миссияси якуни бўйича жаноб Алберта Егер томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида иқтисодиётни ислоҳ қилиш, хусусан валюта тизимидаги ислоҳотлар тўлиқ қўллаб-қувватланган ва ижобий баҳоланган.

BANK FOR INTERNATIONAL SETTLEMENTS

14-БОБ. ХАЛҚАРО СОБ-КИТОБЛАР БАНКИ

14.1. Халқаро ҳисоб-китоблар банки ривожланиш тарихи ва бошқарув тузилмаси

Халқаро ҳисоб-китоблар банки 1930 йил 17 майда ташкил этилган, дунёнинг турли мамлакатларидан келган 60 та марказий банкларга тегишли бўлиб, улар биргаликда ялпи ички маҳсулотнинг 95 фоизини ташкил қилади. Бош офиси Базелда (Швейцария) жойлашган ва унинг Гонконг САР ва Мехико шаҳрларида иккита ваколатхонаси бор.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг вазифалари:

- марказий банкларга пул ва молиявий барқарорликни таъминлашда хизмат қилиш, ушбу соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва марказий банклар учун банк вазифасини ўташ;
- мунозараларни кучайтириш ва марказий банклар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш учун масъул бўлган бошқа ҳокимиятлар билан мулоқотни қўллаб-қувватлаш;
- пул ва молиявий барқарорликнинг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар ва сиёсат таҳлилини ўтказиш;
- Марказий банкларнинг молиявий операцияларида асосий контрагент сифатида иштирок этиш;
- халқаро молиявий операциялар муносабати билан агент ёки ишончли шахс сифатида хизмат қилиш;

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг мақсади: Марказий банкларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш ва халқаро молиявий операцияларни амалга ошириш учун қўшимча воситалар билан таъминлаш ва халқаро молиявий ҳисоб-китоблар бўйича ишончли томонлар ёки агентлар сифатида тегишли томонлар билан келишувларга биноан ҳаракат қилишдан иборат.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкида Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг Котибияти жойлашган ва у 1988 йилда Базел капитал аккордиясини, 2004 йилда Базел II ва яқинда Базел III асосларини яратишда асосий ўринда турган.



Халқаро ҳисоб-китоблар банки ХВФнинг захирасини ХВФнинг махсус қарз ҳуқуқларига ажратади. 2019 йил 31 март ҳолатига Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг баланс қиймати 291,1 миллиард СДР (403,7 миллиард АҚШ доллари) ва 461,1 миллион СДР (639,5 миллион АҚШ доллари) миқдорида соф фойда қайд этилган.

Бундан ташқари, пул-кредит ва молиявий барқарорлик соҳасидаги ишининг бир қисми сифатида, сиёсат, академик тадқиқотлар ва жамоатчилик муҳокамасини қўллаб-қувватлайдиган тегишли таҳлиллар халқаро банк ва молиявий статистикаларни мунтазам нашр этади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг мижозлари марказий банклар ва халқаро ташкилотлар бўлиб жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг омонатларини қабул қилмайди ёки уларга молиявий хизмат кўрсатмайди.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки халқаро пул-молия ҳамкорлигини қўллаб-қувватловчи ва марказий банклар учун банк бўлиб хизмат қилувчи марказий банкларга тегишли бўлган халқаро молиявий институтдир. Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўз ишини ўзининг йиғилишлари, дастурлари ва Базел жараёни орқали амалга оширади, глобал молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган халқаро гуруҳларни қабул қилади. Шунингдек, фақат марказий банклар ва бошқа халқаро ташкилотларга банк хизматларини тақдим этади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки Германия, Бельгия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ ва Швейцария ўртасида ҳукуматлараро битим асосида ташкил этилган. Дастлаб Халқаро ҳисоб-китоблар банки Биринчи Жаҳон урушидан кейин Версал шартномаси билан Германияга етказилган зарарни қоплашни енгиллаштириш ва 1930 йилда бошланган Германия ҳукумати халқаро қарзига ишонувчи сифатида қатнашиш учун мўлжалланган эди. Бу мақсадга бағишланган муассасани 1929 йилда Ёш қўмита таклиф қилган ва ўша йилнинг август ойида Гаагадаги конференцияда келишилган. Банк учун устав ноябрь ойида Баден-Баден шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро банкирлар конференциясида ишлаб чиқилган ва 1930 йил 20 январда Гаага иккинчи конференциясида қабул қилинган. Низомга биноан банкдаги акциялар жисмоний шахслар ва нодавлат ташкилотлари томонидан сақланиши мумкин эди. Шу билан бирга, Банкнинг Умумий йиғилишида овоз бериш ваколати фақат акциялар чиқарилган мамлакатларнинг марказий банклари томонидан амалга оширилиши керак. Швейцария билан келишувга биноан, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўзининг корпоратив мавжудлиги ва бош қароргоҳига, шунингдек, у шартнома тузаётган давлатларда маълум иммунитетга эга бўлиши талаб этилган.

Биринчи Жаҳон уруши пайтида тўловларни тўлашга кўмаклашиш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг дастлабки вазифаси эскирганлиги боис, қайта тўлаш тўловлари биринчи марта тўхтатилди (Гёвер мораториуми, 1931 йил июнь) ва кейин бутунлай бекор қилинди (Лозанна келишуви, 1932 йил июль). Бунинг ўрнига Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўзининг иккинчи устувор вазифасига, яъни аъзо марказий банклар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга эътибор қаратди. У марказий банклар учун учрашув форуми сифатида ва уларга банк хизматларини тақдим этди. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Халқаро ҳисоб-китоблар банки олтин захираларининг бир қисмини Лондонга юборишда қитъа миқёсидаги Европа марказий банкларига ёрдам берган. Сиёсатпараст ташкилот сифатида Халқаро ҳисоб-китоблар банки замонавий геосиёсий воқеликни акс эттирувчи битимларнинг олдини олишга қодир эмас эди, аммо улар ҳам кенг ишониб бўлмайдиган ҳисобланарди. Масалан, Англия ва Франция томонидан фашистлар Германиясини синаб кўриш сиёсати натижасида, 1939 йил март ойида, Германияда бўлган 23 тонна олтинни Чехословакия номидан Германия Рейхсбанкига топширишга мажбур бўлди.

1939 йил сентябрь ойида Иккинчи Жаҳон уруши бошланишида, Европанинг асосий марказий банклари иштирок этган Халқаро ҳисоб-китоблар банки Директорлар Кенгаши, Банк очиқ қолишига қарор қилди, аммо урушлар давом этганда Бошқарув Кенгашининг йиғилиши бўлмайди. Шунингдек, уруш давомида иттифоқчилар фашистларни талон-торож қилишда айблашди ва Халқаро ҳисоб-китоблар банки билан Режсбанкдан ёш режа билан боғлиқ урушдан олдинги мажбуриятларни тўлаш учун олтин олмаслик мажбуриятини олишди. Бунинг фойдаси бўлмади, чунки олиб ташланган олтин маҳбуслардан тортиб олинган ёки ғалаба билан қўлга киритилган ва Халқаро ҳисоб-китоблар банки учун тўлов сифатида қабул қилинган. Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан олиб борилган операциялар Лондон ва Вашингтоннинг шубҳалари

билан кўриб чиқилди. 1933-1945 йилларда Халқаро ҳисоб-китоблар банки директорлар кенгашига нацистларнинг таниқли амалдорлари Уолтер Фанк ва консентрацион лагер қурбонлари томонидан олинган тиш олтинини қайта ишлаш учун масъул Емил Пух, шунингдек, ИГ Фарбен директори Херманн Шмитц ва Ион Фарбен директори Барон фон Шредер, ЖҲ Стеин Банкнинг эгаси, уларнинг барчаси кейинчалик уруш жинояти ёки инсониятга қарши жиноятларда айбланган.

1944 йил Бреттон-Вудс конференцияси «Халқаро ҳисоб-китоблар банкини имкон қадар тезроқ тугатишни» тавсия қилди. Натижада Халқаро ҳисоб-китоблар банки АҚШ ва Британия делегациялари ўртасида келишмовчиликлар мавзусига айланди. Банкнинг тугатилишини бошқа европалик делегатлар, шунингдек, америкаликлар (жумладан Гарри Декстер Уайт ва Газначилик котиби Генри Моргентҳау Жр.) қўллаб-қувватладилар. Аммо бунга Британия делегациясининг раҳбари Жон Мейнард Кейнес қаршилик қилди.

Кейнс тарқатилишнинг олдини олиш ёки кечиктиришга умид қилиб, Моргентҳауга борди, аммо эртаси куни у маъқулланди. Бироқ, банкни тугатиш аслида амалга оширилмаган. 1945 йил апрель ойида АҚШнинг янги президенти Гарри Труман АҚШнинг ушбу схемага қўшилишини тўхтатди. Британия ҳукумати тарқатиб юборишни тўхтатди ва Халқаро ҳисоб-китоблар банкини тугатиш тўғрисидаги қарор 1948 йилда расмий равишда бекор қилинди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, Халқаро ҳисоб-китоблар банки Европа агенти (ЕПУ, 1950–1958 й) бўлиб, Европа мамлакатларига валюта конвертациясини ҳамда эркин, кўп томонлама савдони тиклашга ёрдам берди. XX асрнинг 60-йилларида Халқаро ҳисоб-китоблар банки яна бир бор трансатлантик пул ҳамкорлигининг марказига айланди. У марказий банкларнинг «Олтин ҳовузи» ва валютани қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор операцияларни мувофиқлаштирган Европанинг асосий иқтисодиётлари, Канада, Япония ва АҚШни ўз ичига олган Г10 энг таниқли гуруҳларга айланди.

Бреттон-Вудс тизимининг тугаши (1971–1973 й.) ва ўзгарувчан алмашинув курсларига ўтиш билан молиявий барқарорлик масалалари ҳал қилинди. Ҳерстатт Банк сингари халқаро фаол банкларнинг қулаши (1974 й.) халқаро даражада банк назоратини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. G10 губернаторлари Банк назорати бўйича Базел қўмитасини (БСБС) туздилар, у бугунги кунгача фаол бўлиб келмоқда. Халқаро ҳисоб-китоблар банки тартибга солувчилар ва халқаро стандартларни ишлаб чиқиш учун глобал учрашув жойига айланди (Базел Конкордат, Базел Капитал Ассорд, Базел II ва III). Ўзининг аъзо марказий банклари орқали Халқаро ҳисоб-китоблар банки Лотин Америкаси қарз инқирозини ҳал қилишда фаол қатнашди.

1964 йилдан 1993 йилгача Халқаро ҳисоб-китоблар банки Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар Марказий банклари Бошқарувчилар қўмитаси учун котибиятни таъминлаган. Ушбу Қўмита Европа Кенгашининг қарори

билан Евроиттифоқ марказий банклари ўртасида пул ҳамкорлигини яхшилаш мақсадида ташкил этилган. 1988–89-йилларда Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Маастрихт шартномасида (1992 й.) қабул қилинган пул бирлашувининг режасини ишлаб чиққан Делорлар қўмитасининг (Иқтисодий ва Пул Иттифоқини ўрганиш қўмитаси) йиғилишларига мезбонлик қилди. 1993 йилда Бошқарувчилар Қўмитаси Европа Пул институти билан алмаштирилганда, Халқаро ҳисоб-китоблар банки билан алоқаларини узиб, Базелдан Франкфуртга кўчиб ўтди.

1990-2000 йилларда Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўзининг анъанавий Европа ядросидан чиқиб, муваффақиятли равишда глобаллашди. Бу унинг аъзоларини босқичма-босқич ўсиб бориши (1995 йилдаги марказий банкнинг 33 аъзосидан 2013 йилда 60 тага, улар бутун дунё ЯИМнинг қарийб 95% ни ташкил этади), шунингдек, Халқаро ҳисоб-китоблар банки Директорлар Кенгашининг янада глобал таркибий қисмида ўз аксини топди. 1998 йилда Халқаро ҳисоб-китоблар банки Гонконг САРда Осиё ва Тинч океани бўйича ваколатхонасини очди. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг Америка учун ваколатхонаси 2002 йилда Мексикада ташкил этилган.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки дастлаб ҳам марказий банкларга, ҳам хусусий шахсларга тегишли эди, чунки АҚШ, Бельгия ва Франция ўзларининг марказий банкларига берилган акцияларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини хусусий инвесторларга сотишга қарор қилишди. Халқаро ҳисоб-китоблар банки акциялари фонд бозорларида савдога қўйилиб, бу банкни ғайриоддий ташкилотга айлантирган, халқаро ташкилот (оммавий халқаро ҳуқуқнинг техник маъносида), аммо хусусий акциядорлар учун рухсат берилган. Сўнгги йилларда Халқаро ҳисоб-китоблар банки оммавий сотилган акцияларини қайтариб олди, тўлиқ Халқаро ҳисоб-китоблар банки аъзоларига (марказий банклар) тегишли, аммо ҳанузгача хусусий бозорда марказий банклар ва халқаро молиявий институтлар учун контрагент, активларни бошқариш ва қарз берувчи сифатида фаолият олиб боради. Унинг операцияларидан олинган фойда, шу қаторда, банкнинг бошқа халқаро фаолиятини молиялаштириш учун ишлатилади.

Банкнинг ҳар бир қитъада вакили мавжуд, хусусан Европада 35 та, Осиёда 13 та, Жанубий Америкада 5 та, Шимолий Америкада 3 та, Океанияда 2 та ва Африкада. Марказий банклар ёки пул-кредит идораларининг аъзолари қуйида келтирилган:

1. Жазоир банки
2. Аргентина Марказий банки
3. Австралия захира банки
4. Osesteriche Миллий банки
5. Белгия миллий банки

6. Босния ва Герсеговинанинг Марказий банки
7. Бразилия Марказий банки
8. Болгария миллий банки
9. Канада банки
10. Чили Марказий банки
11. Хитой Халк банки
12. Колумбия Республикаси банки
13. Хорватия миллий банки
14. Чехия миллий банки
15. Данмарк Натионалбанк
16. Эстония банки
17. Европа Марказий банки
18. Финляндия банки
19. Франция банки
20. Deutch Butdesbank
21. Юнонистон банки
22. Гонконг пул маъмурияти
23. Венгрия миллий банки
24. Исландия Марказий банки
25. Хиндистон захира банки
26. Банк Индонезия
27. Ирландия Марказий банки
28. Исроил банки
29. Италия банки
30. Япония банки
31. Корея банки
32. Латвия банки
33. Литва банки
34. Люксембург марказий банки
35. Банк Негара Малайзия
36. Мексика банки

De Nederlandche банки

37. Янги Зеландия резерв банки
38. Шимолий Македония Республикасининг Миллий банки
39. Норгес банк

40. Перу Марказий захира банки
41. Бангко Сентрал ва Пилипинас
42. Narodowy Bank Polski
43. Бансо де Португалия
44. Руминия миллий банки
45. Россия Федерациясининг Марказий банки
46. Саудия Арабистони пул агентлиги
47. Сербия Миллий банки
48. Сингапурнинг пул маъмурияти
49. Словакия миллий банки
50. Словения банки
51. Жанубий Африка резерв банки
52. Испания банки
53. Сверигес Риксбанк
54. Швейцария миллий банки
55. Таиланд банки
56. Туркия Республикаси Марказий банки
57. Бирлашган Араб Амирликларининг Марказий банки
58. Англия банки
59. Федерал захира тизими

Гуруҳнинг дастлабки лойиҳаларидан бири, G10 мамлакатларидаги тўлов тизимининг батафсил ривожланиши шарҳ БИС томонидан 1985 йилда «Қизил китоблар» номи билан машҳур бўлган серияларда нашр этилган. Ҳозирги вақтда қизил китоблар Тўловлар ва бозор инфратузилмаси қўмитасида (СПМИ) иштирок этувчи мамлакатларни қамраб олади.

Қизил китоблардаги статистик маълумотларнинг намуналари қуйидаги жадвалда келтирилган, бу ерда миллий валюта йил охирига нисбатан курсларни ҳисобга олган ҳолда АҚШ долларига конвертация қилинади.

Директорлар кенгаши тартиби қуйида келтирилган:

- Роберто Кампос Нето, Бразилия
- Марк Карни, Лондон
- Шактиканта Дас, Мумбай
- Алеандро Диаз де Леон Саррилло (es), Мехико шаҳри

- Марио Драги, Франкфурт-Майн
- Стефан Ингвес, Стокгольм
- Томас Жордан, Цюрих
- Клаас Кнот, Амстердам
- Харухико Курода, Токио
- Жуеол Ли, Сеул
- Стивен С. Полоз, Оттава
- Жером Пауелл, Вашингтон, Колумбия округи
- Франсуа Виллерой де Галхау, Париж
- Игназио Виско, Рим
- Джон Уилямс, Нью-Йорк
- Пер Вунш, Брюссель
- Й Ганг, Пекин

14.2. Халқаро ҳисоб-китоблар банки фаолиятининг асосий йўналишлари ва молиялаштириш манбалари

Халқаро ҳисоб-китоблар банки фаолиятида кредит ўлчовларининг тўртта асосий тўплами мавжуд:

Биринчи учта – молиявий бўлмаган секторга кредитлар, ялпи ички маҳсулотга нисбатан кредитлар бўйича қарзлар ва қарзларни тўлаш коэффициентлари – фақат Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан нашр этилган.

Тўртинчи тўплам ташқи қарз бўйича БИС, ХВФ, ИҲТТ ва Жаҳон банки томонидан биргаликда ишлаб чиқарилади.

БИСнинг ҳар чораклик статистик маълумотлари нодавлат секторига кредитлар бўйича фаолиятни (2013 йил март ойидан буён) ва давлат секторининг (2015 йил сентябрь ойидан бошлаб) 40 дан ортиқ иқтисодиётда қайд этилган. Давлат секторига берилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар ўртача ҳисобда 20 йилни ва хусусий нодавлат секторига берилган кредитлар ўртача ҳисобда 45 йилдан кўпроқ вақтни қамраб олади.

Кредитлаш томонида иккита кредит маълумотлари серияси келтирилган. «Умумий кредит» барча манбалар, шу жумладан маҳаллий банклар, бошқа маҳаллий молия корпорациялари, нодавлат молиявий корпорациялар ва норезидентларнинг молиялаштиришни ўз ичига олади. «Банк кредити» – бу маҳаллий банклар томонидан хусусий нодавлат секторига берилган кредитлар.

Қарз оладиган томонда, нодавлат секторига «умумий кредит» давлат секторига ва хусусий нодавлат секторига бўлган кредитларга бўлинади ва иккинчиси молия бўлмаган корпорациялар ва уй хўжаликлари ўртасида тақсимланади (шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари).

Қўлланиладиган молиявий воситалар валюта ва депозитлар (хусусий нодавлат секторига кредит беришда нолга тенг), заёмлар ва қарзли қоғозлардир. Ушбу учта воситанинг суммаси бу ерда «асосий қарз» деб белгиланган. Давлат

сектори учун, одатда, умумий қарзнинг асосий қисмини асосий қарз ташкил этади.

Статистикалар Миллий ҳисоблар тизимининг 2008 йилдаги тизимига асосланиб, амалдаги кредит воситаларини бозор нархлари кузатиладиган бозор қийматида баҳолашни буюради. Ҳукуматга кредит бериш учун, шунингдек, давлат кредитининг номинал қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилган, чунки бу қарзлар барқарорлигини таҳлил қилишнинг баъзи шаклларида фойдали бўлиши мумкин. Номинал қийматлар Европа Иттифоқининг молиявий қоидаларида қўлланилади.

Кредит ялпи ички маҳсулотга нисбатан фарқ – 2016 йил сентябрдан буён вақт серияли сифатида кредит ялпи ички маҳсулотдаги нисбати ва унинг узоқ муддатли тренд ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Нашр қилинган серия 1961 йилдан бошлаб 44 та иқтисодиётни қамраб олади. Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлар базасида хусусий ва молиявий бўлмаган секторга берилган кредитларнинг умумий ҳажмини, барча ички ва ташқи манбалардан олинган қарзларни ҳисобга олган ҳолда, ялпи ички маҳсулотга нисбати сифатида ишлатилади. Ушбу умумий кредит серияларини маълумотларнинг маълумотлари сифатида ишлатиш мамлакатлар бўйича таққослашни осонлаштирса ҳам, бу Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан эълон қилинган кредитнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан фарқлари миллий ҳокимият идоралари томонидан капитални тескари тартибга солиш қарори доирасида кўриб чиқилганидан фарқ қилиши мумкинлигини англатади.

Қарз ставкалари (ДСР) – 2015 йил сентябрдан буён нашр этилади. Унда уй учун, номолиявий корпоратив ва хусусий бўлмаган молиявий сектор 17 та мамлакатлар учун стандарт маълумотлар берилади.

ДСР қарзга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган даромаднинг улушини акс эттиради ва молиявий-реал ўзаро таъсирлар тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этади. ДСР бу тизимли инқирозлар учун олдиндан огоҳлантиришнинг ишончли кўрсаткичидир. Юқори ДСР истеъмол ва инвестицияларга кучли салбий таъсир қилади. ДСР лар асосан миллий ҳисоб маълумотлари асосида тузилади.

Ташқи қарзлар бўйича статистик маълумотларига биргаликдаги статистикага ҳар чоракда кредиторлар ва бозор манбалари, шунингдек миллий манбалар томонидан олинган маълумотлар киради. Улар воситалар бўйича тақсимланишни таъминлайди ва бошқа манбалардан осонгина топилмайдиган қисқа муддатли қарздорлик чораларини кўрсатади. Биргаликда олиб борилган статистик маълумотлар ҳар бир мамлакатда умумий ташқи қарзларнинг тўлиқ ва изчил ҳажмини таъминлай олмаса ҳам, ҳозирги пайтда ушбу соҳада мавжуд бўлган энг муҳим халқаро қиёсий маълумотларни тўплайди.

Молиявий бўлмаган секторга бериладиган кредитлар миллий иқтисодиёт тармоқларида кредитларни самарали тақсимланишида муҳим роль ўйнайди уларга:

▸ номоддий секторга берилган умумий кредит;
▸ хусусий нодавлат секторига кредит;
▸ уй хўжаликларига берилган умумий кредит;
▸ номоддий корпорацияларга берилган умумий кредит;
▸ ҳукумат секторига берилган умумий кредитлар киритилди.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки хронологияси унинг фаолиятини тўлақонли тасаввур қилиш имконини беради.

1929-1939 йиллар:

▸ 1929 йил 3 октябрь – 13 ноябрь. Германиянинг Баден шаҳрида Халқаро ҳисоб-китоблар банки тузилмаси ва низомларини ишлаб чиқиш бўйича қўмита йиғилади;

▸ 1930 йил 20 январь Давлат раҳбарлари ва ҳукумат вакиллари томонидан иккинчи Гаага конференциясининг якуний қонуни қабул қилинади. Бунга Бельгия, Франция, Германия, Италия, Япония ва Буюк Британиянинг марказий банклари ва Қўшма Штатлар вакили бўлган молия муассасаси халқаро ҳисоб-китоблар банкини ташкил этиш тўғрисидаги келишувигв эришилади;

▸ 1930 йил 26-27 февраль Таъсис этувчи марказий банкларнинг бошқарувчилари Римда расмий равишда президент ва унинг директорлар кенгаши аъзоларини номзод қилиб тақдим этган Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг расмий йиғилиши бўлиб ўтди;

▸ 1930 йил 17 май Халқаро ҳисоб-китоблар банки Швейцариянинг Базел шаҳридаги Савой Хотел университетида бизнес учун эшикларни очди;

▸ 1936 йил 30 июль Ҳукумат вакиллари томонидан имзоланган Брюссел протоколи Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг мол-мулки, активлари ва омонатларини ҳимоя қиладиган Гаага битимининг X моддасини амалга оширади.

1940-1949 йиллар:

▸ 1940 йил 20 май 7 октябрь Германия ва Франция ўртасида ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан кейин Халқаро ҳисоб-китоблар банки вақтинча Базелдан Chateau-d'Oehга кўчирилди;

▸ 1944 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бреттон-Вудсдаги конференцияси Халқаро Валюта Жамғармаси ва Жаҳон банкини яратишга розилик билдирди; шунингдек, Халқаро ҳисоб-китоблар банкини "имкон қадар тезроқ" тугатишга чақирувчи В резолюцияни қабул қилади.

▸ 1946 йил 9 декабрь. Халқаро ҳисоб-китоблар банки директорлар кенгашининг урушдан кейинги биринчи йиғилиши чақирилди.

▸ 1948 йил 13 май. Вашингтон келишувида: Халқаро ҳисоб-китоблар банки Германия Рейхсбанкидан уруш пайтида талон-торожни қоплаш талаби қўйилди ва Бреттон-Вудз Халқаро ҳисоб-китоблар банкини тугатишга чақирувчи резолюция четга сурилди.

1950-1959 йиллар:

▸ 1950 йил 19 сентябрь. Европа Тўловлар Иттифоқини таъсис этувчи шартнома Европанинг 18 ҳукумати томонидан имзоланган.

▸ 1958 йил 31 декабрь. Аксарият Европа валюталари учун тўлиқ ҳисобварақларнинг конвертацияси тикланди. ЭПУ тугайди ва унинг ўрнини Европа пул келишуви (ЕМА) эгаллади.

1960-1969 йиллар:

▸ 1964 йил 13 апрель. Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг Марказий банклари Бошқарувчилар қўмитаси ташкил этилди. Қўмита Базелдаги Халқаро ҳисоб-китоблар банкида ўз котибияти ва мажлисларини ўтказишга қарор қилди.

▸ 1964 йил сентябрь. Халқаро ҳисоб-китоблар банкида (G10) тақдим этилган 10 та асосий марказий банклар Базелда олтин ва валюта бўйича мутахассисларнинг навбатдаги йиғилишларини чақирди. Олтин ва валюта бўйича экспертлар қўмитаси 2002 йил май ойида Бозорлар қўмитаси деб қайта номланди.

▸ 1969 йил 9 июнь. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг Фавқулодда Умумий йиғилиши 1930 йилларнинг Ёш режасига оид барча маълумотларни йўқ қилиш учун Статусга ўзгартириш киритди.

1970-1979 йиллар:

▸ 1971 йил 18 апрель. G10 губернаторлари евро валюта бозорларидаги ўзгаришларни кузатиб бориш учун Евро-валюта доимий қўмитасини (ЕССС) туздилар. 1999 йил февраль ойида Қўмита Глобал молиявий тизим бўйича қўмита деб номланди.

▸ 1973 йил 1 июнь. Европа марказий банклари ўртасидаги қўшма қўллаб-қувватлаш механизми бўлган Европа Пул Ҳамкорлик Фонди фаолияти йўлга қўйилди. Халқаро ҳисоб-китоблар банки Жамғарма вакили вазифасини бажаради.

▸ 1974 йил декабрь. Халқаро банкларни муваффақиятсизликларига жавобан G10-нинг ҳукмдорлари банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Базел қўмитасини (1989 йил сентябрда банк назорати бўйича Базел қўмитаси деб номланган) туздилар. 1975 йил февраль Базелда Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўзининг биринчи учрашувини ўтказди.

▸ 1975 йил декабрь. Базел-Конкордат қабул қилувчи ва ўз мамлакатининг ҳукуматини банкларнинг ташқи фаолияти учун назорат жавобгарлигини бўлишишга чақиради.

▸ 1977 йил май. БИС собиқ Savoi Hotel universal Tower биносидаги янги биноларга кўчишни якунлади.

▸ 1978 йил январь. БИС маълумотлар базаси пул, молиявий ва иқтисодий статистикалар кетма-кетлигида ишлай бошлади.

1980-1989 йиллар:

▸ 1980 йил апрель. Губернаторлар СССРга халқаро банк ривожланишини мунтазам ва тизимли равишда кузатиб боришни ишониб топширадилар;

▸ 1981 йил октябрь. Тўлов тизими экспертлари гуруҳининг БИСда биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Гуруҳ расман 1990 йил ноябрь ойида Тўлов ва ҳисоб-

китоб тизимлари қўмитаси сифатида ташкил этилган ва 2014 йилда Тўловлар ва бозор инфратузилмалари қўмитаси (СПМИ) деб номланган;

▶ 1983 йил апрель. Қимматли қоғозлар бўйича халқаро комиссиялар ташкилоти (ИОССО) фаолияти йўлга қўйилди;

▶ 1986 йил 21 март. БИС ва ЭСУ Банклар Ассоциацияси (ЕБА) ўртасида БИСга Европанинг хусусий валюта бирлиги клиринг ва ҳисоб-китоб тизимининг агенти вазифасини ўтайдиган битим имзоланди;

▶ 1987 йил 10 февраль. БИС Бош офисининг Швейцария Федерал Кенгаши билан келишуви амалга оширилди ва БИС маъмурий суди ташкил этилди;

▶ 1988 йил 28 июнь. Европа Кенгаши томонидан Базелдаги БИСда йиғиладиган Иқтисодий ва Пул Иттифоқини ўрганиш қўмитаси (Делорс қўмитаси) томонидан;

▶ 1988 йил июль. Марказий банк бошқарувчилари БСБС ҳужжатининг капитални ўлчашнинг халқаро конвергенцияси ва капитал стандартларини тасдиқлади. Базел сармояси шартномаси ёки Базел II деб номланувчи ушбу дастур 1992 йил охирига қадар амалга оширилди.

1990-1999 йиллар:

▶ 1992 йил сентябрь. Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва БИС томонидан қўшма Вена институти (ЖВИ) ташкил этилди. Унга марказий ва шарқий Европада, собиқ Совет Иттифоқи ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларининг мансабдор шахсларини техник тайёргарликдан ўтказиш вазифаси юклатилди;

▶ 1993 йил 31 декабрь. 1964 йилда ташкил этилган Европа ҳамжамияти (ЕС) Бошқарувчилар қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнига Европа валюта институти (ЕМИ) тайинланди;

▶ 1994 йил ноябрь. Европа валюта институти асосий шахобчасини Базелда қолдириб, Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрига кўчиб ўтди (1998 йил июнь ойида ЭСБ билан алмаштирилди);

▶ 1995 йил 15 май ЭМИ учун БИС агентлиги функциялари тугатилди;

▶ 1996 йил январь. Халқаро ҳисоб-китоблар банки, ИОССО ва Халқаро суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси (ИАИС) кўмагида қўшма форум ташкил этилди;

▶ 1996 йил 23 октябрь. ИАИС ўз котибиятини Базелдаги БИСда жойлаштиришга қарор қилди;

▶ 1997 йил 8 июнь. БИСда Марказий банк бошқаруви гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди;

▶ 1998 йил июль. БИСнинг Гонконг САРда Осиё ва Тинч океани бўйича ваколатхонаси очилиши. Хитой Халқ Республикаси билан қабул қилувчи мамлакат тўғрисидаги битим имзоланди;

▶ 1998 йил июль. БИС ва Халқаро ҳисоб-китоблар банки бутун дунё бўйлаб молия сектори раҳбарларига амалий машғулотлар ўтказиш учун Молиявий барқарорлик институти (ФСИ) ташкил этилди;

▸ 1999 йил февраль. G7 Молия вазирлари ва Марказий банк раҳбарлари томонидан молиявий барқарорлик форуми (ФСФ) ташкил этилди ва унинг котибияти Базелдаги БИСда жойлаштирилди;

▸ 1999 йил октябрь БИСда Марказий банк бошқарув тармоғи яратилди;

2000-2009 йиллар:

▸ 2001 йил 8 январь. БИСнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши БИС акцияларига марказий банклар эгалик қилиши ва хусусийлаштирилган акцияларни мажбурий сотиб олиш тартиби тасдиқланди;

▸ 2001 йил март. Осиё марказий банклари, БИС директорлар кенгаши ва менежменти ўртасидаги форум сифатида БИС Осиё маслаҳат кенгашин (АСС) ташкил этилди;

▸ 2002 йил май. Депозитларни суғурталаш халқаро ассоциацияси (ИАДИ) ўз котибиятини Базелдаги БИСда жойлаштиришга қарор қилди.

▸ 2002 йил ноябрь. Мехикода БИСнинг Америка учун ваколатхонаси очилди, Мексика билан қабул қилувчи мамлакат тўғрисидаги битим имзоланди;

▸ 2003 йил 1 апрель. БИС ўзининг ҳисоб бирлигини олтин франкидан (1930 йилдан буён амал қилади) СДР (ХВФнинг махсус жалб қилиш ҳуқуқлари) га ўзгартирди;

▸ 2004 йил 26 июнь. Марказий банк бошқарувчилари ва банк назорати раҳбарлари капитални ўлчашнинг халқаро конвергенцияси ва капитал стандартларини қайта кўриб чиқилди;

▸ 2006 йил январь. БИС Ирвинг Фишер қўмитасини Марказий банк статистикаси бўйича қўмитаси ва унинг котибиятини қабул қилишга рози бўлди;

▸ 2008 йил май. БИС Директорлар Кенгашининг маслаҳат қўмитаси сифатида Америка учун БИС Маслаҳат Кенгашини (ССА) ташкил этилди;

▸ 2009 йил 2 апрель. Йигирматалик гуруҳи (G20) ФСФ ўрнига янги макропрудециал назорат ваколатига эга бўлган молиявий барқарорлик кенгаши (ФСБ) тузилди ва ФСБ котибияти Базелдаги БИСда жойлаштирилди.

2010-2020 йиллар:

▸ 2010 йил 12 ноябрь. G20 раҳбарлари тизимнинг муҳим молиявий институтларига (СИФИ) мурожаат қилиш учун ФСБ сиёсат доираси маъқулланди;

▸ 2011 йил июнь. Халқаро ҳисоб-китоблар банки Базел III ни чиқарди ва унда қайта тикланган капитал қоидаларини жорий этган ҳолда, янада барқарор банклар ва банк тизимлари учун глобал тартибга солиш базаси ташкил этилди;

▸ 2013 йил январь. Халқаро ҳисоб-китоблар банки Базел III: ликвидликни қоплаш коэффициенти ва ликвидлик хавфини мониторинг қилиш воситалари, капитал ва ликвидликнинг глобал қоидаларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни маъқуллади;

▸ 2013 йил март. БИС International Data Hub (IDH) иштирок этувчи юрисдикцияларда кузатув идоралари ва марказий банклар ўртасида махфий

банк маълумотлари алмашинуви ва хавфсиз сақланишини таъминлаш механизми яратилди;

▶ 2014 йил 1 сентябрь. 1990 йилда ташкил этилган Тўлов ва ҳисоб-китоб тизимлари қўмитаси (СПСС) ўз номини Тўловлар ва бозор инфратузилмаси қўмитаси (СПМИ) деб ўзгартирди;

▶ 2017 йил 7 декабрь. Базел қўмитасининг назорат органи, Марказий банк бошқарувчилари ва Назорат раҳбарлари гуруҳи (ГҲОС) инқироздан кейин амалга оширилган Базел-III тартибга солишни қўллаб-қувватлади.

15-БОБ. ИСЛОМ МОЛИЯСИ ВА ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

15.1. Ислом молиясининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни

Маълумки, шариат – бу жуда қадимий (тахминан 1500 йиллик) диний, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий тизим. Бироқ унинг молиявий қисми бир неча асрлик «парокандалик» давомида унутилди ва мусулмон Шарқининг ўз анъанавий ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий-молиявий ҳамда таълим тизимлари Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган муқобил тизимларга алмаштирилди. Бу ҳолатда ислом илмий тафаккурини бироз бўлса ҳам қўзғатиш кучига эга бўлган нарса – нафақат ислом фиққини яхши билган, балки мусулмон олами учун турғунлик даври бўлган мустамлакачилик пайтида жаҳонда юз берган улкан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни чуқур англаб етган шахслар томонидан амалиётга татбиқ қилиниши мумкин бўлган ҳақиқий жонли мавзуни юзага чиқариш эди. Иккинчи Жаҳон урушининг тугаши билан ислом оламида парокандалик якун топишига умид пайдо бўлди. Айнан шу даврда мусулмон давлатлари ўз мустақиллиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураш бошлади ва худди шу даврда ислом иқтисодиёти илмий назарияси ва тамойиллари яратила бошланди. Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган бу даврни 3 та алоҳида босқичга ва бошланиши муқаррар бўлган 4 – босқичга ажратиш мумкин.

1. XX асрнинг 50-йилларидан 80-йилларнинг ўрталаригача – уйғониш, асосий нуқтаи назарларни шакллантириш ва қайта юзага чиқиш даври;
2. 1980 йилларнинг ўрталаридан 1990 йилларнинг охиригача – шаклланиш ва тетапоя даври;
3. 1990 йилларнинг ўрталари ҳозирги кунгача – ўзгаришлар ва янги ғоялар (инновациялар) даври;
4. Ҳали бошланмаган, лекин вақти етиб келган ривожланиш босқичи.

Биринчи босқич. Мустамлакачиликдан эндигина халос бўлган мусулмон давлатлар ўз диний-маданий меросларидан келиб чиққан ҳолда кейинги тараққиёт босқичлари қандай бўлиши лозимлигини аниқлаштираётган бир пайтда иқтисодиёт – молия тизимини кўриб чиқиш ва ривожлантириш масаласи жиддий равишда кун тартибида пайдо бўлди. «Ислом иқтисодиёти» тушунчаси ўтган асрнинг 50-йилларида ҳинд иқтисодчиси Абул Аъло Мавдудий томонидан муомалага киритилган. (Иқтисодиёт ижтимоий фан эканлиги, тадбиркорлик ва тижорат эса ислом динида ислом қонунчилиги билан тартибга солинишини инобатга олиш даркор).

Илмий изланишлар ва фоизсиз иш юритадиган молия муассасалари ташкил этиш борасидаги дастлабки уринишлар ўтган асрнинг 50-60-йилларида Ҳиндистон, Покистон ва Мисрда бўлган (масалан, 1963-1967 йилларда фаолият олиб борган «Мит Гамр» банкини (Миср) биринчи ислом банки деб аташса ҳам мазкур банк таъсисчиларининг ўзлари сиёсий сабабларга кўра ислом банки деган номга даъвогарлик қилишмаган). Шундай қилиб, 1975 йилда ташкил этилган «Дубай ислом банки» ва «Ислом тараққиёт банки» биринчи ислом банклари сифатида танилди. Кейинчалик, Форс кўрфази мамлакатларида, Судан ва Мисрда бир қанча ислом банклари пайдо бўлди. Бу масалада 1972 йилда Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) 3-конференцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи босқич. 1980 йилларда Малайзиянинг «олтин даври» бошланди. Форс кўрфази мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бу давлат 1983 йилдаёқ ислом банк тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишига қаратилган алоҳида қонун қабул қилди. Секин-аста Малайзия молия соҳасида ислом илмий ғояси марказларидан бирига айланди. Бунга Ислом молияси халқаро таълим маркази (ИНСЕИФ) ва Ислом молияси соҳасидаги шариат тадқиқотлари халқаро академияси (ИСРА) ёрқин мисол бўла олади. Малайзия сармоя (капитал) бозори Осиё миқёсида энг илғорларидан бири ҳисобланади. Малайзиянинг «сукук» ислом қимматли қоғозларини (облигациялари) биринчи бўлиб молия бозорига чиқариши ҳам эътиборга молик.



15.1.1-расм. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо (яшил) ва кузатувчи (кўк) давлатлар. Суриянинг аъзолиги вақтинча тўхтатилган (қизил)

Шундай қилиб, 1990 йилларнинг бошларида ислом молияси соҳаси «тажриба майдони»дан жаҳон молия бозорига чиқди. Табиийки, бу бир қатор муҳим ва қулай омиллар сабабли вужудга келди. Жумладан:

- ислом молияси ғоясининг халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилиниши;
- соҳада бугунги кунда жаҳон молия тили ҳисобланувчи инглиз тилидан фойдаланилиши;
- ислом банклари ва молиявий имкониятларининг ўсиши ва кенгайиши;
- ислом банкларида шаръий кенгашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- турли халқаро мувофиқлаштирувчи марказлар (идоралар) ташкил қилиниши;
- тижорий битимлар фиққи масаласида ижтиҳоднинг фаоллашуви ва ривожланиши;
- аксарият муҳим масалалар бўйича тўрт мазҳаб ҳуқуқшунослари ўртасида умумий қарашларга эришилиши;
- ислом молияси шартномаларининг анъанавий сармоядорлар учун ҳам тушунарли тарзда тузилиши ва халқаро молия / сармоя (капитал) бозорларига чиқилиши;
- ислом банк-молия тизимини жорий этган ва ислом молияси ривожланиши учун мустаҳкам асос яратган мамлакатларнинг мувофиқлаштирувчи ташкилотлари ва сиёсий етакчиларининг мавқейи.

Умуман олганда, ислом молиясининг ривожланишига бир қатор мусулмон давлатлари аҳолиси орасида мазкур тизимга бўлган юқори талаб ва қулай иқтисодий вазият туртки бўлди дейиш мумкин. Мисол учун, Форс кўрфазидаги табиий бойликлари (асосан нефть) бисёр бўлган мамлакатлар даромадининг кескин ўсиши давлат бюджетлари билан бир қаторда компаниялар ва оддий аҳолининг бойишига замин яратди. Шу билан бирга, Форс кўрфази мамлакатлари соҳанинг паст-баландини яхши тушуниб етмагани сабабли эндигина ўсиб келаётган ислом молиясига нисбатан бироз эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишди. Шу боис, банклар классик исломий шартномалар билан (албатта муайян даражада замонавийлаштирган ҳолда) чекланди. Бунда мол-мулкни гаровга қўйиш асосида амалга оширилувчи муробаҳа шартномаси асосий шартнома турига айланди.

Учинчи босқич. Ислом молияси салоҳиятини ҳамда мумтоз ислом молияси шартномаларининг чегараланган имкониятларини англаб етган жаҳон молия тизими намоёндалари ҳисобланувчи Ғарбнинг қатор йирик банклари, юридик компаниялари ва бошқа манфаатдор томонлар замонавий талаблар ҳамда халқаро стандарт ва амалиётларга жавоб берадиган мураккаб ислом молияси маҳсулот ва шартномаларини яратишга киришди. Шу тариқа, ислом банкчилиги тараққиётининг учинчи босқичи – ўзгаришлар (трансформация) ва янги ғоялар даври (мослашув даври деса ҳам бўлади) бошланди. Халқаро даражадаги банкчилар ва ислом молияси тизимининг жаҳон молияси тизими билан уйғунлашуви тарафдорлари юқори ўсиш суръатларини таъминлаш,

шунингдек янги молия маҳсулотлари яратиш мақсадида ислом молияси фиқҳи соҳаси ҳуқуқшунослари билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади. Умумий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб маҳаллий ва жаҳон бозорларида анъанавий тизим билан рақобатлаша оладиган мураккаб ислом молияси маҳсулотлари даври бошланди.

Ислом молияси соҳасида Халқаро стандартлар ишлаб чиқилди, турли ўқув дастурлари ва сертификатлар пайдо бўлди. XX асрнинг охиридан бошлаб Форс кўрфази мамлакатларидаги аҳоли ва бизнес вакиллари ислом молияси маҳсулотларининг мазмун-моҳиятини яхши тушуниб етиши натижасида, бундай маҳсулотларга нисбатан бўлган талаб ҳам юксалиб борди.

Шариат соҳаси ҳуқуқшунослари (асосан ислом банкларининг шаръий кенгашлари аъзолари) билан йирик банк ходимларининг замонавий молиявий шартномалар моҳиятини тушуниб етиш ва уларни шариат талабларига мослаштириш мақсадидаги ўзаро яқиндан ҳамкорлиги яна бир ажойиб ҳодиса бўлди. Уларнинг яна бир вазифаси шариат доирасидаги шартномаларни шариат талабларига тамомила бефарқ бўлган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш бўлган.

Буюк Британия ислом молияси ва замонавий молия усуллари марказига айланди. Яна бир янгилик — ислом молияси соҳасида инглиз тили кенг қўлланиши бўлди. Бунгача битимларнинг шариат нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши, маъқулланиши ва назорат қилиниши фақат араб тилида (айниқса Форс кўрфази давлатларида) амалга оширилган. Банкларнинг шаръий кенгашлари аъзолари бўлган ислом ҳуқуқшуносларининг аксарияти инглиз тилини билмаслиги банкчилар ва шаръий кенгашлар ўртасидаги мулоқотни анчагина мураккаблаштирди. Шу боис, шаръий кенгашлар аъзолари тегишли ҳужжат ва шартномаларни батафсил ўрганиш ўрнига ислом банклари ходимлари ёки маслаҳатчилар томонидан тайёрланган умумлаштирувчи қисқача маълумотларни кўриб чиқарди, холос. Табиийки, бундай умумлаштирувчи маълумотлар ҳужжатни шаръий жиҳатдан тўлиқ баҳолаш ва маҳсулотларни тўғри шакллантириш учун зарур бўлган барча жараён, кўрсаткич ва омилларни тўлиқ ва батафсил қамраб олиш имкониятини бермайди. Албатта, бунинг оқибатида асл маъно буткул ёки қисман йўқолади ва натижа ҳам шунга яраша бўлади. Мазкур ҳолат ҳозирги кунга қадар ислом молияси ривожланиш суръатларини бирмунча секинлаштириб келмоқда.

Шундай айтиш мумкинки, XX аср охирида бошланган ислом молияси ривожланишининг 3 босқичи давомида соҳадаги ўсиш суръати, миқёси ва жаҳон молия тизимига мослашиши ҳамда унинг иштирокчилари билан рақобат қилиши борасидаги имкониятлари нуқтаи назаридан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Айни пайтда шуни аниқ тушуниб етиш лозимки, маънавий-ахлоқий жиҳатдан «бетараф» бўлган (яъни ахлоқий меъёрлар асосида фаолият юритмайдиган) анъанавий жаҳон молия тизими ислом молиясини фақат ўз шартлари асосида, яъни ўзига тўлиқ сингдирган, мослаштирган шаклда қабул қилиши мумкин.

Ҳали бошланмаган, аммо кутилаётган тўртинчи босқич. Соҳа жаҳон молия тизимининг бир қисми бўлиш баробарида қандай қилиб ўзининг беқиёс хусусиятлари, қадриятлари ва асл мақсадларини сақлаб қолиши мумкинлигини англаб етиши муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида таъкидланганидек, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ислом молияси анъанавий молия тизими ва дунёвий ҳуқуқ тизимларининг катта майдонида ўйинга кирди. Яъни ислом банк-молия муассасалари бир маромда ва самарали ишлаётган анъанавий банк-молия тизими билан мижозлар учун тўғридан-тўғри рақобатга киришди. Бу ҳолат ислом молияси тизими эътиборини беқиёс ва тугал таклифлар яратишдан анъанавий молия маҳсулотларини «тескари мослаштириш»га қаратди, яъни анъанавий ҳуқуқшунослар ва ислом банкчилари анъанавий банк-молия маҳсулотларини ҳар томонлама ўрганиб, мижозларга математика нуқтаи назаридан ўхшаш молиявий натижа берувчи ислом маҳсулотлари яратишга киришиб кетишди.

Табиийки, бунда барча ҳужжатлар керакли меъёрларга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилди. Ислом молиясининг худди мана шу сингиб, мослашиб кетиши ва унинг «кредитлашга» йўналтирилгани жиддий танқид ва айбловларга сабаб бўлди. Танқидчилар ислом молияси ўзининг беқиёс хусусиятларини йўқотаётганини, унинг жамиятдаги қашшоқлик даражасини пасайтириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари молиявий қамровини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш жараёнларидаги ўрни ва аҳамияти юқори эмаслигини таъкидлашар эди. Уларнинг фикрича, агар ислом молияси масалага шундай "расмий" ёндашувни давом эттираверса, ўзининг асосий моҳиятидан ажралиб, борган сайин мавжуд анъанавий банк-молия тизимининг "тиргович"ларидан бирига айланиб қолади, холос.

Шу боис, соҳа учун бурилиш нуқтаси ва асосий муаммо – реал иқтисодиётнинг ривожланиши ва фаоллашуви, молиявий маблағларни иқтисодиёт субъектлари ўртасида адолатли ва самарали тақсимланиши ҳамда анъанавий банк тизимига муқобил молия тизимини яратиш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари молиявий қамровини оширишдаги асл мақсад ва вазифаларини аниқ тушуниб олиш ҳисобланади.

Ислом микромолия институтлари улуши ва аҳамиятининг юксалиши. Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган. эҳтимолий мижозларнинг барқарор ва етарли даражадаги даромади йўқлиги, гаровга қўйиш учун мулки ва кредит тарихи мавжуд эмаслиги, лойиҳалар ва тадбиркорлик фаолиятининг хатар даражаси юқорилиги ҳамда бошқа сабаблар туфайли аксарият мусулмон давлатлардаги аҳоли ва кичик бизнеснинг катта қисми ислом банклари хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ислом микромолия ташкилотлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга энг муҳтож қатламлари билан ишлаш учун барча керакли воситаларга эга бўлсада, бу имкониятдан амалда деярли фойдаланилмайди. Шундай экан, улкан ижтимоий қатламлар қашшоқликнинг боши берк кўчасидан чиқа олмаяпти.

Устига-устак, бу каби муассасаларнинг ислом молияси тизимидаги улуши ва аҳамияти жуда кичкина. Айни пайтда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг эҳтиёжларини молиялаштириш ва қашшоқлик даражасини камайтириш учун қарзи ҳасана, закот, вақф ҳамда замонавий молия усуллари (финтек) каби воситалардан фойдаланишнинг катта имкониятлари мавжуд. Шу маънода, ҳақиқатан ҳам, ислом микромолия муассасалари аҳамиятини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва кичик бизнеснинг эҳтиёжлари ҳамда тўлов қобилиятига мос келувчи молия маҳсулотлари яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш кўплаб мамлакатларда кузатилаётган оммавий қашшоқликни енгиш ва аҳолининг катта қатламини молиявий-иқтисодий жараёнга жалб қилиш ва шу орқали, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ҳамда соғлом иқтисодий ўсиш учун зарур шароитлар яратишга қодир.

Аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган ёки аҳолининг катта қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган қатор давлатлар бор. Айни пайтда турли сабабларга кўра аҳоли томонидан, давлат даражасида ёки анъанавий банк ҳамжамияти доирасида ислом молиясига нисбатан нотўғри ёки нохолис фикр ва муносабат шаклланган. Бу эса соҳанинг жамиятдаги юқори бўлмаган аҳамияти, амалга татбиқ қилиниши, ривожланиши ва фойдаланиш даражаси пастлигининг асосий сабабларидан биридир. Шу боис, халқаро ислом ташкилотлари, илмий ҳамжамият, таълим муассасалари, ислом банк-молия муассаса ва гуруҳлари ўзларининг тор миллий доирасидан ташқарига чиқиши ва ислом молиясини муваффақиятли жорий қилган давлатлар тажрибасини аҳоли ва миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, молия бозори иштирокчилари ва амалдорлар орасида кенг тарғиб қилиши ва шу орқали ислом молияси моҳиятини қабул қилиш ва тушуниб етиш даражасини ошириши зарур.

Ислом молияси жаҳон молия инқирозини нисбатан муваффақиятли тарзда енгиб ўтиб, ўзининг тизимли хатарларга нисбатан барқарорлигини, дунёвий ҳуқуқ муҳитида яшовчанлиги ва мослашувчанлигини исботлади ва умумий иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Бунда у, ўз диний эътиқодларига асосланган ҳолда ислом молиясига мурожаат қилаётганлар учун ҳам, бу тизим орқали ўз молиявий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни ният қилаётганлар учун ҳам имкониятлар тақдим этмоқда.

олиш саноати маҳсулотларига жаҳон нархининг пасайиб кетиши, Хитой ва Ҳиндистонда эса саноат маҳсулотларига бўлган ташқи талабнинг қисқариши билан боғлиқдир[47].

Таҳлиллар БРИКС мамлакатлари ташқи савдосининг товар таркиби бир-биридан жиддий фарқ қилишини кўрсатмоқда. Жумладан, 2015 йилда БРИКС мамлакатлари товар экспорти таркибининг 50,0 фоизини саноат маҳсулотлари, 32,4 фоизини ёқилғи ва қазиб олиш саноати маҳсулотлари, 14,6 фоизини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этган бўлса-да, Хитой ва Ҳиндистон товар экспортининг таркибида саноат маҳсулотлари (мутаносиб равишда 94,0 ва 59,4) етакчи мавқега эга бўлиб, Россия экспортида ёқилғи ва қазиб олиш саноати маҳсулотлари (71,4 фоиз), Бразилияда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (37,4 фоиз) устуворлик қилаётганини кузатишимиз мумкин[48].

БРИКС мамлакатлари иқтисодиётига хос хусусиятлардан бири ички талабнинг юқорилигидир. БРИКС мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг қўшимча ўсиши, авваламбор ички талабнинг – аҳоли, корхоналар ва давлат бошқарув органларининг истеъмол ва инвестицион харажатларининг жадал суръатларда кенгайиши билан боғлиқ. Хитойда охирги ўн йилликда миллий экспорт ҳажмининг бир неча мартага ортиши билан бир вақтда 2000-2007 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида инвестициялар (асосий капиталнинг ялпи жамғариш массаси) улуши соф экспортга қараганда жадал суръатларда ўсган. Ушбу кўрсаткичлар бу даврда мос равишда 6,5 ва 7 пунктга ўсган. Ҳиндистонда эса инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, ташқи савдо баланси салбий қолдиққа эга бир вақтда 8,9 пунктга ошган.

БРИКС мамлакатлари иқтисодий ривожланишидаги кейинги хусусият ички ҳудудий табақалашувнинг чуқурлиги билан боғлиқ. БРИКС мамлакатлари ички ҳудудий ривожланиши жиҳатидан чуқур табақалашувга эга бўлиб, барчаси ҳудудлар ҳажми ва аҳоли сони бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мисол учун, ҳудудларнинг аҳоли сони бўйича табақалашув даражаси Ҳиндистонда энг юқори – 3 минг марта (вариация коэффициенти 126,1 фоиз), Хитойда эса энг паст – 34 марта (вариация коэффициенти 63,4 фоиз). БРИКС мамлакатларида ялпи минтақавий маҳсулотнинг мутлақ ҳажми бўйича табақалашув даражаси янада юқори ҳисобланади.

---

[47] Швандар К. В. Прямые иностранные инвестиции в страна BRIC.//Банковской дело №2 2008. С. 46-47.

[48] Михеев В. Дальше-без завесто-2 (Китай: семна модели модернизации)// Мировая экономика и Международные отношения, № 6 2015 С. 57-65.

Фикримизча, Россия ўзининг катта иқтисодий салоҳиятига қарамасдан хомашёга ихтисослашган, диверсификациялашмаган иқтисодиётга эга мамлакат ҳисобланади. Инвесторлар БРИКСнинг бошқа мамлакатларига нисбатан Россиянинг истиқболига шубҳа билан қараб, инвестицияларни Бразилия ёки Хитой иқтисодиётига киритишни афзал биладилар. Шу билан бирга, БРИКС мамлакатлари паст даромадли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. БРИКС ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида савдо, инвестиция ва молиялаштириш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин БРИКС мамлакатлари иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви, паст даромадли мамлакатлар экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ҳажмининг ортишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб, юқоридаги муаммоларни эътиборга олган ҳолда, БРИКС мамлакатлари ва паст даромадли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд.

БРИКС мамлакатлари ва паст даромадли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши паст даромадли мамлакатларда хомашё ресурсларига боғлиқликнинг ортишига олиб келади. Аммо, паст даромадли давлатлар муваффақиятли ривожланиш тенденцияларига эга БРИКС мамлакатлари тажрибасидан унумли фойидаланиш мумкин, қайта ишлаш саноатида Ҳиндистон ва Хитой рақобатдошлиги ҳамда табиий ресурсларига бўлган талабнинг ортиши паст даромадли мамлакатларда биржа товарлари нархининг ўсишига ва қайта ишлаш саноатига ихтисослашишининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир вақтда, Бразилия ва Россия (айрим ривожланган мамлакатлар – Австралия ва Канада) табиий ресурсларидан иқтисодий ўсиш базаси сифатида унумли фойдаланган. Жумладан: қайта ишлаш саноати ривожланишининг фаоллашуви иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг асосий омилига айланиши, БРИКС мамлакатлари томонидан технологияларни узатиш ва ишчилар малакасини оширишни молиялаштириш паст даромадли мамлакатларга қайта ишлаш саноатининг ривожлантиришни рағбатлантириши мумкин[49].

Имтиёзли, жумладан, тижорат шартлари асосида молиялаштириш қайта ишлаш саноатининг жадал суръатларда ривожланишига олиб келиши мумкин. Хитой тажрибасининг кўрсатишича, тижорат асосида молиялаштириш бу соҳада рақобатни рағбатлантиради ва занжирли реакция самарасини келтириб чиқаради.

Паст даромадли мамлакатлар БРИКС мамлакатлари бой тажрибасидан юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этишда фойдаланишлари мумкин. Бу мамлакатлардан иқтисодий ўсиш имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш имконини берувчи инфратузилмани босқичма-босқич

[49] Михеев В. Дальше – без завесто-3 («Китайская мечта» Экономика, амбиции лидерства) // Мировая экономика и Международные отношения, №2 2014 С.

ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш талаб этилади. Хитой иқтисодий инфратузилмасидаги мавжуд муаммолар ва ресурслардан фойдаланиш йўналишларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш натижасида инвестицияларни режалаштириш борасида жиддий муваффақиятларга эришди.

БРИКС ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида халқаро ташкилотлар ҳамда донорлар паст даромадли мамлакатларга кўпроқ миқдорда ресурсларни ўзлаштиришлари учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали боғловчи вазифасини ўташлари мумкин.

20.2. Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги халқаро молиявий ташкилотлар

Савдо ва ривожланиш бўйича Қора Денгиз бўйи банки фаолиятининг устав мақсади инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва минтақавий савдони илгари суриш орқали банк аъзо давлатлари иқтисодиётини модернизация қилишга кўмаклашишдан иборат. Россия банкнинг асосий акциядорларидан бири (устав капиталининг 17,26 %) ва унда Россия манфаатларини стратегик жиҳатдан муҳим Қора Денгиз минтақасида тарғиб қилишга имкон берувчи ҳақиқий таъсирга эга. Банкнинг энг юқори бошқарув органи йилига бир марта ўтказиладиган бошқарув Кенгаши (Су) ва жорий фаолият директорлар Кенгаши томонидан назорат қилинади (йилига 5-6 марта йиғилади). Банк кундалик раҳбарияти президенти (ҳозир Туркия вакили), уч вице-президенти (ҳозир Болгария, Руминия ва Россия вакиллари) ва бош котиби (Греция вакили) томонидан амалга оширилади. 2000 йил декабрда ойида бошқарув кенгаши фаолиятида барқарорлик ва узлуксизликни таъминлаш учун асосий акциядорлар (Россия, Греция, Туркия) Савдо ва ривожланиш бўйича Қора Денгиз бўйи банки раҳбариятида доимий равишда тақдим этилган принцип тасдиқланди. 2016 йил апрель ойидан бошлаб банкнинг фаол кредит портфелининг умумий ҳажми 1,1 миллиард евродан ошди (ўтган йилнинг апрель ойига нисбатан 11,23% ўсиш). «Муаммоли» кредитлар портфелнинг фақат 1,06% ни ташкил қилади. Россиянинг ЧБТР фаолиятига қизиқиши банкнинг Россиянинг МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари билан ҳамкорлигини тиклашда, шунингдек, Туркия ва Греция билан иқтисодий ҳамкорликни таъминлашда фойдали роль ўйнаш қобилиятига боғлиқ. Минтақавий даражада, банк Россия саноат экспортини, муҳандислик-қурилиш хизматларини ва Россия технологияларини минтақа мамлакатлари бозорларига олиб чиқиш учун самарали восита бўлиши мумкин. Банк ишида Россия федерал ижро этувчи органлари вакилларининг иштироки Россия Федерацияси ҳукуматининг 1997 йил 28 августдаги 1073-сонли қарори билан тартибга солинади «Қора Денгиз савдо ва тараққиёт банки Россия Федерацияси иштирокини таъминлаш тўғрисида». Ушбу қарорга мувофиқ,

Россия ташқи ишлар вазирлиги Савдо ва ривожланиш бўйича Қора Денгиз бўйи банки ва Россия вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотлар ўртасида алоқа каналининг вазифалари, шунингдек, банк билан ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган[50].

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки – банкка аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланишига кўмаклашиш, шунингдек, савдо-иқтисодий интеграция ва минтақалараро муносабатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўп томонлама ривожланиш банки.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки 1963 йилда БМТ Котибиятида 7388-сон билан рўйхатдан ўтган ҳукуматлараро битимга мувофиқ ташкил этилган. Банк солиққа тортилмайдиган ва миллий даражада тартибга солинмаган халқаро ҳукуматлараро институтдир. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банкининг энг юқори бошқарув органи-аъзо давлатларнинг молия муассасалари (молия вазирлиги ёки миллий банки) масъул ходимлари бўлган банк кенгаши ҳисобланади. Штаб-квартираси Москва (Россия Федерацияси)да жойлашган. Банк юридик шахсларга ва кредит ташкилотларига юридик шахсларга айланма, лойиҳа ва синдикатлаштирилган кредит бериш, савдони молиялаштириш, ҳужжатли битимларни тезкор кузатиб бориш, ҳисобварақларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш хизматларини тақдим этади.

Мақсади:

- Ҳукмронлик қилиш, банкка аъзо мамлакатлар кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташқи савдосини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қўшилган қиймат яратиш ва янги бозорларга чиқиш;
- Банк аъзо-давлатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқ глобал қиймат занжирларига интеграциялашиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг технологик имкониятлари, энергия самарадорлиги, ресурс самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки аъзо давлатларнинг миллий иқтисодиётини савдони ривожлантириш ва БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш орқали ривожлантиради.

IBEC

INTERNATIONAL BANK
FOR ECONOMIC CO-OPERATION

[50] https://www.mid.ru/cernomorskij-bank-torgovli-i-razvitia-cbtr-/-/asset_publisher/KrRBY5EMiHC1/content/id/2514775

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган инновацион, "яшил" ва ижтимоий – масъулиятли лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки мижозларнинг ташқи савдо операцияларини қўллаб-қувватлайди ва минтақавий ҳамда давлат даражасида синергияни кучайтириш учун пул маблағларини бошқариш хизматларини тақдим этади.

1963 йил 22 октябрда иқтисодий ўзаро ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлари томонидан собиқ СССР ҳудудида биринчи халқаро банк бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан рўйхатга олинган халқаро битимга мувофиқ халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки ташкил этилди. Ташкил этилган вақтда банкка Болгария, Венгрия, ГДР, Мўғулистон, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия аъзо бўлган.

- 1974 йил – Куба банкнинг аъзо мамлакатларига қўшилди.
- 1977 йил – Вьетнам банкнинг аъзо мамлакатларига қўшилди.
- 1988 йил – Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки СWИФТ аъзоси, шунингдек, эдел-қимматли қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар учун халқаро клиринг маркази.
- 1990 йил – Германия Демократик Республикаси банкдаги аъзолигини тугатади.
- 1991 йил – Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки СССР давлат банкининг банклараро валюта операциялари маркази – валюта биржаси (келажакда Москва банклараро валюта биржаси) аъзолигига қабул қилинди.
- 1992 йил – Венгрия Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки таркибига киради.
- 1999 йил 1 январь – банк евро балансига ўтади.
- 2007 йил – Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар – собиқ СССРнинг ҳуқуқий вориси.
- 2013 йил – Куба МБЕС таркибига киради. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки ва Куба Республикаси ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тартибга солинган.
- 2015 йил – ХТТБ Кенгаши томонидан 2016-2020 йилларда халқаро иқтисодий ҳамкорлик банкининг фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.
- 2017 йил – Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки биринчи марта халқаро кредит рейтингини олди.

Халқаро инвестиция банки (МИБ)1970 йилда аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланиши ва ҳамкорлигига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган кўп томонлама ривожланиш банкидир. Банк МИБ-

ни ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатга олинган Низом асосида фаолият юритади. МИБ штаб-квартираси Будапештда (Венгрия) жойлашган.

Халқаро инвестиция банкининг вазифаси кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва банк аъзо давлатларининг иқтисодий кооперациясини қўллаб-қувватлашдан иборат. Халқаро инвестиция банки асосан етакчи миллий молия институтлари, ривожланиш банклари ва экспорт-импорт банклари ва агентликлари орқали ўрта ва узоқ муддатли кредитларни тақдим этади. Банк бошқа халқаро ва миллий молия институтлари билан биргаликда молиялаштириш ва синдикатлаштирилган кредитлашда ҳам иштирок этади.

Асосий маҳсулотлар:

- экспорт-импорт операцияларини, мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- молиявий воситачилар (банклар, агентликлар, лизинг компаниялари) орқали кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш);
- савдо ва лойиҳани молиялаштириш;
- ҳужжатли маҳсулотлар;
- сармояга инвестициялар, фондларга инвестициялар.

Аъзолари:

1. Венгрия	2. Россия
3. Монголия	4. Словакия
5. Болгария	6. Вьетнам
7. Куба	8. Чехия
9. Руминия	

Халқаро инвестиция банкининг устав ҳужжатлари бошқа мамлакатлар, давлатлараро банк, молия ва иқтисодий ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш имконини беради. Банк фаолиятида бошқа молия институтлари Халқаро инвестиция банки Кенгаши томонидан белгиланадиган махсус мақом асосида иштирок этиши мумкин.

Банкнинг эълон қилинган устав капитали миқдори 2,000 миллиард еврони ташкил этади. Тўланган капитал – 329,61 миллион евро Халқаро инвестиция банкининг тўланган капиталида аъзо давлатларнинг акцияларини тақсимланиши:

Аъзо давлатлар	Улуши, %
Болгария	12,8
Вьетнам	1,11
Куба	1,63
Монголия	1,03
Россия	45,52
Руминия	7,92
Словакия	6,52
Чехия	11,34
Венгрия	12,14

Халқаро инвестиция банкининг асосий фаолиятини молиялаштириш ҳам ўз капитали, ҳам жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Банк халқаро ва миллий бозорлардан молиявий кредитлар олиш, облигация кредитларини жойлаштириш, бошқа қимматли қоғозларни чиқариш, молиявий ташкилотлардан депозитларни олиш ва бошқа шаклларда маблағларни жалб қилиши мумкин.

Банкни ташкил этиш тўғрисидаги битим 1970 йил 10-июлда таъсис этилган давлатлар томонидан имзоланган ва БМТ Котибиятида 11417-сонли рўйхатдан ўтган. Фаолият бошланиши – 1971 йил 1 январ. Ташкил этилган вақтда банкка аъзо давлатлар: Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Мўғул Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси. Халқаро инвестиция банкининг асосий вазифаси банкнинг бир неча манфаатдор аъзолари томонидан қўшма инвестиция лойиҳалари ва ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ва ўрта муддатли кредитлар бериш, Халқаро инвестиция банкига аъзо давлатларнинг миллий иқтисодиётини ривожлантириш учун объектларни қуриш эди. Унинг тарихи «совет» даврида, банк 7 млрд. евродан ортиқ қийматга эга инвестиция лойиҳаларини молиялаштиради. Социалистик блокнинг қулаши билан Халқаро инвестиция банки ўз фаолиятининг мақсадли йўналишларини сезиларли даражада йўқотди ва деярли йигирма йил турғунликда эди. 1999 йилда Германия Демократик Республикаси (ГДР) ўзининг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини тугатиш муносабати билан банкдан чиқиб кетди. 2000 йилда, Польша ва Венгрия банки ҳам (Венгрия 2015 йил майда МИБ аъзолик янгиланган) тарк эълон қилди. Умуман, Халқаро инвестиция банки фаолиятининг бутун даври давомида турли мамлакатларда 250 дан ортиқ инвестиция объектларини кредитлаш иштирок этди ва тахминан 8 миллиард евро умумий қиймати учун кредитлар тақдим этди, бу маблағлар қуриш ва қора ҳамда рангли металлургия, машинасозлик, электротехника ва бошқа соҳаларда

банк аъзо давлатларга кўплаб корхоналарни реконструкция қилиш имконини берди.

Халқаро инвестиция банкининг йирик газ қувурлари, автомобиль ва темир йўл магистралларини биргаликда қуришни молиялаштиришда иштирок этди. 2012 йилда банк Халқаро инвестиция банки акциядорларидан кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш учун мандат олган янги бошқарув жамоаси келди. Шундан сўнг, эски «ёмон» активлардан параллел равишда қутулиш билан молиявий воситачилар орқали Синдикация қилинган кредит ва кредит олиш учун кредит сиёсатини қайта йўналтириш амалга оширилди; банк операцияларининг рентабеллиги оширилди ва базалар кенгайтирилди; халқаро рейтинг агентликларининг инвестицион даражадаги рейтинглари олинган; банкнинг ташкилий тузилмаси ва ички жараёнлар, жумладан, ходимларни ва рискларни бошқариш модернизация қилиниб; ребрендинг ўтказилди; етакчи миллий ва халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини фаол ривожлантириш бошланди.

2014 йилда банк тарихида биринчи марта қарз капитал бозорларига кирди. Ҳозирги вақтда Халқаро инвестиция банки Россия, Словакия ва Руминияда облигациялар чиқарган. 2019 йилда Халқаро инвестиция банки Будапештдаги (Венгрия) штаб квартирасини кўчирди. 2012 йилда ислоҳотдан сўнг Халқаро инвестиция банки ҳамкорлар ва мижозлар ўртасида экологик масъулият тамойилларини илгари суриш, шунингдек амалга оширилаётган лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича мажбуриятларни қабул қилди. Банк шунингдек, корпоратив ижтимоий масъулият соҳасида — БМТ глобал шартномасида энг йирик халқаро ташаббусга қўшилди. 2015 йилдан буён Халқаро инвестиция банки Россия ва Венгрияда иқлим ўзгаришига қарши курашиш, шунингдек, Монголия ва Вьетнамда ноёб ҳайвон турларини ҳимоя қилиш учун бир қатор экологик грантлар ажратди. Бундан ташқари, 2016 йилда банк «яшил» қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришга киришди[51].

20.3. Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ҚИҲ) 1992 йил 25 июнь минтақавий ташаббус сифатида ташкил этилган. 1999 йил май ойидан бошлаб, Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Низоми кучга киргандан сўнг, тўлиқ форматли халқаро ташкилот сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлди.

Котибият 1994 йилда ташкил этилган ва Истанбул (Туркия) жойлашган эди. 1999 йилдан буён ташкилот асосан иқтисодий ҳамкорлик билан шуғулланадиган минтақавий халқаро ташкилот мақомини олди. 2004 йил апрель ойида Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Сербия (Сербия

[51] http://www.iib.int/

ва Черногория)га қабул қилинди, ундан кейин аъзо давлатлар сони 12 тага ошди. Иштирок этувчи мамлакатларда, шунингдек, тадбиркорликда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу мақсадда 2012 йилда Аденауер жамғармаси ва ЭРЕНЕТ кўмагида ўқув дастурлари ташкил этилди. XX аср охири XXI аср бошларида Миллий озодлик ҳаракати авж олди. Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилишининг 25 йиллигига бағишланган декларация тасдиқланди. Декларацияни қабул қилиш бўйича овоз бериш вақтида Украина Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатларининг ҳудудий яхлитлигини тиклаш бўйича тузатишлар киритилган.

Аъзолар	
1. Озарбайжон	2. Албания
3. Армения	4. Болгария
5. Греция	6. Грузия
7. Молдавия	8. Россия
9. Руминия	10. Сербия
11. Туркия	12. Украина

Тақдим этилган жадвалдан кўриниб турибдики, Қора Денгиз ташкилотига кириш имконига эга бўлмаган мамлакатлар – Албания, Арманистон, Озарбайжон, Греция, Молдова ва Сербия (Туна коридори билан боғланган) иштирок этмоқда. Македония Республикасининг аризаси, Кипр Республикасининг аризаси Туркия томонидан рад этилгандан кейин Греция (Македониялик саволга қаранг) томонидан рад этилди.

Кузатувчилар	
1. Австрия	2. Словакия
3. Белорусия	4. АҚШ
5. Германия	6. Тунис
7. Миср	8. Франция
9. Исроил	10. Хорватия
11. Италия	12. Чехия
13. Польша	

Ҳамкорлар	
1. Буюк Британия	Корея Республикаси
2. Венгрия	3. Словения
4. Иордания	5. Черногория
6. Эрон	7. Япония
8. Кипр	

Қора Денгиз савдо ва тараққиёт банки 1997 йил 24 январда Молия институти сифатида ташкил этилди. Иқтисодий ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, савдо-сотиқ, молиявий кафолатлар бериш, аъзо давлатлар учун ҳам хусусий, ҳам давлат компаниялари лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ҚИҲ) доирасида транспорт соҳасида ҳамкорлик қуйидаги халқаро меморандумлар ошириш орқали амалга оширилади:

1. Қора Денгиз атрофида тезюрар автомагистрални мувофиқлаштирилган ривожлантириш бўйича англашув меморандуми. Меморандум доирасида томонлар Қора Денгиз атрофидаги ҳалқа йўлнинг ўтиш йўлларини белгилаб олишди. Россия Федерацияси 2010 йилда Меморандумни ратификация қилди. Меморандумни амалга ошириш бўйича ишлар мувофиқлаштирилган ишчи орган Қора Денгиз атрофидаги ҳалқа йўлининг мувофиқлаштирилган ривожланиши бўйича бошқарув қўмитаси ҳисобланади.

2. Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида денгиз магистралларини ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми. Меморандумнинг мақсади денгиз магистралларни ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган масалалар бўйича ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида амалга ошириш ва такомиллаштиришдан иборат. Ҳозирги вақтда денгиз магистралларини ривожлантириш бўйича Мастер-режани яратиш устида иш олиб борилмоқда.

3. Юкларни автомобиль транспортида ташишни осонлаштириш масалалари бўйича ўзаро англашув меморандуми. 2016 йилнинг биринчи ярмида ҚИҲ Россия раислиги доирасида 30 май ва 1 июнь ўртасида Сочи шаҳрида Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти транспорт вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда транспорт бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши, Қора Денгиз атрофидаги ҳалқа автомобиль йўлини ривожлантириш бўйича бошқарув қўмитаси ва денгиз магистралларини ривожлантириш бўйича махсус ишчи

гуруҳ мухокамалари амалга оширилди Вазирлар учрашуви якунида ҚИҲ минтақасида транспорт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича Сочи қўшма декларацияси қабул қилинди.

ҚИҲ транспорт вазирларининг навбатдаги учрашувлари 2016 йил 1 ноябрда Белград (Сербия Республикаси) ва 2017 йил 17 ноябрда Киев (Украина) шаҳрида бўлиб ўтди. 2018 йил 21 март куни Россия делегацияси Қора Денгиз атрофидаги автомобиль ҳалқа магистралини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўйича ҚИҲ бошқарув қўмитасининг йиғилишида иштирок этди. 2018 йил 24-25 октябрь кунлари Боку шаҳрида ҚИҲга аъзо давлатлар транспорт вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Россия делегацияси Россия томонидан транспорт комплексининг ҳолати ва Қора Денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида саноатнинг асосий устувор йўналишлари муҳокама қилиниб, мультимодал ферибот алоқасининг комплекс тизимини шакллантириш, порт инфратузилмасини янгилаш, йўловчи/круиз ферибот линияларини шакллантириш, Қора Денгиз минтақасида халқаро автотураргоҳларни енгиллаштириш, шунингдек, ақлли транспорт тизимлари ва сунъий йўлдош навигациясини қўллаш масалалари кўриб чиқилди[52].

20.4. Евроосиё иқтисодий иттифоқи

Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ) – 2014 йилнинг 29 май куни ташкил этилган. Ушбу иттифоққа Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон давлатлари киради. Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг миссияси бир-бири билан халқаро ва ўзаро бирликни кучайтиришдан иборат.

ЕОИИ олдига қўйилган мақсад божхона таърифларини қисқартириш, эркин савдони жорий қилиш, маҳсулот, хизматлар ва ишчи кучи учун ягона бозор ташкил қилиш орқали иқтисодий интеграциясини мустаҳкамлашдан иборат бўлади бу иқтисодий мақсадлар унинг асл моҳиятини тўлиқ маънода очиб бера олмайди.

ЕОИИ нинг асосий таъсисчилари бўлган Россия ва Қозоғистоннинг ЕОИИ ичидаги савдоси бунга Chatham House маълумотига кўра, Россия савдо алоқаларининг асосий қисми ЕОИИдан ташқаридаги давлатлар билан боғлиқ бўлиб, унинг ЕОИИ билан савдоси 5 фоизни ташкил қилади, холос. Қозоғистоннинг 2015 йили Европа давлатлари ва Хитойга маҳсулот экспорти ҳажми мос равишда 53 фоиз ва 12 фоизни ташкил қилган бўлса, бу рақам Россия билан фақатгина 10 фоизни, ЕОИИга аъзо бўлган бошқа давлатлар – Қирғизистон, Арманистон ва Белоруссиянинг ўзаро савдо алоқалари атиги 2 фоизни ташкил қилган савдо ҳажми 98 фоиздан ошиқ. Мазкур ҳолат якка давлатнинг доминантлиги, қолган аъзоларнинг иқтисодий тенгсизлигига асосланганлигидан далолат беради, аъзо давлатларнинг ҳам иқтисодий, сиёсий манфаатлари мавжуд ва бу ташкилотнинг мавжудлигини хамда фаолият кўламини белгилаб беради.

[52] https://mintrans.ru/activities/69/82

Иттифоқнинг бошланғич пойдевори 2000 йилларда Иттифоқ ичида ягона чегарани (sustoms union) шакллантириш масаласи 2010 йилдан бошлаб, Россия иқтисоди учун муҳим бўлган нефть нархи кескин пасайишидан кейин амалга оширила бошлади.

ЕОИИнинг ташкилот сифатидаги тўлақонли ривожланишида муайян муаммолар мавжуд хусусан, ЕОИИни том маънода иқтисодий ҳамкорлик сифатида шаклланишдан тўсиб турган муаммо – аъзо давлатлар унга ҳақиқий иқтисодий ташкилот сифатида қарамаётганидир. Афсуски, ташкил топишидан бошлаб бугунги кунгача аъзо давлатлар ўз манфаатларини биринчи ўринга қўйишлари ва уни фақат зарур бўлиб қолгандагина жонлантиришга уринишлари сабаб иттифоқнинг ягона бозор барпо қилиш ва иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаш каби асл мақсадлари орқа фонда қолиб кетяпти.

Экспертлар фикрига кўра, ЕОИИ кучли ҳамкорлик нуқтаси бўлиб шаклланишига тўсиқ бўлган иккинчи муаммо – бу унинг институт сифатида заифлиги билан боғлиқ.

ЕОИИ савдо муносабатларини эркинлаштириш, аъзо давлатлар орасида умумий сиёсатни шакллантириш, тартибга солиш ва иқтисодий институтларни уйғунлаштириш учун бу масалаларни ҳал қилиш кучига эга бўлган давлатлараро бошқарув институтини юзага келтириши лозим.

Иттифоқнинг дунёнинг бошқа давлатлари билан савдо алоқаларида таъриф ва нотаъриф тўсиқларни қўйиш орқали протекционал сиёсат юритиб келиши навбатдаги муаммо.

ЕОИИ ички бозорларни очиш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот ва хизматлар кўламини кенгайтириш орқали ички иқтисодиётларни замонавийлаштириши кўзланган бўлса-да, бу ҳаракатлар давлатлар ичидаги маълум монопол бизнеслар манфаатлари йўлидаги уринишлари эвазига чиппакка чиқмоқда. Шунингдек, аъзо давлатлар иттифоқ доирасида кечаётган савдолари билан ўзларини овутиб, ташқи дунёдан, инноватив ғоялардан ажралиб қолмоқда, зеро, барқарор иқтисодий ривожланиш турли иттифоқларга аъзолик билан эмас, балки аввало мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва турли бюрократик тўсиқлардан воз кечиш каби структуравий муаммоларни ҳал қилиш билан белгиланади.

Ички қарама-қаршиликлар, институционал заифлик, сиёсат доминантаси, протекционал руҳ ЕОИИни том маънода иқтисодий ривожланишга олиб келадиган иттифоқ сифатида шаклланишига йўл бермаяпти.

Ўзбекистон бу бозорга ўзининг нисбатан арзон маҳсулотларини экспорт қилиб, катта миқёсда фойда кўриши мумкин. ЕОИИга аъзолик 182 миллиондан ошиқроқ инсон истиқомат қилувчи, қиймати эса 1 триллион 587 миллиард АҚШ долларига тенг бозорга кириш имконини беради. Зеро, шу пайтгача 35 миллионлик бозор учун ишлаб келинган бўлса, ЕОИИга кириш натижасида 200 миллион кишилик бозорга ҳеч қандай божларсиз кириш имкони пайдо бўлади. Бу эса Ўзбекистоннинг инвестициялар учун жозибадорлигини оширади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида ЕОИИга аъзо мамлакатлар улуши 25–30 фоизни ташкил этади ва ЕОИИ биз учун энг катта ташқи савдо ҳамкори бўлиб турибди. Бундан ташқари, ЕОИИга аъзо давлатларнинг маҳсулотларини мамлакат бозорига кириб келиши рақобатнинг кучайишига хизмат қилади. Бундай рақобат эса истеъмолчи учун яхши.

Халқаро савдо муносабатларида таъриф (божлар билан) савдо алоқалари тўсилишига қанчалик муаммо деб қаралса, нотаъриф тўсиқларга ҳам шундай қаралади. Жаҳон савдо ташкилотининг «аждоди» бўлмиш ГАТТ пайтидаёқ нотаъриф тўсиқлар – турли хил сертификатлар, стандартлар, қарор ва фармонлар орқали ўзаро савдога халақит берувчи, рақобатни бузувчи нарх белгилашга оид тўсиқлар юзага келган. Ҳозирги ЕОИИ ҳудудидаги жами экспорт қиймати ичида нотаъриф тўсиқлар юки 15–30 фоиз экани ҳақида илмий таҳлиллар мавжуд.

ЕОИИга аъзо мамлакатлар меҳнат мигрантлари учун лицензия ва рухсат олиш талабларини ўзаро жиддий камайтиришган ҳамда ишлаш мамлакатида қолиш муддатини узайтиришган. Агар мигрант ишчи расмий равишда ишга ёлланган бўлса, унда унинг фарзандлари ўша мамлакатдаги боғча ва мактабларда ўқиши мумкин бўлади, шунингдек унинг барча оила аъзолари мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олинади. Барча (фармацевтика, тиббиёт, ҳуқуқ ва педагогика соҳаларидан ташқари) дипломлар ўзаро тан олинади. Демак, Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлса муҳандислик соҳасида университетни тамомлаган Ўзбекистон фуқароси Россия ёки Қозоғистонга бориб, у ердаги фуқаролар билан тенг шароитларда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Пенсия таъминоти каби ҳал этилмаган муаммолар мавжуд бўлса-да, умумий меҳнат бозорининг ЕОИИда бирмунча шаклланганини тан олиш зарур.

Бошқа томондан, инвестиция оқими кўпайиши натижасида фаол қўл меҳнатини талаб этувчи соҳаларга инвестиция оқими кучайиб (labour-intensive sestors), ишчи ўринлари кўпайиши ва бунинг натижасида ташқи миграция камайиши рўй беради.

Россия ва Қозоғистон каби минтақанинг иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлари билан икки томонлама эмас, балки институтлашган-ҳуқуқий меъёрлар орқали алоқаларни қайтадан тартибга солиш имкони вужудга келади, ҳамма учун тенг, очиқ ва шаффоф, низоларни ҳал этиш механизмига эга ташкилотга кириш нисбатан кичик ва иқтисодий жиҳатдан ҳали қудратли бўлмаган мамлакатлар учун фойдадан холи бўлмайди.

ЕОИИ бу эркин иқтисодий ҳудуд бўлиб, аъзо мамлакатларнинг ташқи божхона сиёсатини мувофиқлаштиради. Шундай экан, ЕОИИга аъзо давлатлар учинчи мамлакатлар ёки шундай иттифоқлар билан эркин битимлар туза олади. Ҳозиргача ЕОИИнинг Вьетнам билан шундай битими мавжуд. Миср, Эрон, Исроил ва Ҳиндистон каби давлатлар билан эса эркин битимлар тузиш борасида ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, ЕОИИ умумий энергия бозори, умумий аксиз маҳсулотлари бозори (алкоголь ва тамаки), умумий аудиторлик хизматлари бозори, умумий пул бирлиги бозори каби муҳим ўзгаришларни ҳам кўриб чиқиши зарурияти мавжуд. Ўз вақтида ЕОИИга аъзолик ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши манфаатларни ҳимоя қилишда катта роль ўйнайди.

Яна бир муҳим омил бу – давлат институтлари ишлашининг яхшиланиши. Россия, Белоруссия ва Қозоғистон каби давлатлар билан яқиндан ишлаш давлат хизматчиларининг даражаси юксалишига ва давлат институтлари томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳа ва хизматлар сифати яхшиланишига олиб келади. Бунга мисол – 1973 йилда Кариб ҳавзасидаги 15 та давлатнинг интеграциялашуви ўзаро савдодан ҳам кўра давлат институтларининг самарадорлиги ўсишига олиб келган.

Иттифоқ амалда Россиянинг ташқи бож сиёсатини ўзида акс этган бир томонлама эркин бозор ҳудуди бўлиб, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига ҳам Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон каби божларни кўтаришга мажбур бўлади. Бу эса мамлакатга келадиган техника ва технологиялар нархи қимматлашувига сабаб бўлади.

20.4.1-жадвал

ЕОИИга аъзо бўлиш натижасида Арманистон ва Қирғизистоннинг ташқи божлари кўтарилиши[53]

Арманистон	2015	2020	Қирғизистон	2015	2022
Автомашина	10%	23-25%	Автомашина	10%	23-25%
Ноорганик кимёвий маҳсулотлар	0%	5%	Ноорганик кимёвий маҳсулотлар	0%	3-5%
Гўшт маҳсулотлари	0%	5-10%	Гўшт маҳсулотлари	0%	2-5%

[53] https://kun.uz/uz/news/2019/07/30/ozbekiston-yevroosiyo-iqtisodiy-ittifoqiga-kirishi-kerakmi-mutaxassis-fikri

Илмий таҳлиллар орасида айниқса Арманистон ва Қозоғистоннинг ЕОИИга кириши уларнинг иқтисодига манфий таъсир кўрсатгани борасида таҳлиллар ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Гарчи бошида Европа иттифоқи тузилмаси ўрнак қилиб олинган бўлса-да, ЕОИИ давлатлари ташқи савдо сиёсатини етарлича мувофиқлаштириш қувватига эга эмаслиги кўриниб қолмоқда. Мисол учун, аъзо давлатлар Евроосиё комиссиясига, хусусан, иттифоқ қоидаларини бузган давлатни иттифоқ судига бериш каби ўта муҳим ваколатни тақдим этишмаган. Натижада, ЕОИИ аъзо мамлакатлар ўртасида юзага келадиган, рақобатни бузиш ҳолатлари бўйича юзага келадиган низоларни бартараф эта олмайди. Евроосиё комиссияси ЕОИИ битими қоидаларининг қандай ижро этилаётгани ҳақида умумий назоратни амалга оширгани ҳолда, қоида бузилишлари бўйича аъзо давлатларни хабардор қилади, холос. Бундай маълумот бериш эса ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Фақатгина аъзо мамлакатлар учун «обрў йўқотиш» бўлади. Европа иттифоқи суди қарорлари эса ташкилот аъзолари учун мажбурий характерга эга.

ЕОИИ суди хусусий бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида яхши натижаларни кўрсата олгани йўқ. Бунинг сабабларидан бири – аъзо давлатлар томонидан ижро этилмаган суд қарорларини кўриб чиқиш ваколатининг йўқлиги. Бундай масалалар фақат Олий кенгаш ваколати доирасига киради. Кенгаш эса, ўз навбатида, ҳар бир қарорини консенсус – овозлар якдиллиги билан қабул қилгани учун, хоҳлаган аъзо давлат суд қарори ижросига вето қўя олади. Натижада, бизнес субъектлари халқаро ёки маҳаллий судларга мурожаат қилишни афзал кўришади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи Европа иттифоқи каби олдиндан белгиланган қоидалар орқали бошқариладиган ва низолар келишилган қоидаларга кўра ҳал этиладиган ташкилот бўла олгани йўқ. Натижада, муҳим давлат манфаатлари тўқнаш келганда иттифоқ қоидаларини бир томонлама бузилиши, турли чекловлар боис савдо урушларининг рўй бериши, эркин савдо борасида ҳуқуқларнинг бузилиши кузатилмоқда. Мисол учун, Россиянинг Европа иттифоқи ва Молдовага нисбатан бир томонлама киритган санкциялари натижасида иттифоққа аъзо давлатлар ва Молдовадан кириб келадиган маҳсулот ва хизматларнинг бошқа ЕОИИ давлатларига ўтишидаги муаммолар, Россия ва Қозоғистон ўртасидаги гўшт, майонез, шоколад, қовун ва сут маҳсулотлари ёки Қозоғистоннинг ва Қирғизистондан келадиган картошка маҳсулотлари бўйича қўйган чекловлари ички бозорнинг нормал фаолиятига тўсиқ бўляпти. Гўшт ва сут маҳсулотлари бўйича Россия ва Белоруссия ўртасидаги савдо уруши ҳаммага маълум. Натижада, шу кунгача Арманистондан ташқари деярли барча иттифоқ аъзолари бир-бирлари билан савдо урушларини бошларидан ўтказишга улгуришди.

ЕОИИ ўзининг ҳар биз аъзосини ташқи бож сиёсатини шакллантиришга оид суверен ҳуқуқини чеклайди. Натижада, икки давлат тўғридан-тўғри икки томонлама савдо битими туза олмай қолади. Ўрнига ЕОИИ комиссияси музокаралар ўтказади. Натижада, узоқ йиллик музокаралар натижасиз



якунланмоқда, масалан, Ўзбекистон Жанубий Корея билан тузилажак эркин савдо битими амалда ўртадан кўтарилади. Ҳар доим учинчи давлат билан битим тузишда ЕОИИ давлатлари розилиги керак бўлади. Бу эса ташқи иқтисодий сиёсатда эркинликнинг катта қисмини қўлдан чиқариш деганидир.

ЕОИИ доирасидаги ўзаро савдо ҳажми ЕОИИга аъзо давлатларнинг учинчи дунё мамлакатлари билан бўладиган савдо ҳажмидан анча кичик. 2016 йилдаги ЕОИИ давлатларининг 88 фоиз экспорти ва 83 фоиз импорти учинчи давлатларга тўғри келган. Бу ЕОИИга аъзо давлатлар асосан ташқи давлатлар билан савдо юритади дегани.

ЕОИИни тузган Россия Федерацияси ривожланиб кетмаяпти. Балки ҳаракатлар иқтисодий эмас, кўпроқ сиёсий тус олгани кузатиляпти. Умумий иттифоқ манфаатлари учун ҳаракат қилувчи Германия, Франция каби давлатларнинг шижоати Россияда кам кузатилади.

20.5. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва унда Ўзбекистоннинг тутган ўрни

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) – минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 та мамлакат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 йил 15 июнь). ШҲТнинг вужудга келиш тарихи "Шанхай бешлиги" деб аталган уюшма фаолияти билан боғлиқ. Дастлаб Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари ("Шанхай бешлиги") учрашуви бўлиб ўтган. Унда чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш (1996 й.) ва қўшма чегарада қуролли кучлар ва қурол яроғларни қисқартириш (1997 й.) тўғрисида 2 та битим имзоланган эди.

1998 йилдан "бешлик" мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги собиқ Совет Иттифоқи – Хитой чегараси бўйлаб ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалаларидан минтақавий хавфсизлик ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш чораларига ўтишга қаратилди. ШҲТнинг Душанбе (2000) саммитида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. Ана шу саммитда „бешлик" негизида кўп тармоқли ташкилот тузиш тўғрисида таклиф илгари сурилди. ШҲТ таъсисчиларидан бири сифатида иштирок этиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Шанхай саммитида (июнь 2001 йил) янги ташкилотнинг

мақсад ва принципларини эълон қилган Декларация, шунингдек, терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ташкилотнинг Санкт-Петербургда бўлган 2-саммитида (июнь 2002 йил) устав ҳужжати – ШҲТ Хартиясига имзо чекилди. ШҲТнинг олий органи Давлат бошлиқлари кенгашидир.

Ташкилот структураси Ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва Пекин шаҳрида жойлашган доимий ишловчи Котибият ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ)дан иборат. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йил 1 январдан фаолият кўрсатади. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталари, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижро қўмитаси фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга 6 та давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган. ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида Ташкилотнинг шаклланиш даври якунланганлиги қайд этилди.

Мажлис якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикасининг Ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. ШҲТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорлик борасида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид ва бошқа масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг тарихи узоқ илдизларга бориб тақалади. Ўтмишда Хитой ва Ўрта Осиё алоқалари Буюк ипак йўли доирасида савдо ва маданий алоқалар натижасида халқларимиз бир-бирига ҳар жиҳатдан яқинлашиб борган. ШҲТ ҳам бошқа ташкилотлар каби ўзининг тарихи ва шаклланиш жараёнларига эга. «Шанхай бешлиги» сифатида дастлаб ўз фаолиятини бошлаган ташкилот аъзолигига Ўзбекистоннинг қўшилиши билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти номини олди. Аслида ШҲТнинг тарихий илдизлари XX асрнинг 60-йилларига бориб тақалади. Чунки, собиқ иттифоқ ўртасидаги ҳудудий муаммоларни ҳал этиш ўша даврдаёқ пишиб етилгандики, унга барҳам бериш эса маълум бир муддатни тақозо этарди. «Шанхай бешлиги» Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва

Хитой Халқ Республикалари ўртасидаги чегара ҳудудларида қуролли кучлар сонини қисқартириш ва бир-бирига ишониш натижасида келишувга эришиш жараёнида шаклланди.

19.5.1-жадвал

ШҲТ аъзо-давлатлари бошлиқларининг учрашувлари[54]

	Сана	Давлат	Ўтказилган жойи
1	1996	Хитой	Шанхай
2	1997	Россия	Москва
3	1998	Қозоғистон	Алмати
4	1999	Қирғизистон	Бишкек
5	2000	Тожикистон	Душанбе
6	2001	Хитой	Шанхай
7	2002	Россия	Санкт-Петербург
8	2003	Россия	Москва
9	2004	Ўзбекистон	Тошкент
10	2005	Қозоғистон	Нур-Султон
11	2006	Хитой	Шанхай
12	2007	Қирғизистон	Бишкек
13	2008	Тожикистон	Душанбе
14	2009	Россия	Екатеринбург
15	2010	Ўзбекистон	Тошкент
16	2011	Қозоғистон	Остона
17	2012	Хитой	Пекин
18	2013	Қирғизистон	Бишкек
19	2014	Тожикистон	Душанбе
20	2015	Россия	Уфа
21	2016	Ўзбекистон	Тошкент
22	2017	Қозоғистон	Остона
23	2018	Хитой	Синдао
24	2019	Қирғизистон	Бишкек
25	2020	Россия	Челябинск

[54] https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Shanxay_hamkorlik_tashkiloti



«Шанхай бешлиги» ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг шаклланиш тарихини шартли равишда бир неча босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – 1989 йил ноябрь ойидан 1991 йил декабрь ойига қадар собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетишигача бўлган даврни ўз ичига олади. «Совуқ уруш» шароитида собиқ Совет Иттифоқининг Хитой билан муносабатлари бир хил ривожланмайди. Улардаги сиёсий тизим ягона коммунистик қарашларга асосланган бўлса-да, аммо муносабатлар доимо илиқ ва иттифоқчилик кўринишида бўлиб келмади. Совет-Хитой муносабатлари гоҳ илиқ, гоҳ сиёсий таранг ҳолатда бўлиб келади. Қолаверса совуқ уруш давридан XX асрнинг 90-йилларига қадар Хитой иккинчи даражали давлат сифатида баҳоланиб келинди. Гарчи, Хитой Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Хавфсизлик Кенгаши» доимий аъзоси бўлиб, ҳудудий ва аҳоли сони жиҳатидан йирик давлатлар сирасига кирса-да, дунё сиёсати ва иқтисодида у қадар кучли таъсирга эга эмасди. Лекин ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланиб кетган иқтисодий ислоҳотлар натижасида Хитой жуда тез тараққий эта бошлади. Натижада бир неча йил ичида, айниқса, ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида Хитой дунёдаги энг йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчи давлатлардан бирига айланди. Бугунга келиб, у дунёда маҳсулот ишлаб чиқаришининг умумий кўрсаткичлари бўйича дунёда АҚШдан кейинги ўринга кўтарилди. Ҳатто баъзи соҳаларда биринчиликни эгаллашга эришди. Совуқ уруш натижасида собиқ СССР босими остида белгиланган иттифоқнинг, тўғрироғи иттифоқдошларнинг Хитой билан чегараси масаласи, ундан ташқари ўртадаги чегараларда тўпланган катта ҳарбий кучлар жамланмаси Хитойнинг кейинги тараққиёти учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омил сифатида қаралди. Шу мақсадда Хитой ҳукумати Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан чегара масаласини ҳал қилишга киришди ва кўп томонлама музокаралар бошланиб кетади. Ундан ташқари Хитой шу мамлакатлар билан чегара ҳудудлардаги ҳарбий кучлар миқдорини қисқартириш масаласида ҳам музокаралар бошланади. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти тарихида мана шу воқеалар ташкилот тарихининг бошланиши ҳисобланади.

Аслида, собиқ иттифоқ ҳамда Хитой чегарасида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги музокаралар анча аввал бошланган. Музокараларнинг осонроқ ечим топишида икки давлатнинг бир сиёсий тизимдалиги ёрдам берди. Чегара масаласида ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган музокаралар 1989 йил ноябрь ойида Хитой Совет музокаралари билан давом этди, унда асосий эътибор чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш ва ҳарбий соҳада

бир-бирини тушунишга қаратилди. Музокаралар давом этиб, ниҳоят, 1990 йил 24 апрелда Хитой ва собиқ Совет ҳукуматлари ўртасида икки томонлама шартнома имзоланди. Унга биноан Совет Хитой чегараларида белгиланган миқдорга қадар қуролли кучлар қисқартирилиб, ҳарбий соҳада бир-бирини англашга қаратилган меморандум имзоланади. Ҳар икки томон Совет-Хитой чегараларида ҳарбий кучларни фақат мудофаа ва қўриқлаш мақсадидагина сақлашни, бир-бирига ҳужум қилиш ва босқинчилик операцияларидан воз кечишни, чегара ҳудудларда қуролли кучлар миқдорини қисқартириш билан бирга икки томон бир-бирини англаш, бошқа соҳалардаги алоқаларни яхшилаш, ҳарбий қисмларни ва объектларни босқичма-босқич қисқартириб боришга келишиб олишди.

Собиқ иттифоқ даврида айнан шу музокаралар сабаб СССР давлат раҳбари М.С.Горбачёв 1989 йил май ойида Хитойга расмий сафар уюштиради. Бунга жавобан Хитой раҳбари Сзян Сземин 1991 йил май ойида Москвада бўлади. Тарихшуносликда «Шанхай бешлиги» ёки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти учун дастлабки қадамлар айнан чегара масаласидаги музокаралардан бошланди деб қаралади.

Тадқиқотчилар мазкур ташкилотнинг шаклланишидаги иккинчи босқич сифатида 1991 йил декабрдан 1997 йил апрелгача бўлган даврни кўрсатишади. Бу даврга келиб, собиқ СССР давлат сифатида тугаб, унинг ўрнида қатор мустақил давлатлар вужудга келиши сабабли энди Хитой ҳукумати юқоридаги музокараларни «собиқ иттифоқдош» тўрт давлат – Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳукуматлари билан алоҳида-алоҳида ҳолда олиб боришга тўғри келди.

1997 йил апрель ойидан 2000 йилга қадар бўлган вақт ташкилот шаклланишининг учинчи босқичи сифатида қаралади. Айнан мана шу даврда ташкилотнинг беш аъзоси Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида ҳарбий ва бошқа соҳаларга оид доимий музокаралар ўтказила бошланди. Айниқса улар ҳудудий даъволардан воз кечиб, минтақавий муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қила бошлади. Ҳарбий соҳадаги музокараларда бир томондан Хитой Халқ Республикаси ва иккинчи томондан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари биргаликда иштирок этишди. Бошқа соҳаларда беш давлат тенг ҳуқуқли аъзо сифатида музокараларни кўп томонлама тартибда олиб боришди. Умуман олиб қараганда "Шанхай бешлиги"нинг шаклланиши ва унинг Ташкилот мақомига айланиши ана шу ўн йилликда амалга ошди.

СССР парчалангач, мустақил Россия Федерацияси ва Хитой ўртасида олдинги чегара масаласидаги музокаралар давом этиб, 1992 йил март ойида Шарқий ҳудудларда бир-бирини англашга оид келишувлар имзоланиши билан тугади. Мазкур шартномалар ҳар икки томонда ратификация қилинди. 1994 йил сентябрда Хитой раҳбари Сзян Сземин расмий ташриф билан Россияга келади. Мазкур сафар чоғида Россия ва Хитой ўртасида чегара масаласида яна

бир шартнома имзоланиб, унга кўра икки давлат ўртасидаги ғарбий чегаралар масаласига ойдинлик киритилди. 1995 йил октябрда ҳар икки мамлакат парламенти томонидан мазкур шартнома ратификация қилинади. Шу тариқа биринчи бор Хитой ва Россия ўртасидаги 4300 км чегара ўзгармаслиги ва қатъийлиги ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб олинди.

Хитой ва Қирғизистон ўртасидаги чегара масаласидаги келишув 1996 йил июль ойида Хитой раҳбари Сзян Сземиннинг Бишкекка амалга оширган сафари пайтида имзоланди. Аммо бу шартнома Хитой, Қирғизистон чегаралари муаммосини тўла бартараф этмади. Кейинроқ, чегара масаласидаги яна бир ҳужжат 1999 йил август ойида Хитой ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида «Шанхай бешлиги» ташкилотининг давлат раҳбарлари ўртасидаги Бишкек учрашуви чоғида Сзян Сземин ва Аскар Акаев ўртасида имзоланди. Ушбу «Қирғизистон ва Хитой ўртасидаги давлат чегаралари тўғрисидаги қўшимча келишув» деб номланувчи шартнома Хитой ва Қирғизистон ўртасидаги 1000 км.дан ортиқроқ чегара ҳудудларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солди[55]. Амалда мазкур қўшимча шартнома билан хитой-қирғиз чегараси масаласига тўлиғича ечим топилди.

Бугунги кунда Тожикистон ва Хитой ўртасидаги чегара масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган бўлса-да, аммо шу йўналишдаги илк музокаралар 1999 йил августда Хитой раҳбари Сзян Сземин ва Тожикистон президенти Имомали Рахмоновлар ўртасида Далян шаҳридаги учрашув чоғида олиб борилди[56]. Бироқ масалага амалий ечим топилмади. 2000 йил июль ойида Душанбе шаҳрида «Шанхай бешлиги»нинг навбатдаги саммитида Хитой, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч томонлама келишув имзоланиб, унда давлатлар ўртасидаги чегара масаласига оид мунозарали ҳолатлар таҳлил қилинди. Айнан мана шу икки келишув Хитой ва Тожикистон ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этишдаги дастлабки қадам бўлди, дейиш мумкин. Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги чегара масалалари бўйича музокаралар олиб бориш учун 1994 йил апрель ойида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши котиби Ли Пен Қозоғистонга расмий ташриф билан келади. Шу учрашув пайтида Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги чегараларга оид келишув имзоланди. 1997 йил сентябрда Хитой вазири Ли Пен яна бир бор Қозоғистонга расмий ташриф билан келди. Музокаралар якунида «Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги давлат чегаралари тўғрисидаги қўшимча келишув» шартномаси имзоланди.

[55] http:www.SCO.ru

[56] Становление и развитие ШОС. .// http:www.SCO.ru

Мазкур шартнома Хитой-Қозоғистон чегараларини ҳуқуқий жиҳатдан амалда тан олинганлигини англатади. Янги муносабатлар шароитида чегара масаласи билан бирга Хитой ҳукумати собиқ чегара ҳудудларидаги ҳарбий қисмлар масаласига ҳам эътибор қаратиб келди. Шу мақсадда 1996 йил 26 апрелда Хитойнинг Шанхай шаҳрида биринчи марта собиқ СССР парчалангач, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда ҳарбий соҳада ўзаро ишонч тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга кўра, барча томон чегара ҳудудларда қуролли кучлар миқдорини камайтириш, бир-бирига қуролли таҳдид солмаслик, бошқа мамлакатлар билан ҳам бир-бирига таҳдид солмаслик, зарур ҳолатларда ҳарбий машғулотлар ўтказиб туриш, бирор-бир томонга ҳарбий хавф юзага келган ҳолатда шартномани имзолаётган мамлакатлар армиялари бир-бири билан маълумот алмашишга ва ҳамкорлик қилишга келишиб олишди. Ана шу учрашув Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида "Шанхай бешлиги"ни ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолашдан бошланган, унинг мақсади–ташкилотнинг аъзо давлатлари ўртасидаги чегарада қуролли кучларни қисқартириш ва ҳарбий ишончни ўрнатиш бўйича чораларни қабул қилиш бўлди.

Мазкур саммитда ҳарбий соҳада бир-бирига ишонч, чегара ҳудудларида қуролли кучлар миқдорини қисқартириш, бошқа бир учинчи давлат томонидан юзага келиши мумкин бўлган хавф шароитида бир-бирига қарши чиқмаслик, душманга қарши курашга мўлжалланган ҳарбий машғулотлар ўтказиб туриш, ҳарбий хизматчилар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, чегарачиларнинг доимий маслаҳат ва тажриба алмашувини йўлга қўйиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Форум иштирокчиларининг иккинчи учрашуви 1997 йил 24-25-апрель кунларида бўлиб ўтди. Унда бир томондан Хитой Халқ Республикаси ва иккинчи томондан ўзаро ҳамкор давлатлар сифатида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари иштирок этишади. Учрашув чоғида ХХР, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги давлат чегараларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги қўшма шартнома имзоланди. Шартномага биноан ҳар бир давлат чегарасидан 100 км ичкаригача бўлган ҳудудлар географик макон сифатида тан олинади. Ҳарбий қисмлар фақатгина маълум бир белгиланган ҳудудлардагина жойлаштирилиб, уларнинг сони ҳам максимал даражада камайтиришга келишиб олинди. Давлатлар ўз чегараларида фақатгина чегара қўшинларини сақлаш билан бирга бошқа ҳарбий кучлар турларини, хусусан, ҳарбий ҳаво кучлари, қуруқлик қўшинлари ва бошқа оғир техникаларни фақатгина чегарадан 100 км ичкарида сақлаши мумкин бўлиши белгиланди. Беш давлат ўртасидаги 7000 км бўлган умумий чегара (шартномада кўрсатиб ўтилган) ҳудудларида жойлаштирилган ҳарбий хизматчилар, қуруқликдаги қўшинлар ва бошқа ҳарбий қисмларнинг умумий сони 130400 кишидан ошмаслиги керак эди.

Мазкур учрашувда ҳам асосий эътибор чегара ҳудудларидаги қуролли кучлар миқдорини қисқартириш масаласига қаратилади. Фақатгина бу сафар чегара ҳудудларидаги ҳарбий хизматчиларнинг сони, қуролли кучларнинг миқдори ҳам аниқ кўриб чиқилди. Аммо мазкур саммитда имзоланган шартномалар доимий аҳамиятга эга бўлмай, 2010 йил 31 декабргача деб белгиланди. 1997 йил апрель ойидаги учрашувлардан кейин «Шанхай бешлиги» доирасидаги ҳамкорлик фақатгина чегара масаласи ёки чегара ҳудудлардаги қуролли кучлар миқдорини қисқартириш борасида бўлиб қолмасдан, бошқа соҳаларда ҳам амалга оширила бошлади. Шу тариқа расман «Шанхай бешлиги»нинг тарихи чегарадош беш давлатнинг чегара ҳудудларидаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги келишувлардан бошланди. 1998 йил 3-4 июль кунлари Олма-ота шаҳрида «Шанхай бешлиги» форуми доирасидаги учинчи учрашув бўлиб ўтади. Бешала иштирокчи давлат раҳбарлари томонидан мазкур учрашув доирасида «Олма-ота баёноти» қабул қилинди. Унга кўра, барча томонлар 1997 йил 24 апрелда имзоланган чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартиришга доир шартнома шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олишди. Шу мажбуриятларни бажариш билан бирга барча республикалар икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солишга, минтақавий муаммоларни ҳал этишда доимий равишда музокаралар ва келишувлар асосида давлатлараро қизиқишлар ҳисобга олинган ҳолда амалга ошириши зарур эди.

Томонлар ҳар қандай сепаратизм, этник зиддиятлар, диний экстремизм, диний фундаментализм террорчиликка қарши чиқишга, уларни олдини олиш, бартараф этишга келишиб олишди.

Форум иштирокчилари асосий эътиборни глобал даражага кўтариб улгурилган халқаро терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, жиноятчиликнинг ташкилий, уюшган шаклларига қарши курашишга қаратишди. «Шанхай бешлиги» форумига аъзо давлатлар раҳбарларининг доимий учрашувининг йўлга қўйилиши натижасида ҳамкорлик доираси ҳам доимий равишда кенгайиб бора бошлади. 2000 йил 9 июлда Душанбе шаҳрида «Шанхай бешлиги»нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Саммитда иштирокчи давлатлар томонидан «Душанбе Декларацияси» қабул қилинди.

Декларацияга мувофиқ, томонлар келажакда бир-бирига ишонч, дўстона ҳамкорликни беш давлат ўртасида сақлаб қолиш, муносабатларни янада ривожлантириш, давлатлар ўртасидаги ҳарбий алоқаларни янада чуқурлаштириш мақсадида мудофаа вазирлари доирасидаги доимий муносабатларни йўлга қўйиш, бир-бири билан маслаҳатлашиш, маълумот алмашишга келишиб олишди. Шу тариқа «Шанхай бешлиги» давлатларининг мудофаа структураси ишлаб чиқилди. Собиқ СССРнинг парчаланиши натижасида шу ташкилотга аъзо бўлган Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидаги маълум иқтисодий ҳамда сиёсий зиддиятларни бартараф этиш асосий муаммо бўлиб қола бошлайди.

Иқтисодий муаммоларнинг кўпайиб бориши, уларнинг бартараф этилишида Хитой томонидан қўллаб-қувватланиши ҳозирги дунёдаги замонавий илм-фан, техника янгиликлари асосида миллий ишлаб чиқаришларни оёққа қўйишга келишиб олинди.

2000 йил июлида Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида "Шанхай бешлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг бешинчи учрашуви ташкилот тарихида муҳим ўрин тутади. Саммитнинг бош мавзуси диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда ягона дастур ишлаб чиқиш биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида бўлди. Биринчи марта мазкур саммитда Ўзбекистон Республикаси расман кузатувчи сифатида иштирок этди. 2001 йил июнда Россия, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон бошлиқларининг Шанхайдаги учрашувида Ўзбекистон ташкилотга янги аъзо сифатида кирди ва бу ташкилотнинг ривожланишидаги иккинчи босқичнинг бошланиши бўлди. Бир қатор экспертларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иштироки бу ташкилотнинг фаолиятини келгусида фаоллаштиришда жуда катта роль ўйнади.

2001 йил 15 июндаги саммитда ШҲТни тузиш ҳақидаги Декларация қабул қилинди. Учрашув давомида қабул қилинган ШҲТни тузиш ҳақидаги Декларация, шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция БМТнинг расмий ҳужжатлари сифатида тарқатилган эди. Конвенцияга мувофиқ ШҲТ аъзолари қонунга зид бўлган қилмишларни олдини олиш, бартараф этиш, аниқлаш ва кўрсатиш ишида ўзаро ҳамкорлик қилишлари керак эди.

Тарихдан маълумки, дастлабки халқаро ташкилот мақомидаги бирлашмалар ғарбда пайдо бўлган эди. Биринчи сиёсий ҳукуматлараро ташкилот бўлган Миллатлар Лигаси XX асрнинг бошларида ташкил топиб, маълум даражада дунёдаги глобаллашув жараёнининг тезлашишига туртки берди. Унинг вориси сифатида халқаро универсал ташкилот – БМТ вужудга келди. Миллатлар Лигасидан фарқли равишда БМТ бутун бир халқаро ихтисослашган маҳкама ва институтлар тизимини қамраб олди. Бугунги кунда сиёсатшунослик фанида халқаро ҳукуматлараро ташкилотга нисбатан «маълум бир компетенсиялар сайловига ва доимий идораларга эга бўлган халқаро шартномаларга асосан бошқарилувчи давлатларнинг стабил бирлашмаси» тушунилади. Бугунги кунда француз мутахассиси Ш.Зоргбиб бу ташкилотларнинг учта муҳим жиҳатини кўрсатиб ўтади. Булар:

- таъсис ҳужжатларида қайд этилган ҳамкорликка бўлган сиёсий интилиш;
- ташкилотнинг ривожланишини таъминловчи доимий аппаратнинг мавжудлиги;
- компетенсияга (тамойиллар, меъёрлар, вазифалар) эгалик ва қарорлардаги эркинлик[57].

Мутахассислар халқаро ташкилот сифатида намоён бўлишликнинг беш асосий жиҳатини қайд этишади.

[57] Цыганов П.А. Международные отношения. – М., Новая школа. 1996. С.178.

Биринчидан, таъсис шартномаси ёки низомга эгалик.

Иккинчи хусусият, ташкилотнинг аниқ белгиланган мақсадга эгалиги ёки ҳуқуқшунослар тили билан айтганда ташкилот тамойил ва меъёрларнинг мавжудлиги.

Учинчи хусусияти, доимий фаолият юритувчи органлар: олий, ижроия, маъмурий, махсус қўмиталар ва комиссияларнинг мавжудлиги.

Тўртинчи ва бешинчи хусусиятлари сифатида халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлик ҳамда халқаро ҳуқуқ талаблари асосида ташкилот тузишни кўрсатиб ўтиш мумкин[58].

Шу маънода Шанхай бешлигининг расмий Ташкилотга айланиши учун ҳам юқоридаги хусусиятлар талаб этилиши табиийдир. Ана шу хусусиятларнинг биринчисига таянган ҳолда 2002 йил июнда Санкт-Петербургдаги учрашувда асосий ҳужжат – ташкилот хартияси (Устави) имзоланди, шунингдек, Санкт-Петербург Декларацияси қабул қилинди. Санкт-Петербургдаги саммитда қабул қилинган Хартиянинг 1-моддасида мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилди. Унга кўра:

- аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;
- минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий-иқтисодий халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;
- терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий, жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;
- сиёсий, савдо-иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий таълим, энергетика, транспорт, молия-кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шериклик асосида минтақада ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;
- халқаро низоларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;
- давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тажовуз қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш ва куч билан тажовуз қилиш, чегара ҳудудларда бир томонлама устунликдан воз кечиш;

[58] С.Ш. Многосторонность и внешняя политика Республики Узбекистан. Т., 2007. С.19.

▸ аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўллар билан ҳал этиш;

▸ ШҲТнинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотга қарши қаратилмагани[59].

Халқаро ташкилот сифатида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг рамзлари қабул қилинди. Санкт-Петербургда қабул қилинган Хартиянинг 2-моддасида ШҲТга аъзо давлатлар қуйидаги тамойилларни қўллаб-қувватлаши белгиланди:

▸ давлатларнинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ва давлат чегараларининг бузилмаслигини, ҳужум қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда тазйиқ ёки куч ишлатмаслик, маълум районларда бир томонлама ҳарбий устунликдан воз кечиш;

▸ ҳар бир аъзоларининг манфаатини ҳурмат қилиш ва тушунишдан келиб чиқиб, аъзо давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлик асосида биргаликда ечим топиш;

▸ босқичма-босқич умумий манфаатлар йўлида биргаликда ҳаракатни амалга ошириш;

▸ аъзо давлатлар ўртасидаги тушунмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш;

▸ ШҲТни бошқа давлат ёки ташкилотларга қарши қўймаслик;

▸ ШҲТ манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

▸ мазкур Хартия ҳамда ШҲТ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни кўнгилдан бажариш ва ҳ.к[60].

Хартияда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкилот доирасида қуйидаги тузилмалар, яъни институтлар фаолият кўрсатиши белгиланган:

▸ Давлат бошлиқлари Кенгаши;

▸ Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши;

▸ Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши;

▸ Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Мажлиси;

▸ Миллий координаторлар Кенгаши;

▸ Минтақавий антитеррор структураси;

▸ Котибият.

Бу барча органлар ижроия функциясини бажариб, парламент Ассамблеяси ёки ягона суд кўринишидаги органлар фаолият кўрсатмайди. Бу ШҲТ тузилмавий ривожланишининг бошланғич бўғинида эканлигини кўрсатиб турибди. Минтақавий аксилтеррор структурасини ҳисобга олмаганда ШҲТ органларининг иш тартиби ва функцияси давлат бошлиқлари кенгаши томонидан тасдиқланадиган тегишли қарорлар билан амалга оширилади. Шунингдек, давлат бошлиқлари кенгаши ШҲТда бошқа органларни ҳам ташкил этиши мумкин. Янги органларни ташкил этиш Хартияга қўшимча баённомалар қўшиш кўринишида расмийлаштирилади.

---

[59] История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Отв ред. Р.М.Абдуллаев, Д.А.Алимова. – Тошкент, 2011. С.159.

[60] История станавления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Отв ред. Р.М.Абдуллаев, Д.А.Алимова. – Тошкент, 2011. С.160.

Давлат бошлиқлари кенгаши ШҲТнинг олий органи бўлиб, у ташкилотнинг асосий фаолият йўналишини ишлаб чиқади, унинг ички тузилмаси ва функцияси билан боғлиқ принципиал, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатлари масалаларини ҳал қилади ҳамда нисбатан долзарб деб ҳисобланаётган халқаро муаммоларни қараб чиқади. Кенгаш бир йилда бир марта навбатдаги мажлисда тўпланади. Навбатдаги мажлисни ташкил қилувчи давлат мазкур кенгашнинг амалдаги раиси сифатида қаралади.

Навбатдаги кенгаш мажлисини ўтказиш жойи рус алфавити асосида ШҲТга аъзо давлатларнинг номидан келиб чиқиб белгиланади.[61] Аъзо давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари кенгаши Ташкилотнинг бюджетини қабул қилади. Ташкилот доирасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасини ривожлантиришга асосланган аниқ асосий масалаларни муҳокама қилиб ҳал қилади. Бу кенгаш ҳам йилда бир марта навбатдаги мажлис муддатига қараб тўпланади. Бу мажлис қайси давлат ҳудудида ташкил этилган бўлса, ўша давлатнинг ҳукумат раҳбари унга раислик қилади.

Ҳукумат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлис ўтказиш жойи аъзо давлатлар ҳукумат бошлиқлари томонидан олдиндан келишув асосида белгилаб олинади. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши ташкилот фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилади, давлат бошлиқлари кенгаши мажлиси тайёрлайди ва ташкилот доирасида халқаро муаммолар бўйича консултациялар ўтказади. Мазкур кенгаш зарур ҳолларда ШҲТ номидан баёнот билан чиқиши мумкин. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши қоидага мувофиқ давлат бошлиқлари кенгаши мажлислари ўтказишдан бир ой олдин йиғилади. Бу кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси иккитадан кам бўлмаган аъзо давлатларнинг ташаббуси билан ва аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг розилиги билан чақирилиши мумкин. Кенгашнинг навбатдан ташқари ва навбатдаги мажлислари ўзаро келишувга мувофиқ белгилаб олинади.

Мажлисни ўзида қабул қилаётган давлат бошлиқлари кенгаши мажлисига раислик қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазири мазкур кенгашга раислик қилади. Давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорлар асосан аъзо давлатларнинг соҳа вазирликлари ва идора бошлиқлари доимий равишда ШҲТ доирасида тегишли соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришнинг аниқ масалаларини муҳокама қилиш учун тўпланадилар. Бу йиғилишга мажлисни ташкиллаштирувчи давлатнинг тегишли вазирлик ёки идораси бошлиғи раислик қилади. Навбатдаги мажлис вақти ва жойи олдиндан келишув асосида белгиланади. Аъзо давлатларнинг дастлабки келишуви бўйича мажлисга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун доимий ёки муваққат асосида фаолият кўрсатувчи экспертлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилади. Мазкур ишчи гуруҳлар вазирликлар ва идоралар бошлиқлари мажлисида тасдиқланган иш меъёри асосида фаолият кўрсатади. Бу гуруҳлар аъзо давлатларнинг вазирлик ёки идоралари вакилларидан таркиб топади. ШҲТ таркибидаги миллий мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкилотнинг

[61] Хартия ШОС. С.2.// http:www.SCO.ru

жорий фаолиятини ва бошқарувини амалга оширади. У давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисига тайёргарлигини амалга оширади. Миллий мувофиқлаштирувчилар ҳар бир аъзо давлат томонидан ўзларининг ички тартиб ва қоидалари асосида тайинланади.

ШҲТ ўзининг алоҳида бюджетига эга бўлган ташкилот ҳисобланади. Бунда ташкилотга аъзо давлатлар ҳиссасига умумий бюджетнинг қуйидаги миқдори тўғри келади:

1. Хитой Халқ Республикаси – 23,5%
2. Россия Федерацияси – 23,5%
3. Қозоғистон Республикаси – 20%
4. Ўзбекистон Республикаси – 15%
5. Қирғизистон Республикаси – 12%
6. Тожикистон Республикаси – 6%[62]

Ташкилот бюджети бир календар йилини ташкил этади. Айни вақтда мазкур йил ҳукумат бошлиқлари кенгаши томонидан тасдиқланадиган молия йили ҳам ҳисобланади. Йиллик бадаллар ва тушумлар АҚШ доллари ҳисобида амалга оширилади. Аъзолик бадаллари суммаси миллий мувофиқлаштирувчилари кенгаши билан келишув асосида ижрочи котиб томонидан белгиланган банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Аъзо давлатлар томонидан тўланмай қолган йиллик улуш бадаллари суммаси мазкур давлатнинг ташкилот олдида қарздорлигига олиб келади. Мазкур Келишувнинг депозитори Хитой Халқ Республикаси ҳисобланади. Бюджет маблағлари ШҲТда доимий асосда фаолият кўрсатувчи органларни молиялаштиришга сарфланади. Аъзо давлатларнинг ҳар бири Ташкилот тадбирларида уларнинг вакиллари ва экспертлари иштироки билан боғлиқ харажатларни ўзлари кўтаради.

ШҲТ эшиклари унинг хартияси тамойиллари ва мақсадларига амал қилувчи минтақа бошқа давлатларининг аъзолиги учун очиқдир. Аъзо бўлиб кирувчи давлатлар, шунингдек, ШҲТ доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатларга ҳам риоя этишлари шарт[63]. ШҲТга янги аъзоларнинг қабул қилиниши масаласи ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг тақдимномасига асосан давлат бошлиқлари кенгашида қабул қилинади.

Ташқи ишлар вазири Кенгаши бунда амалдаги кенгаш раиси номига йўлланган аъзо бўлиш истагидаги давлатнинг расмий аризаси асосида тақдимнома тайёрлайди. ШҲТ таркибидаги исталган аъзо давлат унинг аъзолигидан чиқиш ҳуқуқига эга. Хартиядан чиқиш учун 12 ой муддатдан кам бўлмаган вақт ичида расман мурожаат қилиниши керак. ШҲТ органларидаги қарорлар овоз бериш йўлига асосланмаган сайлов йўли билан амалга оширилади ва бу келишувда аъзо давлатларнинг бирортаси қарши чиқмаган тақдирда (консенсус) бу қарор қабул қилинган ҳисобланади. Консенсус таркиби фақатгина ташкилотга аъзоликка кириш ёки чиқиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда қўлланмайди. Бундай қарорлар учун «манфаатдор аъзо давлат учун минус битта овоз консенсус» тамойили асосида амалга оширилади.

[62] Соглашение о порядке формирования и исполнения бюджета ШОС.// http:www.SCO.ru
[63] Становление и развитие ШОС // http:www.SCO.ru

Мазкур тамойил фақатгина кам аҳамиятли масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин тамойилига асосланади. Амалда мураккаб муаммоларга томонларнинг турли хил позициядалиги сабабли ечим топилмайди. Хусусан, ШҲТ Абхазия ва Жанубий Осетин мустақиллигини шу тамойил туфайли тан олмади. Исталган аъзо давлатлар қабул қилинаётган қарорларнинг алоҳида аспектлар ёки аниқ масалалари бўйича ўз нуқтаи назарини билдириши мумкин. Бу ҳолат мазкур қарорнинг тўлиғича қабул қилинмаслигига қаршилик қилмайди. Мазкур давлатнинг нуқтаи назари мажлис баённомасига қайд этилади. Шунинг учун ҳам ШҲТ таркибига кирувчи давлатлар ўзларининг бўйнида амалда катта мажбурият борлигини ҳис қилишмайди. Бу ШҲТнинг интеграцион бирлашма сифатидаги механизми етарлича заиф эканлигини англатади. Бошқа тарафдан олиб қараганда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик алоҳида соҳалар бўйича икки томонлама ёки кўп томонлама асосда ривожланиши мумкин. ШҲТ органлари томонидан қабул қилинган қарорлар аъзо давлатлар томонидан уларнинг миллий қонунчилиги тартиблари асосида ижро этилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ШҲТда қабул қилинган қарор амалда Миллий қонунчиликдан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, ШҲТ доирасида қабул қилинган қарорларни бажаришда томонлар учун ўзларининг миллий қонунчилиги бирламчи аҳамиятга эга. ШҲТ доирасида қабул қилинган қарорлар ва шартномаларнинг аъзо давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилиш ШҲТ органлари зиммасига юклатилган, аммо ягона назорат қилувчи орган фаолият кўрсатмайди. Аъзо давлатлар ўзларининг ички тартиб ва қоидалари асосида ШҲТ котибиятига доимий вакилларини тайинлайдилар. Мазкур вакиллар айни вақтда Пекиндаги аъзо давлатлар элчихонасининг дипломатик корпуси таркибига киради. ШҲТ ва унинг мансабдор шахслари барча аъзо давлатлар ҳудудида ташкилотнинг мақсад ва функцияларини бажариш учун турли имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. ШҲТ ва унинг мансабдор шахсларининг имтиёзлари миқдори ва иммунитети алоҳида халқаро шартномалар билан тартибга солинади[64].

Кўриниб турибдики, гарчан геосиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда ШҲТ халқаро муносабатлар тизимида нуфузли бир ташкилотга айланган бўлса-да, лекин ташкилий тузилмаси, бошқарув тартиби, ижро механизми каби ҳолатларда ҳамон ечимини топиш керак бўлган муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон ва ШҲТ ҳамкорлигининг замонавий тенденциялари

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи мамлакатларидан бири сифатида Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан баробар ШҲТ ривожланишининг стратегиясини белгилайди. Бу йўналишда айнан мамлакат саъй-ҳаракатлари билан ташкилот иш бошлаган 2001 йилдан эътиборан унинг фаолиятини такомиллаштириш, ташкилот иштирокчилари, шунингдек, бошқа умумбашарий ва минтақавий институтлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилди.

[64] http:www.SCO.ru



Ўзбекистон ШҲТ Хартиясида белгилаб қўйилганидек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш, ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ҳамда халқаро нуфузини юксалтиришга йўналтирилган мақсадлар, вазифа ва тамойилларга қатъий риоя этилишининг тарафдоридир. Блок бўлиш ёки қарама-қарши туриш йўналишидан холи бўлган ушбу тизимнинг очиқлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган даврда (2003-2004 ва 2009-2010 йиллар) ташкилотнинг институционал шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим ҳужжатлар имзоланди. Хусусан ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом ва ШҲТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби, кузатувчи мамлакат мақомини олиши шулар жумласидан. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши ҳамда 2004 йилнинг январидан бошлаб Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) фаолият кўрсата бошлади. Ушбу доимий асосда иш олиб борадиган орган ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот органлари ва махсус хизматларининг радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачиликка, уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва амалий ҳамкорлиги учун самарали восита бўлиб қолди.

Шу йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви институти тузилди. У ШҲТ доирасида хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлаштирувчи-маслаҳат механизми ҳисобланади.

2016 йил Тошкент шаҳрида ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ШҲТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши ҳамда бошқа замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иккинчи раислиги даврида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилотнинг ташқи алоқаларини кенгайтириш, кенг минтақадаги тинчликни, осойишталик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича вазифалар самарали ҳал этилишига йўналтирилган ҳужжатларнинг салмоқли туркуми имзоланди.Хусусан 2010 йилнинг апрелида – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация

имзоланди. Мазкур ҳужжат икки бирлашма ўртасидаги расмий ҳамкорликнинг ибтидоси бўлди.

Қўшма декларация ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг халқаро нуфузини ошириш ва унинг БМТ тизимлари билан алоқаларини ривожлантириш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ташкилотнинг 2010 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган саммити чоғида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов баён этганидек, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши "ШҲТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаолроқ фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШҲТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беради".

ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши ўз аҳамияти билан навбатдаги воқеа бўлдики, унинг қабул қилинишида Ўзбекистоннинг фаол иш олиб боргани ташкилотга аъзо барча давлатларнинг консенсусга ҳамда уларнинг ёндашувлари бирлашувига эришилишига кўмаклашди. ШҲТ янада кенгайиши учун ҳуқуқий заминнинг яратилишида муҳим қадам бўлган мазкур ҳужжат ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олишни истаган давлатлар учун бўлган асосий мезонларни белгилаб берди. Бу билан дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун борган сари жозибали аҳамият касб этаётган мазкур ташкилотнинг очиқ эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон ташаббуси ва унинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган ва 2010 йили қабул қилинган ШҲТ процедураларининг қоидалари ушбу бирлашманинг янада ривожланишига ҳамда унинг фаолиятидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилди. Мазкур ҳужжат қабул қилингунига қадар ташкилот доирасида меъёрий-ҳуқуқий актлар юзасидан ташаббус кўтариш, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш бўйича ягона қоида мавжуд эмас эди. Унга ШҲТ фаолиятининг асосий тамойили – ташкилот доирасида фақат консенсус асосидагина қарор қабул қилинишининг муҳрлаб қўйилгани мазкур ҳужжатнинг асосий муваффақиятларидан бири бўлди.Шуни қайд этиш ўринлики, мамлакатимизнинг ташкилотга иккинчи раислиги даврида илм-фан ва техника бўйича ШҲТга аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувининг механизми ишга солинди. Бундан ташқари, ШҲТ аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ва жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

2015-2016 йиллардаги Ўзбекистоннинг Республикаси ШҲТга раислиги даврида хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликдаги курашни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, аъзо давлатларнинг изчил тараққиётини таъминлаш, ташкилотнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш сингари вазифаларнинг ижросини таъминлашга эътибор қаратилқда.

Ўзбекистоннинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишларида аниқ-равшан натижаларга эришилди.

20.6. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) – давлатлараро ташкилот сифвтида 1991 йил 8 декабрда Минскда Белоруссия, Россия, Украина имзоланган битимга асосан ушбу Битимда СССР чуқур таназзулга учраб парчаланиб кетиш натижасида йўқ бўлганлиги қайд қилинди, учала давлат сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини баён этди. 1991 йил 21 декабрда Битимга Озарбайжон, Арманистон Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон қўшилди, улар Белоруссия, Россия ва Украина билан бирга МДҲнинг мақсад ва қоидалари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. 1993 йил МДҲга Грузия қўшилди.

20.6.1-расм. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги.

МДҲ аъзолари
МДҲ ассоциация аъзоси
МДҲни тарк этган давлатлар
МДҲ de-ure аъзоси эмас, МДҲ de-fakto аъзоси
Кузатувчи сифатида МДҲнинг айрим тузилишларида қатнашувчи давлат

Штаб квартираси	Белоруссия, Минск Россия , Москва
Суҳбатлашиш тили	Рус тили
Мажлис ўтказувчи мамлакат	Россия Федерацияси
Маълумоти	1991 йил 8-декабр
Аҳоли	279.506.000 киши. (2012)
Расмий сайти	https://cis.minsk.by/

1993 йил МДҲ Устави қабул қилинди, у давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни вужудга келтириш, транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш, аҳоли соғлиғи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва иммиграция сиёсати, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, мудофаа сиёсатида ҳамкорлик қилиш ва ташқи чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутади. МДҲ ҳақиқий аъзолари билан бирга МДҲ фаолиятининг айрим турларида қатнашувчи аъзолар бўлиши мумкин. МДҲнинг қуйидаги органлари ташкил қилинган: Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Давлатлараро иқтисодий қўмита, маркази Санкт-Петербургда бўлган Парламентлараро Ассамблея ва бошқа МДҲнинг доимий ишловчи органи Минск шаҳрида жойлашган Мувофиқлаштирувчи маслаҳат қўмита ҳисобланади.

МДҲ аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларига қуйидаги вазифалар киритилди:

- ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни ривожлантириш ва Умум Европа, Евроосиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислоҳот ўтказиш;
- божхона сиёсатини бирга олиб бориш;
- транспорт, алоқа, энергетика тизимларини ривожлантириш;
- экологик, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш.
- уюшган жиноятчиликка қарши курашиш.

20.6.1-жадвал

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар

Штаб квартираси	Штаб квартираси
Арманистон	21 декабрь 1991
Озарбайжон	21 декабрь 1991
Белоруссия	8 декабрь 1991
Қозоғистон	21 декабрь 1991
Қирғизистон	21 декабрь 1991
Молдова	21 декабрь 1991
Россия	8 декабрь 1991
Тожикистон	21 декабрь 1991

Туркманистон	21 декабрь 1991
Украина	8 декабрь 1991
Ўзбекистон	21 декабрь 1991

Шунингдек дунёнинг бошқа мамлакатлари, жумладан:

▶ Мўғулистон МДҲнинг баъзи структураларида кузатувчи вазифасини бажариб келмоқда.

Афғонистон 2008 йили МДҲ таркибига кириш хоҳишини билдирди, МДҲнинг "Парламентлараро Ассамблея"сида кузатувчи вазифасини бажариб келмоқда.

Ўзининг МДҲ таркибига киришини хоҳлаётган қатор тан олинмаган давлатлар, автоном раёнлар ва БМТ аъзолари билдиришган. Ушбу давлатлар билан МДҲ келишувни амалга оширмаган. Булар:

Абхазия
Украинадаги Қрим
Тоғли Қорабоғ Республикаси
Приднестров Молдова Республикаси
Россиядаги Чеченистон
Россиядаги Татаристон
Хорватиядаги Сербская Краина Республикаси
собиқ Югославия

Ўтган йиллар МДҲ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик ишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади.

1992 йил май ойида МДҲ давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан бошланган жамоа хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши МДҲ доирасидаги давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичига кўтарилишига сабаб бўлди. 1993 йил МДҲ давлатлари билан имзоланган "Иқтисодий иттифоқ" ҳақидаги шартнома ҳам бу давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва ўзаро ҳамкорликларининг янада мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатди.

1994 йил 21 октябрда Москвада бўлиб ўтган МДҲ давлат бошлиқларининг кенгашида 10 га яқин масалалар муҳокама қилиниб, асосий эътибор МДҲ мамлакатларининг иқтисодий интеграциясига доир масалаларга қаратилди. МДҲ давлатлари ўртасидаги интеграцияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида меморандум имзоланди. Унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, интеграциявий тараққиётнинг истиқбол режалари белгилаб берилди. Кенгашда иқтисодий иттифоқнинг давлатлараро иқтисодий қўмитаси тузилди.

1995 йил 10 февралда Олма-Отада МДҲ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. МДҲ давлатлари аъзолари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш концепцияси муҳокама қилинди. Аммо масаланинг характери ва мазмуни ҳақида бир-бирига мос бўлмаган турли фикрлар билдирилди.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси МДҲга кўп томонлама ҳамкорлик учун шарт-шароит яратишдан манфаатдор суверен мамлакатлар бирлашмаси сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси МДҲ доирасида сунъий равишда жорий этиладиган интеграцияга ҳамда давлатлардан юқори турувчи тузилмаларини парламент, кўплаб амалдорлар ишлайдиган маъмурий идоралар, ҳарбий сиёсий органларни ташкил этишга қарши. Ўзбекистон мустақиллик ва интеграцияни уйғунлаштириш тарафдори, МДҲни ҳақиқий мустақил суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни хоҳлайди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутади[65].

[65] http://hozir.org/ozbekiston-va-mdh-davlatlari-ozbekistonning-markaziy-osiyo-res.html

OPEC

VI БЎЛИМ.
АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАР ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО ТАШКИЛОТЛАР

21-БОБ. ЖАҲОН ТОВАРЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

21. 1. Нефть маҳсулотлари бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК – Organization of the Petroleum exporting Countries)[66] 1960 йил сентябрь ойида беш мамлакат – Эрон Ислом Республикаси, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони ва Венесуела томонидан Ироқнинг Бағдод шаҳрида ташкил этилган. Улар Ташкилотнинг таъсис аъзолари бўлишлари керак эди. Кейинчалик ушбу мамлакатларга Қатар (1961 й.), Индонезия (1962 й.), Ливия (1962 й.), Бирлашган Араб Амирликлари (1967 й.), Жазоир (1969 й.), Нигерия (1971 й.), эквадор (1973 й.), Габон (1975 й.), Ангола (2007 й.), экваториал Гвинея (2017 й.) ва Конго (2018 й.) қўшилди. Эквадор 1992 йил декабрда ойида ўз аъзолигини тўхтатди, лекин 2007 йил октябрь ойида ОПЕКга қўшилди. Индонезия 2009 йил январь ойида аъзолигини тўхтатди, уни 2016 йил январь ойида яна фаоллаштирди, лекин 2016 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган ОПЕК конференциясида яна бир бор аъзолигини тўхтатишга қарор қилди.

Габон 1995 йил январь ойида аъзолигини тўхтатди, аммо 2016 йил июль ойида Ташкилотга қайта қўшилди. Қатар 2019 йил 1 январда аъзолигини тўхтатди. Бу шуни англатадики, ҳозирги вақтда ташкилотга 14 та аъзо мамлакатлар киради. ОПЕК низоми асосчилар ва тўлиқ аъзоларни ажратиб туради – аъзо бўлиш учун аризалар Конференция томонидан қабул қилинган мамлакатлар.

[66] https://www.opec.org/opec_web/en/about_us/25.htm

Низомга кўра хом нефтни сезиларли даражада соф экспорт қилган, аъзо мамлакатларнинг манфаатларига тубдан ўхшаш бўлган ҳар қандай мамлакат аъзоларнинг кўпчилик – тўртдан уч қисми томонидан қабул қилинса, Ташкилотнинг тўлиқ аъзосига айланиши мумкин. Бундан ташқари, Статут ассоциацияланган аъзолар, яъни тўлиқ аъзоликка эга бўлмаган, лекин Конференцияда белгилаб қўйилиши мумкин бўлган махсус шартлар асосида қабул қилинган давлатлар ҳам мавжуд.

ОПЕК Котибияти нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилотининг (ОПЕК) ижро этувчи органидир. У Вена шаҳрида жойлашган бўлиб, ОПЕК уставининг қоидаларига мувофиқ у Ташкилотнинг марказий идораси вазифасини ҳам бажаради. У Конференция томонидан қабул қилинган барча қарорларнинг бажарилиши учун жавобгар ва Бошқарувчилар кенгаши томонидан қабул қилинган барча қарорларни бажаради. Бундан ташқари, тадқиқот олиб боради, унинг натижалари қарорларни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Котибият таркибига Ташкилотнинг Бош ижрочи директори (Бош котиб), ташкилотнинг ишлаши учун зарур бўлган ходимлар киради. Тузилма сифатида Бош котибнинг идораси, юридик идораси, тадқиқот бўлими ва қўллаб-қувватлаш хизматлари бўлимидан иборат. Тадқиқот бўлими маълумотлар хизмати, нефтшунослик ва энергетик тадқиқотлар бўлимларини ўз ичига олади. Қўллаб-қувватлаш хизматлари бўлимига жамоатчилик билан алоқалар ва маълумотлар, молия ва кадрлар ҳамда маъмурият ва ИТ хизматлари киради. Котибият дастлаб 1961 йилда Женевада (Швейцария) ташкил этилган.

ОПЕК Халқаро семинари бугун дунё энергия тақвимидаги энг муҳим тадбирлардан бири сифатида қабул қилинади. Семинарда одатда ОПЕКга аъзо давлатлар ва бошқа нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар иштирокчилари, шунингдек ҳукуматлараро ташкилотларнинг раҳбарлари, миллий ва халқаро нефть компаниялари раҳбарлари, олимлар, энергетика экспертлари ва бошқалар қатнашади. Йиллар давомида семинарлар жуда кўп шаклларга эга бўлди, аммо улар ҳар доим энергетика секторида ва ундан ташқарида кенг қамровга эга.

2001 йилда бошланган доимий семинарлар саноатнинг муҳим масалаларига янги туртки берди, мулоқот ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб бермоқда. Юқори даражадаги маърузачилар қисқа вақт ичида ноаниқлик ва беқарорлик фонидаги кўплаб долзарб масалаларни муҳокама қилган ҳолда, чуқур тақдимотлар ва панелли муҳокамалар орқали соҳани олдинга силжишига хизмат қилмоқда. Вақт ўтган сайин глобал молия, барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит каби соҳаларни қамраб олган семинарлар ҳажми ва миқёси кенгайиб, уларнинг обрўси тобора ўсиб борди.

ОПЕК аъзо давлатларининг суверенлари ва давлат раҳбарлари мунтазам равишда учрашмайдилар. Бироқ, улар учрашганда, таъсир ташкилотнинг чекка ҳудудларидан ташқарида ҳам, ўнлаб йиллар давомида ҳам сезилади. Бундай учрашувлар, шунингдек, ҳаётга ижобий таъсир кўрсатишга мойил. Бу уларнинг 1975 йилдаги биринчи учрашуви ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси (OFID) орқали дунёнинг қашшоқ мамлакатларига қилган таъсирини кўрсатди дейиш мумкин. ОПЕКга аъзо давлатлар ва бошқа ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун кўп томонлама ривожланиш молия институти сифатида ташкил этилган OFID Жазоир пойтахти Жазоир шаҳрида бўлиб ўтган ОПЕК аъзо давлатлари раҳбарлари ва давлат раҳбарларининг саммитида қабул қилинди.

1975 йил мартда Саммит томонидан қабул қилинган тантанали декларация, ривожланаётган давлатлар билан ОПЕКнинг бошқа ривожланаётган мамлакатлари билан бирлашаётган табиий бирдамликни яна бир бор тасдиқлади ва ушбу давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш чораларини кўрди. Шу руҳда OFID 1976 йил январь ойида Жазоир, Эквадор, Габон, Индонезия, Эрон Ислом Республикаси, Ироқ, Қувайт, Ливия, Нигерия, Қатар, Саудия Арабистонига аъзо давлатлар томонидан кўрсатилаётган ёрдамни бирлаштириш учун молиявий восита сифатида ташкил этилган. OFID ресурслари икки томонлама ва кўп томонлама каналлар орқали ОПЕК МЧЖлари томонидан тақдим этилган манбалар учун қўшимча ҳисобланади. OFID ресурслари асосан ОПЕКнинг ихтиёрий бадаллари ва сармоялар ва ссудалардан олинган даромадлардан иборат. 1976 йил августда бошланғич манбалари 800 миллион АҚШ долларига тенг бўлган OFID операциялари бошланди. Ўшандан буён бу миқдор тўрт марта тўлдирилди. 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги охирги тўлдириш 2011 йил июнь ойида ривожланаётган мамлакатларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига ва молиявий инқирозни уларнинг иқтисодиётига салбий таъсирига тўғридан-тўғри жавоб сифатида Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган.

ОПЕКга аъзо бўлмаган барча давлатлар, асосан, OFID ёрдамига эга бўлишади[67]. Бироқ, кам ривожланган ва бошқа кам даромадли мамлакатларга устуворлик берилади ва шунинг учун кўпроқ улушга эга. Бир неча йиллар давомида, OFID ўз маблағларини 134 давлатга тарқатди, улардан 53 таси Африкада, 43 таси Осиёда, 31 таси Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ва еттитаси Европада. Тўртта молиялаштириш механизми ва бошқа муассасаларга ажратмалар

[67] http://www.ofid.org.

орқали тақсимланган OFIDнинг умумий тасдиқланган мажбуриятлари 14 272,3 млн.га тенг. Давлат секторида, OFID ташкил этилганидан буён 19 та кредит дастури амалга оширилди. Уч йиллик муддатга тасдиқланган 20 чи кредитлаш дастури 2017 йил 1 январдан кучга кирди. Давлат сектори мажбуриятларининг учдан икки қисми кам даромадли давлатлар ҳиссасига тўғри келади ва барча мажбуриятларнинг ярми Африкага тўғри келади.

1998 йилда ташкил этилган Хусусий Сектор Механизми доирасида Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва Европадаги хусусий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун 271 та операция тасдиқланган. 2017 йил июль ойи охирига қадар 3117,3 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилинди ва 1877 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. 2006 йилда савдони молиялаштириш механизми ишга туширилди. 2017 йил июль ойи охирига қадар 2 983 млн. АҚШ доллари миқдорида муддатли кредитлар берилди ва 2594,5 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бундан ташқари, хавфларни тақсимлаш бўйича 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги кафолатли дастур тасдиқланди. Грантлар доирасида олтита грант дастури орқали ижтимоий-гуманитар ёрдам ва ижтимоий ривожланиш операцияларига ёрдам кўрсатилмоқда. Улар жумласига техник ёрдам, тадқиқотлар ва шунга ўхшаш тадбирлар, шошилинч тиббий ёрдам, махсус соғлиқни сақлаш дастури, энергетик қашшоқлик ва Фаластин дастурларини келтириш мумкин. Шунингдек, OFID томонидан маълум бир глобал эҳтиёжларни қондириш учун махсус грант ҳисоб рақами орқали Умумий товарлар фонди ва Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасига умумий қиймати 639,8 миллион АҚШ долларига тенг 1775 та грант ажратилди[68].

Амалдаги ҳисоб-китобларга кўра, дунёдаги тасдиқланган нефть захираларининг 79,4% ОПЕКга аъзо мамлакатларда жойлашган бўлиб, Яқин Шарқдаги ОПЕК нефть захираларининг асосий қисми ОПЕК умумий ҳажмининг 64,5%ни ташкил этади. Сўнгги йилларда ОПЕКга аъзо давлатлар нефть захираларига муҳим қўшимчалар киритдилар, масалан, саноатнинг энг яхши тажрибаларини қўллаш, жадал қидирув ишларини олиб бориш ва чуқур қазиб олиш. Натижада ОПЕКнинг тасдиқланган нефть захиралари бугунги кунда 118980 миллиард баррелни ташкил этади.

Барча қийинчиликлар ва ноаниқликларга қарамай, ОПЕКга аъзо давлатлар қўшимча қазиб олиш қувватига сармояларни ажратишда давом этмоқда. Аъзо мамлакатлар дуч келадиган катта қувватларни сақлаш харажатлари устига, улар янги лойиҳаларга сармоя киритишни давом эттирмоқдалар ва нефть ҳамда газ бозоридаги мажбуриятларини, шунингдек, барча истеъмолчилар учун етказиб бериш хавфсизлигини таъминлашда давом этмоқдалар. Ўрта муддатли истиқболда (2016-2021 йиллар) ОПЕКга аъзо давлатлар томонидан умумий қиймати 156 миллиард долларга тенг бўлган 160 тага яқин лойиҳа амалга оширилмоқда[69]. Бу даврда ОПЕКга аъзо мамлакатларнинг қуйи оқим

[68] http://www.ofid.org
[69] https://www.opec.org/opec_web/en/about_us/25.htm

секторидаги лойиҳаларига икки омил – Эронга халқаро санкцияларнинг бекор қилиниши ва Габоннинг Ташкилотга қайтиши таъсир кўрсатади. Янги сармояларнинг катта қисми ОПЕКга аъзо мамлакатларда амалга оширилади ва у қўшимча тозалаш қуввати конденсат ажратгичлари, янги кўкаламзорлаштириш ва мавжуд лойиҳаларни кенгайтириш билан тўлдирилган янги лойиҳалар ҳисобига бўлади.

ОПЕКга аъзо мамлакатларнинг ишга туширилиши кутилаётган мега лойиҳаларига Кувайт (Ал Зоур лойиҳаси), Саудия Арабистони (Жизан лойиҳаси) ва Венесуеладаги (Анзоетагуи) лойиҳаларни келтириш мумкин. Маҳаллий хомашёни ишлаб чиқарувчилар орасида кенг тарқалган ва маҳаллий талабни қондиришга йўналтирилган бошқа нисбатан йирик лойиҳалар орасида Лобитодаги янги нефтни қайта ишлаш заводи (Англия), Дел Пасифисо нефтни қайта ишлаш заводи (Эквадор), Хозистон ва Керманшоҳ (Эрон), Фужайра ва Дубай лойиҳалари (БАА) мавжуд.

Умумий ҳисобланган қўшимчалар 2021 йилда ОПЕКга аъзо давлатларнинг базавий қувватини 13,3 мб/с дан ошишига олиб келади ва 2016 ва 2021 йиллар оралиғида кўзда тутилган қўшимчаларни (дистиллаш ва иккиламчи бирликларни) амалга ошириш учун 66,5 миллиард долларга тенг сармояни талаб қилади.

21.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича халқаро ташкилотлар

FOOD AND AGRICULTURE ORGANIZATION OF THE UNITED NATIONS

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (Food and Agriculture Organization – FAO) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, у очликни бартараф этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни амалга оширади[70]. Унинг мақсади ҳамма учун озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш ва одамларнинг фаол ва соғлом ҳаёт кечиришлари учун етарлича юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан доимий равишда фойдаланишларини таъминлашдан иборат. FAO 194 тадан ортиқ аъзо давлатлар билан дунёнинг 130 тадан ортиқ мамлакатларида фаолият олиб боради. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва қатор дастурлар, жамғармалар ва ихтисослашган агентликлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси ўз раҳбарияти ва бюджетига эга. Ихтисослашган агентликлар мустақил халқаро ташкилотлар бўлиб, улар ихтиёрий ва баҳоланган бадаллар ҳисобидан молиялаштирилади.

Иқлим ўзгариши глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қашшоқликни тугатиш ва барқарор ривожланишга эришиш қобилиятига таҳдид солмоқда. Иқлим ўзгариши ва унинг таъсирига қарши курашиш учун Париж битими 195 та мамлакат томонидан имзоланди, улар томонидан глобал

[70] https://ec.europa.eu/agriculture/sites/agriculture/files/committees/cmo/0096.pdf

ўртача ҳароратнинг 2 даражадан пастгача кўтарилишини чеклаш мажбурияти олинди ва ушбу мақсадга эришиш учун ҳар бир мамлакат "Миллий иқтисодиёт томонидан белгиланадиган ҳисса" деб номланувчи индивидуал иқлим мажбуриятларини ишлаб чиқди.

Мамлакатлар ўзларининг мунтазам равишда янгилаб туришлари, эмиссия ва юмшатиш ҳамда мослашув бўйича уларни амалга ошириш бўйича ҳисоботларни тақдим этишлари шарт. Жараёнга ишончни мустаҳкамлаш учун Париж битими ҳаракат ва қўллаб-қувватлаш учун Кенгайтирилган Шаффофлик доираси деб номланадиган асосий элементни ўз ичига олади. Шаффофлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ушбу тузилма, одатда, ўлчаш, ҳисобот бериш ва текшириш деб номланувчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси (United Nation Framework Convention on Climate Change UNFCCC) асосида ташкил этилган мавжуд шаффофлик тузилмаларига асосланади.

Ўзбекистон 2011 йил 2 октябрда FAO аъзоси бўлди. Институционал ҳамкорлик FAO билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи масъул орган – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳисобланади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари FAO томонидан қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорликни ошириш, турли трансчегаравий ҳайвон касалликларини тарқалишига тўсқинлик қилиш, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш бўйича салоҳиятни ошириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларда мунтазам равишда иштирок этишмоқда.

FAOнинг Ўзбекистонга кўрсатаётган техник кўмаги қуйидагилардан иборат:

- сабзовот уруғларини ишлаб чиқариш дастурини ривожлантириш;
- ўрмон хўжалигининг ёғоч бўлмаган маҳсулотлар секторини қўллаб-қувватлаш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- кам сув сарфлайдиган технологияларни Подшоота дарёсининг саёз жойларига жорий қилиш;
- балиқ овлаш ва ем-хашак тайёрлаш жараёнини ташкиллаштиришга кўмак кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалиги инновацион тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш салоҳиятини ривожлантириш;
- суғориладиган майдонларда кам ресурс сарфлайдиган технологияларни жорий этиш;
- балиқчилик ва сув хўжалиги маданиятларини ривожлантириш;
- пестицидларни назорат қилиш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш;
- чигирткалар босқинига қарши курашиш;
- юқори-патоген қуш грипини назорат қилиш ва уни йўқ қилиш;
- трансчегаравий ҳайвон касалликларини назорат қилиш.

FAO билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон

ташкилотнинг минтақавий лойиҳалари билан ишлашда фаол иштирок этмоқда, уларнинг умумий суммаси тахминан 6,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини халқаро баҳолаш (International Food Security Assessment – IFSA) озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ва унинг қондирилишини ўрганади[71]. Унда ишлатилган ИФСА модели озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш (озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж), озиқ-овқат маҳсулотларига кириш ва бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган ҳисоботлар ва амалга оширилган лойиҳаларга кўра, 2029 йилгача кам ва ўртача даромадли 76 та мамлакатда озиқ-овқат етишмовчилиги кузатилади.

Озиқ-овқатга талабнинг моделлаштириш прогнозлари ҳар бир озиқ-овқат гуруҳининг калория таркибига қараб дон эквивалентида ифодаланади. Дон эквиваленти килограммда ҳам, калория таркибида ҳам осон ифодаланади ва озиқ-овқат гуруҳлари бўйича бирлашишга имкон беради. Ҳисоботда озиқ-овқат хавфсизлигининг учта кўрсаткичи тақдим этилади:

1) озиқ-овқат хавфсизлиги, яъни унинг улуши озуқавий мақсадга эриша олмайдиган умумий аҳоли сони;

2) озиқ-овқат билан боғлиқ хавфли одамлар сони;

3) озиқ-овқат танқислиги, бу ҳар бир кишига истеъмол қилинадиган ҳар бир киши учун зарур бўлган озиқ-овқат миқдоридир, калория мақсадига эришиш учун чегара даражаси.

Ушбу калория мақсади нисбатан фаровонликни кўрсатади ва мамлакат ичидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг тенг бўлмаган киришини аниқлашда ёрдам беради. Прогноз натижалари ҳар моделнинг тавсифига ва асосий тахминларга боғлиқ ҳолда ҳар бир мамлакатдаги озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати ва натижаларини тавсифлайди.

21. 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибга солувчи ташкилотлар

Қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари учун умумий бозор ташкилотлари Бошқарув қўмиталари 2008 йил ягона Низомга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги бозорлари ташкилотининг ягона бошқарув қўмитаси билан алмаштирилди. Глобал иқлим ўзгариши ва рўй бериши мумкин бўлган муаммоларга қарамасдан европа 2050 йилга келиб, дунёнинг биринчи иқлимий нейтрал материкига айланиши мумкин. Бунга эришиш учун Европа Комиссияси Европанинг фуқаролари ва бизнесига барқарор яшил ўтишдан фойда олишлари учун имкон берадиган кенг миқёсли чоралар тўпламини тақдим этди. Бинобарин, аҳолининг ўсиши ва ўзгариб турадиган овқатланиш одатларини қондириш учун дунё миқёсида озиқ-овқат ишлаб чиқариш 2050 йилга келиб, икки баравар кўпайиши керак. Айни пайтда, иқлим ўзгариши биологик хилма-хилликка, тупроқ ва сув сифатига ҳамда глобал бозор талабларига таъсир қилади. Европа

[71] https://ec.europa.eu/agriculture/sites/agriculture/files/committees/cmo/0096.pdf

Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги сиёсати озиқ-овқат сифати, кузатиб бориш, савдо ва ЕИ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини илгари суриш каби кўплаб соҳаларни қамраб олади. ЕИ ўз деҳқонларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, барқарор ва экологик тоза амалиётни қўллаб-қувватлайди, шу билан бирга қишлоқларни ривожлантиришга сармоя киритади. Европа Иттифоқи институтлари озиқ-овқат ва деҳқончилик сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш соҳасида ҳамкорлик қилади. Европа Иттифоқи даражасида келишилган қонунларни миллий ва маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадилар. Европа Иттифоқи бюджети орқали маблағлар ЕИ даражасида белгиланган қоидаларга мувофиқ аъзо давлатларга тақдим этилади. Шунингдек, Европа Иттифоқи қонунларнинг қай тарзда қўлланилишини, уларнинг самарадорлигини ва тузатишларни мувофиқлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат билан боғлиқ соҳалар ва хизматлар 44 миллион янги иш жойлари, шу жумладан 22 миллион киши учун доимий иш ўрни яратишга қодир. Қишлоқ хўжалигининг ўзида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш занжири ЕИда бандликнинг 7,5% ва қўшилган қийматнинг 3,7% ни ташкил қилади.

Савдо шартномалари Европа Иттифоқи фермерлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда ёрдам бериши мумкин. 2017 йил февраль ойида эълон қилинган Европа Иттифоқи ҳисоботида Мексика, Жанубий Корея ва Швейцарияга 1 миллиард евродан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича савдо битимлари имзоланганлиги келтирилган. Экспортнинг кўпайиши қишлоқ хўжалигидаги қарийб 20 000 иш ўринларини қўллаб-қувватлади, улардан 13 700 иш ўрни қишлоқ хўжалигининг бирламчи тармоғидир. Европа Иттифоқи қиймат занжирининг барча қисмларидан маҳсулотларнинг кенг ассортиментини экспорт қилади, бу Европа Иттифоқи аграр озиқ-овқат секторининг товарлардан тортиб юқори даражада қайта ишланган озиқ-овқат саноатига қадар бўлган маҳсулотларнинг турли синфларида рақобатдошлигини намойиш этади.

22-БОБ. БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР



22. 1. Товарларни сертификатлаш ва стандартлаштириш тизимида халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти

Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 йилда МДҲ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш тузилди (Минск ш.)

МДҲ мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 1992 йил 13 мартда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисидаги битимга имзо чекди. Бу Битим Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланишга ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек, фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. Давлатлараро кенгашнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДҲда қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъёрий база – давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўллаш ва ривожлантириш;
- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;
- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш;

▶ Давлатлараро кенгашнинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ташкилот томонидан шакллантирилади.

Давлатлараро кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, Вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларнинг Кенгаши, шунингдек, стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ташкилотлар доимий ишламоқда.

Ҳозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси стандартлаштириш бўйича Бюродан иборат. МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ва хавфсизлигини оширишга, бозорларни сифатсиз ва фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, мулки ва атроф-муҳит учун хавфли маҳсулотдан муҳофазалашга, ўлчашлар бирлилигини таъминлашга қаратилган келишувлар тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Давлатлараро кенгаш мажлисларининг ишида барча Ҳамкорлик давлатларининг вакиллари, МДҲнинг Ижро қўмитаси, МДҲ тармоқ вазирликлари, стандартлаштириш бўйича халқаро ва жаҳон мамлакатларининг миллий ташкилотлари қатнашади. Кенгашни ротация асосида Давлатлараро кенгашга аъзо-мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология, ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради.

Давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари:

▶ стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан давлатлараро стандартларни, қоидалар, тавсияномалар ва таснифлагичларни ишлаб чиқиш;

▶ давлатлараро, халқаро, ҳудудий ва бошқа мамлакатларнинг миллий стандартлари фондини шакллантириш, сақлаш ва юритиш ҳамда Битим қатнашчилари – давлатларини бу стандартлар билан таъминлаш;

▶ эталонлар базасини ва физик катталиклар бирликларининг ўлчамларини узатиш тизимларини бошқариш ва ривожлантириш;

▶ давлатлараро вақт ва частоталар хизматини бошқариш;

▶ ўлчаш воситалари, стандарт намуналар ва моддалар ҳамда материалларнинг хоссалари тўғрисида стандарт маълумотларни бошқариш;

▶ ўлчаш воситаларини давлат синовларидан ўтказиш, метрологик аттестациялаш, қиёслаш ва калибрлаш натижаларини ўзаро тан олиш бўйича қоидалар ва процедураларни ишлаб чиқиш;

▶ аккредитацияланган синов, қиёслаш, калибрлаш ва ўлчаш лабораториялари (марказлари)ни, сертификатлаштириш бўйича идораларни, маҳсулотга ва сифат тизимига сертификатларни ўзаро тан олиш қоидалари ва процедураларини ишлаб чиқиш;

▶ стандартлаштириш, метрология, ва сертификатлаштириш ва сифат соҳасида халқаро ҳамкорликдан иборат.

Бундай фаолиятнинг ҳуқуқий асосини стандартлаштириш бўйича миллий идоралар томонидан Давлатлараро кенгаш доирасида тузилган битимлар ва ҳукуматлараро битимлар ташкил этади.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология, ва сертификатлаштириш соҳасида қатор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДҲ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар киради:

- Стандартлаштириш, метрология, ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида Битим (1992 йил 13 март, Москва);
- Вақт ва частотани ўлчаш бир хиллигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (1992 йил 9 октябрь, Бишкек);
- қиёслаш ва метрологик аттестациялаш мақсадида чегарадан олиб ўтиладиган меъёрий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва стандарт намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида Битим (1995 йил 10 февраль, Олма-ота);
- ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат муҳофазаси бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва риоя қилиш тартиби тўғрисида Битим (1996 йил 12 апрель, Москва);
- эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича Битим (2000 йил 20 июнь, Москва);

МДҲ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича концепция МДҲ мамлакатларида амалда бўлган техник қонунларни ўзаро уйғунлаштириш мақсадида Давлатлараро кенгашида модель қонунлар ишлаб чиқилган:

«Стандартлаштириш тўғрисида» (МДҲ мамлакатлари Парламентлараро Ассамблеяси (ПАА)нинг 10 ялпи мажлисида қабул қилинган;

«Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тўғрисида» (МДҲ ПААнинг 11 ялпи мажлисида қабул қилинган).

Давлатлараро кенгаш доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида (1992 йил 4 июнь, Краснодар);

Давлат синовлари ва хилни тасдиқлаш, метрологик аттестациялаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини, шунингдек, ўлчаш воситаларини синаш, қиёслаш ва калибрлаш лабораторияларини аттестациялаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида (1992 йил 6 октябрь, Тошкент);

Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш ва қўллаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (6 октябрь 1992., Тошкент);

Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (1992 йил 6 октябрь, Душанбе). МДҲнинг Ижро қўмиталари билан ҳамкорликда 2000 йилда қатор давлатлараро битимлар тайёрланди ва МДҲ мамлакатларининг ҳукумат бошлиқлари томонидан имзоланди. Бундай битимлар стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, аттестациялаш масалалари бўйича ягона техник сиёсатни ўтказишга, давлатлараро стандартларнинг илмий-техникавий даражасини кўтариш ва фондини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга ёрдам беради. Жумладан қуйидагилар тузилган:

- Эркин савдо минтақасида техник тўсиқлар бўйича битим. Бу Битим эркин савдо минтақаси қатнашчи-давлатларида техник меъёрлаш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолашда ягона принципларини ўрнатади. Бундай принциплар ЖСТ савдодаги техник тўсиқлар бўйича Битим талаблари билан уйғунлаштирилган. МДҲда бу Битимни ратификация қилиш ва амалга киритиш халқаро талабларга жавоб берадиган ягона принципларда техник регламентлар ва стандартлар ёрдамида техник меъёрлашни амалга оширишга имкон беради. Бундай меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда халқаро стандартлар асос бўлади. Ягона принципларга риоя қилиш МДҲ давлатларининг ЖСТга киришини осонлаштиради ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишга имкон беради;
- 1992 йил 13 мартдаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар баённомаси 2000 йил 20 июнь ҳукумат бошлиқлари томонидан Москвада имзоланган. Бу Баённомага кўра 1992 йил Битими 1998-1999 йилларда ўтказилган МДҲ ижро идораларини қайта ташкиллаштиришга мувофиқлаштирилди, шу жумладан Давлатлараро кенгашнинг бекор қилинган ишчи гуруҳи – Техник секретариати ўрнига стандартлар бўйича бюро тузиш назарда тутилган, шунингдек, Давлатлараро кенгашнинг ваколатлари кенгайтирилган. Давлатлараро кенгашга, давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларидан ташқари, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида аттестациялаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ҳам юклатилган;
- Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазалаш соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш бўйича 2000 – 2005 йилларга мўлжалланган Давлатлараро дастур амалдаги давлатлараро стандартлар (ГОСТ), меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимлари (МХСТ) ни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш бўйича ишлар мажмуидан иборат. Дастурни бажаришнинг асосий йўналишидан бири – амалдаги стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришдан иборат.

Давлатлараро кенгаши стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ИСО, МЕК) ва Европа Иттифоқининг стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган, унга ИСО ва МЕК да қабул қилинган қоидаларга мувофиқ «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евро – Осиё ташкилоти» (ЕАСС) номи берилган. Юқорида номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро алмашиниш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок қилиш тўғрисида узоқ муддатли келишувлар имзоланган.

Евро-Осиё ташкилоти имзоланган келишувларга асосан халқаро ва Европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, Евро-Осиё ташкилотининг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўллаш ҳуқуқига эга. Келишув давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам Европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай ҳуқуқдан Евро-Осиё ташкилотига аъзо давлатлар, бу ташкилотларга аъзолик мақомидан қатъи назар, фойдаланади.

Ҳозирги вақтда МДҲ давлатлараро стандартларининг фондида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма Давлатлараро кенгашнинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, Давлатлараро кенгашга аъзо давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда бошқарилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДҲ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигида техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек, Давлатлараро кенгашга

аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва Европа бозорларига чиқаришга кўмаклашади.

Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишлар 1998 йилгача ҳар йили ишлаб чиқариладиган режаларга мувофиқ бажарилар эди. 1998 йилдан бошлаб Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишлар Дастури ишлаб чиқилди.

МДҲ мамлакатлари ЖСТга киришга интилаётган шароитларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ва интеграция мақсадларида Кенгашнинг иши қуйидагиларга йўналтирилган:

- давлатлараро стандартларни халқаро меъёрлар ва қоидалар билан уйғунлаштириш даражасини ошириш;
- МДҲ мамлакатларининг бозорини сифатсиз ва хавфли маҳсулотлардан ҳимоялашни таъминлайдиган давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш);
- ўлчашлар ва синашлар бирлилигини таъминлаш, шунингдек, 2000 йилдаги 9000 серияли ИСО халқаро стандартларига мувофиқ сифат тизимларини яратиш ва сертификатлаштириш бўйича ишларни ривожлантириш;
- Электрон меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллашни таъминлайдиган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- МДҲ аъзо-давлатларининг стандартлаштириш (ИСО, МЕК, БМТ ЕИК), метрология (МОЗМ) бўйича халқаро ташкилотларнинг ишида, сифатни бошқаришда МДҲ мамлакатларининг манфаатларини кўзлаб, қатнашиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Давлатлараро стандартлар фонди халқаро, ҳудудий ёхуд етакчи хорижий давлатларнинг миллий стандартлари билан уйғунлаштирилган. Уйғунлаштириш, бир томондан, ягона меъёрий-техник доирани сақлашга, бошқа томондан эса, МДҲ аъзо-мамлакатларининг маҳсулотини халқаро ва Европа бозорига киритишга ёрдам беради.

22.2. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО)

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти – Британия Ассоциацияси /Британ энгинезинг Стандардс Ассосиатион/ 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, бироз кейинроқ, Биринчи Жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия қўмитаси (1918 й), Америка қўмитаси (1918 й) ва бошқалар ташкил топди[72].

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақозо қилди. Шу мақсадда 1926 йили миллий стандартлаштириш ташкилотларининг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСАнинг таркибига 20 та мамлакат вакиллари кирди.

[72] https://www.iso.org/ru/home.html

1938 йили Берлин шаҳрида стандартлаштириш бўйича Халқаро съезд очилди. Унда техниканинг турли соҳалари бўйича 32 та қўмита ва кичик қўмиталар тузилди.

Ҳозирги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standarts Organisation) 1946-1947 йилларда ташкил топди, уни қисқача ИСО деб юритилади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб, ривож топмоқда.

ИСО (International Organization for Standardization) нинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун:

- дунё кўламида стандартларни ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларда уйғунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар кўриш;
- халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш (агар ҳар бир стандарт учун унинг фаол ташкилий ва кичик қўмиталарининг иккидан уч қисми маъқуллаб овоз берса ва умумий овоз берувчиларнинг тўртдан уч қисми ёқлаб чиқса, стандарт маъқулланиши мумкин);
- ўз қўмита аъзоларининг ва техникавий қўмиталарнинг ишлари ҳақида ахборотлар алмашинувини ташкил қилиш;
- соҳавий масалалар бўйича манфаатдор бўлган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.

ИСО раҳбар ва ишчи қўмита идораларидан ташкил топган. Раҳбар идоралари таркибига Кенгашнинг юқори идораси – Бош Ассамблея, Кенгаш, ижроия бюроси, техникавий бюро, кенгашнинг техникавий қўмиталари ва марказий секретариати киради.

ИСОда президент, вице-президент, ғазначи ва бош котиб лавозимлари мавжуд. Бош Ассамблея – ИСОнинг Олий Раҳбари бўлиб, ИСОнинг йиғилиши уч йилда бир марта бўлади. Унинг сессиясида президент уч йил муддат билан сайланади.

Бош Ассамблея қўним вақтида саноат соҳасида етакчи мутахассислар иштирокида халқаро стандартлаштиришнинг муҳим муаммолари ва йўналишлари муҳокама қилинади.

ИСО кенгаши йилига бир марта ўтказилиб, унда ташкилотнинг фаолияти, хусусан, техникавий идораларнинг тузилиши, халқаро стандартларнинг чоп этилиши, кенгаш идораларининг аъзоларини ҳамда техникавий қўмиталарнинг раисларини тайинлайди ва бошқа масалалар кўрилади.

Собиқ Иттифоқ парчалангунга қадар Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг таркиби 91 та мамлакатнинг вакилларидан иборат эди.

Республикамизнинг дастлабки мустақиллик йилларидаги (1992 й.) муҳим воқеалардан бири ушбу нуфузли халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси 92-давлат сифатида қабул қилиниши бўлди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси ИСОнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охирги вақтда қилинган ишларни мужассамлаб, ИСО ўзининг бир қатор меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқди, бу ҳужжатларга ИСО 9000, 10011 ва 10012 рақамли стандартларни кўрсатиш мумкин.

22. 3. Патентлар бўйича Европа ташкилоти (ЕПО)

Европа Патент идораси (European Patent Organization) бутун дунё бўйлаб ихтирочилар, тадқиқотчилар ва компанияларга ўзларининг ихтиролари учун битта мамлакатда битта аризани талаб қиладиган марказлаштирилган ва ягона процедура орқали 44 та мамлакатда ўз ихтироларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини берадиган Европа патент буюртмаларини кўриб чиқади. Бугунги кунда Европа Патент идораси (ЕПО) Европанинг иккинчи йирик халқаро ташкилоти бўлиб, 7000 га яқин юқори малакали ходимларга эга. Агентлик патент маълумотларини тақдим этиш бўйича етакчига айланди ва патентга оид билим ҳамда кўникмаларнинг тарқалишини қўллаб-қувватлайди.

5 октябрь куни, 20 йилдан ортиқ давом этган музокаралар ва мунозаралардан сўнг, 16 та мамлакат Европа патент конвенциясини имзолади. Ушбу кўп томонлама шартнома Европа Патент Ташкилотини ва Европа Патент идорасини (ЕПО) яратади ва Европа патентларини кўриб чиқиш ва бериш учун автоном ҳуқуқий тизимни таъминлайди.

ЕПС 1977 йилда кучга кирганда, талабнома берувчилар ЕПОга битта патентга талабнома топширишлари мумкин, агар улар берилган бўлса, улар танлаган барча аъзо давлатларда қўлланилиши мумкин. Аъзо давлатлар индивидуал патентларни кучга киритиш ва бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишади.

1973 йил имзоланган конвенция ЕПС Европанинг бир қатор мамлакатларида топшириш билан боғлиқ тўловларни ва ҳужжатларни расмийлаштиришни сезиларли даражада камайтиради. Илгари бу ҳар бир мамлакатда қимматбаҳо таржималарни ва кўп вақт талаб қиладиган қидириш ва грантларни талаб қилган.

Жоҳаннес Боб ван Бентҳем ЭПОнинг биринчи президенти этиб сайланади ва 1985 йилгача ўз лавозимида қолади. Илгари Нидерландия Патент идорасида юрист ва кейинчалик 1968 йилдан 1977 йилгача унинг президенти бўлган Ван Бентҳем йўлни очишда ёрдам берадиган асосий шахслардан биридир. Европа Патент Ташкилоти учун муҳим бўлган кўпгина матнлар, шу жумладан ЕПС, ўзининг муҳим белгиси ҳисобланади. Европа Патент Ташкилотининг дастлабки йилларида ван Бентҳем идоранинг жадал ривожланишига янги туртки беришга ёрдам беради ва 1980 йилда биринчи Европа патентлари берилганда юқори даражали ходимларнинг мавжудлигини таъминлайди. Унинг президентлик фаолиятидаги яна бир муҳим босқич 1983 йилда АҚШ Патент ва савдо маркалари идораси (УСПТО), Япония Патент идораси (ЖПО) ва Европа Патент Ташкилоти ўртасида бугунги халқаро патент тизимининг асосини яратган уч томонлама ҳамкорликнинг очилишидир. Европага бағишланган ван Бентҳем Мюнхен ва Страсбург университетларининг ҳуқуқ факультетлари томонидан фахрий доктор унвонларига сазовор бўлди. У 2006 йилда 85 ёшида вафот этди.

Европа Патент Ташкилоти вазифалари. Ҳозирда Европа Патент Ташкилотига 38 та аъзо давлат киради. Бундан ташқари, Европа патентлари Европанинг иккита кенгайтма ва тўртта тасдиқлаш ҳолатида тан олинган.

Европа Патент идорасининг қарорлари унинг апелляция кенгашига шикоят қилиниши мумкин. Ўзининг ташкилий тузилмасига интеграциялашган бўлса ҳам, апелляция кенгашлари ўз қарорларида идорадан мустақил бўлиб, фақат Европа Патент Конвенцияси билан боғлиқдир.

Европа Патент Ташкилоти халқаро ташкилот сифатида келгусидаги муаммоларни қандай ҳал қилишни кўриб чиқаётганда ўз ҳаракатларининг янада кенгроқ таъсирини ҳисобга олишга мажбурдир. Барқарорликнинг асосий концепцияси келажак авлодни мерос қилиб олинган қарз билан оғирлаштирмаслик ва уларга бугунги кунимиз каби ҳеч бўлмаганда бойлик ва фаровонликдан баҳраманд бўлишга имкон берадиган стратегик ва тезкор қарорларни қабул қилишдан иборат.

Ахборот технологиялари, ходимларни жалб қилиш ва ЕПО маблағларини батафсил таҳлил қилиш муваффақиятли ва барқарор келажакни таъминлаш учун зарур бўлган ўзгаришларни кўрсатди.

Европа Патент Ташкилоти ИТ тизимларини соддалаштириш ва модернизация қилиш: режада Европа Патент Ташкилоти ИТ тизимини соддалаштириш ва

модернизация қилиш усуллари кўриб чиқилган. Улар электрон патент бериш жараёнини қўллаб-қувватлашнинг ягона воситасини ўз ичига олади, шу билан бирга Осиё ҳужжатлари ва стандартларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, аввалги маълумотлар базаларига қўшимча сармоялар киритилади.

Юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматларни самарали етказиб бериш: ушбу ташаббуслар Европа Патент Ташкилоти маҳсулотлари ва хизматларининг юқори стандартларини кафолатлашга қаратилган бўлиб, фойдаланувчи томонидан келишилган сифатни аниқлашни, шунингдек патент беришнинг янада мослашувчан жараёнини ўз ичига олади.

Бутунжаҳон таъсирига эга бўлган Европа патент тизими ва тармоғини яратинг: аъзо давлатлар ва халқаро ҳамкорларнинг миллий патент идоралари (НПО) билан ҳамкорлик мустаҳкамланади. Европа Патент Ташкилоти кўпроқ иштирок этишни рағбатлантириш, иқтисодий ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш ҳамда ҳамкорлик фаолиятининг таъсирини ошириш учун тақдим этадиган молиявий ва операцион ёрдамни қайта кўриб чиқади.

Узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш: режада Европа Патент Ташкилоти молиявий ва экологик барқарорлигини таъминлайдиган ташаббуслар кўрсатилган. Европа Патент Ташкилоти расадхонани, давлат ва хусусий томонлар билан муҳокама қилиш ва таҳлил этиш учун платформа яратишни режалаштирмоқда. Шунингдек, у углерод изини камайтириш, энергия ва қоғоз сарфини камайтириш ва пластмассани йўқ қилиш бўйича аниқ мақсадларни қўяди.

22.4. Фуқаролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти (International Institute for Civil Rights Unification) мустақил ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, Римдаги Вилла Алдобрандинида жойлашган. Унинг мақсади – давлатлар ва давлатлар гуруҳлари ўртасидаги хусусий, хусусан тижорат қонунларини модернизация қилиш, уйғунлаштириш ва мувофиқлаштиришнинг эҳтиёжлари ва усулларини ўрганиш ва ушбу мақсадларга эришиш учун ягона қонун ҳужжатлари, принциплари ва қоидаларини шакллантиришдан иборат.

1926 йилда Миллатлар Лигасининг ёрдамчи органи сифатида ташкил этилган Институт Лиганинг парчаланишидан кейин 1940 йилда кўп томонлама келишув асосида, Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти асосида қайта ташкил этилган.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтига аъзо бўлиш Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти Статутига қўшилган давлатлар билан чекланган. УНИДРОИТга аъзо 63 та давлат беш қитъадан келиб чиққан

бўлиб, улар турли хил ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий тизимларни, шунингдек, маданий келиб чиқишини англатади.

Институт Бош Ассамблея томонидан белгиланадиган ҳар йили аъзо давлатларнинг бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади. Муайян лойиҳа ёки тадбирларни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари бадаллар киритилиши мумкин.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти асосан уч даражали тузилишга эга бўлиб, Котибият, Бошқарув кенгаши ва Бош Ассамблеядан иборат. Котибият Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтининг ўз иш дастурини кундан-кунга амалга оширадиган ижро этувчи органдир. Уни институт президентининг номзодига биноан етакчи кенгаш томонидан тайинланадиган Бош котиб бошқаради. Бош котибга халқаро давлат хизматчилари ва ёрдамчи ходимлар гуруҳи ёрдам беради.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти бир неча йил ичида етмишдан ортиқ ўқув ва лойиҳаларни тайёрлади. Уларнинг аксарияти халқаро ҳужжатлар, шу жумладан халқаро конвенциялар, намунавий қонунлар, принциплар, ҳуқуқий ва шартномавий қўлланмаларга олиб келди. Конвенцияларга келсак, улар Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтига аъзо давлатлар томонидан чақирилган дипломатик конференциялар томонидан қабул қилинди:

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти фаолияти, шунингдек, бошқа халқаро ташкилотлар ҳомийлигида қабул қилинган, бир неча халқаро кучга кирган бир қатор халқаро ҳужжатлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтининг асосий устувор мақсади кенг ва замонавий маънода тушуниладиган хусусий ҳуқуқнинг замонавий ва мос келадиган ягона қоидаларини тайёрлашдир. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, оммавий қонунларга, айниқса, демаркация қилишнинг қийин ва тезкор чизиқларини топиш қийин бўлган ёки транзаксион қонунлар ва тартибга солувчи қонунлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган жойларда қонунларни вақти-вақти билан киритиш зарурати пайдо бўлди. Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти томонидан ишлаб чиқилган ягона қоидалар муҳим ҳуқуқий нормаларни бирлаштириш билан боғлиқ; улар фақат тасодифан бир-бирига зид қонун-қоидаларини ўз ичига олади.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтининг ҳукуматлараро ташкилотлар ичидаги мустақил мақоми унга иш услубларини қўллашга имкон берди, бу эса уни кўпроқ техник ва тегишли равишда камроқ сиёсий масалаларни ҳал қилиш учун қулай форумга айлантирди.

Субъектларнинг ягона юридик даволаниш ҳуқуқини белгиловчи омиллар янги технологиялар ва халқаро тижорат амалиётлари янги, келишилган ва кенг қабул қилинадиган ечимларни талаб қилади. Умуман олганда, субъектнинг уйғунлашиши ёки ҳатто бирлаштирилиши учун мақбуллиги кўп жиҳатдан давлатларнинг ички қонунчилик қоидаларига тегишли мавзу бўйича

янги халқаро ечим фойдасига қабул қилинишини исташи билан боғлиқдир. Уйғунлаштириш фойдасига қонуний ва бошқа далиллар, мос равишда, бундай идрокка қарши эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши керак. Шунга ўхшаш мулоҳазалар, шунингдек, ягона қоидаларга, яъни чиндан ҳам трансчегаравий битимлар билан чекланиши ёки ички вазиятларни қамраб олиш учун қўлланилиши керак бўлган соҳаларни аниқлашга мойилдир. Гарчи тижорат ҳуқуқига оид мавзулар аксарият халқаро уйғунлаштириш ташаббуслари учун йўналтирилса-да, Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институтига берилган кенг ваколат ташкилотга тижорат билан боғлиқ бўлмаган масалалар билан ҳам шуғулланиш имконини беради.

Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти томонидан ишлаб чиқилган ягона қоидалар, ҳукуматлараро тузилишга биноан, одатда халқаро штат конвенциялари шаклига эга бўлиб, улар штатнинг муниципал ҳуқуқига нисбатан автоматик равишда қўлланилиши учун ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу давлатнинг ички қонунчилигининг барча расмий талаблари кучга кириши учун тугалланди.

Бироқ, мажбурий бирлаштирувчи восита зарур деб ҳисобланмайдиган жойларда бирлаштиришнинг муқобил шакллари тобора оммалашиб бормоқда. Бундай муқобилликларга давлатлар қонунчилигини ёки судялар, ҳакамлик судялари ва шартнома тузувчи томонлар фойдаланиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин бўлган умумий қонунларни ишлаб чиқишда давлатлар эътиборга оладиган намунавий қонунлар киради.

Агар субъект ягона қоидалар бўйича пишиб етилмаган деб ҳисобланса, бошқа муқобиллик ҳуқуқий қўлланмаларни ўз ичига олади, одатда бизнеснинг янги усуллари ёки битим турлари ёки ички ва халқаро миқёсда бозорларни ташкил этиш асослари. Умуман олганда, таклиф қилинган қоидалар доираси соф шартномавий муносабатлардан юқори бўлган жойда ва мулк ҳуқуқида бўлгани каби учинчи томон ёки жамоат манфаатларига хавф туғдирадиган жойларда «қаттиқ қонун» ечимлари (яъни конвенциялар) керак бўлади. Хусусий ҳуқуқни бирлаштириш халқаро институти иш дастури учун мавзуларни танлаш, уларнинг устуворлик даражаси ва ишлаш усуллари, шунингдек фаолиятнинг умумий йўналиши, унинг стратегик режасида белгиланган мезонлар ва стратегик мақсадларга мос келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: "Ўзбекистон", 2017

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2016, 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 48 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017, 488 б.

5.С.Н.Сильвестрова. Учебные и учебно-методические изданияМеждународные экономические организации : учебник для бакалавриата и магистратуры / под науч. ред.. — М. : Издательство Юрайт, 2017.246 с. — Серия : Бакалавр и магистр. Академический курс.

6. А. Ф. Завгородний. Международные экономические организации: эволюция и тенденции развития : учебное пособие /– СПб. : Изд-воСПбГЭУ, 2018, 218 с.

▶ Бородулина Л.П., Кудряшова И.А., Юрга В.А. Международные экономические организации : учеб. пособие. / Л.П. Бородулина, И.А. Кудряшова, В.А. Юрга. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Магистр : ИНФРА-М, 2016, 368 с.

▶ Бикмаметова Р.Р.Общие вопросы ограничения международной торговли товарами в системе ГАТТ/ВТО // Евразийский юридический журнал. – 2014. – № 1 (68). – С. 40-44.

▶ Взаимная торговля товарами государств – членов Таможенного союза и Единого экономического пространства за 2014 год. Статистический бюллетень; Евразийская экономическая комиссия. – М. : Сам Полиграфист, 2015, 214 с.

▶ Алехандра Ҳаррингтон – Интернатионал Организатионс анд тҳе Лаw 1ст эдитион Папербаск: 308 пагес Публишер: Роутледге; 1 эдитион (Жуне 1, 2018)

12.Тамар Л. Гутнер – Интернатионал Организатионс ин Worлд Политисс 1ст эдитион, Киндле эдитион Принт Ленгтҳ: 304 пагес Публишер: СҚ Пресс; 1 эдитион (Жануарй 29, 2016)

13. Завгородний А.Ф. Международные экономические организации: эволюция и тенденции развития СПб.: Санкт-Петербургский государственный экономический университет, 2018. — 218 с. — ИСБН 978-5-7310-4138-6.

14. Зенкин И.В.Право Всемирной торговой организации / И.В. Зенкин. – М. : Международные отношения, 2014, 792 с.

15. Зенкин И.В., Якубова Н.Г.ВТО в схемах и тестах : методическоепособие по изучению права ВТО / И.В. Зенкин, Н.Г. Якубова. – М. : Международные отношения. – 2015, 160 с.

16. Мокров Г.Г.Евразийский экономический союз: Демпинговыйимпорт и антидемпинговые меры защиты внутреннего рынка : монография / Г.Г. Мокров. – М. : Проспект, 2016, 352 с.

17. Портанский А.П. Многосторонняя торговая система (1947-2014 гг.) и участие в ней России : учебное пособие / А.П. Портанский. –М. : Международные отношения, 2015, 224 с.

18. Вахабов А. В., Разыкова Г. Х., Хажибакиев Ш. Х. Иностранныеинвестиции и модернизация национальной экономики / Под ред. д. э. н.,проф. А. В. Вахабова — Т.: Молия, 2011, 300 с.

19.Вахабов А. В., Разыкова Г. Х. Модернизация экономики. Учебноепособие. — Т.: Иқтисод-Молия. 2014, С. 200.

20. Васильев В. С. Мировой финансово-экономический кризис: фаза 3(пирамиды долга). //США * Канада: экономика, политика и культура,№ 3, 201 И.е. 3-22.

21. Красавина ЖИ. Н. Тенденции развития международных валютныхотношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньгии кредит, № 11, 2011. с. 13-21.

22.Кириченко Э. В., Кулакова В. К. Результаты антикризисной политикиСША. // Международная экономика, № 11, 2011. с. 47-56.

23. Курманалиева Э. Международные потоки капитала в странах СНГ. // Международная экономика, № 10, 2011. с. 28-30.

24.Самарцев В. В. Экономическая дипломатия КНР в Азиатском регионе.// Международная экономика, № 8, 2014. с. 25-41.

25. Сидоров А. А. Кризис конкурентоспособности еврозоны. //Международная экономика, № 3, 2014. с. 30-39.

26. Савойский А. Г. Второй цикл Группы БРИКС. //Международнаяэкономика, № 7, 2018. с. 21-28.

27. Асиан Девелопмент Банк: Промотинг энвиронменталлй Сустаинабле гровтҳин Асиа анд тҳе Пасифис. Аннуал репорт, 2019.

28. Билатерал Инвестмент Треатиес 1959-1999. УН, Нew Ёрк анд Генева, 2018 ФАО. 2018. Тҳе Стате о ф Фоод Инсесуритй ин тҳе Ворлд 2018. Роме, 2018

29. Фоод анд Нутритион ин Нумберс 2018. Роме, 2018. п. 249.

30.Глобал эмплоймент Трендс 2019: Тҳе чалленге о ф а жобс ресоверй/ ИнтернационалЛабоур Оффисе. — Генева: ИЛО, 2019.

31. Глобал эмплоймент Трендс 2019: Риск оф а жоблесс ресоверй? / Интернационал.

32. Ҳуман Девелопмент Репорт 2019: Сустаининг Ҳуман Прогресс: Редусинг Вулнерабилитиес анд Буилдинг Ресилиенсе. Нew Ёрк, 2019. п. 239.

33. Интернационал Монетарй Фунд, ИМФ Финансиал Операционс (Вашингтон, Остобер 2018). П. 183.

34. Шепенко Р.А.Введение в право ВТО: курс антидемпингового регулирования : учебное пособие / Р.А. Шепенко. – М. : Проспект, 2015, 216 с.

35. Шумилов В.М.Право Всемирной торговой организации (ВТО) :учебник для магистров / В.М. Шумилов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. :Юрайт, 2019, 219 с.

36. Trade Profiles 2019 WTO. Geneva, 2019. p. 202.

37. UNCTAD Handbook of Statistics 2019. New York and Geneva 2019. p. 364.

37. http://www.internationaldisabilityalliance.org/content/ida-members

38. https://en.wikipedia.org/wiki/Valdai_Discussion_Club

39. https://www.iso.org/ru/home.html

40. https://www.opec.org/opec_web/en/about_us/25.htm

41. http://www.ofid.org.

42. http:www.SCO.ru

Илова

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚАРОРГОҲЛАРИ РЎЙХАТИ

Бирлашган Милларлар ташкилотлари

	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
1	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	United Nations UN	Нью-Йорк, АҚШ	1945 йил	www.un.org
2	Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти	Food and Agriculture Organisation FAO	Палаззо ФАО, Рим, Италия	1945 йил	www.fao.org
3	Халқаро меҳнат ташкилоти	International Labour Organisation ILO	Женева, Швейцария	1919 йил	www.ilo.org
4	Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти	International Civil Aviation Organisation ICAO	Монреал, Квебек, Канада	1947 йил	icao.int
5	Халқаро денгиз ташкилоти	International Maritime Organisation IMO	Лондон, Буюк Британия	1959 йил	www.imo.org
6	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олий қочоқлар ишлари бўйича комиссар	United Nations High Commissioner for Refugees UNHCR	Женева, Швейцария	1950 йил	www.unhcr.org
7	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ОИВ / ОИТС бўйича дастур	United Nations Programme on HIV/AIDS UNPHA	Женева, Швейцария	1996 йил	www.unaids.org
8	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атом энергияси комиссияси	United Nations Atom energy Commission UNAEC	Нью-Йорк, АҚШ	1946 йил	-
9	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш фонди	United Nations Capital Development Fund UNCDF	Нью-Йорк, АҚШ		www.uncdf.org
10	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси	United Nations Childrens Fund UNCF	Нью-Йорк, АҚШ	1946 йил	www.unicef.org
11	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури	United Nations Development Programme UNDP	Нью-Йорк, АҚШ	1965 йил	www.undp.org
12	Бирлашган Миллатлар Таълим, Илмий ва маданий Ташкилот	United Nations educational Sciencific and Culture Organisation UNESCO	Париж, Франция	1946 йил	yen.unesco.org

13	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳит Дастури	United Nations Enviroment Programme UNEP	Найроби, Кения	1972 йил	www. unenviron
14	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти БМТнинг яшаш жойлари дастури	United Nations Human Settlement Programme Unhabitant UNHSPU	Найроби, Кения	1978 йил	ment.org
15	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саноат тараққиёт ташкилоти	United Nations Industrial Development Organisation UNIDO	Вена, Австрия	1985 йил	unhabitat.org
16	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Табиий офатларни камайтириш стратегияси	International Strategy for Disaster reduction UNSDR	Женева, Швейцария	2000 йил	www.unido. org
17	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар бўйича идораси Жиноят ва жиноятчилик бўйича	United Nations Office on Drugs and Crime UNODC	Вена, Австрия	1997 йил	www.undrr. org
18	Умумжаҳон почта иттифоқи Берн	United Nations Union UNU	Берн, Швейцария	1874 йил	www.unodc. org
19	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти	World Health Organisation WHO	Женева, Швейцария	1948 йил	www.upu.int
20	Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	World Intellectual Property Organisation WIPO	Женева, Швейцария	1967 йил	www.who.int
21	Жаҳон Озиқ-овқат Дастури	Wolrd Food Programme WFP	Рим, Италия	1961 йил	www.wipo.int
22	Жаҳон метеорологик ташкилоти	World Meteorological Organisation WMO	Женева, Швейцария	1950 йил	www.wfp.org
23	Жаҳон сайёҳлик ташкилоти	United Nations World Tourism Organisation UNWTO	Мадрид, Испания	1957 йил	public.wmo. int
24	Халқаро қутқариш қўмитаси	International Rescue Committe IRC	Нью-Йорк, АҚШ	1933 йил	www.unwto. org
25	Халқаро атом энергияси агентлиги	International Atomic energy agency IAEA	Вена, Австрия	1957 йил	www.rescue. org
26	Халқаро Телекоммуникациялар иттифоқи	International Telecommunication Union ITU	Женева, Швейцария	1947 йил	www.iaea.org
27	Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар идораси	Office of the High Commissioner for Human Rights OHCHR	Женева, Швейцария	1993 йил	www.itu.int

Сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар

28	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
29	Европа Иттифоқи	Eropean Union EU	Брюссель	1958 йил	europa.eu
30	Африка, Кариб ва Тинч океани давлатлари гуруҳи	African, Carribean and Pasific Group of States ACPGS	Брюссель, Белгия	1975 йил	www.acp.int
31	Африка Иттифоқи	African Union AU	Аддис Абаба, Ёханнесбург	2001 йил	au.int
32	Анд жамияти	Andean Commuty AC	Лима, Перу	1969 йил	www. comunidad
33	Араб Лигаси (Араб давлатлари лигаси)	Arab League AL	Қоҳира	1905 йил	andina.org
34	Араб Мағриб Иттифоқи	Arab Maghreb Union AMU	Рабат, Марокаш	1956 йил	www.Las
35	Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги	Asian-Pacific economic Cooperation APEC	Сингапур	1905 йил	Portal.org
36	Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси	Association of Southest Asian Nations ASEAN	Жакарта, Индонезия	1967 йил	www.umaghre
37	Кариб денгизи ҳамжамияти	Carribean Community CC	Жоржтаун, Гаяна	1973 йил	barabe.org/en
38	Марказий Америка парламенти	Central American Parlament CAP	Гватемала	1980 йил	www.APEK.org
39	Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори	Common Market of east and Southern Africa CMESA	Лусака, Замбия	1994 йил	asean.org
40	Миллатлар ҳамдўстлиги (Британия ҳамдўстлиги)	Commonwealth of Nation (British Commonwealth) CN	Лондон, Буюк Британия	1926 йил	caricom.org
41	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (Россия ҳамдўстлиги)	Commonwealth of Independent States (Russian Commonwealth) CIS	Москва, Россия	1991 йил	www.parla
42	Европа Кенгаши	Counsil of Europe CE	Страсбург, Франция	1949 йил	cen.int
43	Шарқий Африка ҳамжамияти	East African Community EAC	Аруша	1967 йил	www.comesa.int
44	Ғарбий Африка давлатларининг иқтисодий ҳамжамияти	Economic Community of West African States ECWAS	Абужа, Нигерия	1975 йил	thecommon
45	Европа эркин савдо уюшмаси	Europen Free Trade Association EFTA	Женева, Швейцария	1960 йил	wealth.org
46	Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши	Golf Cooperation Counsil GCC	Риёз, Саудия Арабистони	1981 йил	www.cisstat. com
47	Ҳинд океани комиссияси	Indian Ocean Commition IOC	Порт-Луис, Маврикий	1982 йил	www.coe.int

48	Қўшилмаслик ҳаракати	NON-Aligenet Movement NAM	Нью-Йорк, АҚШ	1961 йил	www.eac.int
49	Шимолий кенгаш	Nordis Counsil	Копенгаген, Дания	1952 йил	www.eac.int
50	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Organisation for economic Cooperation and development OECD	Париж, Франция	1948 йил	www.efta.int
51	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти	Organisation for Security and Cooperation in Europe OSCE	Вена, Австрия	1973 йил	gcc-sg.org
52	Америка штатлари ташкилоти	Organisation of American States OAS	Вашингтон, Америка	1948 йил	commission
53	Шарқий Кариб денгизи давлатлари ташкилоти	Organisation of Eastern Carribean States OECS	Кастриес, Сент-Лусия	1981 йил	oceanindien.org
54	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти	Organisation of Islamic Cooperation OIC	Жидда, Саудия Арабистони	1969 йил	mnoal.org
55	Тинч океани ҳамжамияти давлат котибияти	Secretariat of the Pacific Community SPC	Нумеа	1947 йил	www.norden.org
56	Тинч океани ороллари-нинг форуми	Pacific Islands Forum PIF	Сува, Фиджи	1971 йил	www.oecd.org
57	Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси	Soth Asian Association for Regional Cooperation SAARC	Катманду, Непал	1985 йил	www.osce.org
58	Жанубий Африка Ривожланиш Ҳамжамияти	Sothern African Development Community SADC	Габороне, Боцвана	1992 йил	www.oas.org
59	Жанубий Америка халқлари иттифоқи	Union of South American Nations USAN	Қуито, эквадор	2004 йил	www.oecs.org
60	Фуқаролари бўлмаган миллатлар ва халқлар ташкилоти	Unpresented Nations and Peoples Organisation UNPO	Гаага, Голландия	1991 йил	www.oic-oci.org
61	Жаҳон савдо ташкилоти	World Trade Organisation WTO	Женева, Швейцария	1995 йил	www.spc.int
62	Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси	Economic and Social Commission for Asia and the Pacific ESCAP	Бангкок, Таиланд	1947 йил	www.forum

Ҳарбий ташкилотлар

63	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
64	Шимолий Атлантика шартномаси	North Atlantic Treaty Organisation NATO	Брюссель, Белгия	1949 йил	www.nato.int

65	Европа хавфсизлиги ва мудофааси сиёсати	European Security and Defence Policy ESDP	Париж		-
66	Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти	Shanghai Cooperation Organisation SCO	Пекин, Хитой	1996 йил	www.sectsco.org
67	Коллектив хавфсизлик шартномаси	Collective Security Treaty Organisation CSTO	Москва, Россия	1992 йил	www.odkb-csto.org
68	Тинчлик ва хавфсизлик кенгаши	Peace and Security Counsil PSC	Аддис-Абеба		-

Молиявий ташкилотлар

69	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
70	Жаҳон банки	World Bank WB -	Вашингтон, АҚШ	1944 йил	www.world
71	Африка Ривожланиш Банки	African Development Bank ADB	Абиджан, Фил Суяги Соҳили (қонуний) ва Тунис, Тунис (вақтинча)	1963 йил	bank.org
72	Осиё Тараққиёт Банки	Asian Development Bank ADB	Метро Манила, Филиппин	1966 йил	www.afdb.org
73	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	European Bank for Reconstruction and Development EBRD	Лондон	1991 йил	www.adb.org
74	Америкалараро ривожланиш банки	Inter-American Development Bank IADB	Вашингтон	1959 йил	www.ebrd.com
75	Халқаро валюта фонди	International Monetary Fund IMF	Вашингтон	1945 йил	www.iadb.org
76	Ислом тараққиёт банки	Islamic Development Bank	Жидда, Саудия Арабистони	1973 йил	imf.org
77	Халқаро валюта жамғармаси	International Monetary Fund IMF	Вашингтон, АҚШ	1945 йил	www.isdb.org
78	Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди	International Fund for Agricultural Development IFAD	Рим, Италия	1977 йил	imf.org
79	Халқаро ҳисоб-китоблар банки	Bank for International Settlement	Базел, Швейцария	1930 йил	www.ifad.org
80	Қора Денгиз савдо ва ривожланиш банки	Black Sea Trade and Development Bank BSTDB	Салоники, Греция	1997 йил	www.bis.org

81	Кариб денгизини ривожлантириш банки	Carribean Development Bank CDB	Бриджтаун, Барбадос	1969 йил	www.bstdb.org
82	Шимолий ривожланиш фонди	Nordis Development Fund NDF	Хелсинки, Финляндия	1989 йил	www.cari
83	Шимолий инвестиция банки	Nordis Investment Bank NIB	Хелсинки, Финляндия	1970 йил	bank.org
84	Европа Марказий банки	European Central Bank ECB	Франкфурт, Германия	1998 йил	www.ndf.fi

Спорт федерациялари

85	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
86	Осиё футбол конфедерацияси	Asian Football Confederation AFC	Куала-Лумпур, Малайзия	1954 йил	www.the-afc.com
87	Африка Футбол Конфедерацияси	Confederation of African Football CAF	Миср	1957 йил	www.caf
88	Шимолий, Марказий Америка ва Кариб ҳавзалари футбол уюшмаси конфедерацияси	Confederation of North, Central American and Carribbean Association Foodball CNCACAF	Маями, Флорида, АҚШ	1961 йил	online.com
89	Жанубий Америка футбол конфедерацияси	South American Football Confederation SAFC	Лукуе, Парагвай	1916 йил	www.conca
90	Океания Футбол Конфедерацияси	Oceania Foodball Confederation OFC	Окленд, Янги Зеландия	1966 йил	caf.com
91	Европа футбол уюшмалари иттифоқи	Union of Eropean Foodball Association UEFA	Нён, Швейцария	1954 йил	www.conme
92	Жаҳон шахмат федерацияси (Фе́де́ратион Интернационале дес Е́ссс)	World Chess Federation WCF	Афина, Греция	1924 йил	bol.com
93	Халқаро футбол ассоциацияси федерацияси (Халқаро футбол уюшмалари федерацияси)	International Federation of Association Foodball IFAF	Сюрих, Швейцария	1904 йил	www.oceania
94	Халқаро Крикет Кенгаши	International Cricked Counsil ICC	Дубаи, Бирлашган Араб Амирликлари	1909 йил	football.com
95	Халқаро Олимпия Қўмитаси	International Olympic Committe IOC	Лозанна, Швейцария	1894 йил	www.uefa.com

96	Халқаро Паралимпия Қўмитаси	International Paralympic Committe IPC	Бонн, Германия	1989 йил	www.fide.com
97	Халқаро Регби Футбол Кенгаши	World Rugby (International Rugby Footbal Board) WRIFB	Дублин, Ирландия	1886 йил	www.fifa.com
98	Ҳамдўстлик ўйинлари федерацияси	Commonwealth Games Federation CGF	Лондон, Буюк Британия	1930 йил	www.icc-cricket.com
99	Халқаро теннис федерацияси	International Tennis Federation ITF	Лондон, Буюк Британия,	1913 йил	www.olym
100	Бадминтон Жаҳон федерацияси	Badminton World Federation BWF	Куала Лумпур, Малайзия	1934 йил	pic.org
101	Халқаро хоккей федерацияси	International Hockey Federation IHF	Лозанна, Швейцария	1924 йил	www.para

Молиявий ташкилотлар

102	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
103	Европа космик агентлиги	European Space Agency ESA	Париж, Франция	1975 йил	www.esa.int
104	Ҳинд космик тадқиқотлари ташкилоти	Indian Space Research Organisation ISRO	Бангалор, Ҳиндистон	1969 йил	www.isro.
105	Миллий аеронавтика ва космик маъмурияти	International Aeronautiss and Space Administartion NASA	Вашингтон, АҚШ	1958 йил	gov.in
106	Буюк Британия космик агентлиги	United Kingdom Space Agency UKSA	Свиндон, Уилцҳире	2010 йил	www.nasa.gov
107	Хитой миллий фазо маъмурияти	China National Space Administration CNSA	Пекин, Хитой	1993 йил	www.gov.
108	Россия Федерал космик агентлиги	Russian Federal Space Agency ROSKOSMOS	Москва, Россия	1992 йил	uk/ukspace
109	Франция космик агентлиги	French Space Agency FSA	Париж, Франция	1961 йил	agency
110	Япония аерокосмик тадқиқот агентлиги	Japan Airospace exploration Agency JAE	Токио, Япония	2003 йил	www.cnsa.
111	Немис аерокосмик маркази	German Airospace Center GAC	Кёлн	1969 йил	gov.cn
112	Италия космик агентлиги	Italian Space Agency ISA	Рим, Италия	1988 йил	yen.ros

Бошқа муҳим ташкилотлар

113	Ташкилот номи	Ташкилот номи (инглиз тилида) қисқартмаси билан	Қароргоҳи	Асос солинган сана	Сайти
114	Коломбо режаси	Colombo Plan CP	Коломбо, Шри Ланка	1950 йил	colombo-plan.org
115	Антарктика шартномаси тизими	Antarctic Treaty System ATS	Вашингтон, АҚШ	1959 йил	www.ats.aq
116	Ҳукуматлараро Ривожланиш органи	Intergovernmental Authority on Development IGAD	Джибути	1986 йил	igad.int
117	Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси	International Commotte of the Red Cross ICRC	Женева, Швейцария	1863 йил	www.icrc.org
118	Халқаро адолат суди	International Court of Justice ICJ	Гаага, Голландия	1945 йил	www.icj-cij.org
119	Халқаро жиноят суди	International Criminal Court ICC	Гаага, Голландия	1998 йил	www.icc-cpi.int
120	Халқаро жиноят полицияси ташкилоти	International Criminal Police Organisation INROPOL	Лион, Франция	1923 йил	www.inter
121	Халқаро Қизил Федерацияси ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари	International Federation of Red Cross and Red Cressent Society IFRCRCS	Женева, Швейцария	1919 йил	pol.int
122	Халқаро Миграция ташкилоти	International Organisation for Migration IOM	Женева, Швейцария	1951 йил	www.ifrc.org
123	Халқаро Миграция сиёсатини ишлаб чиқиш маркази	International Center for Migration Policy Development ICMPD	Вена, Австрия	1993 йил	www.iom.int
124	Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот	Organisation for the Prohibition of chemical Weapons OPCW	Гаага, Голландия	1997 йил	www.ic
125	Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти	Organisation of the Petroleum Exporting Countries OPEC	Вена, Австрия	1960 йил	mpd.org
126	Бутунжаҳон ҳожатхона ташкилоти	World Toilet OrganizationWTO	Сингапур	2001 йил	www.opcw.org

МУСТАФАКУЛОВ ШЕРЗОД ИГАМБЕРДИЕВИЧ,
ИСЛАМОВ АНВАР АШИРҚУЛОВИЧ,
ИСАЕВ ҚОБИЛЖОН АБДУҚОДИРОВИЧ,
РАХИМБЕРДИЕВ ОЙБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИ

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

(Дайжест)

Тошкент –«Илм-фан ва инновация» – 2022

Муҳаррир	С. Алимбаева
Техник муҳаррир	А.Эргашев
Мусаввир	А. Шушунов
Мусаҳҳиҳ	Л. Ибрагимов
Саҳифаловчи	Ш. Сирожиддинов

Нашриёт лицензияси № 4913-3160-38f4-4927-7ad7-2416-2546, 02.06.2021.

25.05.2022 йилда босишга рухсат этилди.

25.05.2022 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70×100 $^{1}/_{16}$. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 21,0. Нашр босма табоғи 20,75. Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № 28. Баҳоси шартнома асосида.
«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй.
Тел.: +998999209035 e-mail: nashr2019@inbox.ru